

ГҮРҮҒЛИНИНГ САФАРИ

Ўзбек халқ дostonлари



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Адиб ва
жамият

Айтувчи: Ўзбекистон халқ бахшиси
Қаҳҳор РАҲИМОВ

ГҲРҲҲЛИНИНГ САҲАРИ

Достонлар



ТОШКЕНТ
“АДАБИҲОТ”
2022

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ў)6

М 71

Гўрўғлининг сафари [Матн]: *Достонлар*. Айтувчи:
М 71 Ўзбекистон халқ бахшиси Қахҳор Раҳимов. – Тошкент:
«Adabiyot» нашриёти, 2022. – 328 б.

**Ёзиб олувчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар
муаллифлари:**

Жаббор Эшонқулов – *филология фанлари доктори, профессор*
Абдиолим Эргашев – *филология фанлари доктори*

Масъул муҳаррир:

Абдумурод Тилолов – *филология фанлари номзоди, доцент*

Ўзбек халқ оғзаки ижодида “Гўрўғли” туркумига кирувчи достонлар юздан ошади. Туркумлиқнинг катта бир қисмини Гўрўғлининг ўзи ҳамда Авазхон, Нурали ҳақидаги достонлар ташкил этади. Бу достонларда кўпроқ Аваз ва унинг фарзандлари, Аҳмад сардор ўртасидаги азалий зиддиятлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шунинг учун ҳам “Малла савдогар” ва “Гўрўғлининг сафари” қайсидир даражада бир-бирини тўлдирувчи достонлар ҳисобланади.

“Малла савдогар” достонининг ҳозиргача бир неча вариантлари нашр этилган. Бу вариантлар ҳар бир бахшининг дунёқарашини, эпик тафаккури, маҳорати жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Биз муҳтарам ўқувчиларга Ўзбекистон халқ бахшиси Қахҳор бахши Раҳимовдан ёзиб олинган “Малла савдогар” ҳамда илк марта нашр юзини кўраётган “Гўрўғлининг сафари” достонларини тақдим этмоқдамиз. Бу достонлар халқона қадриятларни акс эттириши, мардлик ва жасоратни улуғлаши билан ажралиб туради.

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-7658-3-2

© “ADABIYOT”, 2022

ЯНГИЛАНАЁТГАН АЗАЛИЙ АНЪАНАЛАР

Эпик ижод ҳар бир халқнинг бадиий тарихидир. Шундай экан халқимиз тарихи, маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятлари борасида тасаввурга эга бўлиш учун энг аввало, фольклор санъати ва унда эпик анъаналарнинг тутган ўрни ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Зеро, эпик анъана давомчилари, яъни унинг ижрочилари бўлмиш бахшилар миллат тарихи, санъати, маданиятини минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган, авлоддан-авлодга етказаётган, миллий маданият, тарих ва фалсафага ўзининг беназир улушини қўшиб келаётган улкан ижодкорлардир. Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: “Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир”.¹

Халқимизнинг “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмуш”, “Рустамхон” каби улкан бадиий обидалари ҳам бизга ана шундай эпик ижодкорлардан мерос бўлиб қолган. Бахши ўз эпик хотирасида ана шу қадим анъаналарни сақлаб, уни авлодларга етказиб келган ва ҳар гал ижро этилганда бу эпик анъана янада бойиб, янгиланиб борган. Улар эпик билим ва эпик хотиранинг меросхўрлари, асровчилари эдилар. Аждодлардан мерос қолган бу эпик хотирани улар ўз қуввай ҳофизасига кўра ижро этганлар. Ижрони эса улар шубҳасиз ўз устозларидан ўрганганлар, эпик қолипларга амал қилганлар, шу тахлит улар эпос қонуниятини яратганлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019 йил, 7 апрель.

Шунинг учун ҳам миллий маданиятимизда халқ оғзаки намуналарини ижро этувчи ижодкорлар – бахшилар алоҳида ўрин тутади. Бадиий сўз санъатининг энг юксак кўриниши бўлган эпик ижодкорликда биз ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисага айланиш жараёнини кузатамиз. Бу жараён, шубҳасиз, халқимизнинг қадим тарихи, мифологик тафаккури, кўп асрлик миллий маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривож топган.

Маълумки, эпик ижодкорлар деганда биз Бахши (озан, оқин, жиров, соқи, созчи, юзбоши, санновчи ва ҳакозо)ларни,¹ Халфалар (якка халфалар, коллектив халфалар)ни, қиссахонларни, маддоҳларни, эртакчиларни тушунамиз. Бу ижодкорларга хос бўлган умумий жиҳат ижодкорлик бўлса-да, эпик асарларнинг авлоддан-авлодга сақланиб қолишида, бахшилар алоҳида ўрин тутади. Ўз навбатида бахшилар ҳам маълум бир ҳудуднинг локал хусусиятлари (Мисол учун Ўзбекистонда) Жанубий ҳудуд – Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё; б) Марказий ҳудуд – Тошкент вилояти ва водий; в) Хоразм) ҳамда ижро асбоблари (1. Дўмбира. 2. Қўбиз. 3. Дутор (тор, ғижжак, баломон), Ижро услуби (1.Ички овозда куйловчи бахшилар; 2. Ташқи овозда куйловчи бахшилар) Ижро имконияти ва поэтик маҳорати (1. Ижодкор бахшилар; 2. Ижрочи бахшилар)га кўра фарқликларга эга. Эпик ижодкор ҳақида сўз юритаётганда, ана шу жиҳатларни эътиборда тутмоқ лозим бўлади.

Инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бўлган сўз санъати тарихи жуда қадимий бўлиб, унинг илк илдизлари юқорида таъкидлаганимиздек, жаҳон халқларининг фольклори тарихи, яъни сўз саънати тарихида ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисаларга айланиши масаласи билан боғлиқдир.

¹ Қаранг: Жирмунский В.М., Зарипов Х. Узбекский народной героической эпос. – М.:1947. – С.23–58; Мирзаев Т.Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: "Фан", 1979. – Б.150.

Сўз санъатининг илк ноэстетик илдизларини эса биз жаҳоннинг барча халқлари фольклори тарихида кўра-миз.¹ Халқнинг мифологик тафаккурдан поэтик идрок қилишга ўтиши ва унинг самараси бўлган бугунги маънодаги фольклор мероси шунчалар мураккабки, унинг айрим намуналарида ҳозиргача ибтидий жамоа тузуми ва ундан кейинги илк маданий босқичларнинг изларидан то замонавий маиший турмуш ҳамда қарашларнинг қайта-қайта поэтик мушоҳада қилинган бадиий ифодаларигача кўришимиз мумкин.

Оғзаки сўз санъатида энг кичик мақол жанридан то энг йирик эпик жанрларигача мансуб асарларнинг тарихи, бадиияти, бадиий-эстетик аҳамияти, энг аввало, унинг ижодкори халқ ва унинг етук вакиллари, жумладан, унинг юксак ифодаси бўлган профессионал халқ бахшиларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Бахшилар ҳақида сўз борар экан, бугун албатта Ўзбекистон халқ бахшиси Қодир бахши Раҳимовнинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади.

Дарҳақиқат, **Қаҳҳор бахши Раҳимов** 1957 йил Қашқадарё вилоятида Деҳқонобод туманидаги Хўжамаҳмуд қишлоғининг Чалика овулида Қодир бахши оиласида туғилган. Етти аждоди бахши бўлиб ўтган Қаҳҳор бахши бу санъат сирларини отаси Қодир бахшидан ўрганган. Репертуаридаги дostonларнинг аксариятини ва анъанавий термаларни отаси репертуаридан ўзлаштирган бўлса, уйдаги Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир ва Умир шоирларнинг чоп этилган дostonларини болалиқдан ўқиб ҳам куйма қулоқлиги сабабли репертуарини бойитиб борган.

Қишлоғидаги ўрта мактабни тамомлагач Қарши давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетида ўқиш даврида фольклорга оид, хусусан, дoston-

¹ Жирмунский В. М. Легенда о призвании певца // Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Л. "Наука", 1979. – С. 397–407; Гринцер П.А. Древнеиндейский эпос. – М.:1974. – С.15–31.

чиликка доир назарий маълумотларни фольклоршунос Абдимўмин Қахҳоровдан олган.

Ҳозиргача Қахҳор бахшидан ёзиб олинган “Ёдгор”, “Ёзи билан Зебо” (Қодир бахши билан ҳамкорликда), “Аҳмад Яссавий”, “Кўнғирот”, “Маҳтумқули”, “Оллоназар Олчинбек”, “Қодир бахши ҳақида дoston” дostonлари Ўзбекистонда, “Алпомиш” ва “Темур ва Боязид” дostonлари мусиқа ноталари билан Туркияда чоп этилган. Шунингдек, кўплаб термалари, “Тонг юлдузи” номли шеърий тўплами, “Яшиндан отилган чақмоқ” эссеси нашр этилган.

Қахҳор бахши республика, ҳамдўстлик мамлакатларида ўтказилган бахши шоирлар кўрик танловларининг бир неча бор ғолиби, Америка, Туркия, Франция каби кўплаб хорижий давлатларда бўлган.

Қахҳор бахши Раҳимов 2001 йилда «Ўзбекистон Республикаси Халқ бахшиси» фахрий унвони, 2019 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Ҳозирги кунда ўттиздан зиёд ёш бахшиларга устозлик қилмоқда.

Қодир бахши Раҳимов куйлаган дostonлар орасида “Малла савдогар” ва “Гўрўғлининг сафари” дostonлари алоҳида ажралиб туради.

«Малла савдогар»да эпик қахрамоннинг дунёга келиши ва болалиқдан бошига тушган кулфатлар баён қилинади. “Гўрўғли” силсила дostonларига кирувчи Нурали туркумидаги дostonларнинг кенг тарқалганидан бирини «Малла савдогар» номи билан аталган дoston вариантлари ташкил этади. Фольклоршунослар мазкур дostonнинг Жўра Эшмирза ўғли, Хушвақт бахши Мардонақулов, Исмоил Ражабов, Чоршанби Раҳматуллаев, Қора ва Чори Умировлар, Қодир бахши Раҳимов (икки вариантда), ака-укалар Қахҳор бахши, Абдимурод бахши, Баҳром бахши Раҳимовлар, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Шодмон Хўжамбердиев, Расул бахши Умиров каби дostonчилардан 20 дан ортиқ вариантини ёзиб олишган. Шулардан Жўра Эшмирза варианты (устоз Тўра Мирзаев ва Зубайда Хусаинова нашрга тайёрлаган), Чоршанби Раҳ-

матуллаев, Шоберди Болтаев ва Абдуназар Поёнов вариантлари (Ж.Эшонқулов нашрга тайёрлаган) чоп этилган.

Дoston воқеалари Жўра Эшмирза ўғлида Гўрўғлининг Авазни олиб келиб, тўй қилиб, уй-жой солиб бериб, уйлантириб, Нурали туғилиб, 7 ёшга кирганда тўй қилиши, Қодир бахши айтган биринчи вариантда Аваз қизи Гулнор туғилганда отаси Гўрўғли билан қизини туғилганини тўй қилмагани ҳақида аразлашиб қолиши ва Гўрўғлининг Аваз ўғил кўрса тўй қилишини айтиши ҳамда Нурали туғилгач элга тўй бериши, Чоршанби бахши вариантыда Гўрўғлининг юртига меҳмон келмаганидан зорланиб меҳмон кутиши, Шоберди бахшида бир йигит мўйлов тўйи қилиши, Абдуназар бахшида Гўрўғли йигитларидан бири Холдорхоннинг тўй қилиши воқеалари таърифи билан бошланади.

Барча вариантларда икки сюжет чизиғи ётади. Биринчиси, келган меҳмон Авазни кўпкарида енгиб дўст бўлиб, бирон йўл билан унинг ориятига теккан ҳолда Чамбилдан олиб чиқиб кетади. Чунки иккинчи сюжет чизиғининг юзага келиши, яъни, Аҳмад сардор, Авазнинг хотини ва болаларини сотиши учун Аваз Чамбилда бўлмаслиги шарт. Ана шундан сўнг Аҳмаднинг Гўрўғлини Авазни Чамбилни ташлаб кетганига ишонтириш шартли келиб чиқади.

Қодир бахши куйлаган иккинчи вариант, Бойсун дostonчилик мактаби вакиллари хос бўлиб, биз кўриб ўтган вариантлардан батамом фарқ қилади. Ўхшашлик фақат болаларининг сотилиши ва уларнинг топилишидадир. Бу вариант Авазнинг ёмон туш кўриб, Гўрўғлининг таклифи сабабли овга чиқиши билан бошланади. Ойдин кўлда етти кунда ҳам ҳеч нарса овлай олмаган Аваз Чамбил келаётган савдогарларга дуч келиб, улардан бож сўрайди. Аммо Ҳайит овшар бож бермагач, олишиб йиқитади ва карвони билан Чамбилга ҳайдаб келади, Ҳайит овшар Гўрўғлига ҳам бож тўлашдан бош тортгач, мол-мулки олиниб зиндонга солинади. Анча фурсат-

дан сўнг Мисрнинг шоҳидан Чамбилга чақирувчи келиб Гўрўғлини тўйга таклиф этади. Аммо Гўрўғли тўйга бормоқчи ҳам, бирор кишини юбормоқчи ҳам эмас. Бироқ Аҳмаднинг таклифи билан қирқ йигитдан ким бориши сўралганда, ҳамишагидек Аваздан бошқа ҳеч ким қўрқиб чиқмайди. Аҳмад қари эса тўй сафарида Авазни ўлдириш учун Ҳайит овшарни зиндондан чиқариб ҳамроҳ қилади. Миср боргунча ва Санамгавҳар шартларини бажариб қайтгунча, Ҳайит овшар бир неча бор Авазнинг жонига қасд қилади, аммо Гиротнинг сезгирлиги, чилтонлар мадади билан Аваз омон қолади. Бу вариантда Аваз болаларининг сотилиши сабаблари ҳам ўзгачароқ. Гўрўғли Авазни излаб кетган, Аҳмад Қари Чамбилда қолган. У тўй-томоша қилиб ётибди. Аҳмад ўтиб бораётган Нуралини ҳақоратлайди. Нурали эса онасидан отни сўраб олиб, кўпқарига қўшилади ва Аҳмад қарининг ўғлини отдан ағдариб, улоқни олиб кетади. Аҳмад шунинг аламига Нурали, Гулиноҳ ва Узумкўзни сотади.

«Малла савдогар» ва «Гўрўғлининг сафари» дostonларининг Қаҳҳор бахши вариантыдаги воқеликни англаш учун энг аввало асарда қўйилган муаммони, асарнинг ғоявий йўналишини ёки дostonчи ва у мансуб бўлган мактаб бахшиларининг ғоявий ниятини аниқламоқ керак.

Бунинг учун эса, асосан, Аҳмад қари образининг асарда тасвир этилиши шартини, Гўрўғли, Аваз ҳамда Нуралига юклатилган вазифа меъёрини кўриб чиқиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина дostonнинг ғоявий-бадий хусусиятларини, дostonчининг шахси ва маҳоратини, дostonчилик мактабининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб олган бўламиз. Чунки Аҳмад қари образи айрим ҳолларда Самарқанд дostonчилигида ҳам айёр одам сифатида кўринади. Бироқ бу кам даражада. Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигида эса ҳамиша Аҳмад қари бор жойда албатта, бирон кўнгилсизлик бор, мудҳишроқ воқеа-ҳодиса содир бўлади. Шу ўринда

бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, Самарқанд ва бошқа дostonчилик мактабларида Аҳмадни сардор сифатлаши билан ажралмас бирикма сифатида ҳурматлашса, Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактабларида унга сардор сифатлаши кам қўлланади, балки қари нисбати асосий ўринни эгаллайди. Худди шу сифатлашни алмаштириб сардор ўрнига қарини қўллаш орқали ҳам қариб қуйилмаган, бир оёғи гўрда, у дунёни ўйлаши лозим бўлган кексанинг ўз ёшига мос бўлмаган кўнгилсиз қилиқлари, бадкирдорлиги таъкидлаб борилади.

Аҳмад Авазнинг муваффақиятларини, шон-шуҳратини, қаҳрамонликларини кўрарга кўзи йўқ. Сабаб эпосдаги воқеалар юз бераётган даврда Гўрўғли қарияпти, у эртами-индинми ўз ўрнини кимгадир бўшатиб беради. Бунга ягона муносиб номзод эса Аваздир. У уч томонлама:

– Гўрўғли йигитлари орасида энг алп баҳодир бўлгани;
– асранди бўлса-да, ўғиллиги;

– ақлли, ўйловли, садоқатли, ўз ишига пухталиги учун ҳам Гўрўғлининг биринчи тутинган ўғли Ҳасандан кўра эпик қаҳрамон ишининг давомчилигига мос. Яъни, Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигида Аваз биринчи планга чиқиб олган. Аҳмад қарининг эса юртига бегонанинг, хусусан, мусофир Авазнинг ҳукмдор бўлишга асло тоқати йўқ.

Ҳокимиятни бегона қилмаслик учун дастлаб Аваз йўлдан олиниши лозим. Ўшанда ворислик ўз-ўзидан Аҳмаднинг фарзандларига ўтади. «Гўрўғли» силсила дostonларида Аҳмад аввал Авазнинг шуҳратини, обрўсини кўролмаса, кейинроқ нияти ёвузроқ тус олиб боради. Гўрўғли биографиясида сўнгги даври акс этаётган намуналарида Аҳмад Авазни ўлдиришгина эмас, ҳатто унинг наслини ҳам тугатишдек қабиҳ фикрга келади ва шу мақсади учун ҳар қандай разилликдан қайтмайди.

«Малла савдогар» ҳамда «Гўрўғлининг сафари» (Гўрўғлининг кексайиб қолиши билан боғлиқ «Эрўғли», Гўрўғлининг ғойиб бўлиши) каби бир қанча вариантлари

мавжуд) каби мазкур туркумлиқдаги дostonларда асосий ғоявий йўналиш Гўрўғли, Аваз хусусан, Аҳмад қари фаолиятига қаратилган. Биз таҳлил этаётган дostonлар юзага келган пайтлар еру кўкни зир титратиб, ҳар қандай душманларга зўр келиб, ҳатто мифологик девлару аждарларга зарбаси ўтган, ёвузлик оламини зир қақшатган идеал қаҳрамон қариди. Бош қаҳрамон Гўрўғли ўзи туғилиб вояга етган, меҳнати, кураши, ҳаётини бахшида этиш туфайли бунёд қилган озодлик ва фаровонлик, тўкин-сочинлик ва бахтиёрлик рамзи бўлган Чамбилга ишларини давом эттиришга қодир, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга лаёқатли қаҳрамон ворисни ҳукмдор қилиб тайинлаши табиий.

Қаҳҳор бахши “Малла савдогар” дostonи воқеалари Авазнинг Тажанг дарёсида ўзи қувиб бораётган меҳмон қизга етиб олиб, қиз томонидан кўр қилингунча Қодир бахши вариант билан деярли бир хил давом этади. Қодир бахши вариантыда Авазнинг кўзини Ғирот тили билан ялаб очса, Қаҳҳор бахшида Аваз қирқ кун кўр бўлиб ётади ва уни Ғирот озиқ-овқат билан таъминлаб туради, Гулинор бориб Авазнинг кўр бўлиб йўлда қолганини айтгач, Ширвон шоҳи Шохдорхон йигирма беш минг қўшин юбориб, Авазни келтиришни буюради. Улар Олатовда тўриқ ташлаб Ғиротни тутадилар ва Авазни ўлган деб изига қайтадилар. Чилтонлар ёрдамида кўзи очилган Аваз Ширвонга келиб Ғиротга сайислик қилади. Икки йилдан сўнг эса Гулинорни қўшқидан олиб қочиб кетади. Йўлда изидан келган Шохдор қўшинларини енгади ва болаларини излаб топгач, Чамбилдан кетмоқчи бўлганда Ғирот қўймайди.

Бугунги кунда жонли ижро жараёнида ёзиб олинган “Гўрўғли” туркум дostonларининг вариантлари орасида, айниқса, биз таҳлилга тортган ҳар икки дoston ўзининг бадиияти билан, ҳар икки томондаги воқеаларни изма-из баён этиши билан эпик қаҳрамонлар руҳиятини кучли ифодалаши жиҳатдан ажралиб туради. Бу унинг

эпик от Ғиротга илтижолари ва Ғиротнинг унга кўрсатган жуда катта кўмагида ҳам кўринади. Устоз Ҳоди Зариф таърифлагандек бу дostonда ҳам Ғиротсиз эпик қаҳрамон Аваз жасорат ва мардлик кўрсатишга, машаққатларни енгишга, ёв устидан ғалаба қозонишга, мақсадига етишга қодир эмас. Эпик от Ғиротнинг эпик қаҳрамонга садоқати ва фидойилиги дostonда ўзига хос тарзда далилланади. Йўлда кўр бўлиб қолган Аваз ҳайдаса ҳам кетмайди, балки қирқ кун тоғдан ҳар хил гиёҳлар, мева-лар териб келиб эгасини боқади. Ёхуд болалари сотилганини билган Аваз қаҳр-ғазабга тўлиб Гўрўғлини ўлдирмоқчи бўлади, париларини чўпонга бермоқчи бўлганини Ғирот сезади-ю, Гўрўғлининг ўрдасига бормаи, кўрғондан учиб ўтиб кетаверади. У тўғри Миср мамлакатига бориб, Авазга болаларини топиб беради. Дostonда Аваз ва Ғирот муносабатлари орқали одам ва ҳайвоннинг бир-бирига меҳри жозибали руҳий яқинликда берилади:

*Воҳ, болам, деб Аваз кетди жумалаб,
Қараб турмас Ғирот борди онталаб,
Отангман деб сўқур кўзга ёш келди,
Ғирот кўздан ёш қўяди жалалаб.*

Фарзандларини олиб қайтаётган Аваз Асқар тоққа етгач, Ғирот билан розилашиб, ўзи Гуржистон кетмоқчи бўлади ва отни қанчалик ҳайдаса-да жойидан жилмайди. Аваз: “Гўрўғлига бор”, – деб тошласа ҳам бефойда:

*Дал Ғирот оёғин ерга тиради,
Термулиб баччағар бекка қаради.
Бир кишнаб Авазнинг келди қошига,
Сағана қиблага қараб туради.
Ғирот гулдираса тоғлар тешилди,
Авазхон товуши тордай эшилди,
Қараган қора кўз чидаш беролмас,
Ҳаммаси бўзлашиб бунда қўшилди.*

*Найлайн, дал Ғирот кўзин ёшлади,
Оёқ билан пешонасин қашлади,
Авазнинг очуви келган эканда,
Аямай тулпорни кет, деб тошлади.*

Аваз отнинг кўз ёшларига ҳам парво қилмай кетаётганда, “Ғирот осмону фалакка кўтарилиб, зарб билан ўзини ерга уриб, думини қирқ газ чўзаберди, у томон-бу томон катта учи – куйруғи йўқ жарликка айланди. Ғирот энди булар кетолмас, бориб Гўрўғлини олиб келайин, беҳабар қолмасин, болам кетибди, демасин, дегандай Чамбилга парвоз қилади ва бош эгасини олиб келгач, Гўрўғли, Юнус пари ва Мисқол пари, Авазни қайтаришга муваффақ бўлади. Худди шу вазифани ҳеч қайси инсон шу вазиятда бажариши мумкин эмас эди. Чунки одамда ақл-идрок бўлганда ҳам, учишга қанот йўқ. Ғиротдаги фавкулотда ғайритабиий қудратнинг борлиги, чексиз садоқати, парвоз қилиш қобилияти, ҳам одамлар, ҳам деву парилар, ҳам мастонлару жодугарлар тилинигина эмас, ниятини ҳам англаши, тилига тушуниш фазилатлари айрича бир юксакликда, мукамалликда талқин этиладики, ҳеч қайси эпик қаҳрамон гарчи инсон бўлса-да, у кўтарилган нуқтадагидек меҳр-муҳаббат билан куйланмаган. Ҳар бир вариантда юзлаб мисралар Ғирот таърифига, мадҳига бағишланар экан, бу олқиш бевосита узоқ ўтмишга, мифологияга бориб тақалади.

“Учар от”нинг мифологик тасаввурлар билан боғлиқлиги, дастлаб, унинг эртақ персонажига ҳомийлик қилишида ифодасини топган, қадимги инсонлар мана шу ҳомийлик қудратининг реаллашуви учун отни ғайритабиий кучга эга мавжудот сифатида мифда акс эттирганлар. Отнинг мана шу ҳомийлиги кенг тарзда доимий тасвир ўрнини эгаллаб келмоқда. Мифдаги икки реал нарса – от билан қанотнинг бири киши қаҳрамоннинг тўсиқларни енгиб ўтишида энг мушкул ишларни ҳал қилишда ўзига хос фантастикани келтириб чиқарадики,

худди шу ҳолат мифнинг дostonчилик жанрида яшаб келишига имкон берган.

Қодир бахши куйлаган “Жорхун Мастон” достонида мастонлар Нуралини ва Ғиротни асир олишгач, тошга айланган Ғиротни аравага ортиб жўнашади. Бир ҳафтадан сўнг отлар уни тортолмай қолганини кўриб, ўзига келтиради. Нуралининг Чамбилга хабар бер деган илтижосидан сўнг Ғирот бўйнидаги ўн икки ботмон занжирни узиб кўкка отилади: “Занжирлар бўйнидан узилиб кетди, искади жонивор изига қайтди, арава бузилди, тўзилиб кетди”. У изидан Семурғга айланиб, саксон ботмон тош кўтариб кетаётган Жорхун мастон билан кўкда жанг қилади:

*Чархи фалак бўлиб кўкда олишар,
Ушлаганда гириллашиб кетишар,
Бўйнига об иккови ҳам ўлимди,
Гоҳ тишлашиб, гоҳ тепишиб қолишар.*

*Жониворга жабр ўтиб боради,
Фалакда гириллаб икки кишнади,
Қизил қонлар бу фалакда томчилар,
Вафодор Ғир икки кўзин ёшлади.*

Ғиротнинг эпик қаҳрамонга ҳомийлигига энг кўп ўрин Чори бахши айтган “Тарки бадахшон” достонида берилган. Авазхон сафарининг ниҳоятда оғирлигини билган кузатувчилар Гўрўғли, Юнус, Мисқол парилар Ғиротга ҳам илтижо қилиб Авазни омон сақлашни сўрайдилар. Уларнинг фикрини англаган Ғирот Авазни Башир жодугар берган заҳардан ва Ҳафсар девдан қутқаради, тўрт юз газли зовдан омон олиб ўтади. Абдий музликлардан ташкил топган Тойғоқ тоғда ҳадсиз қийинчилик, азоб-уқубат, машаққатларни кўрган Аваздек қатъиятли, марди майдон, собит иродали, жасур ва қаҳрамон йигит: “Бекорга ўлиб кетмайлик, илож бўлмаса қайтайлик, Чам-

бил элларига кетайлик”, деб илтижо қилганда ҳам, Ғирот имкон излайди, чора ахтаради. “Қараса, жолтир тошдан ўтишга қирқ-эллик газ қолибди, тош муздек ялтираб ётибди, оёқ босса тойиб кетади, келган изига қайтиб кета олмайди, пастга қараса минг газ келадиган зов, мабодо оёғи тойиб кетса тошга урилиб, тариқдай пуркалиб титади”.

Буни яхши англаган от охири илож топади. Жолтирнинг ўртасидаги ўчоқдай жойдаги хасгагина сакраб ўзи ва Авазни асраб қолади. Тарки бадахшонга Гулрухсор пари учун қилинган сафарда эпик қахрамон олдида учраган йигирмага яқин машаққатли тўсиқни енгиб ўтишида Ғиротнинг алоҳида ўрни, хизмати бор. Бизнингча, дostonда Ғиротга бу қадар кўп вазифани юклатиш сабаби шундаки, ниҳоят оғир вазифаларни ҳал этиш учун Авазга кўмакдош йўқ. Барча тўсиқларни енгишга биргина Авазнинг жасорати, матонати, сабр-бардоши камлик қилади ва шу боис ҳомий сифатида Ғирот ниҳоятда идеаллаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Гўрўғли” туркумлигининг кўплаб вариантларини қиёсий таҳлил қилиш ва шу орқали дostonнинг қадимий асосларини аниқлаш, аждодлардан авлодларга ўтиш жараёнидаги ўзгаришларни кузатиш ҳамда бахшининг бадиий маҳоратини аниқлаш фольклоршуносларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ҳар икки дoston талқини мисолида асрлардан буён жонли ижро ҳолатида яшаб келаётган қадимий анъаналарнинг бардавомлигини, ҳар галги ижрода бу анъаналарнинг янгиланаётганини, бахшиларимиз анъана ичида анъана яратаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Жаббор Эшонқулов, Абдиолим Эргашев

МАЛЛА САВДОГАР

Чамбил Чамбил бўғанда,
Чамбил обод бўғанда,
Қирқ йигит еб ичгани
Қанду новвот бўғанда.

Гуркурайди Чамбил эл,
Унда туркман, ўзбек, бил,
Давр суриб Гўрўғли,
Бож тўлайди саксон эл.

Қарайди ўнг-сўлига,
Меҳрибондир элига,
Соқибулбул қарайди
Гўрўғлининг молига.

Ёмонларни кечирди,
Дўстга майлар ичирди,
Қирқ йигитга Гўрўғли
Париларни кучирди.

Қовун-тарвуз лошланди,
Кераксизи ташланди,
Шундай қилиб, жўралар,
Энди дoston бошланди.

Алқисса, Гўрўғли Чамбил элида давру даврон суриб ётибди, неча даврлар ўтибди, хон Гўрўғлининг номи бутун элатга кетибди. Бир томонда мингта мирзабаччалар, бир томонда мингта ясовулбоши, тўқсабо, акобирлар, жами мирғазаб жаллодлар, яна бир томонда қирқ йи-

гити, бу томонда Авази билан Ҳасанхон ўғли, тўрда бек Гўрўғли тахтда савлат тўкиб ўтирибди. Хизматкорлар ҳар томонда югуриб хизмат қиляпти. Даврада Соқибулбул май қуйиб йигитларга узатаётир, созандалар соз чалаётир, ўйинчи қизлар чарх уриб ўйнаётир, ошпазлар палов дамлаётир.

Шундай қилиб, Така туркман элатида, Гўрўғлининг давлатида Мисқол билан Юнус пари Гўрўғлининг қаботида ҳаммаси жам бўлиб, Чамбилбелда қирқ кунлик тўй бериб ётибди. Жамики мамлакатлардан беклар, сардорлар, полвонлар, чавандозлар келиб тўйнинг томошасини кўриб ётган эди. Бир куни полвонлар олишига, бир куни пойгачиларга навбат тегади. Томошанинг ҳаммасига Гўрўғлининг тоғаси, туркманларнинг оғаси Аҳмад қари баковуллик қиляпти. Тўйнинг ўттиз бешинчи куни хон Гўрўғли бутун меҳмонлар ва мезбонларни жийдириб: “Ов, бекларим, армонда қолманглар, менга тиймай қолди деманглар, бир хилинг ғирромлик қилиб, туркманлар шундай қилди деб олдимга келманглар, бўш бўманглар, тўйнинг беш куни қолди, шу беш кунда кўпкари берамиз, катта зотлар айтамиз, Арпалининг дашига чиқиб отларингни овнатиб, қоқшантириб, совутиб туринглар. Чошкада кўпкари бошланади”, – деб фармон берди.

Сатта беклар, савдогарлар ҳаммаси Арпалининг чўлига қараб йўл тортиб кетаверди. Шунда Гўрўғли қовоғини уюб, бошқа қилиқларини қўйиб, қирқ йигитига қараб, мурутини бураб, оёғини ерга тираб: “Бекларим, сўзима қулоқ солинглар”, – деб икки оғиз сўзлаб турибди.

Қирқ йигитим, эшит айтар сўзимни,
Ҳалолланглар менинг берган тузимни,
Мард майдонда билинади, бекларим,
Ерга қаратманглар менинг юзимни.

Бу майдонда бугун отни солинглар,
Четдан полвон келган бўлса билинглар,

Қирқ йигитим, сарғайтманглар юзимни,
Кўпкарида зот барини олинглар.

Кетмасинда қўлдан номусман орим,
Доим обод бўлсин Чамбил диёрим,
Ўлимдандир уят қаттиқ, бекларим,
Қўрасига қўрқмай тайлар тулпорим.

Бир-бирингга доим ҳамроҳ бўлавер,
Аямайин бедовларни уравер,
Қойил қолсин менман деган полвонлар,
Ололмасанг келмаслигинг билавер.

Зўрлар зўрлигини доим билдирар,
Тараф бўлса ғанимларни ўлдирар,
Мард бўлса билинглар элатни кўриб,
Ўлим ишга дулдулини эндиранар.

Қайтманглар, бекларим, бугун қайтманглар,
Майдон ўзимдан деб катта кетманглар,
Йўлбарс йўлбарслигин қилар ҳар жойда,
Қури қолиб кейин зардоб ютманглар.

Айирганда доим ҳалол айиринг,
Маҳкамлаб, сўнг жиловини қайиринг,
Тикка қочсанг сени ушлаб олади
Қўранинг ичида отни уйиринг.

Алқисса, қирқ йигит ҳам бедовларини созлаб, яхши ниятларни кўзлаб, туркман ўзбек оқсоқолларидан дуо олиб, булар ҳам Чамбилдан чиқиб жўнайверди. Чамбилнинг халқи ҳам томоша қиламиз, ким олар экан, кўзимиз билан кўрамиз дея чопағонларга ияриб кетаверди. Гўрўғли Така туркман ва Ёвмит элатини бирлаштириб, Чамбил кўрғонини давлатларга таништириб, ўз беқлигини қилар эди. Тоғаси Аҳмад қари унга маслаҳатчи эди.

Гўрўғли қирқ йигитини қирқ уруғдан жийдириб, ҳар бирига бедовлардан миндириб, ғозага чиқса шу йигитлар билан жангга кирар эди. Авазни Гуржистондан, Ҳасанхонни Ваянғандан олиб келиб фарзанд қилиб олган эди.

Аваз зўраворлиги, мардлиги, қайтмаслиги билан элатга номи кетди. Тарафларга зўрлиги ўтди, Аваз тиклаб қараса, девман дегани қон ютди. Остида отаси Гўрўғлининг моли Гиротни ўйнатди. Боғдод мамлакатидан Узумкўзойимни олиб, Чамбилда даври даврон суриб ётди. Шунда Узумкўзойим бир қиз кўрди. Унга Гулнор деб исм қўйди. Орадан икки йил ўтгач, бир ўғил кўрди, унга Нурали деб исм қўйиб, шу Нуралининг туғилганига Чамбилбелнинг эгаси, Нуралининг бобоси Гўрўғли ва Авазбек қирқ кун тўй-томошо бериб ётган эди.

Гўрўғли Соқибулбулга: “Бор, Гиротни олиб келиб, Аваз боламга бер. У ҳам майдонда шерлигини билдирсин”, – деб фармон берди. Шунда Соқибулбул таблага бориб, Гиротни кўриб, қараса, сағана юлдузни кўзлаётир, жойида гоҳ тикка, гоҳ пикка бўлаётир. Соқибулбул хурсанд бўлиб, Гиротнинг устига эгар солаётган жойи:

Қаранг Соқининг ишига,
Жўнар Гирот қошига,
Аста бошини қўяди
Назари тулпор бошига.

Тиклаб юзига қаради,
Сағана ўйнаб туради,
Хурсанд бўлганди Соқи,
Ёл қуйруғини таради.

Беклар қилади эрликни,
Номард билмайди зўрликни,
Энди Соқи тайлади
Гирнинг белига терликни.
Юракка гапни жойлади,
Яхши ниятни ўйлади,

Бахмал терликнинг устидан,
Тилла чергини тайлади.

Қош-қабоқлари уйилди,
Гиротнинг думи туйилди,
Тилла чергининг устидан
Бахмал жиҳанлик қўйилди.

Соқининг кўнгли ўсади,
Тиклаган жойини кесади,
Ўйнатиб назари отти,
Энди эгарни босади.

Назари тулпор ўйнади,
Ҳам сувлиғини чайнади,
Қарсиллатиб узангини
Икки томонга тайлади.

Иноқликлар* энди ортади,
Гиротнинг думи бўртади,
Зўр бериб энди бек Соқи,
Зарли пуштонни тортади.

Савил Гирот ўйнаётир,
Гоҳи чикка бўлаётир,
Хурсанд бўлгандан Соқибек,
Ҳай, қақирлаб кулаётир.

Ботирга ҳамма қойилди,
Баҳорда кутар сайилди,
Энду пуштоннинг устидан
Қатти бойлади айилди.

Майдонлар бўлса дўнади,
Бургут қояга қўнади,
Аста Гиротни еталаб,
Соқибек чиқиб жўнади.

Нечовлар қараб туради,
Соқи тикласа кўради,
Аста еталаб Соқибек,
Ўрдага олиб боради.

Неча ғанимлар ўйлади,
Майдонда Ғирот бўйлади,
Бир-бир бостириб Соқибек,
Якка гулмихга бойлади.

Кимлар бўлади баробар,
Майдонда турса аждаҳар,
Нўғайи этик оёқда,
Чиқиб келади зўравор.

Оёқни ерга тирайди,
Белига камар ўрайди,
Ўйноқлаб турган тулпорга
Меҳри тушиб қарайди.

Ками бор одам жилайди
Парвардигордан тилайди,
Бошини қўйиб тўшига,
Кокилларины силайди.

Ажали тўлган ўлади,
Бу бир қиёмат бўлади,
Сенсан менинг йўлдошим деб,
Бошидан товоб қилади.

Алқисса Авазбек тайёргарлигини кўраверсин, мино-
ранинг питаси, гапининг йўқ хатоси. Чамбилнинг эгаси
Гўрўғли султон отаси. Мажнунқўк отини миниб, ота-бо-
ла Арпалининг йўлига чиқиб кетаверди.

Шунда саб беклар, саб бедовлар Гўрўғлини кутиб
ётиб эди. Хон Гўрўғли тоғаси Аҳмадга кўпкарининг ба-

ковуллигини берган эди. Лекин Аҳмад қари Султоннинг
нори ҳамда шўри: “Мен қариб қолдим, жиян. Ўзинг бош-
қаравер”, – деб, розилик бермай, ўзи ёнбошлаб томоша
қилаётган эди. Ҳамма от отига миниб, Гўрўғли қандай
зот, айтар экан деб қарай-қарай тураберди. Гўрўғли чо-
пағонларга қараб, бугунги зотни бир-бир баён айлапти:

Аё беклар, чопағонлар,
Ҳайданглар, майдон сеники.
Менман деган паҳлавонлар,
Тайлайвер, майдон сеники.

Қолмасин яна армонинг,
Ҳайдайвер бўлса дармонинг,
Зўрлигинг бари бекордир,
Жойинга қури қайтганинг.

Гўрўғли дейди ўзимни,
Сарғайтманг, беклар, юзимни,
Айтаман зот ташларимни,
Энди эшитинг сўзимни.

Қушлар қуришар уяни,
Кимлар минмайди туяни,
Биринчи зотга тайладим
Икки юз тўқсон туяни.

Ким босар шернинг изини,
Подага қўшмас тозини,
Боз устига ташладим,
Жайдари саксон қўзини.

Ялиниб айтма укани,
Маили айтабер акани,
Майдонда армон бўлманглар,
Тайладим тўқсон такани.

Кўрган қуритар силлани,
Тағи* туширманг саллани,
Доим авайланг каллани,
Кўшаман беш юз тиллани.

Зотни тайладим бир неча,
Кучингни кўрсат, бойвачча,
Олар кунингдир бу кеча,
Қуравер, майдон сеники,
Олавер, майдон сеники.

Тулпор майдонда билинар,
Ғанимнинг бағри тилинар,
Чопағон бунда кўринар,
Қуравер, майдон сеники,
Олавер, майдон сеники.

Тағи бермайди деманглар,
Олағда ҳам бўманглар,
Айирмай туриб кеманглар,
Қуравер, майдон сеники,
Олавер, майдон сеники.

Ҳар дам чопағон зўр бўлар,
Ўтирган жойи тўр бўлар,
Сухбатда номи бор бўлар,
Айириб олар сеники,
Зотларни айтмоқ меники.

Зот айтилгандан кейин ўртага тойлоқ тайланди, жиловлар қаттиқ бойланди. Боқувдан чиқиб совутилган Самон йўрға, Қора қашқа, Ола пойча, Бўз от, Коки лот, Бурнаш от, Кўк от, Жийрон от ҳаммаси гулдираб кишнайберди. Шунда баковул Гўрўғли фармон берди. Ҳамма чопағонлар қўрага тайлаб, бедовларни қамчисига тутаверди. Ўзбек-туркман халқи, оқсоқол бойлари туба-тубага

чиқиб томоша қилаверди. Орадан икки кун ўтди ҳамки, бир киши тойлоқни судраб чиқмади. Гўрўғли Аваз ўғлига Ғиротни бериб, катта умид қилиб ва шунга зотларни катта-катта айтган эди. На Ғирот, на қирқ йигитнинг бирови кўпкарида ўзини кўрсатолмади. Хон Гўрўғлининг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, аждаҳардай тўлғо-ниб, икки кўзи ёниб, қирқ йигитга қараб: “Нима бўлди?” – деб қичқириб турибди:

Қайтмас эдинг қирқ йигитим майдонда,
Ғозада шер бўлиб ўзбек томонда,
Кўпкарида ор беришинг ёмонда,
Қирқ йигитим, аждаҳарим, не бўлди?

Қайда туриб элга вафодормисан,
Душман кўрсанг доим аждаҳармисан,
Қирқ йигитдан бир йигитим бормисан,
Шер юракли аждарларим, не бўлди?

Бедовларинг ё камдармон бўлдими,
Гўрўғлининг ё ажали тўлдими,
Очилмайин тоза гули сўлдими,
Қирқ йигитим, аждарларим, не бўлди?

Танамдан чиқмасин бу азиз жоним,
Обод бўлсин Чамбилдайин маконим,
Тиклаганда олар эдим девларни,
Сенга нима бўлди, жоним Ҳасаним?

Кўлимдан кетмасин номусман орим,
Доим гулшан бўлсин Чамбил диёрим,
Тўқсон девга ўзинг баробар бўлиб,
Сенга нима бўлди, Ҳасан кулбарим?

Бу замонда не савдони кўрганлар,
Учар қушнинг кўзларидан урганлар,

Кўзлашганда олдин нишонни уриб,
Нима бўлди, Асад, Шодмон мерганлар?

Кўрган девларини қўлтиққа қисиб,
Қисган девлари ҳам қон қолар қусиб,
Юрганда кўкрагинг тоғдайин ўсиб,
Сенга нима бўлди, болам, бек Юсуф?

Қарасам савлатинг баланд девча бор,
Қирқ чилтонлар сенга бўлар жиловдор,
Ғанимлардан доим қастинг олгансан,
Нима савдо тушди, полвон Оллоёр?

Ботир одам беклигини қилади,
Қайга борса ўлжасини олади,
Қирқ йигитдан бир йигитим чиқмаса,
Зўрликларинг энди нима бўлади?

Баланд товлар ҳар дам баланд бўлганда,
Очилмайин лолалар ҳам сўлганда,
Қирқ йигитдан сира биров чиқмайса,
Шунинг билан хон Гўрўғли ўлганда.

Ғазо бўлса доим ўзинг аждаҳар,
Қаҳринг келса бир лак девга баробар,
Бор умидим сендан энди бўйингдан,
Ниятим йўқ қилдинг, Аваз зўравор.

Ё бўлмаса мени ғаним билдингма,
Бу майдонда айиролмай қолдингма,
Бор умидим сендан эди, бек Аваз,
Отам эмас хон Гўрўғли деддингма?

Душман ўлса ўзинг этасан офат,
Қайга борсанг ўрнатилган адолат,

Не сабабдан айиролмай келасан,
Остингда ўйнаса назари Ғирот?

Охиринчи марта сенга айтарман,
Бу майдонда мардлигингни кутарман,
Айиролмай қайтиб келсанг изингга,
Икковингнинг ҳам баҳрингдан ўтарман.

Хон Гўрўғли йигитларга далда бераверсин, гапни Ширвон элидан эшитмоқ даркор. Бу мамлакатнинг шоҳини Шоҳдархон дер эди. Вояга етган, барча ташвишларини унутган, жуда ҳам чиройли бўлиб кетган, соҳибжамол Ойтумса номли битта-ю битта қизи бор эди. Ойтумса мамлакатаида менман деган полвон бўлиб, биринчидан, Аваз билан курашмоққа талабгор эди, иккинчидан, кўрмай, сиртдан Авазхонга ошиқ бўлиб юрар эди. Чамбилда тўй бўлар экан деган хабарини эшитиб, отасидан рухсат олиб, сочини бошига туйиб, эрка қилиқларини кўйиб, эркак кийимларини кийиб, Оқбўз отини миниб, шу кўп-карида Аваз қачон тойлоқни ушлар экан деб, кутиб ётган эди. Тойлоқ тайланган куни Аваз ушламагани учун Ойтумса ҳам индамай, қараб кузатиб юрган эди. Ойтумса шундай юраверсин, гапни Гўрўғлидан эшитинг.

Гўрўғли йигитларини жўнатиб, ўртага келиб, чопағонларга қараб: “Зотнинг устига зот қўйдим”, – деб икки оғиз қичқириб турибди.

Қанча беклар бу дунёдан кечибди,
Донишмандлар жумбоқларни ечибди,
Қайта-қайта хон Гўрўғли тайлайди,
Билинг, беклар, топган икки ичибди.

Ўзбек-туркман дейди менинг элимди,
Чопағонлар айтайин бир дилимди,
Бостириглар боз устига тайладим,
Кенг элатли бутун Чамбилбелимди.

Ким билади менинг вафодоримни,
Қўлдан кетказмасин номус-оримни,
Боз устига аямасдан тайладим,
Яйловдаги ўн минг йилқи норимни.

Тайладим, олинглар ҳарна боримди,
Ғанимларга ўтказганман зўримди,
Хон Гўрўғли бугун кетди ўзидан,
Қўшдим боз устига икки паримди.

Найлайин, юракда қолмасин армон,
Билагингда кучинг кўрсат чопағон,
Ҳалоллаб айирсанг олгин зотларни,
Қирқта қизларни ҳам қўшиб айтарман.

Чопағонлар, эшитинглар сўзимди,
Йўлбарслар босолмас босган изимди,
Айирганнинг абад ишин қилайин,
Боз устига қўшдим яна ўзимди.

Кенг элатли Чамбил дер давлатимди,
Ўтказганман ғанимга савлатимди,
Армонда қолманглар, сатта ботирлар,
Тайлаяпман, қаранг, Гиркўк отимди.

Ёмонларни эритади ширин сўз,
Сарғаймасин бу жаҳонда нурли юз,
Олинглар, полвонлар, бунда олинглар,
Тўйдан кейин бўлар билинг сизу биз.

Шунда қанча тулпор отлар, қанча ғунон, дунан отлар, боқувдан чиққан эгасига жилов бермай турган саб бир отлар кўрани олиб тураверди. Тубанинг бу бетида ўн минг, у бетида ўн минг, хув бетида беш минг, яна бу бетида беш минг, ҳаммаси бўлиб ўттиз минг чопағон оти билан етиб келди. Алқисса, баковул Гўрўғли: “Бости-

ринг!” – деб фармон берди. Ҳамма кўрага тайлади, Авазхон қаҳри келиб, балки кулиб, шердай тўлғониб, Ғиротни миниб, кўрага қараб, жуганди қайтадан калта қилиб бойлаб, кўрага оралаб кетди, ўртадан олтмиш ботмонли тойлоққа етди. Тойлоқни пойчасидан олиб, эгарга қонтариб солиб, отига “Чув!” дейберди. Яна бир пойгадан Оқ отли чопағон келиб ушлашиб, иккита тулпорнинг йўл талашиб турган жойи:

Тоғда ўсган лолади,
Шунча элат қаради,
Қаранг, икки чопағон
Кўрани ёриб боради.

Четдан яна четгирлар
Пойгага талашади,
Нега бу чопағонлар
Тойлоққа талашади.

Менман деган ботирлар
Йўлидан адашади,
Икки тулпор орадан
Ҳам чиқиб талашади.

О, пирим, деб чопағон
Энди чиқиб жўнади,
Ҳар томондан ушлашган,
Кетаётир отилиб.

Жони танда сотилиб,
Бири бирига сурилиб,
Оти отга уриниб,
Чиқиб кетди орадан,
Шунча отдан кўриниб.

Бу дунёлар ўртади,
Ким кеб, кимлар кетади,
Иккови ҳам чайқалиб,
Икки ёққа тортади.

Эрга орқа отади,
Қизил либос матоди,
Икки тулпорнинг чанги,
Кенг осмонни тутади.

Жон ҳалқумга тиғилди,
Отлардан тер тўгилди*,
Туёққа теккан тошлар,
Жонғоқдайин чоғилди.

Ким бўлади баробар,
Тортар Аваз зўравор,
У ҳам ўзин кам билмас,
Ўз элида аждаҳар.

Пирлар бўлсин мададкор,
Қирқ чилтонлар жиловдор,
Терлаб қолди сағана,
Ғиркўк деган номи бор.

Бир-бирига қарамас,
Ҳолинг не деб сўрамас,
Ғиркўк назари тулпор,
Бошқа бунча бўлолмас.

Арпалининг чўлида,
Така туркман элида,
Тойлоғи бор қўлида,
Иккови ҳам тортади,
Камар бойлаб белида.

Бири камман демайди,
Бири зўрман демайди,
Тортаётир иккиси,
Бир натижа бўмайди.

Манманлик ҳам хатоди,
Ахир бир кун ситади,
Совумайди Ғиркўк от,
Оқ кўпикка ботади.

Бор борича дейдилар,
Йўқ ҳолича дейдилар,
Ўйнайди чопағонлар,
Ўзим олсам дейдилар.

Қаранг, ташвиш ортади
Ғиркўк думи бўртади,
Оқбўздаги чопағон,
Силкиб-силкиб тортади.

Минг йил яшар қарғалар,
Қишдан чиқмас мўрчалар,
Икки полвон тортади,
Аямайин жўралар.

Жаладайин куйилди,
Оппоқ терлар суйилди,
Икки тулпор босган из,
Қора ердай ўйилди.

Яхши ният кўзлади,
Гоҳ бўтадай бўзлади,
Икки от шамолига,
Оқар дарё музлади.

Ширқа-ширқа тайлади,
Дирка-дирка ўйнади,
Қаранг энди Оқбўз от
Аста ўзи бўйлади.

Аваз энди найлади,
Воҳ, аттанг, деб ўйлади,
Қаранг энди Оқбўз от
Ул Ғиротни тайлади.

Аваз шунда қаради,
Ғироти тиркашади,
Қўлидаги тойлоғи
Аста силжиб жўнади.

Туба-тубада қараб турган томошабинлар ўзларича “Ҳов ошна, қандай бўлади? Ё Аваз олади, ё олмайди. Сен нима дейсан?” – деб туришибди. Шунда униси бунисига, бир хили олади деса, бир хили олмайди дейишаётир. Элчиликда, буниси бундай, униси ундай дейишаётир. Бу тубада Авазнинг ўғли, қизи, жони-дили, кўрар кўзи, сўзлар сўзи, кетса изи Нурхон билан Гулнор қизи ҳам томоша қилаётган эди. Энаси Гулнорни гапга солиб: “Ким айирди?”, – деб сўраса, Гулнор: “Отам зўравор олади”, – деб туришган эди. У гап бу гапдан садаға-ю, Нурмонбой кетти подага, дегандай, икки чопағон тортишиб кетаётгани:

Найлайн, аждаҳар тортиб боради,
Етсам деб отини туртиб боради,
Ғиротни Оқбўз от қилмайди писанд,
Аждар Аваз отни уриб боради.

Сайёҳлар юрганда товдан ошади,
Йигитликда, билинг, ҳар ким тошади,
Шамолдайин кетаётир бедовлар,
Бир-бирига йўл бермай талашади.

Ажал етмай қашқа чивин ўлама,
Сув бўлмаса кенг чуқурлик тўлама,
Совумайди, кетда қолар дал Ғирот,
Меҳнат қилмай, билинг, роҳат бўлама.

Баланд товлар боши бўқтар-бўқтар қор,
Ками борлар йиғлайди-да зор-зор,
Илгарилаб юролмайди шул Ғирот,
Аямайин қамчи солар аждаҳар.

Чув ҳа, деса Ғирот олдин ўтмаса,
Бу майдонда ширин жонин сотмаса,
Олдирса бек Аваз тайин ўлади,
Шуни тулпор оти англаб етмаса.

Кенг дунё найлай бир кун ўтади,
Ғаним бўлса ширин жонин сотади,
Қаҳри келиб симдай қамчи чотади,
Белдов бўлиб сонларига ботади.

– Танда жоним омонат,
Ё босдим палакат,
Не сабадан орқада
Қолаяпсан дал Ғирот.

Сенга бир гап бўлдима,
Ё ақлингни олдима,
Ҳеч олдинга ўтмайсан,
Сендан баланд келдима.

Ёки ғамлар едингма,
Дарёдайин тўлдингма,
Устингдаги аждаҳар,
Ё келгинди билдингма.

Майдон бўлса елганмиз,
Қанча девни қирганмиз,
Устингда бўлса эганг,
Айтган гапда турганмиз.

Юрганда кўнглим доғли,
Белда исфихон боғли,
Мендан баланд бўлдима
Отаси йўқ Гўрўғли.

Кўфи Қофни кўргансан,
Сўнг Боғдодга боргансан,
Ваянгандан акамни
Аллаб олиб юргансан.

Қарамайсан сўзима,
Ёш келади кўзима,
Агар бунда олмасанг,
Ҳеч қайтмайман изима.

Кенг дунё тор бўлар,
Аваз хору зор бўлар,
Икки бола олдига
Қандай борар зўрабор.

Ёки ғамга тўларсан,
Очилмайин сўларсан,
Айтганимни қилмасанг,
Билгин, тайин ўларсан.

Жон Ғиротим, дал Ғирот,
Менда жоним омонат,
Силтаб отгин ўзингни,
Босмасин ҳеч палакат.

Жон Ғиротим, дал Ғирот,
Силтаб энди ўзинг от,
Ёлғиз Аваз ўлмасин,
Устингда қилмасин дод.

Ёлғизга ўзинг сирдош,
Менга бўлдинг қариндош,
Майдонда ўзинг кўрсат,
Энди кетма бошма-бош.

Ишончим сенда қолди,
Найлай, тинчим йўқолди,
Кўлим сирқираб борар,
Менинг хаёлим олди.

Ишонайин ўзингга,
Гул экайин изингга,
Менга вафодор бўлсанг,
Ноз қўшаман нозингга.

Қамчи чотди сонига,
Жабр қилди жонига,
Тоғлар ларзон беради,
Ғирнинг ирғганига.

Аваз қистаб боради,
Аямайин уради,
Ҳеч олдинга бормайди,
Бек Аваз қичқиради.

Қаҳри келиб боради,
Заҳри келиб боради,
Очувидан кўзлари
Қонга тўлиб боради.

Босган жойи бузилиб,
Тош ёнғоқдай эзилиб,
Қамчи тийган жойлардан
Қон чиқади сизилиб.

Тўғри келган жойига,
Уради манглайига,
Аста қонлар томади
Шу Ғиротнинг пойига.

Қаҳри келди начора,
Қаранг Ғирот бечора,
Силтаб отар ўзини,
Бадани бўлди пора.

Биров урма демайди,
Бундай қилма демайди,
Ҳеч аямай уради,
Сира раҳми кемайди.

Кетаётир чўзилиб,
Кўзлари ҳам сузилиб,
Босиб ўтган жойлари
Қолаётир бузилиб.

Дал бадани қақшайди,
Бувинлари бўшайди,
Қаранг жонивор жондор,
Бас деганга ўхшайди.

Куйган юрагин доғлар,
Мусофирда йўқ боғлар,
Ғиротни уришингни
Тўхтат, дейди бу тоғлар.

Энди кўзи қамашар,
Икки тулпор талашар,
Авазнинг урганига
Кўкда булут жилашар.

Оёқ тираб тургунча,
Шердаин қичқиргунча,
Айб сенда бек Аваз,
Ўзингни ур ургунча.

Баланд товга қарагин,
Кўрган тушинг жўрагин,
Аваз молни ургунча,
Шу тойлоқни сўрагин.

Аждар сендай бўлама,
Сендаин қичқирама,
Ахир тойлоқ сўрасанг,
Сени биров урама.

Очилиб гул сўлама,
Изида ким олама,
Шундай азиз мол ўлса,
Яна қайтиб келама.

Бергандан ҳам бир сўра,
Бермасдан ҳам бир сўра,
Ўлмасин шу азиз мол,
Йиғлаганига қара.

Бувинлари бўшайди,
Суюклари қақшайди,
Бутун қурт-қумурсқалар,
Шундай дерга ўхшайди.

– Тўхтат дейман отингни,
Айланайин бўйингдан,
Қўрайин ғайратингни,
Ўргилайин бўйингдан.

Бу тарзингга қарайман,
Воҳ аттанг, деб турайман,
Айланайин бўйингдан,
Шу тойлоқни сўрайман.

То ўлгунча юрайин,
Хизматингни қилайин,
Шу тойлоқни берсанг сен,
Қўлингга сув қуяйин.

Доим тайёр турайин,
Эшигинг супурайин,
Аямасанг тойлоқни
Этигинг тозалайин.

Юр десанг ҳам юрайин,
Юртингга ҳам кетайин,
Шу тойлоқни сўрайман,
Пешонамдан кўрайин.

Мен ҳам бир кун кулайин,
Шодлик билан тўлайин,
Худо бўлсин ўртада,
Сен билан дўст бўлайин.

Шунда қарар чопағон,
Ўзи экан паҳлавон,
Нияти ҳам шу эди,
Қўяр Авазга томон.

Тортиб ҳам кетар эди,
Аваз қон ютар эди,
Шунча вақтдан берига
Шу гапни кутар эди.

Шунда қараб туради,
Хаёлан кайф суради,
Мард экан у тойлоқни,
Бек Авазга беради.

Ғирот асли бойирди,
Шум ниятни қайирди,
Дунёда йўқ зотлардан,
Тойлоқни ҳам айирди.

Оёқ ерга тиралиб,
Яна тойлоқни олиб,
Якка ўзи бек Аваз,
Ҳам айирди буралиб.

Алқисса, Авазхон кўпқаридан шод бўлди, душманларга дод бўлди, энди Чамбил обод бўлди, элати гулга тўлди, омад ёр бўлди. Бу томондагилар: “Айтмадимма, ҳа Аваз айиради демадимма”, – дейишиб, дўстлари Авазни қўлга қўймай табриклайверди. Хон Гўрўғли ҳам юраги дуккиллаб, мурути эса булкиллаб, “Аваз шерда” деб хурсанд бўлаверди, эсини билган Гулнор ҳам чапак чалаверди.

Ҳамма ҳар томонга қараб кетди, оқ отли чопағоннинг бир ўзи қолиб кетди. Биров бу томонга юр демади, биров у томонга борамиз демади, ҳатто дўсти Аваз ҳам қарамай кетти. Туркман элнинг оғаси, Гўрўғлининг тоғаси аста бориб, салом бериб, гапга солди, кўнглига гап олди. Томоғининг остига қараса, ҳиқилдоғи йўқ, кўнгли тўқ, аслида бу ҳам бек, Аҳмад қари меҳмоннинг қизлигини тайин билиб, уйига таклиф қилди, қиз ҳам рози бўлди. Аҳмад қари кўп шумликларни ўйлаб: “Пиёда юролмаيمان,

олдинга минолмайман, қариликда, орқадан жой берсанг,
уйга отингни бурсанг”, – деди. Қиз рози бўлди. Шунда Аҳ-
мад қарининг Ойтумса парига мингашаётган жойи:

Қаранг Аҳмаднинг ишига,
Шум ният келиб бошига,
Минаётир энди Аҳмад
Ойтумсанинг қошига.

Аста қўлдан ушлади,
Ўзини отга ташлади,
Ушлаб Ойтумса белидан,
Кўнгли шумликни бошлади.

Энди бошини қашлади,
Ўзни олдин ташлади,
– Қаричиликда, болам, – деб,
Кўп қилиқларни бошлади.

Ойтумсани шоширди,
Юрагин сувдай тоширди,
Овуб кетгандай бек Аҳмад,
Қўлини сонга оширди.

– Аста ҳайдагин, болам, деб,
Ҳали узоқдир қалъам деб,
Қўлди маммага об бориб,
Энди ўларман, лолам деб.

– Нимага ундай қиласан,
Мени нотавон биласан,
Қаттиқроқ ушла, бобожон,
Йиқилсанг тайин ўласан.

– Нима қилайин, полвоним,
Кетиб боради дармоним,

Ушламай десам, йиқилсам,
Бўлмас юракда армоним.

Энди Ойтумса отини,
Билдирмай сиёсатини,
Жўрттириб номдор жўнади,
Эсга олиб давлатини.

Ким берар молу мулкени,
Хумса ҳам билар кулкени,
Яна шумликни бошлади,
Қарангда Аҳмад тулкени.

Тақдирга ҳамма кўнади,
Кўнгилли иш ҳам ўнади,
Дирдираб қолган қари кул,
Ийикдан* олиб жўнади.

Қилиғи элни куйдириб,
Париларни суйдириб,
Овгандай кетиб боради,
Қўлин сийнага тийдириб.

Қари кўнглини хушлади,
Ёлғондан кўзин ёшлади,
– Вой, болам, овнаб кеттим, – деб,
Гулгун чехрадан ислади.

Қилиғи бекни ўртади,
Нима бўлар деб кутади,
Охири чидай олмади,
Силкиб биқинни туртади.

– Вой, болам, нима қилдинг деб,
Қарилигимни билдинг деб,
Яна учадан ушлайди,
Менинг устимдан кулдинг деб.

– Бобо, уйингга еттикма,
Ё илгарилаб кеттикма?
Ҳеч ҳам уйингга етмаймиз,
Ё жонингди соттингма?

– Жоним, дунёда юрибмиз,
Бугун иккимиз кулибмиз,
Ҳеч ҳам хавотир олмагин,
Менинг уйимга келибмиз.

Шунда беклар чопиб келиб, Аҳмадни отдан кўтариб олди. Бунга чопағон ҳайрон қолди. Чопағоннинг отини хизматкорлар таблага олиб бориб бойлади. Эгасини хўп яхши жойга жойлади, биқинига иккита пар достикни тайлади. Бўрдоқи кўйлардан заб зўрларини сайлади, иккитасин сўйиб тайлади. Гўшти яхши пишсин, меҳмоннинг тишига ботмасин, деб чопағонни авайлади. Асад билан Асқад мерган хизматда бўлди, меҳмонхонанинг ичи шодликка тўлди. Зиёфатнинг яхши эканини чопағон билди, зиёфатнинг устига шароб келди, косалар тўлди, Аҳмад қари ҳам олди, соқига қараб имо қилди. Аҳмад берган белгини Асад соқи билди, Аҳмадга бир тўлса, чопағонга коса ўн тўлди. Чопағон ҳам кўп сезгир экан, бу ҳийланинг ҳаммасини билди, майни ичган бўлиб, бу ҳам ҳийла қилаверди. Ярим кечадан кейин базм тугади, ҳамма тарқалди. Меҳмоннинг ўзига якка жой солинди.

Аҳмад: “Энди меҳмон маст бўлиб қолгандир, бир бориб, бол лабидан сўриб, ўлсам ҳам гўзалнинг кучоғида ўлайин”, – деб жўнаган жойи:

Чамбилнинг тулкиси жўнади,
Билмам Аҳмад нега кўнади,
Ойтумса ётган хонага
Моновсираб* кириб кўнади.

Сулувнинг кокили ўралар,
Оқ бўлганмикан қоралар,

Одамнинг ўзи қариса ҳам,
Кўнгли қаримас, жўралар.

Ёмонга ўлим бўлсайди,
Ажал паймони тўлсайди,
Бунисин кўйиб, жўралар,
Чиққан нафасин искайди.

Худодан умрин тилайди,
Суқланиб юзига қарайди.
Кўлини бетига тийдириб,
Изи қолди деб ялайди.

Нимадан дунёда ками бор,
Зўрларга ким бўлар баробар,
Бу кун савдоларни сезади,
Ойтумсадай зулфакдор.

Шум одам отдай қопағон,
Вушак* гапларни кўп топағон,
Ҳеч чидай олмади, жўралар,
Тезда жойидан турди чопағон.

Чўпонларга йўлдош таёқда,
Ҳар хил гаплар бўлар ҳар ёқда,
Тияберди сонга қарсиллаб,
Нўғайи этик оёқда.

Кўллари пойгада осилиб,
Ияги иякка қўшилиб,
Бир қарич ҳаққари тийган жой,
Учаси тўрт эли босилиб.

Ҳеч бир қайтмайин ураёттир,
Ҳам оралатиб тепаёттир,
Гуноҳ ишнинг ўзи ёмон,
Аҳмад азобин тортаёттир.

Ойтумсанинг тинчи йўқолди,
Жимгина кўнглини тўқ олди,
Эркак кийими бор устида,
Тулпорга қараб йўл олди.

Шайтоннинг гулини сўлдириб,
Бу жойда кўнгилни тўлдириб,
Ярим кечадан ошгандан сўнг,
Кетти Аҳмад бекни қолдириб.

Шунда Ойтумса қаерга боришини билмай турибди.
Ё кетайинми, ё бўмаса* Аваз дўстим деб айтиб қарамай
кетётиб, шундан захримни олиб кетайми, деб ўйланиб,
охири Авазнинг ўрдасига қараб жўнади. Тонг юлдуз
туваётган пайтда сарой қоровулидан Авазнинг уйини
сўраб топиб олди. Ойтумса Авазнинг эшигини қамчи би-
лан уриб, тақиллатиб турди. “Энди чиқарда”, – деб, “Дўст
эмас, номард экансан” дея сўйлаб турган жойи:

Полвон Аваз, менга қара,
Номард Аваз, менга қара,
Йигит бўлиб сўздан қайтдинг,
Шўрли Аваз, менга қара.

Зўрман деб юрган экансан,
Норман деб юрган экансан,
Дўст бўлдим деб алдаб мени,
Гумроҳ бўлиб юрган экансан.

Юришинг, Аваз, қолмади,
Туришинг, Аваз, қолмади,
Мусофирдан тойлоқ сўраб,
Кулишинг, Аваз, қолмади.

Ажал поймонанг тўлмаса,
Эккан гулларинг сўлмаса,

Чамбилинг ҳаромхўр экан,
Ор-номус сенда бўлмаса.

Авазхон, энди қалайди,
Кокилдор қизни алдайди,
Аҳмаддай тоғанг бор экан,
Босган изимди жалайди.

Қирқ йигитинг ҳам зўр эмас,
Хон Гўрўғли ҳам нор эмас,
Қариларинг шундай бўлса,
Қолган элинг ҳам гўр эмас.

Энди кўзингни ёшлайин,
Қилиқларимни бошлайин,
Аваз-а, қизга эландинг,
Кокилни ёйиб ташлайин.

Авазхон, келгин қошима,
Рози бўл ҳамма ишима,
Сени еталаб кетайин
Кенг Ширвондайин дашима.

Қилган ишимни билайин,
Гулдай очилиб тўлайин,
Об кетиб сени элима,
Қўлимга сув қуйдирайин.

Айтган ишимни қиласан,
Кенг қўчани супурасан,
Қайтар бўлсанг сен шартингдан,
Қўлима тайин ўласан.

Кел, Аваз, олиб кетайин,
Бедовга илиб кетайин,
Йўлларда сарсон қилмагин,
Бўйнингга нуқта солайин.

Ойтумса товдан ошади,
Аждаҳар бугун шошади,
Авазхон, қара сочима,
Химча белима тушади.

Гўрўғлининг сен молисан,
Алдаб қўйибди улисан,
Чинини билсанг, бек Аваз,
Бир байталга тенг қулисан.

Сени отар бу Ойтумса,
Сени отар шу Ойтумса,
Жонинг бўлса кўр бек Аваз,
Энди кетар бу Ойтумса.

Ойтумса қаради, бек Авазни кўради. “Ҳайт” деб отига қамчи бериб кетди. Шунда Авазхоннинг кўзи қонга тўлиб, таблага борди, Ғиротни кўрди, бирдан жойдоқ минди, отнинг бошидаги тўрваси ҳам кўзига кўринмади. Ғиркўк тўрваси билан табладан отилиб чиқиб, Ойтумсанинг изидан қувиб кетаётган жойи:

Қарамас бу томонга,
Не бўлди Авазхонга,
Жабр қилди бу жонга,
Не бўлди Авазхонга?

Бу тўбада беш қарға,
У тубада беш қарға,
Кўзи қонга тўлибди,
Не бўлди Аваз шўрга?

Қовоқ чимдай уйилиб,
Кўзига қон қуйилиб,
Кетди кўча оралаб,
Босган жойи ўйилиб.

Бошга тушса кўз кўрар,
Вой ўлдим, деб қичқирар,
Кетаётир пориллаб,
Бу савдони ким билар?

Шернинг тинчи йўқолди,
Тинч бошига ғам солди,
Аваз ўтган кўчалар,
Олтой гувиллаб қолди.

Ёлғиз бошга ғам солди,
Қистаб назари молди,
Аваз чиқди Чамбилдан,
Ҳеч ким билмайин қолди.

Қува берди ишқириб,
Тўхта дейди қичқириб,
Нафас олиш қийиндир,
Тўрва отда пишқириб.

Бошида ҳеч хуши йўқ,
Тўрва билан иши йўқ,
Қувиб борар бек Аваз,
Бўздан қолган чанг ҳам йўқ.

Қуваберди изидан,
Аваз қайтмай сўзидан,
Очуви келганига
Қонлар чиқар юзидан.

Жабр қилиб молига,
Қамчи тайлар сонига,
Кетаётир бек Аваз,
Тун найзадай танига.

Энди сўнги пушаймон,
Жонига бўлар душман,
Ҳайдайверди бек Аваз,
Кенг Арпали даш билан.

Босган изи билинмай,
Кетиб қопти суринамай,
Икки кун қистаб ҳайдаб,
Қараса чанг кўринмай.

Бўз хотин от ҳам тулпор экан,
Шу Ғиротдан зўр экан,
Ик кунда ўзиб кетди,
Айтганича бор экан.

Қаҳри келди аждарнинг,
Заҳри келди номдорнинг,
Аямай қамчи урди,
Бек Аваз кокилдорнинг.

Товда ўсган пистади,
Кўнгли етиш истади,
Боши демай уради,
Тўбалардан қистади.

Келолмайди ўзига,
Тов кўринмай кўзига,
Тиклаб кетиб боради,
Ойтумсанинг изига.

Кеч демай боради,
Кундуз демай боради,
Ғирнинг ирғаганига
Баланд қоя нуради.

Беш кун дунёнг ўтади,
Изга қайтмай кетади,

Ўн беш кун ўтгандан сўнг,
Асқар товга етади.

Қия келса қилпиллаб,
Жона келса жолпиллаб,
Кетаётир шу Ғирот,
Катта тошдан ҳақкиллаб.

Босган жойи бузулиб,
Гоҳи оёғи узулиб,
Қамчи тийган жойлардан
Қонлар чиқар сизилиб.

Йигитга тов отади(р),
Ширин жонин сотади,
Кўпикка қон қуйилиб,
Ҳар хил ранга ботади.

Қаранг, Ғирот эшилиб,
Туёқ пойга қўшилиб,
Тулпорнинг нафасига
Бошда тўрва тешилиб.

Баланд товди оралаб,
Қамчи сонди яралаб,
Кетиб борар бек Аваз,
Кўнглига гап саралаб.

Полвон Аваз шошади,
Гап юрагин тешади,
Беш кун юриб чағирдан,
Асқар товни ошади.

Аваз ғамлар ютади,
Сойлардан ирғитади,
Нишаблатиб Ғиротни,
Бек қамчига туттади.

Баланд товнинг боши қор,
Куйган йиғлар зору зор,
Аваз олдин бек эди,
Энди бўлди қаландар.

Шердай бўлиб тайлайди,
Нордай бўлиб тайлайди,
Кета-кета йўллардан,
Ўтган гапни ўйлайди.

Фиротни ирғитади,
Аваз қонлар жутади,
Аччиқ қамчилар зарби
Суяклардан ўтади.

Камбағал яхши бойдан,
Бойлар рози худойдан,
Сермаб отар ўзини,
Боши йўқ катта сойдан.

Шобирга* ер титилиб,
Нафас олмай жутулиб,
Охир Фирот кишнади,
Тўрва кетди отилиб.

Энди Фирот хезлади,
Хезлагандан тезлади,
Келди тулпорнинг қаҳри,
Оқар дарё музлади.

Калла чайқаб тайлади,
Бунда Фирот ўйнади,
Шунда чиқиб қилиғи,
Сулув қиздай жайнади.

Неча дарадан ўтди,
Ўзини сермаб отди,
Авазнинг қилиғини
Эсли ҳайвон унутди.

Ширин жонини сотди,
Қаранг назари отди,
Бўзнинг қилган қилиғи,
Аттанг, юракдан ўтди.

Ўч олишга устади,
Баттар Фирот қистади,
Хуморидан чиқишни,
Шул ҳайвон ҳам истади.

Ой қиблага ботади,
Холсираб лаб қотади,
Ўтган экан юракдан,
Сермаб-сермаб отади.

Йўлда тошлар катилиб,
Кетаберди ўтилиб*,
Фиротнинг шамолига,
Неча арча отилиб.

Фирнинг кўзи сузилиб,
Гоҳ оёғи узилиб,
Туёқ тийган қора ер
Қолаётир бузилиб.

Тикка тайлаб отади,
Зарбларни унутади,
Фирот ўтиб кетган жой
Олтой чангиб ётади.

Гоҳ шамолдай қуйилиб,
Қолган тупроқ уйилиб,
Туёқ тийган тўбалар
Қолди гўрдай ўйилиб.

Уچار қушга етгудай,
Полапонди жутгудай,
Кетаберди сағана,
Ширвонни нурутгудай.

Буклаб-буклаб отади,
Баданда тер қотади,
Шу кетишда сағана,
Билмам Бўзни жутади.

Ёлғизга ким қариндош,
Унда йўқдир эмчакдош,
Елдай учиб боради
Ғамга тўлиб азиз бош.

Гаплар келар пойма-пой,
Сақласинда бир Худой,
Ўтар сонсиз дарадан,
Қаттиқ келган қуюндай.

Тўймас бўлган бари бой,
Чўпон тортар асл най,
Йўл юрганлар дарёдир,
Ўтиб кетибди уч ой.

Терликлари баноти,
Товларга бор қуввати,
Чиқди энди қўлтиқдан,
Қирқ газ бўлган қаноти.

Гоҳо шамол учгандай,
Гоҳо тоғлар кўчгандай,
Жўнайверди пориллаб,
Товди тўн қиб бичгандай.

Яхши мол панд бермайди,
Муновсираб турмайди,
Ғирот жўнар тезланиб,
Аваз ерни кўрмайди.

Товлар кўчгандай бўлди,
Дарё тошгандай бўлди,
Ғиротнинг шамолига
Булут қочгандай бўлди.

Балчиқ қолар қорилиб,
Товлар товдан айрилиб,
Ғирот кишнаганига,
Тўба-тўба ёрилиб.

Аваз йиғар хушини,
Тик кўтарди бошини,
Аждар энди пайқади
Полапоннинг дашини.

Қизлар сочин ўради,
Қайта-қайта таради,
Зеҳн солиб бек Аваз,
Полапонга қаради.

Осмон аёз, ҳаво кўк,
Энди Ғирдан кўнгли тўқ,
Тиклаб-тиклаб қаради,
Ойтумсамас, зоғ ҳам йўқ.

Дарёдайн тошгансан,
Полапондан ошгансан,
Гирот яна тезлади,
Аваз қамчи қўшгансан.

Чарчадимди айтмайин,
Қува берди қайтмайин,
Қаҳри келди Авазнинг,
Қўймас экан етмайин.

Мерган овлар онгини,
Бориб еса монгини*,
Ўн беш кун ўтгандан сўнг,
Аваз кўрди чангини.

Тулки қувар тозини,
Бахши чалар созини,
Йигирма кунда Аваз,
Кўрди бўз от изини.

Аваз ўзин шайлади,
Бир яшиндай тайлади,
Қилар ишин аждаҳар
От устида ўйлади.

Алам деган ёмон бўлар,
Ғами йўқлар ўйнаб кулар,
Етиб олиб Ойтумсага,
Қилар ишни ўзи билар.

– Куллигимни билдирайин,
Душманнимни ўлдирайин,
Аваз деган отим ўчсин,
Қўлимга сув қуйдирайин.

Очган гулин сўлдирайин,
Зўрлигимни билдирайин,
Аваз деган номим ўчсин,
Чўриликка кўндирайин.

Тиниқ сувни кўпиртайин,
Соқовини гапиртайин,
Ўзбек-туркман орасида
Мен кўчани супуртайин.

Қилган ишим ўндирайин,
Авазлигим билдирайин,
Аҳмад тоғам хурсанд бўлсин,
Хотинликка кўндирайин.

Девлар босолмас изимдан,
Қайтмасман асло сўзимдан,
Садақа қиларман Бўзни,
Оғам ҳам аспи тозимдан.

Оппоқ тонглар отаверди,
Гирот тезлаб кетаверди,
Дамба-дамда бу назари,
Тулпор чанги етаверди.

Ёлғиз ҳам бир суринади,
Булар ишга уринади,
Уч кундан сўнг Ойтумсанинг
Қораси ҳам кўринади.

Бу жонинг танда омонат,
Сақласин якка саломат,
Қораси кўрингандан сўнг,
Яна тезлади дал Гирот.

Қарамай ўнги сўлига,
Жойлашиб Ғирнинг белига,
Иккундан сўнг адл кўрди,
Қиличин олди кўлига.

Қувиб кетиб бораётир,
Ора ҳам қисқараётир,
Қаранг Ғиротнинг ишини,
Пойма-пойдан етаётир.

Ғирот оғзин очаётир,
Оғзидан буғ сочаётир,
Етганин билиб Ойтумса,
Воҳ ўлдим, деб қочаётир.

Қамчи урса ҳам бўлмади,
Тулпорга кўнгли тўлмади,
Таборо келар дал Ғирот,
Бахти очилиб кулмади.

Ўзини қайга уради,
Тажангга қараб буради,
Кенг дарёнинг ўртасида,
Дал Ғирот кетиб боради.

Ёмон ит доим қопади,
У ҳам яхшини топади,
Аваз етганда Ойтумса,
Юзига жоду сепади.

Қуёш ҳам кетгандай бўлди,
Чироқ ҳам ўчгандай бўлди,
Шўрлик Авазнинг бошига
Гурзи ҳам тушгандай бўлди.

Авазхон энди ёнади,
Йўлбарсдайин тўлғанади,
Бирдани зулмат қопади,
Тинчи ҳам кетиб боради.

Кенг дунёлар тор бўлди,
Кенг сойда ёлғиз хор бўлди,
Шунча аламнинг устига
Икки кўзиям кўр бўлди.

Дўстлар ёлғизни ғам олди,
Бутунлай тинчи йўқолди,
Икки кўзини кўр қилиб,
– Қоларсан, деб кетиб қолди.

Бол Аваз Тажанг дарёсининг ўртасида ёлғиз қолиб кетди, шунда Ғирот энди қувиш бефойдалигини билиб, дарёдан чиқиб, ўзларининг чарчаганлигини англаб, бир тўбага тўхтади. Хон Аваз: “Ўлсам ҳам, кўр бўлсам ҳам, шу ерда қолсам ҳам Чамбилга бормайман, айтган гапдан чиқмай қайтиш мен учун ўлимдир”, – деб Ғиротдан тушиб, унга жавоб бериб айтаётган сўзи:

Оғам, эшит менинг айтган сўзимди,
Фирибминан кўр қиб икки кўзимди,
Аваз ўлар бўлди ора чўлларда,
Сен кетмоғинг билгин, Ғирот, лозимди.

Ҳовдак қўлнинг овлаб ўрдак ғозиман,
Қайтмас эдим икки юздан озиман,
Хизматимни қилиб боқдинг, жонивор,
Эганга бор, кетсанг, энди розиман.

Ошув билан урдим сенинг сонинга,
Жабр қилдим сени гулдай танинга,

Кечиришинг, Ғирот, сендан сўрайман,
Афсус сени тавоб қилмаганима.

Айтаберсам гап келади тилима,
Тушмай кетди, найлай, менинг қўлима,
Ўлсам майли, шу жойларда ўлайин,
Рози бўлсин айтгин ўғил, қизима.

Тарзингга қарайман баланд товча бор,
Бек Соқининг сенда хизматлари бор,
Йўлдошимсан, сирдошимсан, оғамсан,
Мен розиман энди Чамбил элга бор.

Ёлғизларга сен бўлгансан парвона,
Кокилларинг товланади ҳар ёна,
Чамбилбелга кетавергин бўйингдан,
Аваз бўлсин майли чўлда девона.

Бойда бўлар билгин сурув-сурув қўй,
Яхшиликка оғам Ғирот кўнгил қўй,
Топилмассан, гавҳаримсан, дал Ғирот,
Аваз учун ғамлар чекма, энди қўй.

Афсус, дунё ҳаммадан ҳам ўтаркан,
Кекса-ю ёш бирин-бирин кетаркан,
Келганда ёш, кетганда ҳам ёш экан,
Азоби ҳам, роҳати ҳам етаркан.

Бир манманлик етар экан бошинга,
Тўғри айтсанг ҳеч ёқмайсан ҳешинга,
Бир кун билар нопок йўлдан кетганин,
Бошин эгиб келар кейин қошинга.

Бир хиллари шу кетгандан кетади,
Хизмат қилмай мўмай пулни ютади,

Роҳат нима, меҳнат нима билмайин,
Виждон куйиб бу дунёдан ўтади.

Бузуқликнинг охири ҳам ситади,
Гапи билан тоғу тошни отади,
Касби покка бўйин берар ёмон ҳам,
Тўғри ўзар, нотўғрилиқ хатоди.

Бу гапларга Ғирот, парво қилмагин,
Аваз қайтар бўлди изза демагин,
Куйганимдан, ёнганимдан айтаман,
Шул Авазнинг устидан сен кулмагин.

Қурисин кар, қўй улоққани ёмон,
Унинг оғзидан сув оққани ёмон,
Кетавергин, айланайин бўйингдан,
Еталатма бўлиб қолганим ёмон.

Кенг чўлларда Аваз қилар доду дод,
Эгасини айланади Ғиркўк от,
Кўзларини искалайди жонивор,
Бек Авазга бўлган экан қабоҳат.

Ингранади бу жойларда Аждаҳар,
Алп қовмати ерга бўлиб баробар,
Қундузлари мева излаб тоғлардан,
Эгасига қарайберди жонивор.

Бек Аваз Тажанг дарёсининг ёнида икки кўзи кўр бўлиб ётаверсин, гапни Чамбилбелдан эшитмоқ даркор.

Ўзбек-туркман оғаси, хон Гўрўғлининг якка-ю ёлғиз тоғаси Аҳмад қари Авазхоннинг Чамбилдан чиқиб кетганини билган эди. “Ҳа, навбат келди шошма Аваз”, деб Аҳмад қари кўнглига тугиб қўйган эди. Орадан уч ой ўтгандан кейин, дунё топган тентакдай жияни Гўрўғлининг олдида бориб, Авазнинг келмаслигини билган-

дай: “Етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг ёғ қилар; Етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон қилар”, – деди. Шунда Гўрўғли: “Тинчликми, тоға, нима гап бўлди ўзи? Аваз ҳам бир-икки вақтдан бериси келмай қолди. Аваз боламга нима бўлди?”, – деди. Аҳмад қари: “Ҳа жиян, кулдан том бўлмас, куёвдан ўғил деганларидай”, – деб, Гўрўғли султонга қараб мақсадини баён қилиб турибди.

Мен кўрдимда неча қишман ёзини,
 Ҳовдак кўлда овлаб ўрдак-ғозини,
 Мендан бошқа ҳешинг йўқдир ўзингда,
 Жиян, эшитгинда тоғанг сўзини.

Авазхонга кенг дунё тор эди,
 Ғиротингни бир минишга зор эди,
 Йўлдан озди билсанг ўша етимақ,
 Аввал бошда шум нияти бор эди.

Шум ниятларини сочиб кетибди,
 Жиян билсанг, балки кўчиб кетибди,
 Келишидан бузуқ эди баччағар,
 Ғиротингни миниб қочиб кетибди.

Очилганда товларнинг тоза гули сўлама,
 Сув бўлмаса чўлларда айтгин ҳаёт бўлама,
 Етимақнинг нияти агар бузуқ бўлмаса,
 Дуо олмай ўзингдан, чиқиб кетиб қолама.

Аваз боланг беради, билсанг, султон шўрингни,
 Эртанг келиб олади хазинада борингни,
 Бундан уч ой бурун кетган элли Чамбилдан,
 Фориб билан об кетти остингдаги Ғирингни.

Райҳон-райҳон гулларинг, мунғайиб сўнг сўлади,
 Эрта келиб Авазхон Чамбилнинг олади.

Ғирот кетди кўлингдан, сендан мадад бўлмаса,
 Жигаримдан айрилдим, жиянжоним ўлади.

Бу хумсани болам деб, юришларинг хатоди,
 Байталга тенг етимнинг қилиқлари ўтади.
 Эрта-индин ўзингни олиб, келса, султоним,
 Сендан кейин изига, париларга етади.

Томир кетса арчанинг, бор тенаси қулайди,
 Энаси бермаса сут, мурғак бола жилайди.
 Вайрон қилиб Чамбилни, кулин кўкка совира,
 Халқингнинг қони билан бор элингни бўяйди.

Кўй кўрмаган бечора, қува-қува ўлдира,
 Кеча юрган етимақ, зўрлигини билдира,
 Вайрон қилиб Чамбилни, Ғиротингни минади,
 Нишон қолдирмай сендан, душманингни кулдира.

Йил ўтар, ойлар ўтар, мен ҳам бир кун ўларман,
 Ғафлатда қолмасанг деб, шошганимча келарман,
 Гуржистонга кетиб, Аваз бунда келибди,
 Қанча лашкар тўплаган, мен ҳаммасин биларман.

Ўн минг лак душман билан сени пойлаб ётибди,
 Чўлда юрган бойларнинг бир-иккисин отибди,
 Қанча-қанча кўйларни талаб сўйиб пиширган,
 Ишонавер, оғажон, юз минг кўйни сотибди.

Кескир пўлат ярқиллар шу Авазхон кўлида,
 Афсус, қирғин бўлади ўзбек-туркман элида,
 Қилган яхшиликларинг яна ёмон бўлгудай,
 Сенга талаб кўйибди кенг Асқарнинг белида.

Оринг кўпдир, номусинг энди поймол бўлмасин,
 Қирқ йигитинг менга кўш, халқинг нобуд бўлмасин.

Олдин ўзим борайин, билиб унинг феълени,
Гўрўғли султон бўлиб келди менга демасин.

Мен олайн, Гўрўғли, бугун сенинг орингни,
Қўшгин менга султоним, қирқта шунқорларингни.
Яхши фикр ўйладим, айтай бугун ўзингга,
Билиб қўйгин, Гўрўғли, сенинг вафодорингни.

Менинг қилган ишимга, ҳамма таҳсин айтади,
Ухлаб қолган Авазни бу тоғанг ўйнатади.
Рухсат берсанг ўзима, болаларин олайн,
Қўриб болаларини ўз йўлига қайтади.

Шошиб қолган Гўрўғли не қилишин билмайди,
Кулиб турган шайтонни кўзлари илғамайди.
Боши кетар айланиб, кўзи эса тингандан,
Каловланади фақат, бир оғиз сўз демайди.

Фарзандсизлик билиниб, ўртаб борар тобора,
Кўзига қон қуйилди, ҳолдан тойди бечора,
Гулдурайди аждаҳар, не деганин билмайди,
Фармонни бериб қўйди, афсус, энди на чора.

Ошиғи олчи бўлди Аҳмад қари шайтоннинг,
Ўн жойидан тугади, қўлидаги фармоннинг,
Минаверди баччағар тонг саҳарда қаҳрига,
Заррача ҳам қолмади юракдаги армоннинг.

От устида бу шайтон қабоғини уяди,
Нима қилар ишини юрагига туяди.
Қирқ йигитни қирқ жойдан топтиради шу Аҳмад,
Тонг саҳарда ҳаммасин ўрдасига жияди.

Мана тоғнинг бошлари бир кун бўлган қайрилма,
Ўз-ўзидан бўлган йўқ тоғу тошлар уйрулма.

Яхши ёмони йўқдир, қариндошлар, жўралар,
Ёмон бўлса ҳам майли, ўз бирингдан айрилма.

Тоғда ўсган арчанинг биқинида питаси,
Ўйланмай қилган ишнинг бир кун бўлар хатоси,
Нодонликда билмайин мадакорнинг қадрини,
Ҳар банданинг бўлсинда қотайганда* отаси.

Ота-она турганда Маккаларга ҳожат йўқ,
Узоқ сафар кетганда, уйдан бўлар кўнгил тўқ.
Қирқта бекни ияртиб келаберди кўчадан,
Улгу олган бўридан, қонга тўлиб кўзи лўқ.

Ҳар кимнинг қариндоши, бўлар бир кун парвона,
Қирқ тарафга қарайди, қирқи бўлиб хайрона,
Чумчуқ гуриллаганда етди, шўрнинг уйига,
Қарайберди мўғомбир кўзни юмиб ҳар ёна.

Қирқ йигитнинг қаққайиб турганини кўради,
Қилиб сиёсатини шерларга дўқ уради.
Султон берган буйруқни билдиради бекларга,
– Бузинг эшигини, – деб, бирдан фармон беради.

Фарзанд ҳалоллаш керак эна берган сутини,
Аваз кечирармикин Чамбилдўзнинг итини.
Душманлари эшикни бузаверди хохолаб,
Воҳ, аттанг, деб дўстлари, бураберди бетини.

Авазхоннинг дўсти Шодмон, туғишгандай акасидай
бўлган Ҳасанхон ажралиб тураверди. Шунда Аҳмад қари
келаверди. Аҳмад қари: “Ҳов беклар, нима, Гўрўғлининг
фармонини бузмоқчимисизлар? Бугун қоринларинг
тўйган эканда. Буюрдимми, бажар. Бўлмаса, бошларинг-
ни таналарингдан жудо қиламан”, – деб бақирди. Аҳмад
қарининг кўп тухматни Авазхонга тўнкаб, Гўрўғлининг
фармони шундай бўлди, деганидан кейин барча беклар

қатори Ҳасан ва Шодмон ҳам “Гўрўғлининг фармони шундай экан”, – деб ноилож Аҳмаднинг буйруғини бажараверди. Аҳмад қари буйруқ бераётган жойи:

Айрилганни айиқ ер,
Бўлинганни бўри ер,
Нокасларга қора ер,
Дейди бизнинг боболар,
Айтар қанча донолар.

Омонатдир ширин жон,
Вайрон бўлсин бу макон,
Қочди-кетди Авазхон,
Бор жойини бузинглар,
Зўр жойини бузинглар.

Ватангадо ғам еган,
Айт қайсингдан кам еган,
Қилганга ҳам қил деган,
Мол-дунёни жойланглар,
Боғни бузиб тайланглар.

Айтганимни қилинглар,
Мени полвон билинглар,
Молини ўлдилинглар,
Жорарин қолдирманглар,
Душманни қолдирманглар.

Бошга тушса кўз кўрар,
Зўр ўтгансан қичқирар,
Мард мардлигин билдирар,
Молин ўлжа қилинглар,
Бошига кун солинглар.

Бир мисқол жой қолмасин,
Вайрон қинглар кулбасин,
Ўлгунча то кулмасин,
Ўрдасини бузинглар,
Юрган жойин қазинглар.

Шўрнинг кўзин ёшланглар,
Аҳмад учун ишланглар,
Бутун иморатини
Текис қилиб ташланглар.

Ғирни ўғрилаганга,
Бекни ёмон деганга,
Душман тўплаб кеганга,
Борга тайёр бўганга,
Нафсин катта очганга,
Бу жанжалдан қочганга,
Тухмат гапни сочганга,
Уй-рўзғордан кечганга,
Дом-дараксиз ўчганга,
Бутун чора шул бўлар,
Келса кўриб кул бўлар.

Аҳмад қари буйруқни бераверди, йигитлар таб тортмай қилаверди, ўрданинг у ёғини, бу ёғини теша билан вайронлайверди. Алқисса, Узумкўз икки боласи, кексайса парвонаси, кўзининг оқу қорасиминан ухлаб ётган эди, шунда ҳар ердан ҳар хил товуш келаверди. Бир жойдан дуккиллаган, бир жойдан таққиллаган, яна бир жойдан шаққиллаган овоз бўлаверди, балки юраги қаттиқ ураверди. Шундай деразадан қараса, кўп лашкарди кўради, бошида Аҳмад қари буйруқ бериб туради. “Эримнинг кетганини дарров сезибди-да. Эҳ қурисин, ит ит-лигини қилар эканда. Шунинг учун ўзга юртда мардона бўлгунча, ўз юртингда девона бўл деб айтишаркан, на-

чора”, – дея Узумкўз болаларига билдирмай чиқиб ялиниб-ёлворсам нафи тегар деган умидда эшикка чиқиб: “Тоға дейман, тоға, бу шартингдан қайт, не учун, мақсадингни айт”, – деб сўзлаб турган жойи.

Баланд учган лочинлар, ердан учар деб эдим,
Ўз жойимни ёмон деб, кенг Чамбилга кеб эдим.
Узоқ учган турналар, бир кун қайтиб учмайма,
Аваз тўрам гапига мен хомтама бўб эдим.

Ниҳол экса одамлар, ҳосилини олмайма,
Уйини вайрон қилмасанг, тоға, сира бўлмайма,
Бир кун қайтса жиянинг, кўрса қилган ишингни,
Мен кетганда ғажирлар учиб кебди демайма.

Бисотимда боримни ол, тоғажон, розиман,
Кўнглинг тўлсин, тоғажон, бунда кўпи озиман,
Уйни вайрон қилмагин, болаларим ухлабди,
Нима десанг қилайин, мен сен учун тозиман.

Юртингда, тоғажон, доим кўнглинг тўқмиди,
Ўтган авлодларинг ҳам, бари сендай бекмиди,
Не сабабдан сўрамай кириб келдинг уйимга,
Кўрдай бўлиб турасан, уйда одам йўқмиди?

Дарахтларнинг қурти чиқар экан ўзидан,
Бунча қасдинг бор бўлса, излаб боргин изидан,
Шу Ватанда не гуноҳ, мақсадингни гапиргин,
Мард қайтганми ўйлаб кўр, ўзи айтган сўзидан.

Олдингдаги шўрлига, тоға, раҳминг кемайма,
Туриш учун ёшларга хона берсанг бўмайма,
Тўхтат дегин, тоғажон, шерлар қайтсин ишидан,
Тўрам қайтса Чамбилга кўзларини ўймайма?

Ўлган бўлса майлига, қиларингни қилавер,
Давринг кебди, тоғажон, сен кайфингни суравер,
Нима берсанг, йигитлар, охир шуни оласан,
Кўп кулгининг охири йиғилигин билавер.

Улкан-улкан тераклар ўсиб кўкка етама,
Пақир йўли панада бўлиб доим ўтама,
Билганингни қилавер, фақат тегма боламга,
Шунча зулм берганлар кейин тикка кетама?

Сурув-сурув эчкининг шохи бўлмас бурама,
Йигитларга пир бўлган, Ҳазрати ул Али,
Ғовур-шувур товушлар етиб борди кулоққа,
Сабабини билолмай, жойдан турди Нурали.

Аҳмад берди буйруқни, уйни вайрон айлади,
Узумкўзнинг бошига аччиқ қамчи тайлади,
Қандай ҳаддинг сиғар деб, етиб келди олдига,
Муштипарнинг кўлини орқасига бойлади.

Баланд товнинг боши қор, куйган йиғлар зору зор,
Ёмон кунда ёлғизга ким бўлади вафодор,
Аҳмад қари қилиғин кўрсатади шўрликка,
Тақдирига тан бериб йиғлайберди муштипар.

Дод деганда додини ким эшитар бу элда,
Ҳайвонни бойлагандай ип туради кўлида,
Икки гўдакдан бошқа бу шўрлининг кими бор,
Бир ичкюяр бўлмаса Гўрўғли Чамбилида.

Аҳмад қари Узумкўзнинг кўлини боғлади, юрагини доғлади, муштипарнинг бошига бир-икки қамчи тайлади. Авазхоннинг ўрдасини текис қилдириб: “Новбат сенга етди, олдимга туш”, – деб турганда, Нурали чиқиб қараса, энасини тоғаси хўрлаётир, балки мушлаётир. Ну-

рали кўзини ёшлайверди, Гулнор ҳам етиб келган экан, у ҳам дод деб йиғлайверди. Нурали қаради, бобоси Ха-саннинг ва Шодмонни кўради. Ёш бола эмасми, уларни кўриб, хулкаси тўлиб кетди, улар ҳам юзини текари қилиб қарай олмай турган эди. Нурали ўзини босолмай, Ахмад қарига қараб: “Бизнинг гуноҳимиз нима?” – деб йиғлаб турган жойи:

Ёш боламан кўп нарсани билмайман,
Энди билсам сира ўйнаб-қулмайман,
Тоға дейман гуноҳимизни айтинг,
Ажал тўлмай беш кун олдин ўлмайман.

Не сабабдан от ўинатиб келасиз,
Хазар қилмай ўини вайрон қиласиз,
Шўрлик энам сизга нима қиб эди,
Отам йўқлигини қайдан биласиз?

Бўлганига чидай олмай қуйиниб,
Бўлмаса гар хандон отиб суюниб,
Не сабабдан парвонамни қийнайсиз,
Тоға ёки кетдингизми тўйиниб.

Кул кутирса қармоқ ташлар қудуққа,
Севган одам меҳр кўяр суйдикка,
Жабр-зулм сизда шунча бормиди,
Тоғалардан, қариндошдан қуйдикка.

Кўрган одам Ахмад ўлсин демайма,
Бу ҳол ўтса яна қайтиб кемайма,
Хон Гўрўгли бобом билса ишингни,
Тирилайин бошганингни жулмайма?

Арпангизни энам хом ўрганмиди,
Ё пулннгиз биз шўрлида бормиди,

Қасдинг бўлса, кел, уравер ўзимди,
Фезлинг, тоға, сени доим тормиди?

Навбат кепти бугун даврон сурасан,
Амайин шўр энамни урасан,
Ўчган бўлса яна ёнар чиротим,
Тирн бўлса берган молим оласан.

– Ўчир, – деди Ахмад келди қошига,
От устида тепиб Нурхон бошига,
Нурхон кетди анча жойга гилдираб,
Раҳм қилмас кўздан оккан ёшига.

Гулнорнинг билатигдан ушлади,
Азиз бошга қайта-қайта мушлади,
Икковини судраб кеб шу Ахмад,
Кўларини чандиб байлаб ташлади.

– Вох, болам, – деб йиғлаётир муштинар,
Кўз ёшларга раҳм қилмас бақкирдор,
– Раҳм қилгин, – дейди йиғлар ўзумкўз,
Ким кутқарап, бу Чамбилда кими бор?

Беш кун дунё, найлайин, бир ўтади,
– Болам, – дейди, шўрли ўзин отади,
Амайин ураберди бу шайтон,
Камчи зарби суюқларга етади.

Кулай келган жойга камчи тайлади,
Гўдақларга жабр-зулм айлади,
Ўчовини судраб кеб бир жойга,
Хайвондайин маташтириб* бойлади.

Ким чидайди Нурхоннинг бақирганига,
Шердай бўб, ота деб хайқирганига,

Кўнгли бўшлар жимма-жимма йиғлади,
Отам ўлибди, деб чақирганига.

Шўр банданинг ичган ошда тоши бор,
Гўдак билан бошқанинг не иши бор,
Буларнинг, аттанг, деб йиғлаганига,
Шодмон, Ҳасан кўзларида ёши бор.

Кўкрак керса муна тоғлар, муна тоғлар,
Азоб қўрган одам хўрсиниб йиғлар,
Ўлмаи туриб айрилган ёмон эканда,
Нурхон, Гулнор юрак бағрини доғлар.

Асл гулга қаранг булбул қўнади,
Меҳрин қўйган ишлар олдин ўнади,
Уясини бузиб ташлаб золимлар,
Жўжаларни отга бойлаб жўнади.

Уй-жойидан ажралганга ўхшайди,
Аттанг, дейди, бувинлари бўшайди,
Уясидан судралганда жўжалар,
Зор жилашиб бўтадайин бўзлайди.

Не сабабдан улкан тоғлар туради,
Не сабабдан гулгун ҳаёт нуради,
Шу сабабдан яралганми бу инсон,
Кечиради, қайта чидаш беради.

Аттанг, қаранг кўзда ёшлар тўлиқдир,
Ахир инсон ҳайвондан минг улуғдир,
Ҳайвонча ҳам қадрлари бўлмади,
Ит иззати бўлмади шўрликнинг.

Кета-кета уй-жойига қарайди,
– Эссиз, – дейди, бу Узумкўз нурайди,

Икки бола кетиб борар судралиб,
Энасига шўр гўдак онталайди.

Уйи жойлар қаро ерга ўхшайди,
Қолган жойлар тебранганга ўхшайди,
Юра-юра қараб кўяр изига,
Аждар ота чақирганга ўхшайди.

Катта кўча, кенг кўчадан ҳайдайди,
Тез юрмаса бу ғажирлар қўймайди,
Юра-юра қараб кўяр изига,
Қанча боқса ул ватанга тўймайди.

Текисликда ўсармикан бодомлар,
Шунча юрса ҳеч унмайди қадамлар,
Қамчи билан уриб кўяр шу золим,
Юзин бурар қарай олмай одамлар.

Қабоғини бир хиллари уйишиб,
Бир хиллари ич-этидан куйишиб,
– Болаларин турқиратиб бек Аваз,
Бошқаларга тиримикан дейишиб.

Бу кенг дунё ғарибларга тормикан,
Айрилганлар бир-бирига зормикан,
Аҳмадбекка ҳамма ўлим тилайди,
Шу қарича бошқа золим бормикан?

Аямайин қамчи тайлар бошига,
Келганини қилаётир хушига,
От дўндириб Узумкўзга ҳайдайди,
Этикминан тепар қордай тўшига.

Кўчалардан, расталардан ўтади,
Юра-юра Саргузарга етади,

Учовини яёв ҳайдаб шу Аҳмад,
Кенг Чамбилдан қайга чиқиб кетади?

Бир-бирига термилишиб қарайди,
Шу ожиза қанча йўлга ярайди,
Кетиб борар сой чуқурда мунғайиб,
Зар кокилин энди жинғил* тарайди.

Алқисса, қирқ йигитга бошлиқ Аҳмад Нурхон, Гул-
нор, Узумкўзойим ҳаммаси Чамбилдан чиқиб кетавер-
син, кунлар ўтаверсин, гапни Тажанг дарёсини бўйида
ётган Аваздан эшитинг.

Аваз шу ётишда қирқ кун ётган эди, кун кетидан ой
ўтган эди. Ойтумса ҳам Ширвонга етган эди, отасига бор
гапни шундай айтган эди:

Ота, эшит менинг айтган сўзимни,
Ойтумса деб айтар ёлғиз ўзимни,
Кўрганларим бир-бир баён айлайин,
Қаҳрим келса шер босолмас изимни.

Майдон бўлса бўз отимни елганман,
Гоҳо кенглик, катта тоғлар юрганман,
Ойтумсаман, хабар берар билгандан,
Боғу бўстон, кўп жаннат жой кўрганман.

Қиз бўлсам ҳам минг йигитга баробар,
Ширвон элда Ойтумсадай номим бор,
Бошдан кечирганим айтай, отажон,
Босган изим босолмайди зўравор.

Ҳар йигитнинг бўлсин бекдай тоғаси,
Кучига куч қараб турмас оғаси,
Қирқ кунлик тўй бўлди Чамбил элида,
Зот тайлади Гўрўғлидай эгаси.

Меҳмон бўлдим ўзбек-туркман элига,
Номард чиқмас узоқ сафар йўлига,
Халойиқни йиғдириб сўнг Гўрўғли,
Кўпкарини берди Арпа чўлига.

Бир томонда қашқа отлар ўйнаган,
Тулпор отлар қиздай бўлиб жайнаган,
Гўрўғлини зўр деганча бор экан,
Кўп молини, тилло, зарин тайлаган.

Олган олар, олмаганлар армонда,
Хон Гўрўғли бошқача бир полвонда,
Зот устига тайлар Ғирот, Чамбилди,
Чопағонлар эшитишиб ҳайронда.

Аямайин тайлайберди борини,
Кўпкарига қўшди қирқ шерларини,
Бек Авазхон минган экан Ғиротни,
Ойтумса ҳам кўрсатди-да зўрини.

Ажал етса, билинг, шерлар ўлади,
Фарзандсизнинг изида ким қолади,
Бек Авазнинг бечоққучи бор экан,
Бу қизингдан Аваз тилаб олади.

Кўпкарида Бўз отимни елдирдим,
Хон Авазни тузоғимга илдирдим,
Аҳмад деган бир мўйсафид бор экан,
Шул шайтонга зўрлигимни билдирдим.

Аччиқ гапман бек Авазни куйдирдим,
Тонг сахарда кимлигимни билдирдим,
Бўз от билан ҳайдайбердим изима,
Шўр Авазнинг қовоғини уйдирдим.

Бу бургутлар баланд жойга қўнади,
Неки бўлса тақдирига қўнади,
Уят ёмон, ундан ёмон ор-номус,
Бек Авазхон мени қувиб жўнади.

Хаёлимда йўқ нарсани бор қилдим,
Билинг, ота, мен ўлжани зўр қилдим,
Кўп зотларни олиб келиш лозимди,
Кенг Тажангда бек Авазни кўр қилдим.

Маъқул жойда ўсар экан кўп терак,
Қиз бўлсам-да чўчимади бу юрак,
Билинг, ота, ўлжа қолди ҳаворда*,
Кўп жаллодлар олиб келиши керак.

Шунда Шоҳдорхоннинг Сўфи Карим деган ўнг қўл вазири жойидан туриб таъзим бериб: "Эй шоҳим, мали-камиз тўғри айтади. Авазни жаллодларга бош қиламиз. Ғиротни, шоҳим сайилларга минади. Қолаверса Ғирот қирқ минг тиллолик топилмас хазина", – деди. Шоҳдорхон навкарларини, бекларини бир жойга тўплатиб, мақсадини баён қилаётган жойи.

Қараб турган ботирларим,
Отни майдонда елинглар.
Авазминан Ғиротини
Чиқармай ушлаб келинглар.

Кечани кеча деманглар,
Тағи шарманда бўманглар,
Чор тарафдан ўраб олиб,
Авазсиз қайтиб кеманглар.

Беклар қилади эрликни,
Урманглар Аваз шўрликни,
Тағи армонда қоманглар,
Аваз билмайди зўрликни.

Ётганлар жойи ер бугун,
Вақтида Аваз зўр бугун,
Тажанг дарёнинг бўйида
Чамбилнинг беки кўр бугун.

Саксон девни бунда олинг,
Товлар кўчгандай қўзғалинг,
Ўн минг жаллод қолмасин,
Бек Авазга қайғу солинг.

Ғирот бошқага ушлатмас,
Ўзганинг қўнглин хушлатмас,
Билдирмай отинг қўриқни,
Сизга бошини ташлатмас.

Авазнинг қўлин бойланглар,
Ғиротни авайланглар,
Минса отига қочади,
Пиёда қилиб ҳайданглар.

Ҳисоби йўқ қанча лашкар,
Манман деган зўравор,
Шаҳардан чиқиб жўнади,
Ҳеч ким бўлолмас баробар.

Қатларда ўсган пистади,
Тезроқ етиш истади,
Ҳайдайберди ҳамма бирдан,
Бедов отларни қистади.

Қарамай ўнгу сўлига,
Жойлашган бедов белига,
Ҳайдайберди отлик лашкар,
Исфихон олиб ўлқиға.

Тезроқ Тажанг етсак деб,
Аваз балони тутсак деб,
Отларга қамчи беради,
Ғирдай тулпорни минсак деб.

Ўтказар юриб тонгини,
Қўрса қувади ҳангини,
Ўтган жойини турпоқ қиб,
Чиқариб кетар чангини.

Остида оти ўйноқлар,
Мақтаниб борар бўйдоқлар,
Лўли кўчганга ўхшайди,
Оқ, қизил қўлда байроқлар.

Йўрға отлар йўртиб борар,
Бир-бирини туртиб борар,
Ҳазиллашиб урган жойлар,
Белдовдай бўб бўртиб борар.

Гала бўйдоқ пойга қилар,
Тинмай юрса от ҳам толар,
Лашкар ўтиб кетган жойдан,
Ўйдим-ўйдим чуқур қолар.

Қўкрак керган неча ботир,
Ўз кўнглига ўйлаётир,
Тутиб олсам Авазхонни,
Қиз мендан деб келаётир.

Бир хиллари фикр қилар,
Хаёлида Ғирни олар,
Шу сабабдан қайтмай беклар,
Йўлнинг танобини олар.

Товдан ўтар, сойдан ўтар,
Текис жойда чопиб кетар,
Изи йўқ қанча лашкарлар,
Шунда Ола товга етар.

Лашкарлар Олатовга етаберсин, гапни Авазхондан билмоқ керак. Ҳар одамда бордир юрак, қийшиқ ўсмас экан терак, бўлган эди шу жойи чалароқ. Авазхоннинг кўзи кўр бўлиб, пешонаси шўр бўлиб, очуви келганда урган жойлари ғўр бўлиб, ётган эди, орада қирқ кун ўтган эди. Ғирот дўлана теришга Олатовга кетган эди. Авазхон не қиларини билмай, чуқурга тушиб кетгандай, тинчи кетиб, калавасининг учини житиргандай: “Қирқ кунгача биров келмади, балки шу аҳволга тушганимни Ғиротимдан бошқа билмади, энди ўлсам керак”, – деб зик бўлиб ётганда осмону фалакда турналарнинг “қиринқув-қиринқув” деган овози эшитилди. Жойидан ирғиб туриб, қўлини кўкка кўтариб: “Эй турналар, агар борсанг Чамбилга, жигарбандим, дилбандим, ёрим минан болаларимга салом дегин”, – деб турган жойи:

Аваз ўлди, ғариб бўлди, бирпас тўхта, турналар,
Олтин эдим, чўян бўлдим сабр қилинг, турналар,
Қиммат эдим, арзон бўлдим, эътибор бер, турналар,
Йўлда ётган бу ғарибнинг саломин еткаргин,
Қўл кўтариб қолди йўлда деб айлагин, турналар.

Қўкда парвоз қиласиз, қушларда борми уқубат,
Эркин қушсиз истаганга, сизларда бордир оқибат.
Қирқ кун бўлди келмас биров, менга бўлса қиёмат,
Бир ғарибнинг кўнглин овлаш катта ишдир, турналар,
Одам бўлса болаларим, мени қилсин зиёрат.

Учиб ўта бир кўнинглар Чамбил деган қалъамга,
Қирқ кун ўтар чидай олмай, ётибман кўп аламга.
Кимим борда раҳми келар кўздан оққан жоламга,

Энали етим гул етим, отасизи шўр бўлар,
Бу ҳолимни баён этма, ёлғиз Нурхон боламга.

Аттанг десам ёш келади, найлай, муна кўзима,
Шерюраклар чиқолмаган, босиб кетган изима,
Соғинибман, кўзим юмуқ, салом еткар кўзима,
Аро чўлда овнаб ётган бу ҳолимни билмаган,
Салом дегин ўғлим Нурхон, Гулинолдай қизима.

От ўйнатиб ўтган давр, аттанг изда қоларкан,
Ўтса ҳамки йигирма йил, кечагидай бўларкан,
Қариликда қилсанг қилиқ, ёш-яланглар куларкан,
Лекин одам яшар экан, яшар экан ҳаётда,
Ё истар, ё истамас, охир бир кун ўларкан.

Бу жойларда ким эшитар мени қилган зоримни,
Ярашиғим билмаса кимлар олар захримни,
Кета-кета зиёрат қил Чамбилдайин шаҳримни,
Келиш осон, кетиш қийин бу савдолар шу танда,
Болаларим оғритмасин, Узумкўздай ёримни.

Сабаб берса худо бир кун дўст-ёримни кўрарман,
Қазо тўлса бу жойларда мен эгасиз ўларман,
Жоним зинда, танам ерда вайрон бўлиб қоларман,
Илтмосим шуки сендан, баланд учган турналар,
Аваз тири дегин фақат, шуни сендан тиларман.

Шарт қилдимми, бу шартимдан ўлгунимча қайтмайман,
Майли кетсин танда бошим, сира афсус демайман,
Очилсаки равшан кўзим, ўчим олмай кемайман,
Не учун мен армон бўлай, туёқ қолди изимда,
Ор учун, номус учун ўлсамда армон қимайман.

Авазхон қулоқ солса, турналар аллақачон кетиб
қолибди. “Эй дариг”, – деб жойига ўтириб олди, тинчи
йўқолди, хаёлини кимдир олди, биров туртгандай бўлди,

бошқаси кулгандай бўлди, шу орада Авазхон ухлади-қол-
ди. Ухласа чилтонлар келган эмиш, Авазхонга: “Мардсан,
ёшлик қилма”, – деган эмиш. Бошқаси кўзини сийпалаб
хафлаган эмиш, ирим-сиримини жойига кўйган эмиш,
шунда кўзи очилган эмиш, яна бирови Авазхонга: “Аваз-
хон, тур жойингдан, Ғиротни ўғирлатдинг”, – деб туртки-
лаётган эмиш. Шунда Авазхон жойидан сапчиб турса гул-
лар шохида булбул сайрагандай бўлди, қиш эдию бирдан
баҳор келгандай бўлди. Қаро зулмат парчаланиб, дунёни
нур ёритгандай бўлди. Ишонмади, кўзини уқалаб қара-
ди, яна уқалади. Ҳа энди ишонгандай бўлди, бахти кулди,
дилида шодлик пайдо бўлди, умидлари жонлангандай
бўлди, худди Ширвон элидан ўчини олгандай бўлди. Қа-
раса, Ғирот йўқ. Толпанглаб Олатовга жўнаб кетаверди.
Авазхон Ғирни излаб келаверсин, гапни Ширвоннинг
лашкарларидан эшитинг.

Лашкарлар кела-кела товнинг бетига дурбин билан
қаради. Қараса, Ғиротни кўради. “Авазхон ҳам шу ерда ёт-
гандир”, – деб ҳаммаси Олатовни ўраб бораётган жойи:

Лочин қушлар баланд товга кўнади,
Тақдирига шўр бандалар кўнади,
Ҳар томондан қуршаб олиб жаллодлар,
Тулкидайин бари писиб боради.

Диққатини кўяр отга барчалар,
Умид билан кетиб борар норчалар,
Ушласак деб назари Ғиркўк отни,
Пойлашига тўсиқ бўлар арчалар.

Ҳар бандада бўлар экан хатолар,
Йўлдош бўлар унга жабр-ситалар,
Лашкар борар ҳар томондан қуршашиб*,
Кийимидан ушлаб қолар питалар.

Чивин учса билинади товуши,
Хас, чўпларга аста ботар ковуши,
Ҳаммасининг қўлида бор арқони,
Қурисин дер бу қантарнинг овуши.

Ким ушласа ҳақ олишин билади,
Кета-кета мийиғида кулади,
Шоҳнинг инъомини осак дейишиб,
Бу инъомлар кимга насиб қилади?

Ҳаммалари товуш бермай кетишар,
Бу арчадан у арчага ўтишар,
Яхши ният, ярим мол дер донолар,
Нафасини ичларига ютишар.

Дўст ачитар, душман эса кулдирар,
Душманлигин ахир бир кун билдирар,
Арқонини бошга тутиб лашкарлар,
Бир учини маҳкам белга илдирар.

Нафс деган ёмон жойга битади,
Манманлик ҳам жуда оғир хатоди,
Шум ниятни бошларига жойлашиб,
Бу зарангдан у зарангга ўтади.

Ҳаммалари пана жойда мўралар,
Арқон эса маҳкам белга ўралар,
Бир чақирим қолган эди орада,
Сезгир бўлар экан ҳайвон, жўралар.

Шу орада лашкар ўзин яширди,
Вой товба, деб қўлларини қўширди,
Дўланани тераётган шу Ғирот,
Оёғини баланд тошдан туширди*.

Ширин жонлар танда турар омонат,
Ҳеч бандага бўлмасинда қиёмат,
Ҳар томондан қуршаб келар лашкарлар,
Тушган дўланани терар дал Ғирот.

Беш кун дунё манмандан ҳам ўтади,
Ҳунари йўқ бир кун армон ютади,
Яқин келиб қолган экан лашкарлар,
Минг тўрлиқни* ҳар томондан отади.

Нечалари питаларга илинди,
Афсус деди товонлари тилинди,
Ҳар томондан отилганда кўриқлар,
Бир хилининг мерганлиги билинди.

Чечан одам гапни гапга қўшади,
Найлай, Ғирот бу майдонда шошади,
Сермаб туриб отган эди ўзини,
Беш юз тўрлик калласига тушади.

Ғам устига энди ғамлар ортади,
Дал Ғирқўк от ўзин буклаб отади,
Биров кўпми, беш юз кўпми, найлайин,
Ғажирдайин ҳар томонга тортади.

Ғариб эди, яна кўзи ёшланди,
Юк устига келиб азоб ташланди,
Бир келганда қўш келар дер қиёмат,
Армон билан, аттанг, Ғирот ушланди.

Ана энди, Ширвоннинг лашкарлари ғажир мослиққа тайлагандай, булар ҳам Ғиротга ташланди. Меники тушди, меники тушди, деганнинг сони йўқ, Ғирот ўртада ёввойи ҳайвонга ўхшаб қилчиллаб турибди. Шунда Худоёр оқсоқол деган гапга етар бор эди. Жойидан туриб: “Ҳов беклар, нима бўлди? Отни энди кўришларингми? Шош-

манглар, ҳамманг арқонни торт, кимдики отнинг бўйни-
да қолса шу ушлаган бўлади, қолмагани ўзидан билиб
кетаверади”, – деди. Ҳаммаси тортиб эди беш юзи қолди,
беш юзи орадан чиқди. Шундай қилиб ҳаммаси рози бўл-
ди. Авазни қидириб у ёқни кўрди, бу ерни кўрди, йўқ. Ғи-
ротни ушлаганларнинг кўнгли тўқ. Аваз шунча кундан
буён тири турса, бу бўрилар қўяма дейишиб, Ғиротни
ўртага олиб Ширвонга қараб кетаверди. Орадан кунлар
ўтиб Ширвонга етиб, Ғиротни Шоҳдорхонга инъом қил-
ди. Шоҳдорхон ҳам беш юзига чопонлар бериб сийлади.
Сайисларга Ғиротни эгарланглар деб буюрди. Сайис Ғи-
ротнинг қошига эгар-жабдуғини олиб борди. Ундай қил-
ди ҳам, бундай қилди ҳам бўлмади, келганини тишлай-
верди, орқадан келса тегиб ташлайверди. Охири бўлма-
ди, Саройтабла деган табласи бор эди, шунга Ғиротни
ўхшатиб чор тарафдан бойлаб ташлади. “Ғирот қўлимда”,
– деб Шоҳдорхон даврини сураверсин, гапни Авазхондан
эшитинг.

Аваз холиқлаб Олатовга етиб келса ҳеч ким йўқ.
Узоқда кўп лашкарлар йўлни чангитиб кетиб бораяпти.
“Аттанг, Ғиротни Ширвоннинг лашкарлари ушлаб олиб-
ди”, деб изидан “Биридан қутулгандим, иккинчисига ту-
тилдим”, – дея кетиб бораётган жойи.

Ҳайбат берган Олатовнинг боши қор,
Зор-зор йиғлар бу жаҳонда ками бор,
Қайғу билан кетар бугун аждаҳар,
Ҳам Ғиротдан, ҳам оримдан айрилдим.

Майдон бўлса шердай бўлиб қайтмадим,
Қазо бўлса, ҳай аттанг, деб айтмадим,
Орим олмай ўлимлардан қайтмадим,
Ҳам Ғиротдан, ҳам оримдан айрилдим.

Кўп савдолар тушиб кетти бошим,
Қойил қолди тарафкашлар ишим,

Ерлар ботиб кетди қирқ кун тўшима,
Ҳам номимдан, ҳам боримдан айрилдим.

Ўлмаи туриб қиёмат кун кўрасан,
Чидай олмай пешонага урасан,
Ухлаганда сапчиб жойдан турасан,
Ҳам оғамдан, ҳам эгамдан айрилдим.

Мен ғарибга шунча азоб бўмайма,
Парвардигор шу ҳам ёлғиз демайма,
Эр йигитнинг бахти кулиб турмайма,
Ҳам Ғиримдан, ҳам бахтимдан айрилдим.

Зўравонлар бедов отни минади,
Ғирромилар айтганидан тонади,
Умиди йўқ тақдирига кўнади,
Ҳам Ғиротдан, ҳам оримдан айрилдим.

Қалби поклар хайрли иш бошлайди,
Текин томоқ тайёрини хушлайди,
Ишонсин деб икки кўзин ёшлайди,
Ҳам Ғиримдан, ҳам боримдан айрилдим.

Очқомаган нон қадрини билмайди,
Чанқомаган сув қадрини билмайди,
Чарчамаган от қадрини билмайди,
Ҳам отимдан, ҳам оримдан айрилдим.

Хумса одам одамлардай кулмайди,
Очилмайин тоза гуллар сўлмайди,
Азобланмай эл қадрини билмайди,
Ҳам боримдан, ҳам норимдан айрилдим.

Авазхон, жонида қолмади дармон, юракда кўпдир
армон, доволли йўлларда сарсон, келаверса, яқин қолди

Ширвон. Авазхон қалъага яқинлашиб келаверди, юзлари терлаб, тупроқ ўрнаб, тирноқлари ўсиб, ушлаган жойини кесиб, абгори чиқиб, Ширвонга кириб келди. Ҳеч ким Авазга қайрилиб қарамади, кимсан деб сўрамади. Ўтган-кетган жиннилардан бўлса керак деб қўйди.

Авазхон кўча-кўйда, мусофирхоналарда ётиб, ордан олти ойни ўтказиб юборди. Шунда Ширвонда гап тарқалди, шоҳнинг бир оти бор, учса қаноти бор, бад* амал чиқиб ҳеч кимни йўлатмай қўйибди. Агар қайси одам шу отнинг тилини билса, унга сайислик қилса, подшо тилаганини берар эмиш, деб. Подшо кўчага жарчи қўйди, жарчилар қичқираверди. Авазхон катта бозорда кунини кечириб юрган эди, у ҳам эшитди, ўйлаб туриб: “Албатта, шул Ғирот бўлса керак. Бўлмаса ҳам куним яхшироқ кечсин” деб жарчиларга қараб: “Подшонинг отига мен сайислик қиламан”, деди. Олдин ҳеч ким ишонмади, бошқа талабгор чиқабермагач, Авазни подшоҳнинг хузурига олиб борди. Шунда подшо Аваздан: “Отинг ким, қаердан бўласан”, – деб сўраётган жойи.

Баччаликда отар эдим полохмон,
Юрагимда йўқдир заррача армон,
Ширвон дейди менинг ўсган жойимни,
Исмим билсанг бу диёрда Шоҳдорхон.

Шу тарзинга аста бугун қарайман,
Рози бўлсанг мен кунинга ярайман,
Юришларинг гадоларга ўхшайди,
Исмингни ҳам, юртингни ҳам сўрайман.

Юрганингда қоринларинг тўқмиди,
Ота-онанг тирикликда бекмиди,
Разм солсам бойваччага ўхшайсан,
Бугун кунда ота-энанг йўқмиди?

Тиклаб турсам бу юзингда ғубор йўқ,
Бошқа юртда бўлганмидинг ёки бек,
Айтгин менга ўйнаб-ўсган жойингни,
Не сабабдан бу ҳолингда кўнглинг тўқ?

Қандай қилиб сен отима қарайсан,
Бу туришда отга қандай ярайсан,
Отпаз бўлмай туриб мени аллама,
Меҳнатинга мендан нима сўрайсан?

Кечирмайман билгинг, гадо, хатонгни,
Унутмагин бошга тушар ситангни,
Бошқа юртдан келгандайга ўхшайсан,
Баён айла менга эна-отангни.

Авазхон ўзини мусофирликка олиб, гадоликка солиб: “Эй шоҳим, мендан нимани сўрайсиз, шаҳарма-шаҳар кезиб юрган бир дайди қаландар бўламан”, – деб тарихини баён этаяпти.

Улуғ шоҳим сизга айтай сўзимди,
Айтаверай юрагимда арзимди,
Менда макон, менда диёр не қилсин,
Сўраб келса берарман жон қарзимди.

Юракларда қолиб кетди армоним,
Кеза-кеза танда йўқдир дармоним,
Ўсган жойим қаерлигин билмайман,
Чукур, сойлар бўлиб келди маконим.

Шўр бандалар доим шўр бўб ўтаркан,
Бу дунёда зулм, заҳмат ютаркан,
Ота-энам сўраб нима қиласиз,
Хил-хишини билмаган ҳам кетаркан.

Катта-катта мамлакатлар кезаман,
Зулм уммонида қайта сузаман,
Ғажирлардан туғиларкан ғажирлар,
Қайга борсам шу шаҳарни бузаман.

Айтаверсам отам тугул энам йўқ,
Қаҳратонда киргани бир хонам йўқ,
Қайга борсам менга бўлар иш бечоқ,
Ажал тўлса кўмгали бир паноҳ йўқ.

Меҳнат қилиб кўп жойларга ёққанман,
Ваянганда ўн йил тулпор боққанман,
Хизмат икки кўздан иссиқ дейдилар,
Дангасага меҳнат ишқин ёққанман.

Муродингни айт десангиз, подшоҳим,
Умрингиз узоқ бўлсин, илоҳим,
Хизматкор ҳам, ёрдамчи ҳам керакмас,
Муродимни олло берсин худойим.

Шоҳдорхон: “Бу қаландар экан. Гапидан пақирга ўхшайди, мен розиман”, – деди. Шунда Сўфи Карим жойидан подшога таъзим қилиб: “Отбоқарингизнинг исми нима экан?” – деди. Авазхон туриб: “Исмим Нурман қаландар” деди. Сўфи Карим розилигини билдирди. Ясовуллар шоҳнинг ишораси билан Нурман қаландарни отхонага олиб борди. Нурман қаландар: “Мени холи қолдиринглар”, – деб, Сарой таблага қараб жўнади. Бориб дарчадан шундай қаради. Қараса, Ғиротни кўради. Юраги уюшиб, оғасини топгандай, кўзига мунчоқ-мунчоқ ёш келиб, Ғиротга кўндаланг бўлди. Олдин неча киши келиб кетган бўлса, Ғирот барини тишлаб яримжон қилиб ташлаган эди, ҳеч ким шундан келолмас эди. Емишини олисдан отар эди. Қараб турган бошқа отбоқарлар: “Шу боланинг

ҳам майиб бўлгиси келибди”, – деб туришган эди. Авазхон Ғиротнинг таниганини билиб, кишнамоқчи эканини сезиб ишора қилди. Ғирот олдингидай тураберди. Кеч-гача аста-аста яқинлашгандай бўлиб, остини тозалаб, сувлаб, холисроқда бегонасираб тураверди. Кеч кирди, ҳамма уйга кетди. Авазхон таблахонада қолди. Ҳамма-нинг кетганини билиб, ҳам сирдоши, ҳам йўлдоши, ҳам қариндоши билан кўришаётган жойи.

Қаранг Аваз аждаҳар,
Юрагида ками бор,
Берман қарар жонивор,
Икки кўзда нами бор.

Ғирнинг думи эшилди,
Меҳрига нур кўшилди,
Бир-бирига тикласа,
Қора зулмат тешилди.

Бир томонда Авазхон,
У томонда Ғир ҳайвон,
Бир-бирига тиклайди,
Урар танда иссиқ жон.

Оғасини кўргандай,
Эгасини кўргандай,
Икки юрак энтикар,
Темирга қон киргандай.

Зулмат зиё сочади,
Аваз қалбин очади,
У томонда жонивор,
Бор қайғудан қочади.

Ўлмаи айрилган ёмон,
Қўшиларинг даргумон,

Сирдошига суқланиб,
Қўлин чўзар Авазхон.

Қирқ томонда қирқ арқон,
Гулмихларга боғланган,
Энтикади нафаслар,
Отилишга чоғланган.

Товларда сув шарқираб,
Бунда томоқ қақираб,
Термулади Авазхон,
Кўзда ёши тирқираб.

Булут кўчгандай бўлди,
Жондан кечгандай бўлди,
Аваз отди ўзини,
Қорлар кўчгандай бўлди.

Аттанг ерлар бузилди,
Кўкда юлдуз тизилди,
Аждар бориб товнинг,
Кенг бўйнига осилди.

Ғирот ўзин чоғлади,
Ёши кўзда йиғлади,
Оғасини топгандай,
Юзларидан жалади.

Қаранг бекнинг ишига,
Ким келади қошига,
Тавоб қилиб Ғиротти,
Бошин қўйди бошига.

Энди Ғирнинг ишига,
Тишин қўйди тишига,

Бир бандадан зиёддир,
Бошни қўйди тўшига.

Бу жудолик ўхшатти,
Икковини қақшатди.
Аваз, Ғирот юракни,
Йиғлай-йиғлай бўшатти.

Баҳор келгандай бўлди,
Шодлик тўлгандай бўлди,
Авазминан Ғиркўкнинг
Бахти кулгандай бўлди.

Қайғу-ўйлар йўқолди,
Ғам бошига ғам солди,
Бўлди шодлик барқарор,
Бахти бугун жон олди.

Аваз турар бу ёнда,
Ғирот эса у ёнда,
Иккаласи бахтиёр,
Душман бўлар шарманда.

Ғиротига қаради,
Аҳволини сўради,
Қулоқларин сийпалаб,
Ёлларини таради.

Ғам-ғуссани ташлади,
Тозаликни хушлади,
Ёл қуйруғин бек Аваз,
Қўли билан қашлади.

Олдин ўтган боболар,
Улардан йўқ товбалар,
От йигитнинг муроди,
Айтиб ўтган донолар.

Аваз кўнглин хушлади,
Дам олишни бошлади,
Гир отининг қошига,
Бориб бек ёнбошлади.

Тонг отарда Гир Авазни уйғотди. Одамлар кўрмасин деб норжоққа* бориб ётди. Отбоқарлар келишиб, кечага гадо нима бўлди, дейишиб қолди. Қараса гадо тирик, хуррак тортиб ухлаб ётибди. Авазхон туриб арқонларни кесиб, подшоликка нима деган гап, нўқтани тиллодан қилдириб, Гиротни якка гулмихга боғлади. Гиротга қараб, ёл қуйруқларини тараб, семиртириб боқиб ётаверди. Подшо бу қаландар чин отпаз экан деб Авазнинг талабини қондираверди. Авазхон Ширвонда кунини ўтказаверсин, гапни Чамбилдан эшитмоқ даркор.

Аҳмад қари бошлиқ бир тўда отлиқ, ўртада Нурхон, Гулнор ва Узумкўзни Чамбилдан чиқариб, Аваздан қолган, аввалдан қолган бор юракдаги кирини шу нориса гўдакларга ва энасига солиб, ўчини олиб, Авазнинг тагига сув қуйиб, бу чўлларда пиёда моташтириб, отга судрашиб кетаётган жойи.

Қарамайди болаларнинг додига,
Қамчи бериб қўяр минган отига,
Учовини маташтириб бу Аҳмад,
Ҳайдайберди тошли товлар бетига.

Ортда қолди Чамбил деган қалъалар,
Азоб тортса кўздан оқар жалалар,
Босолмайди оёғини Узумкўз,
Вой энам, деб йиғлаётир болалар.

Икки ёнда икки бола йиғлайди,
Отамлашиб юрагини доғлайди,
Бор азобга чидар экан бу одам,
Учови ҳам бўтадайин бўзлайди.

Саратонда баланд товнинг боши қор,
Чор атрофни ўраб олган лашкарлар,
Ўртасида дод солади Узумкўз,
Бекнинг куни, аттанг, бўлди хору зор.

Душманлари от устида кулади,
Кўнгли бўшлар ич-ичидан жилади,
Учовини судраб борар бек Аҳмад,
Қайга боришин булар не билади.

Кенжа Нурхон Ҳасанхонга қаради,
Бобо бўлиб не кунига яради,
Ҳар банданинг ярашиғи бўлсинда,
От устида бўйин эгиб туради.

Ким дўстлигин Нурхон бачча билади,
Қирқ йигитга бирин-кетин қаради,
Тирмизак орқада қоляпсан деб,
Жовринига қамчи билан уради.

Овоз чиқар чалса ҳар ким найидан,
Сопол ясар уста билган лойидан,
Шердан шер туғилар экан, жўралар,
Ғазабланар Нурхон турган жойидан.

– Жовирнима* не сабабдан урасан,
Бойўғлидай менга қараб турасан,
Қандай ҳаддинг сиғар мени уришга,
Отам келса берганингни оласан.

Гулнор айтар: – Оғамда не гуноҳ бор,
Ҳаққинг бўлса санаб олгин, баччағар,
Уни урма, майли, мени уравер,
Ўлмай қолсин ота меҳригадир зор.

– Болаларим, тақдирга кўнинглар,
Кунинг бўлса, одам бўлиб унинглар,
Кўзи қонга тўлар муна мастоннинг,
Азроил эканлигин билинглар.

Очув билан нима қилса қилади,
Ёмон эмас яхши одам ўлади,
Болаларим, ўтинаман силардан,
Ўзи шайтон инсонни не билади.

Поодайин олдимда сен турасан,
Қандай қилиб эгангга бақирасан,
Ўлмай қолишингни тила худодан,
Ерда туриб отликқа дўқ урасан.

Қилиғини Аҳмад энди кўрсатди,
Бачаларни кенг далада сувсатди,
Учовига жазо берди баччағар,
Уриб-уриб қаро ерга сулатди.

Ғам устига энди ғамлар ортади,
Остидаги отнинг думи бўртади,
Қолдан тойган юролмайди Узумкўз,
Муштипарни отга бойлаб тортади.

Икки бола энасини ушлайди,
Ёш гўдаклар равшан кўзин ёшлайди,
От дўндириб болаларнинг бошига,
Ушоқларни* Аҳмад тепиб ташлайди.

Ким чидайди бу шайтоннинг ишига,
Қамчи билан ураберди тўшига,
Йиғлайберди отамлашиб гўдаклар,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига.

Раҳм қилмай учовини қийнади,
Ҳузур қилиб Аҳмад қари жайнади,
Ҳар адирда кетар азоб-уқубат,
Уриб-уриб подадай қиб ҳайдади.

Ахир одам ҳайвондан ҳам ёмонма,
Яшнаб турган рўзгор энди тамомма,
Қадр нима, қиммат нима билмайди,
Бир-бирини эзадиган замонма?

Урсанг шохга томирлари зирқирар,
Зўр ўтганда манман шерлар бақирар,
Одам қадри бир ҳайвонча бўлмаса,
Юролмайди, вой аттанг деб чирқирар.

Ит-итлигин қилар экан ҳар жойда,
Ғаламиснинг гапи бўлади майда,
Ёшлар оқиб қуриб қолган равшанлар*,
Худо дейди, не айб бор Худойда.

Худо эмас одам қилар ишини,
Оқизади бир-бирининг ёшини,
Очув келса ўйламас эртасини,
Навбат келса йиғиб олар хушини.

Баланд товнинг баланд минан пастидан,
Ҳеч бир банда айрилмасин дўстидан,
Айрим одам баланд тутар ўзини,
Бири юрар бошқасининг устидан.

Қайга борса қовматини ғоз қилар,
Навбат билан айтган гапни оз қилар,
Донолардай кўрсатади ўзини,
Сиринг билиб қолган ишни соз қилар.

Бир хил хумса очиккўнгил бўлади,
Ширин гапман ақилингни олади,
Қилғилиқни қилиб қўяр изингда,
Ўз ёғингга ўзгинангни солади.

Хурматингни қўяр бошқа жойига,
Иш битгунча келиб турар ойига,
Айтган гапдан кир қидирар бандалар,
Етса фурсат сув қуяди жойига.

Ичи бузуқ ҳар хил гапни топади,
Шу юзингдан кўр-кўрона қопади,
Дўсти ёринг бўлса, кетсанг изингда,
Оринг учун жон куйдириб чопади.

Биров яхши минан номи қолади,
Биров ёмон минан номи қолади,
Ўз молига чопган ити қурисин,
Йўқлигини билса ўчин олади.

Қилса меҳнат бирдан тоба* қилади,
Қандай пайтда ўч олишни билади,
Ўйламаса эртан келар кунини,
Ўлгунича ёмонлик қиб ўлади.

Даври кебди Аҳмад қилар ишини,
Ҳали йиғмас калласида ҳушини,
Лочин кетган, аттанг, бузди уйини,
Селдай қилар гўдакларнинг ёшини.

Йўл четида турган баҳайбат тошлар,
Кунлар ўтар, туриб-туриб ёнбошлар,
Болаларда нима гуноҳ, найлайин,
Гўдакларни уриб кўзини ёшлар.

– Вой-дод деди, юрак-бағри тилинди,
Ўзга юртнинг ўзгалиги билинди,
Заранглардан кетиб борар оралаб,
Зар кокиллар питаларга илинди.

Қўлни кесар ўтмас деманг қамишни,
Ерга ташлаганми аттанг кумушни,
Қиммати йўқ одам бугун хор бўлар,
Ким яшнаган бузиб гулгун турмушни.

Бу савдога қушнинг бағри бузилди,
Мунчоқ-мунчоқ ёшлар кўзга тизилди.
Ширамлардан уриб ҳайдар шу Аҳмад,
Гард тиймаган оёқ тошга ззилди.

Беш кун дунё ҳаммадан ҳам ўтади,
Келса биров, балки бошқа кетади,
Азобланар бу оёқлар тилинган,
Изда тошлар қизил қонга ботади.

Келса вақти ой қиблага ботади,
Юра-юра ҳолсираб лаб қотади,
Кими борда, кимлар раҳим айласа,
Дард ичида заҳар-зубқум ютади.

Аҳмоқ одам гапиради, кулади,
Сув бўлмаса райҳон гуллар сўлади,
Йиғлай-йиғлай ҳолдан кетар болалар,
Юзларидан бодомчалар тилади.

Арчалари тўлиқмикан мунов бет,
Камбағални от устида қопар ит,
Сой чуқурдан бўзлаб борар гўдаклар,
Келаверди бу овзудан эна сут.

Ота деса баланд товлар титради,
 Чидай олмай катта зовлар нуради,
 Ой Узумкўз кетиб борар ҳолидан,
 Аямайин Аҳмад яна уради.

Кеча демай, кундуз демай ҳайдайди,
 Юролмайди, юрасан деб қўймайди,
 Оёғини босолмайди бандалар,
 Бу азобдан боз устига куяди.

Ҳамма хомуш кетиб борар барчалар,
 Йўл четида қатор-қатор арчалар,
 Икки бола бир-бирига қарашса,
 Ёруғ бўлиб кетар зулмат кечалар.

Аҳмадбекни қилиқлари ўртади,
 Гўдакларни оёқлари бўртади,
 Ҳарна бўлса қиз вафодор бўлади,
 Оғасининг юз-кўзини суртади.

Ҳайдайберди баланд товнинг бошига,
 Шу азоблар кирганмикан тушига,
 Икки бола чағир тошдан юролмай,
 Жимма-жимма ёш келади кўзига.

Ҳайбат тоғлар ҳайбат билан қаради,
 Азоб билан билинг қайғу жўради,
 Бир қадам ҳам юролмайди Узумкўз,
 Вой аттанг-а, дармон кетиб нуради.

От ўйнатиб келди Аҳмад бошига,
 Бу Узумкўз ётар тоғнинг тошига,
 – Тур жойингдан, ҳийлагарсан, баттол, – деб,
 Зарба минан ураберди тўшига.

Овчи юрар баланд товнинг пастига,
 Душман душманлигин қилар дўстига,
 Икки бола йиғлайверди эналаб,
 Чопиб борди энасининг устига.

Баланд товнинг боши бўктар қормикан,
 Зўр боласи отасидай зўрмикан,
 Нурхон тайлар онасининг устига,
 Аҳмаддай золим дунёда бормикан.

Товнинг бошин туман қайта чалади,
 Муштипарга йўқ зулмлар солади,
 Шу Гулинор тайлайверди устига,
 Зўр Аҳмаддан улушини олади.

Ой Узумкўз қора қонлар ютади,
 Симдай қамчи суякларга етади,
 Ҳийлагар деб ураберди бек Аҳмад,
 Чағир тошда қизил қонлар қотади.

Тирикликда танда жонлар омонат,
 Мурод бўлар унда бўлса эътиқод,
 Зор-зор йиғлар икки бола эналаб,
 Бошга тушди қора кунлар қиёмат.

Бор азобни Нурхон олди ўзига,
 Тик қаради бу бебахтнинг юзига,
 Туролмади энасининг войига,
 Ким чидайди аждаҳарнинг сўзига.

Яхши фарзанд эл ичида лолади,
 Ёмон фарзанд элга қайғу, балоди,
 Айтчи: Аҳмад, бизда ҳаққинг бор,
 Берган жазоларинг армон бўлади.

Яхши одам ёмонгаям қайғурар,
Қиблагўйим йўлида мен интизор,
Не сабабдан энажоним урасан,
Кўриндима кўзга ажал баччағар.

Баланд товнинг пасти бўлар лолозор,
Отам эди Чамбилбелда аждаҳар,
Энажоним қувватим не урасан,
Аҳмад шайтон деган ифлос номинг бор.

Гўч йигитлар бедов отни минади,
Гала ғажир мослиқ лошга қўнади,
Мард боламан, айтганимдан қайтмайман,
Бу Нурали бор азобга қўнади.

Аждаҳарнинг мен боласи бўламан,
Аҳмад сенинг ёмонлигинг биламан.
Мени ургин, тегма энажонимга,
Бугун сенга бўйин эгиб тураман.

Бургутдайин тиклаб турган тарзим бор,
Вақти келса айтадиган арзим бор,
Хунарингни кўрсат бугун, тоғажон,
Менга бериб оладиган қарзинг бор.

Ёмонларни билмай ёмон демайди,
Билсанг ажал навбат билан бўмайди,
Навбат сенда, тоға, кўрсат кучингди,
Мени ўлдирмоқ кўлингдан кемайди.

Қора ерлар тортар, аттанг, қарига,
Ким чидайди келган ажал захрига,
Қабоқлари чимдай бўлиб уюлди,
Аҳмад минди қайта бошдан қахрига.

Ёмон одам ёмон гапни тонади,
Гўч йигитга орқа тоғлар понади,
Очув билан туриб кетди эгардан,
Икки кўзи бойўғлидай ёнади.

Икки ёнда икки йўлбарс боласи,
Қандай бўлар кўрадиган чораси,
Чағир тошда кетиб қолган хушидан,
Мисли ойдаи ётар бекнинг энаси.

Нурхон томон Аҳмад ғажир йўл олди,
Ёш болага қиёмат кунин солди,
Қамчи минан ураберди бошига,
Зар кокиллар қизил қонга бўялди.

– Урма, – дейди ой Гулинол тоғалаб,
Ким юради тўғри йўлда жоғалаб*,
Бек Нурхонга бориб тайлар ўзини,
– Ўлдиради, гапирма, – деб оғалаб.

Учар бўлсам қанотимдан қайрилдим,
Ҳам отамдан, ҳам энамдан айрилдим,
Эй Худойим, шунча гуноҳ бормиди,
Югурук бўлсам тобонимдан тойрилдим.

Аҳмад тоға, менга кўрсат кучингни,
Жулайинми кал каллада сочингни,
Ҳам оғамдан, ҳам энамдан айирдинг,
Бўлмадингни биздан олиб ўчингни.

Аҳмад тоға, эрта тонглар отмайма,
Меҳнат қилган роҳатини тотмайма,
Укам ёшдир, уни урма, бағритош,
Олган мулкин қайтариб ҳам сотмайма.

Тоға, дейман қиларингни қиласан,
 Оғажоним аямайин урасан,
 Изларидан қилай сени садаға,
 Ачкамардай менга тиклаб турасан.

Муштипарман иш келмайди қўлимдан,
 Сен айирдинг Чамбилдўздай элимдан,
 Оғажоним урма, сендан тиладим,
 Мени ургин, мен қайтмасман ўлимдан.

Шулар учун, майли, қазо қилайин,
 Жон оғамга мен парвона бўлайин,
 Оғажоним урма дейман, бойўғли,
 Нуралига мен жонимни берайин.

Меҳнат қилмай пайдо бўлганми боғлар,
 Юрагимдан кетмас асло бу доғлар,
 Отаси йўқ, энаси йўқ, тоғажон,
 Меҳри бўшлар эсга тушганда йиғлар.

Аямайин не сабабдан қийнайсиз,
 Мен ҳайронман, кўзимизни ўймайсиз,
 Отамиз бор, энамиз бор, тоғажон,
 Ҳаёт шундай бўлса ҳали йиғлайсиз.

Хонандалар қўлга олганида соз,
 Бедовларга ярашади анжом соз,
 Майли, тоға, хунарингни қилавер,
 Бу ишларинг фақат ўзингадир соз.

Кўзи қонга тўлаверди баччағар,
 Бу туришинг мисли қонхўр девча бор,
 Ғазаб билан урди шўрнинг бошига,
 Ота, деди, нураб қолди муштипар.

Қирқта йигит қирқ томондан қарайди,
 Қонхўр Аҳмад қонсираб онталайди,
 Учовини уч жойларга сулатиб,
 Бўғизига, аттанг, қилич тирайди.

Такакидан* от бошига нуқтади,
 Қирқ йигитга қараб аста тўхтади,
 Чор атрофни ўраб олди йигитлар,
 Аҳмад қари қиличини отади.

Тоғ бошини энди туман чалади,
 Шу ётишда, аттанг, ик кун қолади,
 Учта гавда уч томонда тирқираб,
 Учинчи кун ёшлар хушга келади.

Ғам устига, найлай, ғамлар ортади,
 Ўйлайверса бу азоблар ўртади,
 Кечки пешин эна келди хушига,
 Юролмади, отга бойлаб тортади.

Сарғаймасин бу жаҳонда нурли юз,
 Ҳурмат бўлса ҳамки бўлар сизу биз,
 Кетаверди неча адир-чўллардан,
 Нам чиқармас йиғлайберса азиз кўз.

Юраверди булар пой-у пиёда,
 Ёмонлик қиб кимлар бўлган зиёда,
 Оҳ дейишиб кетар тубсиз йўллардан,
 Золимларга йўқми ўлим дунёда?

Бўлса ҳамки ҳар ким чўпон элида,
 Не демайди ёлғончилар тилида,
 Учовини судратиб бек Аҳмад,
 Олтин даста қамчи ўйнар қўлида.

Кўрган одам, вой аттанг, деб шошади,
Кенглик юрар бу товлардан ошади,
Ингранади, гаплар келмай тилига,
Кета-кета ғамга ғамлар кўшади.

Ким ёмон деб кесиб ташлар буринди,
Бедов отлар жазрамада уринди,
Ўтиб кетди кун кетидан неча ой,
Юриб ахир катта қалъа кўринди.

Аҳмадбек бошлиқ аскарлар олтмиш кунда катта мамлакатга етди. Бу юртни Миср дегувчи эди. Улар шаҳарга кириб катта бозорга боришди. Бозори шундай бозор эди: Бир томонда нор бозор, орқасида зар бозор, ёнбошида аралаш зўр бозор, яна гул бозор, сўл томонда ун бозор, ўнг томонда жун бозор, тери бозор, тароқ бозор, ўроқ бозор, мол бозор, чойнак бозор, супра бозор, қалпоқ бозор, телпак бозор, чопон бозор, сандиқ бозор, кўй бозор. Хуллас, айланиб келгандан кейин қул бозори бор эди. Чамбиллик савдогарлар бозорма-бозор ўтиб қул бозорига келди.

Мисрнинг энг катта савдогарларининг Малла савдогар дер эди. У бормаган, кўрмаган юрт жуда кам эди. Чамбилга ҳам бир неча марта савдогарчилик иши билан борган эди. Кунларнинг бирида Болхувондан келаётганда қароқчилар Малла савдогар бошлиқ қарвонни тутган эди, қароқчилар буларнинг ҳарна борини талаётган эди. Ана шу пайт Авазхон Полапонда ов-овлаб Малла савдогар ва қароқчиларнинг устидан келиб қолди. Шунда Авазхон қароқчилардан Малла савдогарнинг мол-мулкини сақлаб қолган эди. Малла савдогар хурсанд бўлиб Авазхонга кўп миннатдорчилик билдириб кетган эди. Подшоликнинг амри билан Малла савдогар чет элларга савдогарчилик қилиши олти ойга тўхтатилган эди. Шу сабаб Малла савдогар ҳам бозорларни оралаб қул бозорга келиб қолган эди. Қараса, Аҳмад қари қулларининг хислатларини айтиб сотмоқ бўлиб турибди.

Савдогарлар, қулоқ сонлар* сўзима,
Қанча девлар чиқолмайди изима,
Олиб сотиш танламайди ҳеч касбни,
Ўзим бекман билинг олис элима.

Қанча шаҳар, қанча товлар ошаман,
Гулни олиб булбулига кўшаман,
Учта қулим олиб келдим Мисрга,
Нархин топсам ким бўлса ҳам сотаман.

Совиган от кўпкарида чопади,
Бойланган ит иккиланмай қопади,
Олган олар, олмаганлар армонда,
Кимки олса бундан омад топади.

Ўлим ишга бурмайди ҳеч бошини,
Ҳайрон қолар кўрган одам ишини,
Жўраларим, эшитинглар сўзимди,
Мен биламан, буларнинг қолишини.

Айтган сўзим, дўстлар, ёлғон билманглар,
Кўп йилгача яшаб сира ўлманглар,
Ўғилини берайин бир тангага,
Олдин олмай сўнг пушаймон бўлманглар.

Дўстлар билан ҳар дам ўйнаб-кулайин,
Қанча шаҳар, тоғлар ошиб юрайин,
Қизни олинг, бир кун етар вояга,
Бунисин ҳам бир тангага берайин.

Савдом битса ўз элимга кетаман,
Неча зовдан, неча сойдан ўтаман,
Бунисини хотини йўқ олсинда,
Кўп чиройли, уч тангага сотаман.

То ўлгунча хизматларинг қилади,
Ўн йилдан сўнг қўлдан ишинг олади,
Сотаманда олинг, беклар, қулимни,
Айтган баҳом айтганимча бўлади.

Ой кетидан келиб йиллар ўтади,
Гуноси кўп жабру зулм ютади,
Меҳнат қилиб роҳатини кўраман,
Сотган пулга Аҳмад кўп нос отади.

Мен биламан юрадиган йўлимни,
Кўрсам дейман йироқдаги элимни,
Энди беклар, сотаманда кетаман,
Танлаб олинг олдимдаги қулимни.

Элчиликда, бири Нурхонни танласа, яна бири Гулнорни танлади, бошқаси Узумкўзни олсамма, олмасамма, олсам канизимнинг бирида. Ранги тоза, кўп чиройли, ҳар қалай аслзодага ўхшайди, деб бир хиллар тусмол қилаверди. Ундай бўлди, бундай бўлди, кейин жойлашди. Ҳаммаси танлаганини олиб, арзон экан дейишиб, пулини жамлайверди. Шунда бойлар катта-катта савдогарлар ҳам қулнинг нархи қанча бўлди экан дейишиб, томоша қилиб турган эди. Қул эгалари айтилган баҳоларни бериб, қулларга эгалик қилди. Энди эна-болалар бири-биридан ажралишини билиб, “Ҳаммамизни оладиган, хизматкор қиладиган бир одамохун киши йўқмикан?” – деб хўрсинаверди. Нурхон халойиққа қараб, чин амри навбаҳор йиғлаб, ёш бола эмасма, юрагини босолмай, энаси билан опасидан айрилишини билиб: “Эй оғалар, бизди жудо қилманг”, – деб илтижо қилаётган жойи:

Юрагимда қолар бўлди кўп армон,
Ўз юртимда сурмай келдим мен даврон,
Эй оғалар, сизга айтар арзим бор,
Бу дунёда борми мендайин бўлган.

Йиғлай-йиғлай кўзда қолмагандир ёш,
Мен шўрлида йўқ эканда қариндош,
Эй оғалар, кулоқ солинг сўзима,
Бу дунёда билдим кўпдир бағритош.

Чамбил дейди ўйнаб ўсган жойимни,
Ким эшитар менинг айтган войимни,
Бирга олсанг бизни, сиздан илтимос,
Шўрпешона қилмангда манглаймни.

Ёш боламан, юрагимда камим бор,
Менинг отам ўз элида аждаҳар,
Ёлвораман бугун сизга, оғалар,
Олсангиз баримиз олинг, полвонлар.

Юра-юра менда тоқат қолмади,
Авваласи мендай Нурхон ўлмади,
Ёлвораман айирманг биз шўрларни,
Найлай, бахтим ҳеч очилиб қулмади.

Айтаверсам гап келади тилима,
Боролмайман ўлсам керак элима,
Айирманг бизларни бир-биримиздан,
Қарай олмай қолдим ўнгу сўлима.

Отингизнинг ёл қуйруғин тарайман,
Ўлим ишга бўлса, майли, ярайман,
Илтимосим фақат шуни сўрайман,
Жон энамдан айирманг деб сўрайман.

Одам борки унда бўлади армон,
Тоқатим тоқ сира қолмади дармон,
Юрт эгаси, аттанг, бобом бор эди,
Билмай қолди Гўрўғлидайин султон.

Отам тирилиги бўлгандир гумон,
Бу тенамдан чиқмасинда ширин жон,
Узоқ сафар қилган эди, найлайин,
Билмай қолди қиблагоҳим Авазхон.

Қарғалар ин қураб доим қияда,
Қуриганми яхши одам дунёда,
Зулм барин кўриб келдим, оғалар,
Бу айрилиш бўлмасинда зиёда.

Алқисса, Узумкўз хиёл ўзига келиб, боласи Нурхоннинг нола-фигонини эшитиб, сўқир кўзига ёш келди. Ҳамманинг тиклаб турганини билди, ич-ичидан эзилди. Балки хулқаси тўлди, тенаси вайрон бўлди, болаларига қаради. Иккови ҳам илтижо қилиб эзилиб туради. Нурхон ёлворади, Гулнор жилайди, Узумкўз: "Душман ҳам менинг кунимга тушмасин", – деб қараб, баланд товдай нураб, икки оғиз сўз айтиб тургани:

Чаманимда очилмаган бир гулим,
Тоғлар оша қолиб кетди манзилим,
Эна бўлмай аввал ўзим ўлайин,
Зулм билан жабр экан маҳсулим.

Оғажонлар, тингла менинг тилимди,
Ҳеч бир банда кўрмасинда ўлимди,
Эна бўлиб не кунига ярадим,
Мен розиман кесинг, майли, кўлимди.

Тову тошда юриб келдим дарбадар,
Сув ўрнига ичиб келдим кўп заҳар,
Боламдан айирманг, турган халойиқ,
Менда йўқдир, сизда қолди ихтиёр.

Майдон бўлса кўкка сабчир араб от,
Энди бўлсин мен шўрликнинг кўнгли шод,

Ўлгинимча хизматларинг қилайин,
Шу Аҳмаддан мени қилинглар озод.

Қошимдаги икки йўлбарс болалар,
Тақдир учун пайдо бўлмас нолалар,
Болаларим ҳурматига сўрайин,
Оқмас бўлсин кўзимиздан жалалар.

Меҳнат қилга жойда бўлар лозазор,
Бу азобга кенг дунёлар бўлар тор,
Оғаларим, бизни жудо қилманглар,
Айрилиқдан бўлмайликда зору зор.

Гўч йигитлар от кокилин тарайди,
Одам бўлса бир кунига ярайди,
Биз шўрларга айри солманг, оғалар,
Болаларим сиздан шуни сўрайди.

Торта-торта азоблардан кўнглим тор,
Ёлғиз одам ҳар жойларда мунғаяр,
Оғажонлар, жудо қилманг бизларни,
Қирқ ғажирдан қутулсинда муштипар.

Одамлардан бир хилларининг раҳми келди, бир хилларининг хаёлига ҳам келмади. Қул бозорда тортишув бўлиб турганда Малла савдогар ҳам бор эди: "Тов тов билан эмас, балки одам одам билан учрашади", – деган экан боболаримиз. Ўғли отам Аваз деб айтаяпти, юртим Чамбил деяпти, Авазхон бир йиллар менга яхшилик қилган эди, мен ҳам бир яхшилик қилайин", – деб битган савдо ни бузди. Малла савдогарни танимаган одам бу элда кам эди. Мисрда менман деган савдогарлардан эди. Аҳмадга беш танга эмас ўн беш танга бериб қулларни олиб қолди. Аҳмад қари йигитларини ияртиб, нос бозорга бориб, олган пулига ўн беш мисқол нос олиб, бир отимини отиб, ҳайт деб, Чамбилга жўнаб кетди.

Малла савдогарнинг кўлиги йўқ эди, бир кўликни топтириб, шаҳарда катта сарҳовуз бор эди, шу сарҳовузнинг қошида ҳашаматли ҳовлиси бор эди. Шунга кулларни олиб келиб, хотинига тайинлаб, яхши қарашишини айтиб, яраларини бойлатиб, ҳаммомга тушириб, Авазхоннинг хотини билан болаларга қараб ётаберди. Малла савдогар подшоликнинг амри билан эртаси араб мамлакатларига қараб савдогарчиликка кетти. Малла савдогарнинг хотини Ойтўти эри айтганидан ҳам зиёд қилиб қарашаверди. Икки бола ҳам кўлидан келган ишни қилиб, Узумкўз ҳам Тўти дугонасига қарашиб, елкасига офтоб тегиб, Мисрда яшайберсин, гапни Ширвондан эшитмоқ даркор.

Авазхон отбоқарлик қилиб юрган эди, ойдан ой ўтиб Ғиротни боқиб, кечалари оз-оз миниб совутиб юраверди. Шу боққандан бир ярим йил боқиб, олти ой совутиб, роса оби-тобига келтириб, Ғиротга кўнгли тўлиб, Ойтумсанинг кўшкисини пойлаб юраверди.

Кунлардан бир куни Авазхон ўйлаб: “Ғиримга арпа берди, ўзимга нон билан жой берди. Энди Ойтумсани олиб кетсам, аламимни олсам, Аҳмад тоғамга хотинликка берсам”, – деб Ғиротни созлаб эгарлаб, тонг саҳарда Ойтумсанинг кўшкига равона қилиб турган жойи:

Кимга ким бўлар парвона,
Қизил гул ўсар ҳар ёна,
Аждаҳар бугун девона,
Юракда йўқдир армона,
Ғиротда кўпдир дармона,
Кўшқида ётар жонона,
Бол Авазхондек полвона,
Танда иссиқ ширин жона,
Ғиротни қилди равона,
Қирқ газдан баланд кўшқиға,
Чиқолмай қолса ёмона.

Ғирнинг ёлини таради,
Кўшқиға Аваз қаради,
Кўрган тушини жўради,
Тикласа товлар нуради.

Авазга Ғирот яради,
Селсургандай суради,
Ҳар на бўлса, ёронлар,
Тақдирларидан кўради.

Ғиротни кўнгли яради,
Кўп тулпорлардан саради,
Кўшқиға қараб сағана,
Тўрт оёғини тиради.

Душманга қайғу солади,
Тоғларда ўсган лолади,
Аваз ҳам ҳали болади,
Чарчаса одам толади.

Кўнгли шодликка тўлади,
Чиқмаса кўнгли қолади,
Кўздан оққани жалади,
Аввали ният бўлади.

Юракдан чиққан нолади,
Олдинлар аваз жилади,
Кўп гап кўнглиға солади,
Ажали етса ўлади,
Ўлмаса бахти кулади.

Дўстларман даврон суради,
Ғирот Авазга жўради,
Чўтини олиб сағана,
Бошини силкиб буради.

Юрганда ерлар қазилди,
 Чопганда товлар бузилди,
 Қизлардай кўзи сузилди,
 Терлар мунчоқдай тизилди,
 Кўпик баданга сизилди,
 Тўшлар тенадан озилди,
 Чоқлаб отади ўзини,
 Оёғи ердан узилди.

Кўпол гапириш хатоди,
 Бу дунёлар ҳам ўтади,
 Кўзлаган мақсад етади,
 Билмайин қолса ситади,
 Мардлардан умид кутади,
 Ёмон яхшини отади,
 Бўлмаса ўзи кетади,
 Аҳмоқ чуқурда ётади,
 Кейин пушаймон ютади,
 Қизларга либос матоди,
 Бойлар молни сотади,
 Бир хил эшшақдай ётади,
 Хуррак отиб уйғотади,
 Тенаси оғир ботади,
 Туяга бола бўтади,
 Кўнгли кўнгилга етади,
 Йигитга орқа отади,
 Сермаб отувди ўзини,
 Ик кам қирқ газга етади.

Армон юракка бойланди,
 Қайтадан пасга тайланди,
 Умид юракка жойланди,
 Яна бедов от шайланди,
 Ярим тош жойдан айланди,
 Худди йўлбарсдай бўйланди,
 Устида Аваз ўйланди,

Шер тайлагандай тайланди,
 Шаштига шамол сўйланди,
 Ўнглаб олдида шул Ғирот,
 Бошқаттан тайёрланди.

Тулпордан қандай ками бор,
 Дал Ғирот деган номи бор,
 Устида бордир аждаҳар,
 Борган жойида зўри бор,
 Бахти кулмаса қаландар,
 Шунга йиғлайди зору зор,
 Бугун Авазда ихтиёр,
 Бедов отига вафодор,
 Тенг келмас Ғирга тулпорлар,
 Устида Аваз ичқуяр,
 Буклаб отади жонивор.

Баҳорда селлар тошбиди,
 Сўзларни сўзларга кўшбиди,
 Кўрганда одам шошбиди,
 Хумор кўзларда ёшмиди,
 Дал Ғирот бунда ёшмиди,
 Ёш бадани бўшмиди,
 Лошга тайланган қушмиди,
 Аваз бекларга бошмиди,
 Ғулдиратмаган тошмиди,
 Аваз Ғиротга хешмиди,
 Ҳали азоблар кўшмиди,
 Ўзбекда таом ошмиди,
 Сермаб отганда ўзини,
 Бир кам қирқ газдан ошбеди,
 Изига қайтиб тушбеди.

Ғирот уртини тишлади,
 Аттанг кўзини ёшлади,
 Авазку олтой ишлади,

Аваз манглайга мушлади,
 Ғиротини киш-кишлади,
 Бошқа усулни бошлади,
 Оёгин ўйнаб тишлади,
 Орни олишни хушлади,
 Гоҳи-гоҳи ёнбошлади,
 Қирқ газ бўлган қанотини
 Чиқариб Ғирот кишнади.

Сувлар оқар шариллаб,
 Сойлоқда тошлар дириллаб,
 Эниш жойида гириллаб,
 Аваз Ғиротда ориллаб,
 Шу палла итлар ириллаб,
 Кўшкига қараб лочиндай,
 Ердан кўзғалди пориллаб.

Ғирот оғзини очади,
 Тумшукдан ўтлар сочади,
 Товлар жойидан кўчади,
 Ким куёвга тўн пичади,
 Морқалар* шароб ичади,
 Кўшкига етди дал Ғирот,
 Аваз ниқобни очади.
 Гўзал санамни кучади,
 Ётган жойидан кўтариб,
 Ўнгариб тезда қочади.

Кимлар тешиқдан мўралаб,
 Бир хили билмай қоралаб,
 Билгани кўксин яралаб,
 Авазхон гулни саралаб,
 Энаси келди болалаб,
 Қўймагин-қўйма ол халаб,
 Авазхон кетди Ширвоннинг
 Кенг қўчасини оралаб.

Бунда юраги тошади,
 Гапларни гапга қўшади,
 Олдидан чиққан шошади,
 Ойтумса ёмонлашади,
 Аваз билан талашади,
 Аждар шер шундайин жўшади,
 Қўли учага тушади,
 Ойтумса хиралашади,
 Ўигирма беш газ қалъадан
 Ғирот сапчишда ошади.

Ойтумса энди найлади,
 Ўз тақдирини ўйлади,
 Айтар гапни жойлади,
 Авазга қараб сўйлади,
 Охирига вой-войлади,
 Сағана Ғирот тайлади,
 Шамолга гул куйлади,
 Ширвондан чиқиб бедов от,
 Худди юлдуздай бўйлади.

Товда бўрилар увиллаб,
 Аксига зовлар зувиллаб,
 Неча дарадан гувиллаб,
 Отган ўқдай дал Ғирот,
 Сермаб отади шувиллаб.

Босган жойлари катилиб,
 Чим жойлари ҳам титилиб,
 Бир-биридан ситилиб,
 Танларда жони сотилиб,
 Ғирот ўтган ўрмондан,
 Неча арчалар отилиб.

Кечани кеча демайди,
 Кундузни кундуз демайди,

Таваккал ишлар бўмайди,
Сўнгида пушмон емайди,
Шунча жойлардан кемайди,
Зиёд гапни мард омайди,
Бошқага ташвиш сомайди,
Ҳамиз беради Ғиротга,
Мард йигит асло толмайди.

Ишонади дулдулига,
Боғларнинг тоза гулига,
От ҳайдар Чамбил йўлига,
Сира қўймас сан билига*,
Ўзбек-туркманнинг элига,
Аваз борар Чамбилига,
Бир ойда Аваз етади
Кенг Полапоннинг белига.

Авазхон Полапон товига келиб: “Кел-э, шунча юрдим, турдим, қанча мамлакатларга бордим, бир марта ҳам номардликка қўл урмадим, йўл қўймадим. Албатта Шохдорхон келади, Чамбилга изимдан ияриб юрмасин”, – деб товнинг белида пойлаб ётаберди. Шунда Ойтумса ҳам айтган гапларига пушаймон бўлиб, икки кўзи ёшга тўлиб, “Манманлик қилган эдим, бошимга етди”, – деб ҳайрон бўлиб, – барибир Аваз ўзи мени олмас, тоғасига беради, ётиб қолгунча отиб қол деган экан, ҳунаримни бир ишга солиб кўрайин”, деб Авазнинг у ёғидан-бу ёғидан ўтиб гоҳида айланиб кетиб, Авазнинг кўлига гул тутиб, юз минг карашма ноз билан: “Тўрам, даврон сургин, вақтинг келди”, – деб кўзини сузиб турган жойи:

Аё тўрам, бугун шомда,
Даврон суриш вақти келди.
Ойтумса ой билан кунда,
Ўйнаб қулиш вақти келди,
Гул очилиб бахтим келди.

Чаккамда беш юз кокил,
Тўрам сийпаш вақти келди,
Бу чеккамда беш юз кокил,
Ушла, тўрам, вақти келди,
Гул очилар вақти келди.

Чамандан лола тергали,
Ёр-ёр айтишиб юргали,
Биз гул билан ўйнагали,
Бунда, тўрам, вақти келди,
Гул очилар вақти келди.

Сирларни жўшиб айтмоққа,
Барча араздан қайтмоққа,
Дўстлигимиз бойитмоққа,
Билгин, Аваз, вақти келди,
Гул очилар бахтинг келди.

Ширвонда қолди ҳаммалар,
Қариндош-уруғ, аммалар,
Узила сеники маммалар,
Бугун ушлаш вақти келди,
Гул очилар вақти келди.

Сенга муштоқ қора кўзлар,
Ширин-шакар айтинг сўзлар,
Олмадай таранг бу юзлар,
Сўрабер, Аваз, сеники,
Қонабер, Аваз, сеники.

Энди бўлади ўйинлар,
Қараган қушлар, куйинлар,
Бир қарич бўлган бўйинлар,
Қўл солинг, Аваз, сеники,
Ушлаб уқала, сеники.

Ширвонда бўлар қоч-қочлар,
 Ҳар кўчага қочар очлар,
 Тарам-тарам қора сочлар,
 Сийпайбер, Аваз, сеники,
 Ушлаб искайвер, сеники.

Ойтумса дер нечалар,
 Юрсам тўлади кўчалар,
 Оппоқ қордайн учалар,
 Қўл солгин, Аваз, сеники,
 Майли, чимчила, сеники.

Азобга қолсин бу танлар,
 Тенадаги ширин жонлар,
 Мисли кўбидайин сонлар,
 Қарайвер, Аваз, сеники,
 Томоша қилсанг, сеники.

Чаманда очилган гулнинг,
 Бири ҳам Аваз, бири мен,
 Осмони сомон йўлининг
 Бири Авазхон, бири мен.

Шунда Авазхон: “Эй Ойтумса, менадан хафа бўлма. Йигит сўзидан, арслон изидан деган гап бор. Менинг аҳдимдан қайтишим ўлим билан баробардир”, – деди.

“Авазхон, сиз мард, лекин тенг-тенги билан, тезак қопи билан деганлар. Мен ҳам Аҳмад тоғангизга эмас, балки сизга ошиқ бўлиб борганман, – деди Ойтумса, – агар рози бўлмасангиз, мен розиман канизаклик қилишга”. Авазхон: “Айтилган гап отилган ўқ бўлади ўзбек-туркман халқида”, – деди. Шунда Ойтумса Авазнинг сўзидан қайтмаслигини билиб, хуноб бўлиб: “Нима бўлса ҳам тақдиримдан кўраман”, – деб, тақдирига тан бериб, баланд товнинг боврида тураверсин, гапни Ширвондан билмоқ керак.

Канизлар кўшкидан чопиб тушишиб, хоннинг саройига югуришиб, бир хиллари қочишиб, бир хиллари сурилиб, бошқалари йўртишиб, подшонинг олдига кириб, таъзимни бажо қилиб, Ойтумсанинг ўнг қўл канизаги кўрган кечирганларини баён қилаётган жойи.

Улуғ шоҳим, гулдай бўлган тарзим бор,
 Мен бандаман, худодан жон қарзим бор,
 Кутилмаган кулфат тушди бошимга,
 Ноилождан сизга айтар арзим бор.

Найлайн, мен ғовға тушди бошима,
 Канизлари турган эди қошимда,
 Бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, шоҳим,
 Маликамни олдиргандим тушимда.

Сарой аро, найлай, боғланар кўлим,
 Бу савдони сезмаган эканда дилим,
 Гоҳо тушлар бўлар чиндан, ҳақиқий,
 Тонг пайтида рўй бердида ҳам ўнгим.

Тонг саҳарда от устида кеб эди,
 Кўшкига зил етгандайин бўб эди,
 Билмай қолдим олиб кеттими шулар,
 Маликам шу пайтда бир оҳ деб эди.

Билишимча, минган оти кўк экан,
 Эгасининг кўнгли жуда тўқ экан,
 Маликам, деб йиғлайбердим дарчадан,
 Қараб эдим, қораси ҳам йўқ экан.

Маликам, деб юрагимни доғладим,
 Айрилдим, деб сочим юлиб йиғладим,
 Гумоним бор сизга айтай, подшоҳим,
 Кенг Чамбилнинг ўғриси деб чоғладим.

Йиғлай-йиғлай бувинларим бўшайди,
 Ўйлайверсам суякларим қақшайди,
 Ўғрини минган оти, подшоҳим,
 Гўрўғлининг тулпорига ўхшайди.

Айланайин, маликамдан айрилдим,
 Йиғлай-йиғлай юрагимда тойрилдим,
 Қуриб кетсин бу дунёнинг ишлари,
 Сиз боладан, мен дўстимдан айрилдим.

Шунда Шоҳдорхон тахтдан ирғиб туриб, боши айла-
 ниб, кўзи қоронғилашиб, тили калимага келмай қолди.
 Ғазабдан тепа сочи тикка бўлиб кетди, кўзи қонга тўл-
 ди, кўзининг ҳар косаси пиёладай бўлди, “жаллод” деб
 қичқирди, мирғазаб ва ясовул етиб келди. Шоҳдорхон:
 “Таблани кўринг, тезда боринг, Қаландар билан Ғирот
 бормикан”, – деди. Мирғазаб югуриб кетди, таблага етди,
 изига шартта қайтди. Ғирот ҳам, Қаландар ҳам йўқлиги-
 ни бирдан айтди, шоҳ хушидан кетди. Карим Сўфи лаш-
 карни оёққа турғизди. Ўн лак отли, ўн лак пиёда аскар,
 беш юз минг полвон, беш юз дев, қанча тўпу тўпхонаси
 билан, қора милтиқ, пилта милтиқ, шашка, қилич, най-
 заси билан Ширвоннинг катта дарвозасидан чиқиб, Чам-
 билга қараб йўл олаверди. Катта чошкада шоҳ хушига
 келиб “Нима бўлди?” деб сўради. Сўфи Карим: “Ҳаммаси
 жойида. Ками билан олти ойдан сўнг қизингизни кўра-
 сиз”, – деди. Сўфи Карим ўз отига, Шоҳдорхон бўз отига
 отланиб, лашкарнинг олдига ўтиб, “Чамбил, қаердасан?”
 – деб кетиб бораётгани.

Ё оби деб, ё лалми деб,
 Ҳайдайберди сонсиз лашкар,
 Ўзбек-туркманни қирсак деб,
 Қуваверди изсиз лашкар.

Ширвоннинг қир даласида,
 Санам Чамбил қалъасида,
 Воҳ, болам, деб йиғлар султон,
 Қиз бўлса ҳам боласи-да.

Султоннинг ўнгу сўлида,
 Кескирлар пўлат қўлида,
 Саб бир полвонлар боради,
 Ширвоннинг катта йўлида.

Тинкласа тоғни ютгудай,
 Ушласа девни тутгудай,
 Не бир полвонлар жўнади
 Ола товларни отгудай.

Қайта-қайта оқириниб,
 Йўлбарсдаин бақириниб,
 Чамбил, қайдасан, қайда деб,
 Бир-бирини чақириниб.

Менман ҳам деган мерганлар,
 Қушнинг кўзидан урганлар,
 Елкасида қора милтиқ,
 Ширмонда зўрман деганлар.

Чўлларда ўйнар бедов от,
 Ширвонга бўлди қиёмат,
 Барзанги девлар ўйноқлаб,
 Юриш-туриши сиёсат.

Чўлларда борар бу замон,
 Ким бўлар билмам пушаймон,
 Туби орқаси* кўринмас,
 Шоҳдорга бўпти кўп армон.

Кета-кета милтиқ отади,
Бирин-бирин қувиб етади.
Неча тоғу даралардан
Узилмай лашкар ўтади.

Қанча сойлардан кетади,
Изидаги чанг ютади,
Ўтсақу эски йўллардан,
Чанги оламни туттади.

Менман деган зўравор,
Ким бўлар унга баробар,
Кечалар бўлади кундуз,
Боради қанча аждаҳар.

Йўлнинг танобин тортади,
Сонсиз туялар жўртади,
Бир хил бекларнинг бедови,
Оқ-кўк аралаш бўртади.

Шоҳнинг жаллодлар қуввати,
Орқада Ширвон давлати,
Ўзбек-туркманни қирсак деб,
Чамбилга бориш нияти.

Боғларда ўсган пистади,
Банд ҳам беришга устади,
Ойлаб уйқуни кўрмайди,
Бедов отларни қистади.

Қош-қовоқлари уйилган,
Уруш анжомлари жийилган,
Ўйлаб боради Шоҳдорхон,
Қилар иш дилда туйилган.

Ҳарна бўлса ҳам кўради,
Отига қамчи беради,
Қўп лашкарлар шу ғазода,
Борса Чамбилни қиради.

Қанча лашкарлар шердайн,
Мисли Рустамча зўрдайн,
Қабоғи чимдай уйилган,
Ҳар ийнилари қирдайн.

Бўйдоқлар отда кулади,
Отига ҳамиз беради,
Сағана қоғир бедовлар,
Йўлнинг танобин олади.

Ҳар дам ками бор куяди,
Оғир азобдан тўяди,
Исфихон қўлда Шоҳдорхон,
Тутса Авазни сўяди.

Ўтади неча дарадан,
Ойлар ўтади орадан,
Кечки пешинда лашкарлар,
Тўхтади кўриб қорадан.

Очилиб сўнг гул сўлади,
Куни тўлмаган қолади,
Полапон товнинг бетига,
Аваз равона бўлади.

Беклар бўларин ўйлади,
Энди Шоҳдорхон бўйлади.
Икки тубанинг бетига
Қўшин қўшхона тайлади.

Банд бўлса сувлар тўлади,
Ажали тўлган ўлади,
Қўшин бошлиғи Бердиёр,
Бек Авазлигин билади.

Аваз шердайин туради,
Тикилса товлар нуради,
Қўшин эгаси Бердиёр,
Тўхтанг деб фармон беради.

Ана энди оқ чотир, кўк чотир, ҳар томонга тикилиб, сатта полвонлар уруш анжомларини кўраётир, кўшин эгаси Бердиёр фармон бераётир. “Бўласан, борасан, Аваз-ни ушлайсан, Ширвон полвонларининг зўрлигини билдирасан” деб. Бу томондан Бердиёрнинг кўшини тайлаб бораяпти. У томонда бек Аваз Ғиротни созлаб, уруш бўлишини кўзлаб, назари тулпорини зиёрат қилиб, сийиниб Бобо Зангига, оёқ қўйди узангига, қаддини ростлаб, Ойтумса парига: “Бугун Авазнинг ишини томоша қил”, – деб, отни кўшинга равона қилаверди. Ойтумса ҳам хон Авазга тиловчи бўлиб, дуо қилиб тураверди. Шунда Аваз кўшинга қараб, муритини бураб, узангига оёғини тираб: “Кел-ҳа, беклар, бўлар Рустамнинг саваши”, деб, қирқ газ Исфихонни қўлига олиб кетаётган жойи:

Юракда йўқдир армон,
Бўлсин танада дармон,
Кучинг бўлса, полвонлар,
Келавер энди берман.

Кўп юрбедим Ширвонда,
Аваз эди армонда,
Келавер ўнта-ўнта,
Бугун қилай шарманда.

Ғир отимни бойладим,
Ҳамиша авайладим,
Ўнинг қўрқсанг кел юзта,
Шердай ёлғиз тайладим.

Мард қилади эрликни,
Менга кўрсат зўрликни,
Ширвоннинг полвонлари,
Билдирайин зорликни.

Ушладинг Ғиротимни,
Чамбил дер давлатимни,
Бугун молинг берайин,
Олгин омонатингни.

Кўр Авазнинг ишини,
Кесар ғаним бошини,
Юзинг қўрқсанг мингта бўл,
Ғажир есин лошингни.

Дўсту душман олдин бор,
Келаётир баччағар,
Мингинг қўрқсанг ўн минг бўл,
Равонадир зўравор.

Энди олгин орингни,
Кўрсатайин зорингни,
Кучинг бўлса товдан ол,
Ойтумсадай парингни.

Аваз дейди отимни,
Билгин сиёсатимни,
Кучинг бўлса майли ол,
Чамбил салтанатимни.

Аваз бугун бўлар мард,
Бўлсин қочганлар номард,
Ўн минг қўрқсанг баринг кел,
Юракда қолмасин дард.

Тараф-тараф бўлавер,
Қўрқсанг ҳамманг келавер,
Аваз жангда ягона,
Оқибатинг билавер.

Гапни гапга қўшади,
Дарёдаин тошади,
Эрта чашка душманга,
Аваз аралашади.

Бўри чопгандай бўлди,
Дарё тошгандай бўлди,
Кетди Аваз оралаб,
Товлар кўчгандай бўлди.

Олдин кегани нураб,
Аҳволи булар хароб,
Сони йўқ, сабоғи йўқ,
Душманга оёқ тираб.

Жазоирлар жорқиллаб,
Пўлат найза ёрқиллаб,
Дубилғалар бошида,
Исфихонлар ширқиллаб.

Пўлат найза отилди,
Ширин жонлар сотилди,
Из-изига душманлар,
Навбат-навбат ўтилди.

Абдал найза бошида,
Пўлат қалқон тўшида,
Зўрға келар бостириб,
Полапоннинг қошида.

Бир-бирига қарамас,
Ҳолинг не деб сўрамас,
Бир хил беклар хом экан,
Бу майдонда ярамас.

Қонга билар изини,
Бекдан узмас кўзини,
Сабил бир хил бедовлар,
Сермаб отар ўзини.

Бир-бирига дуч бўлди,
Хон Аваз ҳам ғаш бўлди,
Икки томон, икки ёқ,
Ўртада саваш бўлди.

Хон Авазнинг ишига,
Зўрлар келар қошига,
Қирқ газ бўлган Исфихон,
Тегар душман бошига.

Бўғдой ўргандай қилди,
Тарвуз юлгандай қилди,
Менман деган бекларни,
Исфихонига илди.

Иштаҳаси очилди,
Овзидан ўт сочилди,
Аваз бўлса равона,
Қўрқоқлари қочилди.

Зўр-зўрлиги билинди,
Энди хуруж қилинди,
Сермаганда Исфихон,
Йигирма бош жулинди.

Бошга қайғу солади,
Неча ўлиб қолади,
Қуршаб келиб Авазни,
Зўрни қамаб олади.

Гирот шунда ётади,
Бошдан найза ўтади,
Чапарсата душманлар,
Бек Авазни отади.

Душман келса пориллаб,
Калла кетти гириллаб,
Авазнинг қиличига,
Қонлар кетти зириллаб.

Ҳай-ҳайлашиб келади,
Қайта қуршаб олади,
Мард эканда бек Аваз,
Яна қайғу солади.

Адабини беради,
Бирин-кетин қиради,
Сермаб-сермаб қиличин,
Боз устига уради.

Ҳайдайберди отини,
Бекнинг сиёсатини,
Қистаб Аваз олади
Зўрларнинг қобатини.

Қош-қовоқлар уюлди,
Кўзига қон куйилди,
Менман деган полвонлар
Полапонда сўйилди.

Душман келар бостириб,
Мерганини пистириб,
Ундан олдин бек Аваз
Бошлайди қон кустириб.

Товнинг баланд пастига,
Бир-бирининг қастига,
Аваз ҳайдар дўндириб,
Душманларнинг устига.

Полвон Аваз яради,
Туркаб-туркаб* қаради,
Бунда келса зўрлари,
Аралашиб қиради.

Қўрқоқ қочар войиллаб,
Энамлашиб чийиллаб,
Аваз дўнса шердаин,
Қочаберди гириллаб.

Зўр зўрларга ўч бўлди,
Қўрқоқлари қоч бўлди,
Тараф кетти тарқалиб,
Кун қиблада кеч бўлди.

Эрган-мертан тонг отди,
Уйқу қабоқда қотди,
Довул чалиб Бердиёр,
Лашкарларин уйғотди.

Совут кийим кийилди,
Қовоқ чимдай уйилди,
Қиладиган ишлари,
Юраклар жийилди.

Майиб жойида қолди,
Ярайдиганин олди,
Фармон берди Бердиёр,
Қўшин яна қўзғалди.

Ип мулойим эшилар,
Тортса қоплар тешилар,
Боз устига лашкарга,
Бир лак дев кеб қўшилар.

Тақдирига кўнади,
Ер кўчгандай жўнади,
Бугун лашкар ғазабдан
Ҳар қадамда ўнади.

Оқ чотирлар, қўк чотир,
Қайта тикилаётир,
Тўғон бўшагандай бўб,
Шашт билан келаётир.

Бедов отлар ўйноқлар,
Уйланмаган бўйдоқлар,
Ҳаммаси ҳар қирдай бўб,
Одам тўла ҳар ёқлар.

Тулпор отлар уринди,
Чарчагани суринди,
Куёш чиққандай бўлиб,
Аваз бетда кўринди.

Хезлагани хезлади,
Ғиротини тезлади,
Аваз келар қуюмдай,
Неча кўрқоқ бўзлади.

Яшин тушгандай келар,
Шамол учгандай бўлар,
Икки томон тиклашди,
Юлдуз тушгандай бўлар.

Тов товларга урилди,
Кам зўрлари сурилди,
Аваз кетти оралаб,
Катта қўшин ёрилди.

Равшан кўзлар сузилди,
Қилган ният бузилди,
Ўн-йигирма каллалар,
Танасидан узилди.

Кеча қолган камига,
Қилич тортар дамига,
Аваз борар оралаб,
Қаландардир номига.

Қочганини қўймади,
Таслимини суймади,
Йигит хулқи кенг бўлсин,
Ахир юрак куймади.

Бош сапчадай отилди,
Ўлик жарга ётилди,
Аваз жангда одамхўр,
Қанча жонлар сотилди.

Шувуллади қизил қон,
Душманга бермас омон,
Доғида қолгандайин,
Очирқанди Авазхон.

Жангда Аваз ориллаб,
Оти қушдай пориллаб,
Қирқ газ қилич тортилса,
Сойга калла гириллаб.

Аваз жангда балоди,
Кўрган қойил қолади,
Катта-катта кенг сойлар
Каллаларга тўлади.

Ғирот оғзин очади,
Кўрган одам қочади,
Қираверди Авазхон,
Қизил қонлар кечади.

Жангда ўлик айқашди,
Қон тўлқиндай чайқашди,
Лошга тўлади сойлар,
Номардлари қайтишди.

Девга Аваз оралаб,
Қираберди саралаб,
Эпкини тийган жойлар,
Ит қопгандай яралаб.

Жангда Аваз соққади,
Тов бетига боқади,
Девлар кетти юмалаб,
Қони селдай оқади.

Кўп полвонлар нуради,
Қилич тийса яради,
Ғиротнинг ўмганига
Оққан қонлар уради.

Аваз кучин билади,
Ғанимга ғам солади,
Кенг адирлар, сойноқлар,
Ўликларга тўлади.

Далани лош жойлади,
Кўшинни бек найлади,
Чекка-чекка ўликка,
Ғажир келиб тайлади.

Жангда Ғирот ишлади,
Қилиғини бошлади,
Душман келса кўндаланг,
Бош миядан тишлади.

Ўқ келганда ётади,
Ҳаккалаб яна ўтади,
Душман келса олдиға,
Тишлаб-тишлаб отади.

Туриб-туриб чопади,
Излаганин топади,
Келиб қолса орқадан,
Қоқ манглайга тепади.

Ғир гуриллаб боради,
Полапонда яради,
Аваз билан душманни
Баҳслашиб қиради.

Гирот жангда ягона,
Доим бўлсин омона,
Тулпор борса гуриллаб,
Душман бўлар девона.

Тўда-тўда ёрилиб,
Душман борар қирилиб,
Гирот босар ғанимни,
Қолар қонга қорилиб.

Қираверди барини,
Бугун олар орини,
Икки томонда келса,
Аваз берар шўрини.

Қонга тўлди бу жойлар,
Азоб ўтган вой-войлар,
Ўйноқлаган бедовлар,
Ўлар майдон ичинда.

Оқ чотирлар, кўк чотир,
Қайта бузлаётир,
Кўрқоғи қочаётир,
Кетар майдон ичинда.

Сўлқиллаган бўйдоқлар,
Минган оти ўйноқлар,
Яшил-қизил байроқлар,
Қолди майдон ичинда.

Узоқ Ширвон қалғалар,
Сағир қолди болалар,
Сойга тушди каллалар,
Хароб майдон ичинда.

Қонга қотди газалар,
Қонхўр бўри ис олар,
Ўн минг, юз минг найзалар,
Синди майдон ичинда.

Зўрман деган полвонлар,
Оқ ва қизил алвонлар,
Юракдаги армонлар,
Нобуд майдон ичинда.

Бир-бирининг ўчидан
Қонлар томар сочидан,
Пилта милтиқ кучидан,
Ўлар майдон ичинда.

Боласидан айрилар,
Хонасидан айрилар,
Қанотидан қайрилар,
Вайрон майдон ичинда.

Оғзи катта милтиқлар,
Мерган қуролни ўқлар,
Бугун кечаги йўқлар,
Қолар майдон ичинда.

Бугун Аваз аждаҳар,
Жангда бўлар зўравор,
Мурда бўган одамлар,
Қирар майдон ичинда.

Ярадор азобланар,
Билмам, ҳоли не бўлар,
Орқада бола қолар,
Ётар майдон ичинда.

Бир хиллари қон қусиб,
 Ётар бир хили сасиб,
 Устидан Ғирот босиб
 Ўтар майдон ичинда.

Майдонда саваш бўлар,
 Кўпнинг ажали тўлар,
 Бир хил вой-войлаб ўлар,
 Вой кўп майдон ичинда.

Бир-бирин суриш бўлди,
 Майдонда хуриш бўлди,
 Қиёмат уруш бўлди,
 Дўнар майдон ичинда.

Қонлар қотар қиёқда,
 Молсик сасир бу ёқда,
 Қоч-қоч деган қаёқда,
 Қоч кўп майдон ичинда.

Кушлар қўнар қияда,
 Жанжал ёмон дунёда,
 Душман пою пиёда
 Қочар майдон ичинда.

Қадди тикка бу товлар,
 Кийигин овчи овлар,
 Эгари бўш бедовлар,
 Бексиз майдон ичинда.

Кимлар қўшиқ айтади,
 Зўрлар изга қайтади,
 Нобуд бўлса қайтади,
 Ғам кўп майдон ичинда.

Тоғларда бор бодомча,
 Очиғи йўқ қадамча,
 Ким ғам тортар одамча,
 Қирғин майдон ичинда.

Тўбаларнинг шўраси,
 Узоқ Чамбил ораси,
 Кетмас кўнгил яраси,
 Яра майдон ичинда.

Сойда ўлган кўп бўлди,
 Эналаган кўп бўлди,
 Ахир лашкар тўп бўлди,
 Қайтар майдон ичинда.

Лочин тоғга қўнади,
 Болага парвонади,
 Йўлбарсдайин бўб бек Аваз,
 Товга тортиб жўнади.

Шундай изга қаради,
 Ғажир тайлаб туради,
 Не синдими аждаҳар,
 Кўнглига гап келади.

Худо сақласин омон
 Мерсинган жуда ёмон,
 Кета-кета бек Аваз,
 Қарар изига томон.

Бедов ҳаддан ошади,
 Йигитликда тошади,
 Шундай қиб бек Авазхон,
 Қўшхонага тушади.

Алқисса Авазхон иккинчи куни уруш майдонидан чиқиб Ойтумсанинг олдига борди. Ойтумса Ғиротни ювиб, баданидаги қонларни уқатиб*, арчанинг шохчасига бойлаб, белини бўшатди. Авазнинг олдига келиб:

– Эй тўрам, бугунги ишингизни кўриб қойил қолдим,
– деб ёнига ўтирди.

– Итдан ит, йўлбарсдан йўлбарс туғилади. Мен йўлбарсларданман, – деди Аваз.

– Тўғри, лекин жангда Ғиротнинг ўнг ва сўл томонида йигирмадан қирқ одамни кўрдим, улар сизга келган ажал ўқларини қайтарганини ҳам пайқадим. Қирқ чилтонлар сизга ёрдамини аямайди, – деди Ойтумса.

– Гўрўғли отамдан ўн йил уруш сабоғини олганман. Қилинаётган иш шу сабоқлар натижасидир, – деди бир оз жаҳли чиқиб Аваз.

Эртан тонг отди. Осмондаги қушлар гул билан булбулни уйғотди. Ойтумса Авазхонга қараб: “Эй тўрам, бугун ёмон гаплар кўнглимга келди, эртага борарсиз”, деди. Авазхон: “Бугун ҳам кечагидай бўлади, сен томоша қилиб туравер”, – деб, Ғиротни миниб, сонсиз душманга қараб тайлаб борапти.

У томонда кўп душман,
Бу томонда Авазхон,
Ўйнаб тайлар дал Ғирот,
Ғанимни қўймас омон.

Келаётир пориллаб,
Босган жойи зириллаб,
Бекни кўрган кўрқоқлар,
Ўлдимлашиб дириллаб.

Жангда бўлар пушмонлар,
Алам чекмас полвонлар,
У томонда селдай бўб,
Босиб келар душманлар.

Чанг ҳавоман эшилди,
Катта тошлар тишилди,
Икки томон эрталаб,
Бир-бирига қўшилди.

Мард сўзини оқласин,
Зўрни Худо сақласин,
Аваз кетти оралаб,
Битта-битта тахласин.

Жангда бўлди қиёмат,
Қолиш қийин саломат,
Бўлар Рустам саваши,
Танда жони омонат.

Аваз қилар ишини,
Бурмас отнинг бошини,
Устига устак бўлди,
Қирди душман лошини.

Бир-бирига ушлашиб,
Жаннатга йўл бошлашиб,
Эгасиз қанча бедов,
Қолаверди кишнашиб.

Товба деган қаёқда,
Қоч-қоч бўлар ҳар ёқда,
Ўликка ғажир ташлар,
Мослиқ сасир бу ёқда.

Қиёмат қойим бўлди,
Оҳ минан войим бўлди,
Гурса-гурса тайлашди,
Нечовлар майиб бўлди.

Муна товнинг боши қор,
 Ёлғизга ким вафодор,
 Доғида қолгандайин,
 Аралашар зўравор.

Кувганни қуритади,
 Ўлигин чиритади,
 Калхат дўнгандай қилиб,
 Қанчасин пиритади.

Қон танадан ситилиб,
 От босган жой титилиб,
 Аваз қилич сермаса,
 Олтмиш калла отилиб.

Қўрқоқлари қочади,
 Гирот оғзин очади,
 Жонивор Гирот кишнаса,
 Олов бўлиб сочади.

Отам дейди бақириб,
 Энасини чақириб,
 Ўликларнинг ичига,
 Писар қўрқоғи кириб.

Товда ўсган пистаси,
 Қочишнинг йўқ астаси,
 Чўзиб отар қилични,
 Жангнинг Аваз устаси.

Қизил қонлар қотади,
 Тухмат гаплар ситади,
 Беш кун ўтиб омонат,
 Манманлик ҳам хатоди.

Қон отларни тўсади,
 Кўп ўрани босади,
 Манман деган бир мерган,
 Ўликларга писади.

Жойлашиб сўнг ётади,
 Сония вақт ўтади,
 Аваз келди пориллаб,
 Мерган шунда отади.

Аваз кетар ҳушидан,
 Мерган мамнун ишидан,
 Теккан экан сарсон ўқ,
 Қувуғининг бошидан.

Кўкда қушлар чориллаб,
 Айланади пориллаб,
 Қонлар оқар бадандан,
 Шаршарадай шориллаб.

Худо кимга беради,
 Ажал тўлган ўлади,
 Бадандан оққан қонга,
 Нуғай этик тўлади.

Жон ҳалқумга тиқилди,
 Қадди ёйдай букилди,
 Вой аттанг-а, бек Аваз,
 От ёлига йиқилди.

Гирот кимга боради,
 Кимларни чақиради,
 Кўзи тўрт бўб сағана,
 Чор атрофга қаради.

Аваз кетса кийинга,
Думи билан суяди,
Кетар бўлса олдига,
Ёли билан суяди.

Аваз қаддин букади,
Ғирот кўзин тикади,
Қувгандай бўб сағана,
Жангдан четга чиқади.

Парвардигор понади,
Ким тақдирга кўнади,
Бир-бир босиб дал Ғирот,
Товга тортиб жўнади.

Ана энди, кун арқон бўйи қолганда, уруш майдонида жанг тўхтади, Авазхоннинг от ёлига ётиб кетганини кўрган лашкарлар ҳар хил гап тарқатаверди. Манман мерган: “Мен отдим”, – деб, у ҳам ўзини мақтайверди. Шунда лашкарлар ҳайрон бўлиб туриб эди, кўпни кўрган кекса жангчи: “Авазнинг етмиш икки ҳийласи бор, шулардан бирида. Аллаб жонага* чиқариб, яна қирмоқчида. Келинлар, агар чин бўлса эртага урушга чиқмайди, хато бўлса чиқади”, – деб маслаҳатни бир жойга қўйиб, дам олайик дейишиб, қўшхона-қўшхонасига жаллодлар кетаверди.

Ойтумса Авазнинг бу ҳолга келиб қолганини кўриб турган эди, “Ҳарқалай яхшиликка бўлсин-да”, деб юраги хавотирда эди. Шунда Ғирот Авазни олиб келди. Ойтумса суяб отдан тушириб олди, ярасини кўриб, юзида иккиланиш пайдо бўлди. Отамнинг жаллодлари келса нима қиламан, деб хавотирланаверди. “Аваз мард экан, яна номардлик бўлмасин, мен ҳам мардлик қилайин”, – деб, рўмолини олиб ярасига босаверди. Аваз ўзини билмайди, ҳушидан кетган, у ҳам ётаверди. Ойтумса ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади деб, Авазни кий-

имларини ечиб, ўзи кийди. Ўзиникини унга кийдириб: “Қараб турсам жаллодлар келиши мумкин”, – деб, Ғиротнинг олдига бориб, туёгидан тавоб қилиб, манглайдан зиёрат қилиб: “Сен бошпана бўлмасанг, ким бўлади?” – деб Ғиротга икки оғиз айтаётган жойи:

Дал Ғиротим, жон Ғирот, сени қилай зиёрат,
Чамбилдўзнинг шерини, аттанг, босди палакат,
Сендан бошқа кимим бор, айланайин, бўйингдан,
Беҳуш бўлиб ётибди, то бўлмасин қиёмат.

Не иш келар қўлимдан, ўзим бўлсам муштипар,
Кимларни чақирайин, Полапонда кимим бор,
Эга бўлгин бўйингдан, аждаҳарга парвона,
Бахтимизга дал Ғирот, ўлмасинда зўравор.

Шу кунгача дал Ғирот, жангга кирган эмасман,
Сен бўлмасанг мададкор, бу урушда бўмасман,
Майдонга кирганимда, олиб қочма ўзимни,
Жаллодни хуркутгунча, сира қайтиб кемасман.

Катта товнинг арчаси минг йилгача яшайди,
Ўтаверса асрлар, аста-аста бўшайди.
Гапларимга қулоқ сол, айланайин, бўйингдан,
Шориллаб жўнамагин, бувинларим бўшайди.

Ёмон одам қурисин, ёмонлигин қилади,
Хушомад қиб олдинда, бор сиригни билади.
Айланайин, Ғиротим, мени қилма саргардон,
Овур бўлса яраси, аттанг, эганг ўлади.

Шунинг учун, дал Ғирот, бор будингни кўрайин,
Қўлимдан келса агар, душманларни қирайин.
Мададкорим сен ўзинг, Полапоннинг тўшида,
Тамадди бериб бунда, қуюндай қиб сурайин.

Бу оламнинг олдида обрўйинг товча бор,
Босган қадамларингга тўкса арзир олтин зар.
Қирқ чилтонлар сақласин, азиз минан авлиё,
Худоё худованда, омон қолсин зўравор.

Кетдик, Гирот майдонда, мен ҳам Аваз бўламан,
Жанг қандай бўлар бунда, сир-асрорин биламан.
Фарзанд бўмай ўлайин, авваласи дал Гирот,
Ҳарна бўлса пешона, тақдиримдан кўраман.

Бир хил ота бўлади, далаларда гулистон,
Уйига келса агар, гулистондир гўристон.
Ёлғон-ёлғон сўзларни, бузуқликни қилади,
Назарига илмайди, жўжаларин қилиб қон.

Аксига олиб кетди, найлай, энди бу фалак,
Отажоним, ғамхўрим, изимда бўлди ҳалак.
Нима билан оқлайин менга берган тузини,
Қарши чиқаётирман оқламоқчиман бўлак.

Шундай қилиб Ойтумсанинг кўзига жимма-жимма
ёш келиб, кўнгли вайрон бўлиб, сийиниб Бобо Зангига,
оёқ қўйди узангига. Гирот билан бир оз тўхтаб, кўнгли
лига кўп гап келиб: “Шу мени шарманда қилармикан, ё
бўлмаса мени банди қилиб, Авазхоннинг бошига отаси
минан келиб, ўлим чангалини солармикан? Нима бўлса
бўлар, феъли бузилса кўргилигини кўрсатаман”, – деб
аста кўзғалиб, Авазнинг бошига бориб, ўқраниб, юзидан
искаб-искаб, изига бурилмай жўнаб кетди.

Шоҳдорхоннинг лашкарлари бир-бири минан турти-
шиб: “Ана кўрдингма, Аваз ҳийла қилди. Яна қайтиб ке-
лади демаганмидим”, – дейишаверди. Бу томон, у томон
келишиб, бир-бирига қўшилиб, дарёға жилға қўшилган-
дай бўлиб кетди. Қаранг энди Гиротди, томошасин кўр-
сатди, душманларни қийратди. Ойтумса ҳам арпа ўрган-

дай қилиб қўшша-қўшша қилиб йиқитаверди, келгани
қочаверди, жонидан кечаверди, изи бутунлай ўчаверди.

Аравалаб ҳар ёқдан,
Қийир тўккандай бўлди,
Сел келгандай бу ёқдан
Қонлар оққандай бўлди.

Полапоннинг тошини
Селлар сургандай бўлди,
Юзлаб одам бошидан
Яшин ургандай бўлди.

Ҳар томондан жўралар,
Қуюн келгандай бўлди,
Қўрқоқлари паналар,
Тулки қочгандай бўлди.

Жўжаларнинг устига
Калхат келгандай бўлди.
Тирқирашиб қочади,
Сўна чаққандай бўлди.

Ё қатқалоқ туттима,
Ёки ичдан ўттима,
Отамлашиб қочади,
Тўғон бўшаб кеттима.

Сурув-сурув қўйларга
Бўри келгандай бўлди,
Дашда қора уйларга
Қуюн келгандай бўлди.

Одамларнинг қочиши
Тулки қувган тозидай,
Чарчаб оғзин очиши
Қора гўрнинг ўзидай.

Ойтумсанинг тайлаши
Баҳордаги жаладай,
Аваздай бўб бўйлаши
Рустам деган балодай.

Душманларнинг ўлиши
Сувга тушган жўжадай,
Чўлда сасиб қолиши
Ёлғони кўп хўжадай.

Ойтумсанинг ўйнаши
Ўлжа олган шердайн,
Гир айланиб қувиши
Қурашдаги зўрдайн.

Душманларнинг қўрқиши
Айб қилган боладай,
Туриб-туриб хурқиши
Шамол олган лоладай.

Ойтумсанинг қилиғи
Арпа ўрган ўроқдай,
Тийиб кетса бир учи
Сочга кирган тароқдай.

Душманларнинг нолиши
Энаси йўқ кўзидай,
Нобуд бўлиб қолиши
Қумурсқанинг ўзидай.

Ойтумсанинг туриши
Талаб қилган полвондай,
Полапондаги қонлар
Тўшаб қўйган алвондай.

Шундай қилиб Ойтумса
Душманларни қиради,

От устида аждаҳар,
Жазосини беради.

Қамчи бериб Ғирига
Қочганини қаради,
Келган душман зўрига
Аямайин уради.

Гурса-гурса тайлади
Душманларнинг устига,
Кўзин ипсиз байлади
Авазхоннинг қастига.

Қиз бўлса ҳам Ойтумса
Душманга ғам ичирди,
Кечки пешин зўравор
Ғажирларни қочирди.

Шундай қилиб кунлар ўтаверди, тонглар отаверди. Авазхоннинг яраси секинлик билан битаверди, ҳар куни Ойтумса бир-икки соат жангга кириб, вақтдан ютаверди. Орадан йигирма кун ўтганда Авазхоннинг ҳам яраси қора кўтир бўлиб, бемалол ҳар ишни қиладиган бўлиб қолди. Овқати ҳар қандай паррандаларнинг хом гўшти бўлди. Авазхон ўзига келиб, танасига сўл югуриб қолди. Бир куни Ғирни олди, қиличини белига чалди, кийимини кийди, қобоғини уйди, нима қилишини юрагига туйди. Зарб минан Ғир отига миниб: “Эй Ойтумса, сенга катта раҳмат, мен хижолатдаман, юрагимдагини тарқатмасам бўлмайди”, – деб отига ҳамиз бериб, кутилмаганда уруш ноғорасини чалиб, шашт билан, йўлбарс худди ўлжасига тайлангандай, Аваз ҳам ўлжасига тайлаяпти.

Ўт кетгандай ўрмонга,
Аваз борар ҳайқириб,
Катта товлар кўчгандай,
Келча-кел деб, бақириб.

Шу боришда аждаҳар,
Бор лашкарни ютгудай,
Қиличидан томар қон,
Тупурдатиб кетгудай.

Кўзи қонга тўлади,
Ё бўлдими азроил,
Бу шашт билан кетиши,
Оламни қилар қойил.

Остидаги шу оти
Эгасини билади,
Очув билан товларни
Босса яксон қилади.

Юлдуз тушгандай бўлди,
Аваз борди оралаб,
Товлар кўчгандай бўлди,
Душман қочар қоралаб.

Авазни кўрган одам,
Вой, аттанг, деб шошади,
Наҳорида зўравор
Кўпга аралашади.

Яшин тушгандай бўлди,
Ерлар кўчгандай бўлди,
Кимга берар саҳоба,
Булут қочгандай бўлди.

Вой, аттанг-а, одамлар
Туғилганми ўлишга,
Ахир одам қолама
Кўймай шуйтиб қиришга.

Аттанг, афсус, азиз бош,
Дўланадай тўкилди,
Қиличини сермаса,
Беш юз одам йиқилди.

Авазнинг очувига
Билаклари шишади,
Тепа сочи тиккайиб,
Кучига куч қўшади.

Авазнинг қони қайнаб,
Бургутдай бўб тайлади,
Ёш-қарига қарамай,
Кўшша-кўшша жойлади.

Ўлиш бор, туғилиш бор,
Ахир бўлсин эвида,
Бир ойда шунча ўлиш,
Ким йиғлайди кейнида.

Табиатда одамнинг,
Борлиққа зўри борми?
Майли, тўхтатиб қишни,
Қолишга ҳадди борми?

Қотган қоннинг устига
Қон қўшилди, жўралар,
Ис билмаган болалар
Сағир қолди, жўралар.

Қочса қўймай қиради,
Очуви келган экан,
Сой чуқурлар тўлади,
Кўп одам ўлган экан.

Икки бўлак душманлар,
Майдонда ўлиб қолди,
Бир бўлак қолган душман,
Тумандай бўб кўзғалди.

Не бир, не бир одамлар
Тақдирига кўнади,
Тоқат қолмади танда,
Душман қочиб жўнади.

– Во, аттанг, – деб Шоҳдорхон,
Равшан кўзин ёшлади,
Кета-кета аскарлар
Қуролини ташлади.

Ана энди Шоҳдорхоннинг лашкарлари мағлуб бўлиб, Авазнинг мардлигига тан бериб, қолган кунимиз сени қўлингда деб, ҳаммаси ёппасига таслим бўлди. Ойтумса ҳам отасининг лашкари қочиб жўнаганини кўриб товдан эниб, эгасиз отларнинг бирини миниб, етиб келди. Шоҳдорхон Аваз билан Ойтумсани Ширвон элига олиб бориб, омон қолганига шукур қилиб: “Эй Аваз болам, марднинг ишига тан бермоқлик керак. Биз сенинг жасурлигинга тан бердик. Ойтумса қизимни сенга топшираман. Энди Ширвон элатимни ҳам сенга берайин, розимисан?” – деди.

– Ўз юртидан, элидан безган марддан бир фуқаро яхши. Шаҳаншоҳ, мен рози эмасман, – деди Аваз. Подшо Авазнинг гапидан қайтмаслигини билиб:

– Майли, биз ҳам Гўрўғли билан қариндош тутинимиз, борди-келди, олди-сотди ишларимиз ҳам ривожла-

нади, – дедида, хазиначини чақириб, қизига нима-нималарни қўшиб беришни тайинлади. Авазга қараб, бола-сидан айрилишини билиб, кўзига ёш келиб, энасининг ҳам кўнгли бузилиб йиғлади. Ойтумса ҳам бўзлайверди. Подшо: “Боламни сенга, сени Олло таоллага топширдим”, – деб бир сўз айтаяпти.

Аваз болам, эшит айтган сўзимни,
Ёшга тўлдирдингда икки кўзимни.
Бовим беккам бўлсин ниятда, илло,
Авайлаб асрагин ёлғиз қизимни.

Омин дейман, бу қўлимни қувширдим,
Душманлардан кўп сиримни яширдим,
Аваз болам, эндан бошқа панам* йўқ,
Сени ҳаққа, сенга болам топширдим.

Лочин қушлар лочин бўлиб ўлади,
Ўлган билан иккинчиси қолади.
Ёлғиз болам унча-мунча жойданмас,
Таги-туғли асллардан бўлади.

Муродингни Олло берсин, Авазхон,
Бу чечакни асло қилмагин пайҳон,
Ёлғизимни ишонайин ўзингга,
Доно борган жойлар бўлар гулистон.

Атиргулни ўз боғингда қилма хор,
Ўз юртингда йиғламассан зору зор,
Қора кўнғиз боласин оппоғим дер,
Одам-одам ҳамма жойда баробар.

Ўзбек-туркман элатман дўст бўлайик,
Баҳра олиб доим ўйнаб кулайик,
Порлайверсин бу қуёш олам бўйлаб
Ҳар на бўлса тайёр бўлиб турайик.

Боргин, Аваз, йўлинг бўлсин чароғон
 Ҳавасмиан мардга юлдуз қараган,
 Қўшинг обод бўлсин, умринг узоқ,
 Номардларни билгин кимлар сўраган.

Ойтумсаой, юртингни ёд айлагин,
 Орттириб дўст, кўнглингни шод айлагин.
 Ким ушлаган бу дунёнинг тутқасин,
 Ғанимларни тезда барбод айлагин.

Кетар вақтинг кўнгилларим вайрона,
 Хуморингга ота-она девона,
 Туш отингдан бир искайин бўйингдан,
 Қовматингдан мендай отанг парвона.

Сўйлайверсам гап келади тилима,
 Неча ғаним келолмаган элима,
 Фарзанд белнинг қуввати, дер боболар,
 Кўлингни қўй, болам, титроқ қўлима.

Вой аттанг-а, ўтар сонсиз неча кун,
 Ўз боламдан айрилмоқдаман бугун,
 Сув ичганча бўлмай ўтди умрим,
 Зим-зиёга тушгандай бўлдим бугун.

Йигитликда қаримайман деб эдим,
 Ўйламайин ҳар бир ишни қиб эдим.
 Қариганда фарзанд экан бошпана,
 Шону шавкат қувватдир деб билбедим.

Фарзанди йўқ қариганда ўчади,
 Кўп жойларда ўтиролмайд қочади,
 Нима қилсин, битта нишон бўлмаса,
 Дард устига қайта майлар ичади.

Бир хил зўрлар қадрини билмайди,
 Фарзандини бир мисқолга олмайди,
 Эллик баҳор ўта берса бошидан,
 Аттанг дейди, уни минан бўлмайди.

Хаста бўлсанг парвона ҳам фарзанддир,
 Зиқна бўлсанг йўқотувчи фарзанддир,
 Чарчаганда дам берувчи фарзанддир,
 Кучингга куч, белга қувват фарзанддир.

Туришингда мадаккор ҳам фарзанддир,
 Ишинг қўлдан олувчи ҳам фарзанддир,
 Ғам тушганда юпатувчи фарзанддир,
 Ёлғизларга оға-ини фарзанддир.

Сенинг учун қайғурувчи фарзанддир,
 Оҳ деганда оҳ урувчи фарзанддир,
 Фарзанд деган асли юрак мойидан,
 Ҳарна бўлса тик турувчи фарзанддир.

Агар билсанг давомчинг ҳам фарзанддир,
 Ҳамма жойда шодлигинг ҳам фарзанддир,
 Одам бўлса ўз боласин севмайма,
 Бу замину осмонинг ҳам фарзанддир.

Кексайганда суювчи ҳам фарзанддир,
 Қарийверсанг куювчи ҳам фарзанддир,
 Ота учун бола бўлар олтин-зар,
 Қабрингга ҳам гул қўювчи фарзанддир.

Баланд товнинг боши бугун бўктар қор,
 Хўрлик келса куйган йиғлар зору зор,
 Кетар бўлдинг Чамбил вилоятига,
 Ёлғиз қизим, кенг давлатга омон бор.

Шохдорхон кўзига ёш олиб, тиклай-тиклай кўзлари толиб, уясидан болачасини олдирган мулла тўрғайдай бўлиб, Ойтумсадан айрилганини билиб, “омин” деб дуо берди. Ойтумса отдан тушиб қайта бошдан ота-онаси билан кучоқлашиб хайрлашиб, отига қайта миниб, отасига қараб: “Берган тузингизга рози бўлинг”, деб икки оғиз сўзлаб турибди:

Ота, билинг, сиздан бошқа кимим бор,
От устида турар тенгсиз зўравор,
Тақдир экан мен ҳам нима қиламан,
Чамбил элга кетмоққа бўлдим тайёр.

Қизингизни соғ-саломат юрсин денг,
Бу жаҳоннинг тарихлари жуда кенг,
Кетар бўлди Ширвон элдан Ойтумса,
Берган тузингизга, ота, рози бўнг.

Қизи қурсин бир кишининг бандаси,
Қандай бўлар тўқ-шўхларнинг хандаси,
Ота рози – худо рози дейдилар,
Сабаб чиқмас яхшилар шармандаси.

Бу юрагим кетар вақти жўш энди,
Гапни гапга айлантириб қўш энди,
Рози бўлинг, ота, берган тузларга,
Ёлғончида кўришгунча хуш энди.

Отажон, найлайн ташлаб кетаман,
Сизларга хафалик бошлаб кетаман,
Қиз бўлсам ҳам ўн йигитга баробар,
Иложсиз кўзимни ёшлаб кетаман.

Энажоним, хафа бўлманг ўзимдан,
Жимма-жимма ёшлар келар кўзимдан,

Ўлмаин айрилиш қиёмат бўлар,
Фақат яна дуо қилинг изимдан.

Энажоним, билинг менинг арзимни,
Оқлолмадим олдингизда қарзимни,
Берган сутга рози бўлинг, қувватим,
Қайтараман ваъда берган фарзимни.

Баланд товдай турган отам хуш энди,
Азиз падар, валламатим хуш энди,
Кенг Ширвондан кетар бўлди Ойтумса,
Ўчмас қуёш, отажоним, хуш энди.

Зиё берган қўш юлдузим, хуш энди,
Боласидан айрилганим, хуш энди,
Рози бўлинг ота-она ўзимдан,
Улуғ зотим, онажоним, хуш энди.

Қараб турган қора кўзлар, хуш энди,
Катта-кичик қариндошлар, хуш энди,
Бўйинсалар, ёр-жўралар, хуш энди,
Катта давлат, кенг Ширвоним, хуш энди.

Шундай хуш келдинг, хуш бординг қилиб, дуолашиб айрилишаверди. Ойтумсага қўшиб сепи деб, қирқ туяга қимматбаҳо сарполар, кийим-кечаклар, олтин-зарлар юклаб берилди. Қирқ канизи ҳам қирқ отга миниб Ойтумсага қўшилиб жўнайверди. Аваз бошлиқ карвон Ширвондан чиқиб, Чамбилнинг йўли қайдадир деб кетаётгани.

От устида қирқ санам,
Қамчи берар отига,
Ҳамиз бериб боради
Авазхон қаботига.

Ким ўзарга ҳайдади,
Қирқта гўзал парилар,
Изда қолса бир хили,
Гап қилишиб парилар.

Ойдай бўлиб Ойтумса,
Бўзда кетиб боради,
Оқ учалар эгарга,
Ботиб кетиб боради.

Шердай бўлиб Авазхон,
Бошлаб кетиб боради,
Шўх қизларнинг ийнига
Қўлин ташлаб боради.

Неча-неча канизлар
Шўхлик қилиб боради,
Шодиёнадан нишона,
Тўқлик қилиб боради.

Тубалардан, зовлардан
Ошиб кетиб боради.
Бир хил катта тоғлардан
Тушиб кетиб боради.

Ариқлардан, сойлардан
Ҳатлаб ўтиб боради.
Сурув-сурув қўйлардан
Четлаб ўтиб боради.

Дарёлардан-сойлардан
Кечиб ўтиб боради,
Чашмадаги сувлардан
Ичиб ўтиб боради.

Дараларнинг ичидан
Товуш бериб боради,
Манов катта қатлардан
Аста ўтиб боради.

Занглаб қолган чўллардан
Ўйнаб борар бедовлар,
Овзидаги сўлигин
Чайнаб борар бедовлар.

Шарқа-шарқа ҳайдади
Ўрқачи кенг товлардан,
Эҳтиётлаб ўтади
Оғиб турган зовлардан.

Хизматкорлар туянинг
Уриб борар бошига,
Олдин кетган қизларнинг
Етсак дейди қошига.

Олдин кетган отлилар
Орқасига қарайди,
Яқинлашса туялар
Яна йўлга ярайди.

Шердай бўлиб Авазхон,
Зўрдай бўлиб Авазхон,
Кўп ўлжамам боради
Нордай бўлиб Авазхон.

Ойтумсаой отида,
Авазнинг қаботида,
Ғунча гулгул очилар
Бекнинг салтанатида.

Сатта қизлар, гул қизлар
Тинмай Чамбилни излар,
Ўз тенгини сизлайди
Жовдираган бу кўзлар.

Сурҳо сур тайлади,
Йўлбарсдаин бўйлади,
Кета-кета йўлларда
Авазхонни ўйлади.

Бир-бирига тийиниб,
Уст-бошига суюниб,
Боғу роғлардан кетар
Парилардай кийиниб.

Қирқта отда қирқ пари,
Бўлиб йигитлар шўри,
Чарчабмикан санамлар,
Юзида мунчоқ тери.

Ойтумсаой ойдай бўб,
Баданлари мойдай бўб,
Қўллар сира тиймаган,
Тегиб кетса тойдай бўб.

От устида диркиллаб,
Узангиси ширкиллаб,
Бедов хиёл ирғалса,
Олмалари иркиллаб.

Қаранг, қизлар жўнади,
Қаранг, нозлар жўнади,
От устида кулишиб,
Сарвинозлар жўнади.

Қаранг, хонлар жўнади,
Қаранг, жонлар жўнади,
Бир-бирига тийиниб,
Оромижонлар жўнади.

От устида ушлашиб,
Бир-бирини мушлашиб,
Тиниғиб ётган қизлар
Куёв-келин ўйнашиб.

Қиқирдашиб кулади,
Аваз муни билади,
Полвон кетар хўрсиниб,
Қизлар мазах қилади.

Ҳай-ҳайлашиб боради,
Вой-войлашиб боради,
Қалъадан олган отлар
Узоқ йўлга яради.

Ерга тушмас тобонлар,
Ийнда ипак чопонлар,
Ични ушлаб қолади
Йўл четида чўпонлар.

Осмонда ёруғ юлдуз,
Сув минан тирик кундуз,
Тезроқ етсак дейишиб,
Йўл тортар кеча-кундуз.

Саҳарлаб тонг отади,
Кўп қишлоқдан ўтади,
Кунлар чошга бўлганда
Полапонга етади.

Бир тўбадан ошади,
Гапни гапга қўшади,
Пишнаб қолди санамлар,
От-отидан тушади.

Қизлар нени сўйлади,
Аваз буни ўйлади,
От-отини санамлар,
Арчаларга бойлади.

Қизлар сочин буради,
Сояларга юради,
Тоғ томонга қарашиб,
Кўп қизлар ўтиради.

Бекнинг қандай ками бор,
Интиқ бўлар гўзал ёр,
Қилдай нозик белидан
Қучиб қўйди зўравор.

Алқисса, Авазхон катта мол-дунё, Ойтумса ва қирқин қизлар, туя ва моллар, зару тиллолар олиб, Полапон то-виге етди, шу кеча ҳаммаси дам олиб тонг отди. Авазхон Ойтумсага: “Кеча мен бир туш кўрдим, тушимди нохуш кўрдим, юрагим бир савдони сезаяпти, ишқилиб яхши-лик бўлсин-да” деб тоқатсизланаверди, кўзлари ёнаверди. Ойтумса: “Тушингда қандай сир кўрдинг”, – деб сўради. Аваз: “Тушимда лочин бўлдим, лочин бўлмай ботин бўлдим. Учиб юрсам гала ғажир келиб, менинг ҳар то-монимдан чўқиб, қочиб кетди”, – деди. Ойтумсанинг ҳам юраги бир нарсани сезгандай бўлди, лекин сездирмади, шунча мол-дунёю, ҳаммасини Полапонда қолдириб, Ойтумсага шошиб бир-икки гап тайинлаб, ҳаммага қайтиб келишини билдириб, Авазхон бир неча йил кўрмаган Чамбил юртига қараб, кўнгли товдай кўтарилиб, “Қайда-сан, юртим”, – деб Ғиротни йўлига равона бўлди.

Баланд товлар, баланд товлар,
Қуйган одам бағрин доғлар,
Бораяпман юртимга деб,
Бек Авазхон кўнглин чоғлар.

Остидаги тулпор оти,
Яқин қолгандир давлати,
Гулчечаклар очилгандай,
Равшанга тўлар қобати.

Эна азиз, юртинг азиз,
Дўст-ёронлар бунда азиз,
Элатига жўнаган сўнг,
Шердай бўлиб кетди ёлғиз.

Ўзга юртларда девона,
Кечган умри ғамхона,
Ўз юртига жўнаганда,
Ғариб бўлгандир мардона.

Беш кун дунё ҳам кетаркан,
Қулогин чиппа битаркан,
Бошқа юртларда яшасанг,
Термулиб кунинг ўтаркан.

Қуйган кўнгиллар яради,
Тарзига кимлар қаради,
Ана энди полвон Аваз,
Юртига қараб боради.

Катта даралар даради,
Ҳайқирса тоғлар нуради,
Бир гап Ғиротга бўлдима,
Йўлда мунғайиб боради.

Очилмай гули сўлдима,
Битмаган иши қолдима,
Олдинга сира юрмайди,
Кўнглига бир гап келдима.

Менманлик оғир хатоди,
Олдин билмаса ситади,
Сонига урар бек Аваз,
Қамчи симдайн ботади.

Ё Авазди синадима,
Аваз бунга кўнадима,
Аямай қамчи уради,
Кўнгли хит бўб жўнадима.

Авазхон ҳайрон қолиб, Ғиротнинг ҳаракатидан хафа бўлиб, отни тўхтатиб, нима савдо бўлганини билмай, кўнглига ҳар хил гап келаверди. Ғирот бир сирни билладима, ё Чамбилда бир гап бўладима, ё бўлмаса мени аҳмоқ қилдима? Юртига келаётган бўлса, мендан кўнгли тўлса, болаларимни кўришимдан, дўст-ёрларим билан ўйнаб кулишимга қаршилиқ қилдима? – деб ўзича тусмонлаб кўрди, ҳеч мучасига тўғри келмади. Шунда Аваз отам: “Отни урма, урсанг гапинга кирмайди, мақта-санг айтганингни қилади”, – деган эди деб, ҳар жойдан, пастдан, баланддан, гап келтириб: “На бўлди, Ғиротим”, – деб кичқириб турган жойи.

Дал Ғиротим эшитавер сўзимни,
Жиққа ёшга тўлдирмагин кўзимни,
Неча йиллар кетиб қолдим юртимдан,
Асқар товда хор қилмагин ўзимни.

Чўлда, йўлда сенинг минан сирдошман,
Кўп жойларда кўплар билан қондошман,
Отам ҳам йўқ, онам ҳам йўқ Чамбилда,
Борим сенсан, сени минан йўлдошман.

Ё бўлмаса мени ғаним билдингма,
Аваз ёлғиз, у келгинди дедингма,
Не сабабдан кела-кела тўхтайсан,
Бу кўнгилни қора қилиб тилдингма?

Қуйи Қофга неча йиллар борувдинг,
Ўн лак девман уч ой уруш қилувдинг.
Хон Гўрўғли сенинг сирдошинг экан,
Юр деганда олти ойлаб юрувдинг.

Ваянганда қилдинг қанча ишларни,
Тишлаб отдинг қанча-қанча бошларни,
Саккиз ойда олиб келиб Ҳасанни,
Ол деганда, олдинг кўкда кушларни.

Бориб қолдинг Гуржистоннинг шаҳрига,
Тош чирийдди хон Гўрўғли қаҳрига,
Олиб қочдинг етти яшар Авазни,
Дош бергандинг султонингнинг қаҳрига.

Райҳон араб келди олтмиш бостириб,
Кўкрагини баланд товдай ўстириб,
Хон Гўрўғли минди сенинг белингга,
Қувган эдинг арабни қон кустириб.

Чамбил учун аямадинг жонингни,
Элатим деб бахшида қиб қонингни,
Мен минганда не сабабдан тўхтадинг,
Тўкайинми шу далада қонингни?

Вой аттанг-а, сен ҳам эллик қилмадинг,
Хонасига келаяпти демадинг,
Неча йиллар ўтиб кетти орадан,
Бирга юриб сен қадримни билмадинг.

Ё бўлмаса Чамбилбелдан бездингма,
Бу дунёнинг элатларин кездингма,
Сен назари кўп нарсани биласан,
Жон Ғиротим, бир савдони сездингма.

Ғирот Авазнинг бу нолишини эшитиб, ҳар на бўлса ҳайвон, икки кўзига жимма-жимма ёш келиб, олдинги оёғини қаттиқ бир кўтариб ташлаб, чираниб туриб, қаттиқ гулдираб кишнади. Авазнинг пешонасига келиб, манглайдан искаб, мен тайёр дегандай сағана Ғирот бел бўлди. Бу ишни кўриб Авазнинг ичига муз кирди. Нима бўлса бўлар деб, Ғиротни миниб жўнайверди.

Асқар товнинг бошига чиқиб, от устидан қаради, Чамбил Асқар товнинг устидан кўрингувчи эди. Аваз шундай қаради, қараса Чамбил ғубор бўлиб, туман тушгандай кўзга ташланди. Авазхон Чамбилга тезроқ етишни истаб, Ғиротга қамчи кўйиб, “Қайдасан, маконим”, – деб Ғиротни ҳайдаб жўнади.

Асқар товнинг бошидан,
Дала минан дашидан,
Жўнайверди бек Аваз
Катта қоя тошидан.

Қамчи босди отига,
Қаранг салтанатига,
Тайлайверди сағана,
Асқар товнинг сиртига.

Сел келгандай ўшқириб,
Устида бек қичқириб,
Ғиротни шамолига
Дара-дара ишқириб.

Жабр қилди жонига,
Қамчи босди сонига,

Ерлар ларзон беради
Ғирнинг ирғаганига.

У дунёлар ўтилди,
Тарихга ном битилди,
Ғирот нафас чиқарса,
Туба-туба отилди.

Қош-қобоқлар уйилди,
Юракка гап туйилди,
Олмос туёқ зарбига
Қора ерлар ўйилди.

Кетаверди зириллаб,
Қочар товлар дириллаб,
Гоҳи-гоҳи жойлардан,
Ғирот ўтар пориллаб.

Аваз Ғирни қистади,
От ҳайдашга устади,
Етти йиллардан бери,
Кўнгли юртни истади.

Дарёдайин тошади,
Газалардан ошади,
Қуш учмаган жойлардан
Гоҳи Ғирот тушади.

Тақдирига кўнади,
У дунё панади,
Шундай қилиб, бек Аваз
Асқар товдан энади.

Оёқ ердан узилди,
Ўтган жойлар бузилди,
Арпалининг чўлида
Ипакдай бўб чўзилди.

Танда жони омонат,
Кун бўлдима қиёмат,
Сермаб ўзин отади,
Арпалида дал Ғирот.

Гоҳи-гоҳи тайлаши,
Лочиндай бўб ўйнаши,
Катта чўлда бўйлаши,
Ўлжа олган бургутдай.

Чўлда ўйнаб кетиши,
Товдан қайтган кўзидай,
Ҳеч қарамай кетиши,
Тулки қувган тозидай.

Тиклаганда сағана,
Кўкда кунни олгандай,
Келган бўлса душманлар,
Қиёмат кун солгандай.

Қаҳрланса бесойиб,
Учар қушдан ўтгудай,
Очув билан тикласа,
Асқар тоғни ютгудай.

Бурнининг тешигидан
Икки туба ўтгудай,
Текис бўлган тўшига
Катта товлар кетгудай.

Икки пут орасидан
Юкли туя ўтгудай,
Қулоқлар орасидан
Овчи кийик отгудай.

Бир туёқнинг изига
Ўн ботмон дон ботгудай,
Селтанг-селтанг тайлаши
Эрка қизнинг нозидай.

Товуш бериб кетиши
Қодир бахши созидай,
Калласини сермайди
Бойнинг эрка қизидай.

Баданининг ботиши
Мултонининг ўзидай,
Кўзининг олалиги
Пора еган қозидай.

Орқасига қараши
Ойтумсанинг Бўзидай,
Икки кўзининг оқи
Катта чилла мўзидай.

Авазхон келаверсин, энди гапни Чамбилдан эшитинг. Чамбил халқининг доно одамлари бор эди. Улар мамлакатда тинч-готув яшаётган эди, Аҳмад қари хизматкор чўпонлар билан яйловга чиқиб кетган эди. Бир куни синчилар узоқдан от дупури келаётганини билди, бу овоздан Аваз келаётганини, бу Авазнинг оти Ғирот эканини ҳам билди. Душманлар ҳаром ўлди, мамлакатни тайлаб қўрққанидан чиқиб кетди. Дўстлари Авазнинг бетига қандай қараймиз деб, Чамбил аҳли ҳаммаси юртни тарк этиб чиқиб кетди. Хон Гўрўғли бу гаплардан хабарсиз чиллахонада ойлаб хобга кетди. Авазнинг ҳамсояси Назар чол: “Мабодо, Аваз келса, ҳовлисини кўрса, ҳушидан кетмасин, юраги ёрилмасин. Ҳамсоячилик ёмон бўлади. У дунёда ҳам ҳамсоянинг увол-садебини ҳамсоядан сўрайди”, – деб Авазхоннинг ҳовлисида катта кўк дарвозани қайтадан кечаси қуриб, ранглатиб, “Мард-

нинг вайрона бўлган уйи ўзи келгунча душманларга кулги бўлмасин”, – деб созлаб кўйган эди.

Энди Аваздан хабар олмоқ керак. Гирот Авазнинг кўнглини кўтариб, ҳар хил ўйин кўрсатиб келаверди. Орадан бир кун ўтгач, Аваз Чамбилга етиб келди. Кун кечкурун бўлди. “Эрталаб отамнинг олдига саломга борарман, ҳозир болаларимни бир кўрай, дийдорига тўяй”, – деб Чамбил оралаб бораверди. Ҳеч бир одам кўринмагач, тўй-пўйга кетганда деб, охири кўк дарвозали ҳовлига етиб борди. Бир-икки тикиллатди, бўлмади. “Балки мендан араз ургандир, отини айтиб чақирай”, – деб икки кўзи тўрт бўлиб, умид билан: “Отанг келди, фарзандларим”, – деб икки оғиз қичқириб тургани.

Бу жаҳонда юриб кўпни кўрганман,
Ширвон элда қолиб анча юрганман,
От устида отанг келди, болалар,
Кун пешинда Чамбилбелга келганман.

Ота келса бола шуйтиб турама,
Хафа уйга одам бўйин бўлама,
Ажал тўлса катта шерлар ўлама,
От устида отанг келди, болалар.

Тура берсам кўзима ёш келади,
Ичган ошда, найлайн тош келади,
Камбағалга меҳнат ҳам қўш келади,
От устида отанг келди, болалар.

Болаларим, ширхўрамни кўрай деб,
Умр йўлдош, биродарим кўрай деб,
Бир оила аъзоларим кўрай деб,
Ғир устида тоғинг келди, болалар.

Шунча йиллар ўтиб кетди орадан,
Айрилгандим қариндошу жўрадан.

Хафадир фарзандлар мен бечорадан,
Умид билан отанг келди, болалар.

Ор талашиб кетдим Чамбилбелидан,
Йиқилсам ким хабар олар ҳолимдан,
Эл юртим-чун кўп иш келар кўлимдан,
Ор талашган отанг келди, болалар.

Ҳайвон ҳам ётоққа келар айланиб,
Қолмаса йўлларда агар бойланиб,
Бола деб ҳайвон ҳам кетар шайланиб,
Фарзанд сўзи ёмон бўлар, болалар.

Аттанг-а, ҳайвонча қадрим бўлмади,
Етти йилда ҳам иззатим бўлмади,
Бу туришдан кўра ажал тўлмади,
Иззати йўқ отанг келди, болалар.

Ёлғиз эдим оға бўлар деб эдим,
Нурхонимдан кўнглимни тўқ қиб эдим,
Умид айлаб шу уямга кеб эдим,
Қадри йўқ отанг келди, болалар.

Ғарибларга ёқмас бошқа хандаси,
Фарзанддан ҳам солар онда-сондаси,
Гулино-ку билсам киши бандаси,
Ҳеч кими йўқ отанг келди, болалар.

Не сабабдан фарзанд бер деб тилайди,
Бир бўлакдан бош бўғинга қарайди,
Бефарзандлар эмранишиб жилайди,
Жилаб қолган отанг келди, болалар.

Фарзандларим ёки ухлаб қолдима,
Кеганимдан ёхуд ғофил бўлдима,
Шу сабабдан мени ҳайрон қилдима,
Ҳайрон бўлган отанг келди, болалар.

Тўлиқсиниб хафа ҳам бўб ётмайин,
Очувланиб ҳақкаллаб сўнг ўтмайин,
Болаларим гўдак, ухлаб қолгандир,
Исмин тутиб яна бир-бир айтайин.

Билишимча, вафодорим хафадир,
Етти йиллаб мен шўрликни кутади,
Севикли ёр, ахир шунча бўлмайма,
Шунинг учун севганим деб айтади.

Тура-тура танамда қолмас жоним,
Болаларим кўрмай кетмас армоним,
Сен йигитсан, келиб ўтир тиззама,
Ўлар бўлсам орқа товим, Нурхоним.

Чопиб келиб бу бўйнимдан олсанг-чи,
Ота, келдингма деб, ёқалашсанг-чи,
Қўзиларим искайин деб келбедим,
Қаққайтирмай кенг эшикни очсанг-чи.

Пириллаб кел кўлларимга олайин,
Искаб-искаб меҳримни қондирайин,
Нурхонжоним, не сабабдан келмайсан,
Ота бўлмай аввалоси ўлайин.

Во дариғо, мендан хафа эканда,
Ё бўлмаса ухлаб қолган эканда,
Гулинорим эгачимни чақирай,
Нурхон қаттиқ араз урган эканда.

Кел, Гулинор, айланайин ўзима,
Ота деб кел менинг муна тўшима,
Қўш боламни қўш тиззага оларман,
Тош эрийди хафа айтган сўзима.

Найлайинда бу жаҳонда кимим бор,
Бек Авазман деган яна номим бор,
Сендан бошқа менга сирдош қолмади,
Эшикни оч, энди болам Гулинор.

Туришимни Гулинор ҳам билмади,
Ёлғиз отам ҳориб келди демади,
Ё ухлаган, ё солмаган боладан,
Якка қизим Гулинор ҳам очмади.

Кел-э энди, хотинимни чақирай,
Ёстиқдошим дея бунда бақирай,
Ҳарна бўлса ўн йил қурганман турмуш,
Кеганимни Узумкўзга билдирай.

Душманларга қабоғимни уйбедим,
Сенинг учун неча йиллаб куйбедим,
Мен ёлғиздан бездингларми вафодор,
Умид билан ёстиққа бош кўйбедим.

Ерлар равшан худойимнинг ойдан,
Қутулмадим айрилиқнинг войидан,
Ухлаб қолган бўлса икки фарзандим,
Яхлаб қолар турғизмайин жойидан.

Чамбилбелда сендан бошқа кимим бор,
Авазингнинг дардин билгин муштипар,
Етти йилда норинг келди бўйингдан,
Оч эшикни, айланайин, зулфакдор.

Болаларим қадримни билмади,
Қимматимни бир пулга ҳам олмади,
Севар ёрим, Узумкўзим, бўйингдан,
Тура-тура менда тоқат қолмади.

Ҳа деганда бу эшик очилмади,
Пойлай-пойлай Авазда жон қолмади,
Сабил Гирот айланади жойидан,
Душманларнинг ажаллари тўлмади.

Ким чидайди дал Гиротнинг ишига,
Мунчоқ-мунчоқ ёш келади кўзига,
Гоҳо эсли экан ҳайвон одамдан,
Уқираниб қарайверди изига.

Дарвозага Гирот қарай олмайди,
Душман кўрса аямайин жолмайди,
Озорланган кўзларида иринг бор,
Хушдан кетган Аваз буни билмайди.

Камбағални туяларда ит қопар,
Ининг бўлса доим оринга чопар,
Воҳ хонам, деб Аваз кетти ўзидан,
Аваз ўлса ўлигини ким топар?

Дал Гироти у ёғидан суяди,
Нима қилсин тақдирига куяди,
Бек Авазнинг кўздан оққан ёшига,
Кийим-боши эгарлар ҳўл бўлади.

Ёмон курсин доим шундай қақшатар,
Билдирмай сўнг ҳар кимсани ўхшатар,
Шарманда қиб бек Аваздай полвонди,
Манман десанг бувинингни бўшатар.

Аваз хиёл келаберди ўзига,
Ёш ўрнига қон қуйилди кўзига,
Очув минан исфихонни суғурди,
Қайтиш хаёл келган эди кўнглига.

Ана шунда қора зулмат очилди,
Ана шунда тинч дунё бузилди,
Тонг саҳарда қайси кўз минан кўрсин,
Кўк бўлмаса, оқ эшиги очилди.

Ана шунда Назар бобо кўринди,
Ана шунда гумонлари тилинди,
Аввал Аваз таний олмай тиклади,
Назар бобо эканлиги билинди.

Ана шунда бобо кўзин ёшлади,
Ана шунда Аваз шўрни мушлади,
Ана шунда бобо гапни бошлади,
Ана шунда Аваз бармоқ тишлади.

Бегоналар хардор келисопинга,
Етти элда келиб қобсан тобинга,
Кетар дедим, асло Аваз, кетмадинг,
Чидаб туролмадим айтган гапинга.

Етти йилда юрдинг қанча ит билан,
Бола ташна, энадаги сут билан,
Ота бўлмай авваласи ўлавер,
Чамбилбелга келдинг қандай бет билан.

Аҳмад қари деган сенинг тоғанг бор,
Бек Ҳасанхон бўлмиш яна оғанг бор,
Элинг бор, халқинг бор, вилоятинг бор,
Хон Гўрўғли деган катта итинг бор.

Катта итинг берди олий фармонди,
Аҳмад қари билдирганди дармонди,
Катта ҳовлинг вайрон қилиб душманлар,
Ҳайдаб кетти Нурхондайин полвонди.

Хотининг ҳам, Гулинор ҳам қолмади,
Йиғлаб боқди, сира илож бўлмади,
Қирқ йигитинг қирқ бўридай оралаб,
Қўлга илашадиган зот кўймади.

Болаларинг ота деб бўзлаб кетти,
Узумкўзинг юрагин тузлаб кетти,
Қайга олиб кетганини билмайман,
Жиянини тоғаси созлаб кетти.

Авазхоннинг қаҳри келиб боради,
Икки кўзи қонга тўлиб боради,
От устида вайрон бўлди зўравор,
Бу кўлидан қамчи тушиб боради.

Во дариға, ёлғиз шундай ўларкан,
Сафар кетса изи гумдон бўларкан,
Қўлдан келса аямайин қилайин,
Кўп-кўп экан, кўплигини қиларкан.

Аввал бошда Гўрўғлини ўлдирай,
Ўрдасини қизил қонга тўлдирай,
Париларни олиб чиқиб саройдан,
Чўпонларга чўриликка кўндирай.

Чамбил элнинг эти собин* қилмасам,
Отим ўчсин бир бошидан емасам,
Хизматимни, меҳнатимни билмади,
Кенг элатни энди текисламасам.

Ахир отам шундай қилиб қўяма,
Буйруқ бериб уй-у жойим ўяма,
Болаларим балки хароб бўлгандир,
Бобо бўлса кўзига чўп суғама.

Ҳарна бўлса дўсти Шодмон кутулди,
Дўст ахир, юрак боври ситилди,
Қилич билан Аваз урди эшикни,
Икки палла икки ёққа отилди.

Ҳовлисидан қора зулмат кўринди,
Болалар йўқ тағи вайрон кўринди,
Жон ҳалқумга келиб қолди, жўралар,
Аттанг, аттанг, ёлғизлиги билинди.

Кимга вафо қилар чексиз замона,
От устида аждар бўлди девона,
Хаёлига келиб қолди Гўрўғли,
Шу ўрдага Ғирни қилди равона.

Сабил Ғирот жилов бермай боради,
Авазнинг айтганин қилмай боради,
Куч бермайин жўнаб кетди дал Ғирот,
Қарасаки, зўр дарвоза кўради.

Ҳа, ҳа, деди, Ғирот отди ўзини,
Қон қоплаган бек Авазнинг кўзини,
Бу кўрғондан ҳатлаб ўтди сағана,
Ошиб ўтиб сарак қилди бошини.

Ғирот жилов бермай, Гўрўғлининг ўрдасига бормай тикка Чамбилни оралаб занжирбанд кўрғондан ҳатлаб ўтиб кетаверди. Ғиронинг довури* яйловда, баҳор юрда ётган Аҳмад қарига етаверди, балки ичидан ўтаверди. “Сир бермайин хотинларим сезмасин, чўпонларим билмасин”, – деб, ола байтални ҳозирлаб, Авазнинг келганини чин билиб, ўларига кўзи тўлиб, ё қочиб қутул, ё тониб қутул деган эди деб Асқар товга қараб тортиб кетаверди. Авазхон: “Аҳмадни топайин, болаларимни қаерга тайлаганини билиб олиб, калласидан чопайин”, – деб

тусмолдан* тоғасини қидириб келаётган эди, энг кўп овул дуч бўлди. Шунда бировини чақириб Аҳмадни сўради. Бойнағи* одам Аҳмад ҳозир овга, Асқар товга чиқиб кетганини айтди. Аваз изидан жўнади, чошка-чошкада Аҳмад кўринди, пешинга яқин етиб олди. Аҳмад омон қолмаслигини билди, отдан ўзини таппа ташлади, номози пешинди бетаҳорат ўқий бошлади. Туркманларда бир одат бор эди, номоз пайтида номоз тугагунча халақит берилмас эди. Аҳмад буни билар эди, шунинг учун етти йиқилиш ўрнига, ўзича йиқилиб турган эди. Охири Аваз тоқат қилмади, номозни билмади, Аҳмаднинг жоғасидан гиппа бўғиб олди, бўлган воқеани аниқ билди, Аҳмаднинг бошига мушт солди, бўйнигача ерга кириб кетди. Аваз: “Мен келгунча ўлар”, – деб Ғиротнинг олдига бориб туёғига бош қўйиб, “Йўлни сен бошла. Боламини кўрган борма?” – дея Миср юртига кетиб бораётган жойи.

Куйган йиғлар зору зор,
Ким куйганга вафодор,
Айтайберсам кимим бор,
Ора чўлда йиғлайман,
Мен боламга интизор.

Қанотимдан қайирди,
Пешонамни жийирди,
Курсин душман куйдирди,
Кенг Асқарда бўзлайман,
Қўш боламдан айирди.

Куйган қулман бўзлайман,
Юрак-бағрим тузлайман,
Мен ғарибман сўзлайман,
Дара билан дарадан
Фарзандларим излайман.

Ғариб мендай бўлама,
Бор ақлимни олама,
Ажал поймон тўлама,
Болаларин тополмай,
Энди Аваз ўлама.

Дал Ғиротим, оғам бўл,
Йўл узокдир беғам бўл,
Мункайганда тоғам бўл,
Қаён кетиш билмайман,
Бу чўлларда огоҳ бўл.

Сен ҳам ёлғиз, мен ёлғиз,
Чамбил бўлди ялмоғиз,
Кимга ёқмас ширин сўз,
Ё авайлаб қарагин,
Кўриниб кетди қўш из.

Боври катта тубалар,
Орқаси йўқ юмалар,
Бовринингдаги ким бўлар,
Сендан болам ўттима,
Ё остингдан из қолар.

Ғариб йиғлар зору зор,
Ё бўлдими қўшмозор,
Шочаларинг мевазор,
Сендан қўзинг ўттима,
Жавоб бергин янтоқзор.

Бири қиздир, бири ул,
Сийдирмади Чамбилбел,
Қувиб солди туркман эл,
Болам босиб ўттима,
Жавоб бергин саксовул.

Ширамдан чиқар булок,
Булокда ўйнар улоқ,
Бариси супрақулоқ,
Кўзим қақшаб ўтгима,
Ростин айт, кўзғалоқ*.

Савдо тушган йўрғалар,
Ўлса ёлғиз ким қолар,
Ахир дунё шу бўлар,
Боламнинг ўтганини,
Кузатдингми, қарғалар?

Кўздан оқар селаб ёш,
Қақшатгандир қариндош,
Йўқдир менда эмчакдош,
Боламнинг оёғини,
Қонатдингми қайроқ тош?

Давлати бор ор олар,
Пастни кўрса яралар,
Ҳеч ўлмасми саралар,
Фарзандларим ўтгима,
Катта-кичик даралар?

Йўл четида ҳарсанг тош,
Сендан чиқмасмикан ёш,
Ўн асрдан сен ҳам ош,
Болаларим кўрдингма,
Осмонда ёлғиз қуёш?

Мерганлар кийик овлар,
Товуш қайтарган зовлар,
Мовда* пишаклар мовлар,
Сендан болам кетгима,
Боври катта кенг товлар?

Сел кўрган кенгиш сойлар,
Ўтловда сурув тойлар,
Орадан ўтар ойлар,
Нон деб сенга бордима,
Қорни катта бойлар?

Кенг дунё менга торма,
Шу куйга солган орма,
Аваз Чамбилга зорма,
Дуч келган қоралар-а,
Болани кўрган борма?

Оқбош товнинг бўрисин,
Ким олмайди тулкисин,
Ёлғиз одам қурисин,
Қуриб қолмай чирисин,
Боламни кўрган борма?

Чамбил менга эл эмас,
Эл бўлганда хил эмас,
Ўз элим бундай қилмас,
Мени келгинди демас,
Кўзимни кўрган борма?

Гүрүғли отам эди,
Кўрганда бўтам деди,
Болаларимни еди,
Бир ўхшатиб илдирди,
Кўзимни кўрган борма?

Душман душманлик қилар,
Бир куни ақлингни олар,
Оббориб ўтга солар,
Ўзи кўздан йўқолар,
Боламни кўрган борма?

Говмиш инак кўп ияр,
Бир хил одам кеккаяр,
Охири нима бўлар,
Қора лойга кўмилар,
Кўзимни кўрган борма?

Менга дарак беринглар,
Суюнчини олинглар,
Киссани тўлдириглар,
Боламни билдириглар,
Кўрган борми боламни?

Нурхон милан Гулинор,
Иккови ҳам зулфакдор,
Бир-биридан зўравор,
Йиғлаб кетган, ками бор,
Кўрган борми боламни?

Раҳм қилмас дунё,
Кўкдан беради зиё,
Бола ияртган бия,
Чўчимай турган қоя,
Кўрган борма боламни?

Аваз йўлда девона,
Ўлим бўлса равона,
Қотиб қолган дўлана,
Эъзозлисан дувдона,
Кўрган борми боламни?

Гала-гала тўрғайлар,
Чўпон тортганда найлар,
Иш берганми ҳеч бойлар,
Кенглик қолдирган жойлар,
Кўрган борми боламни?

Иш бермаган таналар,
Тўхтаб турмас саналар,
Кўрса она, оналар,
Юриш қийин жоналар,
Кўрган борми боламни?

Олдимдан чиққан эллар,
Чиллик ўйнатар уллар,
Балиқ сасиган кўллар,
Поёни йўқ бу чўллар,
Кўрган борми боламни?

Биров билдим демайди,
Биров кўрдим демайди,
Хаёлига олмайди,
Балки кулоқ солмайди,
Кетаверди бек Аваз.

Ҳар кимнинг бор худойи,
Тиришмасин манглайи,
Фарзанд юракнинг мойи,
Шунинг-чун оҳ-войи,
Воҳ, деб кетти хон Аваз.

Калла эгарга тушган,
Кўрган хушдан адашган,
Кўз ёш туёқдан ошган,
Ирисқи нимага кўшган,
Говлаб кетиб боради.

Каллалари ғувиллаб,
Кўзидан ёш дувиллаб,
Ғирот борар ингиллаб,
Гоҳ ишқириб шингиллаб,
Вайрон бўлди бек Аваз.

Эгарда ўтиролмас,
Дармон йўқ оҳ уролмас,
Эслаб хаёл суролмас,
Бошқа-ку чидай олмас,
Чидаб борар бек Аваз.

Яхши одам гап жойлар,
Ёмон қурсин вой-войлар,
Бир-биридан сўз пойлар,
Беғуноҳ кўкда ойлар,
Йўлда йиғлар бек Аваз.

Қадрингни билганга,
Насиҳатинг олганга,
Дўст-ёр излаб келганга,
Ёвга ғазо солганга,
Аваз эди мададкор.

Йиқилганди турдириб,
Майдонда от сурдириб,
Ёвга зўрлик билдириб,
Душманларни ўлдириб,
Хаёл сурар бек Аваз.

Халқига келса офат,
Ёки чиқса фалокат,
Тайёр Авазман Гирот,
Шуми зўрга мукофот,
Ўйлаб кетди бек Аваз.

Олтин олма, дуо ол,
Кексаларга қулоқ сол,
Юртинг учун мард бўб қол,
Эл ичида бўлгин бол,
Шулар мардлик эмасми?

Элга қирғин келганда,
Кўп қиёмат бўлганда,
Бир хил мардлар ўлганда,
Бетак туриб қочганда,
Шул номардлик эмасми?

Юртинг учун бериб жон,
Кўксини қилиб қалқон,
Юртини айлаб олган,
Мард бўб ўлса беғумон,
Шу жасурлик эмасми?

Ўтар қатор-қатор кун,
Одам беҳол бўлар тун,
Умр бўлмасин тутун,
Халқингга мард бўл бутун,
Меҳнат роҳат эмасми?

Чўлда ўсарми лола,
Ёзда ёғарми жала,
Бут бўлсин доим қалъа,
Бошидан бўлар бола,
Фаросат шу эмасми?

Ишни кўрганда майиб,
Айтган гапидан тойиб,
Одам кўрса кеккайиб,
Хир қолар бесойиб,
Манманлик шу эмасми?

Давру давронни суриб,
Қайта-қайта тўн бериб,
Ўзидан пастга уриб,
Кейин зиндонда туриб,
Нодонлик шу эмасми?

Кўриб туриб сўраган,
Ёмонликка яраган,
Бор киссага қараган,
Олмай қолса нураган,
Шул порахўр эмасми?

Сени учун жон берган,
Элида даврон сурган,
Қоқ аёзда тик турган,
Халқи учун қайғурган,
Вафодор шу эмасми?

Бошга савдо тушганда,
Қиёмидан ошганда,
Донишмандлар шошганда,
Қўймай хизмат кўшганда,
Содиқлик шул эмасми?

Остимда ўйнар Ғирот,
Танда жоним омонат,
Худо сақла саломат,
Олди қуршаб маломат,
Ғариблик шул эмасми,

Кенг Чамбилда кимим бор,
Етим деган номим бор,
Вайрон бўлган таним бор,
Мен найлайин камим бор,
Бахти йўқ мен эмасми?

Чамбилга қилдим хизмат,
Чиқармадим яхши от,
Қаршимда энди ҳайҳот,
Энди отсанг Чамбил от,
Оқпадар мен эмасми?

Қир-адирлар чопайик,
Ғиротга зар сепайик,
Болаларим топайик,
Азиятман кун сайин,
Қоқ суяк мен эмасми?

Бошга тушса кўз кўрар,
Ёлғизга ким қайғурар,
Ёлғиз Аваз чийқиарар,
Ох, болам, деб бақирар,
Сарсон бўлди Авазхон.

Гапни гапларга кўшиб,
Тоғу тошлардан ошиб,
Бир хил жойларда шошиб,
Кулфат гапга улашиб,
Кетиб борар Авазхон.

Газаларга қарайди,
Боласини сўрайди,
Акс садолар бермайди,
Вой аттанг, деб нурайди,
Нураб борар бек Аваз.

Азоб қурсин қовулар,
Ит ичингни совулар,
Ғариб тананг куйдирар,
Зўрлигини билдирар,
Билиб борар Авазхон.

Катта сойлардан ўтиб,
Азобин ичга ютиб,
Гоҳи жойларда ётиб,
Найласин шундай қотиб,
Қотиб борар Авазхон.

Ўлсам меросхўрим деб,
Фарзандларим борим деб,
Суянганда норим деб,
Ҳозир оху зорим деб,
Қақшаб борар Авазхон.

Кетмас кўнгил яралар,
Шуни сақланг, жўралар,
Қолди дара-даралар,
Узоқмикан оралар,
Хомуш юрар дал Ғирот.

Қобурғаси кўриниб,
Жилғалардан суриниб,
Кенг ширамда уриниб,
Ҳеч қарамас бурилиб,
Излаб борар дал Ғирот.

Аваз айтар излаб топ,
Душман кўрсанг итдай қоп,
Ғирот учун бири кўп,
Бир одамдан эси хўп,
Бўзлаб борар дал Ғирот.

Чувоқ жонингга роҳат,
Отда бордир кўшқанот,
Баъзи ҳайвон аслзот
Шундай отдир дал Ғирот,
Ёлғизга бўлди сирдош.

Ҳайвондан ҳам ҳайвон бор,
Одамда ҳам одам бор,
Асила берар зафар,
Бири зўру-бири зор,
Баъзи зўрдан Ғир афзал.

Эркакда ҳам эркак бор,
Яна бир хил тентак бор,
Хотинда ҳам хотин бор,
Қасобаси олтин бор,
Демак, ҳаёт қуралаш.

Ўтни туртсанг ўчади,
Элни туртсанг кўчади,
Мард жонидан кечади,
Ёмон қурсин, қочади,
Ҳаёт тошу тарози.

Кечани кеча демай,
Иссиқни иссиқ демай,
Гўлликка кўнгил сомай,
Бир хиёл тўхтаб қомай,
Дарё кечди дал Ғирот.

Тов дарани тўлдириб,
Кишнаб зовни кулдириб,
Юртни изда қолдириб,
Содиқлигин билдириб,
Кўп қум кечди дал Ғирот.

Ширин жонини сотиб,
Туба-тубага отиб,
Тери суякка етиб,
Гоҳо танглайи қотиб,
Тоғлар ошди дал Ғирот.

Дармони йў суринди,
Қайтмай изга уринди,
Кўзга бир не кўринди,
Етганлиги билинди.

Ана шунда дал Ғирот Қоратовга етгандан кейин бир арчанинг пастида, харсангтошларнинг қошига етиб, жонивор ўзини тапа тайлади. Авазхон: “Ғирот чарчабди-да, деб бир пасл кутди, турмади. Эрталабгача қошида ўтирди, турмади. Охири сабри чидамай силкитиб кўрди, турмади, фақат тумшуғини ерга тираб, боврини искайди. Авазхон Ғиротга қараб: “Нима бўлса ҳам бегоналигим-ни билдингда, Ғўрўғли бўлганда балки шундай қилмас эдинг”, деб алами зиёда бўлиб: “Кел, жонивор, шу Нурхоннинг ҳурмати мени манзилга етказ”, – деб сўраётган жойи:

Кел, жонивор, айланайин бўйингдан,
Азоб кўрдим Ғўрўғлидай бойингдан,
Менинг учун жонинг бердинг, розиман,
Нурхон учун тургин, отим, жойингдан.

Азоб тортдинг тиклаб турсам ўйингдан,
Дармон сўра қўллагай худойингдан,
Фарзандима интиқ қилма, дал Ғирот,
Оёқ тираб тургин, отим, жойингдан.

Одам бўлиб ёлворди деб кулмагин,
Кўнглинг бўшаб мендай бўлиб тўлмагин,
Фарзандимга етказ мени бўйингдан,
Гулинорнинг касирига* қолмагин.

Отим бўлсанг етказгин бир қорага,
Жабр қилма Нуралидай тўрага,
Болаларим ҳурмат қилгин бўйингдан,
Худойимни қўйдим бугун орага.

Товдай бўлар Нурхонимнинг келбати,
Ёшлигидан келар эди ғайрати,
Ўтган-кетганларни ўйла, дал Ғирот,
Пайғамбарим Муҳаммаднинг ҳурмати.

Келин келса тўйда бўлар ёру ёр,
Поёндозга сочилади олтин зар,
Ой юзимни қилма бугун зафарон,
Турар бўлсанг мадад берсин Чориёр.

Ўйловсиз бош мендай сарсон бўлади,
Охирида иши юрмай қолади,
Ўйла, Ғирот, сендан бошқа кимим бор,
Турмас бўлсанг охир эганг ўлади.

Аттанг тортиб Аваз полвон жилади,
Турча-тур деб пешонасин силади,
Чор тарафдан айланади Авазхон,
Пешонадан бориб дуо қилади.

Авазхон Ғиротга ялиниб-ёлвориб тўшларини силади, кулоқларини сийпади, лекин Ғирот турмай, фақат калласини боврига босади. Охири чидай олмаган Авазхон беш-олти тош билан Ғиротнинг тўшига уради, қўлига қиличини олиб: “Полвон эдим, бир ҳайвонга куним қолди, эгаси Ғўрўғли яхшилигини қилмаганда, шу от вафодорлик қилама”, – деб бўйнига шундай тўғрилаб эди, яна шайтонга ҳай бериб, “Чамбилбели, барча эли, Ғўрўғлига кучи етмаган Аваз овлоқда отини ўлдириб кетибди, номард экан”, – демасин деб, яна бир-икки тошлаб-тошлаб, зор йиғлаб, арчаларни кучоқлаб, пою пиеда кетаверди. Бир тош юрган эди, Ғиротнинг гулдираб кишнаганини эшитди, қарамади. Яна ер тепиб кишнади, Аваз қарамади. Охири чориллаб кишнади, Аваз тўхтаб: “Эгасизга нима қилди?” деб орқасига қараган эди, отнинг овзида бир қоранинг турганини кўрди. Кетаверди. От яна чориллаб кишнаб, ердан бояги қорани тишлаб кўтариб тураверди. Нима қилишини билмай Аваз ноилож орқасига қайтди. Борса Ғиротнинг оғзида Нурхон боласининг қалпоғи. Жулиб олиб бағрига босиб: “Ҳей аттанг-а, одам бўлиб бир ҳайвонча бўлмадим”, – деб Ғирот-

га қараб, кечирим сўраб, “Карвон шу ердан ўтган экан-да, Нурхон боламнинг қалпоғи тушиб қолган экан-да”, – деб Ғиротга суяниб сўзлаётган жойи.

Ақлсизнинг қачон кирар эслари,
Қовжирабди Қоратовнинг хаслари,
Ота бўлмай мен ўлайин, дал Ғирот,
Қалпоғида бордир болам ислари.

Чап гапирар одамзотнинг песлари,
Товга тортар тулпор отнинг мослари,
Нурхонимни топар бўлдим, дал Ғирот,
Шу қалпоқдан кийган эди дўстлари.

Ғафлат келиб тўшаб ерди ботма-бот,
Фарзандларим жабрланди лотма-лот,
Ота бўлиб сенча ақлим бўлмади,
Кечиролсанг мени кечир жон Ғирот.

Болаларга эга эди аёлим,
Ўлғизларга йўлдош эдингда молим,
Нурхонимнинг қалпоғини кўрмабман,
Миср элга кетибди-да хаёлим.

Қўрққан одам аввал қилар сиёсат,
Донишмандлар элга берар зиёфат,
Очув билан қилич олдим кўлима,
Рози бўлсанг, кел, қилайин зиёрат.

Ор талашиб кулфат олдим бўйнима,
Аҳмад тоғам азоб сепди кейинима,
Қалпоғини искаб эдим, дал Ғирот,
Киргандайин бўлди болам кўйнима.

Қобатимда сен ҳам бўлдинг дарбадар,
Азобима шерик бўлдинг баробар,

Ўлғизман деб йиғламайман бўйингдан,
Оғам бўлса сенча бўлар, жонивор.

Шунда Ғирот кишнаб келди қошига,
Томоша қинг жониворнинг ишига,
Авазхонни айланади селтанглаб,
Искаб бориб бошин кўйди тўшига.

Ана энди Авазхон Нурхоннинг қалпоғини қайта-қайта искаб, боврига босиб, отидан рози бўлиб, отини миниб, олис жойлардан, узоқ йўллардан ўтиб, Миср мамлакатига етди.

Шу куни Мисрда қурбонлик бўлиб, ҳамма мазор бошига чиқиб, кўй сўйиб, бир хили ўзида борини олиб чиқиб, катта базм бўлиб, ҳамманинг кўнгли шод бўлиб, хурсандчилик қилиб ётган эди. Авазхон ҳам шу сайлга етиб келди. Авазнинг кўнглига хурсандчилик сиғармиди, ҳар томонга аланглаб қарайверди. Шунда кекса бир киши келиб, Авазхон ҳориганини билиб, ияртириб, одамлар қаторига кўшиб кўйди. Аваз ўзини дадилликка олиб “Шуларнинг хурсандчилигини бузмайин”, – деб ўтираверди.

Сайил куни катта карвон дарвозаси очилиб турар, ким келса кириб кетаверар эди. Сайл тугагач, Аваз отини еталаб тимирскиланиб, у бозор жой, бу бозор жойларни кўриб, тонг отгунча қидириб чиқди. Ҳеч бир дарак топмади, балки бахти чопмади. Тонг отди, хўрозлар одамларни уйғотди. Авазхон Ғиротни миниб, биров-иковдан сўраган билан билмас деб, овозининг борича: “Йўқ йўқотдим, билган борми?” деб у кўча, бу кўчадан қичқириб бораётган жойи.

Эй ёронлар, биродарлар,
Икки қулон кўрган борма?
Бирга юрмаган жўралар,
Гул хуморим кўрган борма?

Мисрга келдим оралаб,
Юрак-бовримни яралаб,
Дарак беринглар, оғалар,
Элатни келдим қоралаб.

Бир қулоним зар кокилли,
Фарзанди йўқ бўлсин улли,
Етти йил бўлди, кўрмадим,
Хабар берсанг қилай қулли*.

Бир қулоним сочи чамбар,
Худо берган бобо Қамбар,
Ҳар на боримдан айрилдим,
Кўрган борма, берсин хабар.

Уч ой бўлди юрдим ҳалак,
Ҳарна бўлса қилди фалак,
Қариндошлар кўрган борма,
Катта қулон тенгсиз малак.

Қатра ёшлар келар кўзга,
Илҳом тўлар яхши сўзга,
Кўримчини айтдим, дўстлар,
Энди хабар беринг бизга.

Яхши иш эмас тобалар,
Билинг ўғри қамалар,
Сиздан боламни сўрайман,
Кўпларни кўрган, боболар.

Болам сизларга бордима,
Термулиб қараб турдима,
Озод айланглар дейишса,
Бошқа кишилар урдима.

Шаҳзода зўрлар жом олар,
Кейин халқига кун олар,
Болам шу ердан ўтдима,
Кўриб қолдингма, момолар.

Ёки тиланиб келдима,
Нон беринг момо дедима,
Олдига солиб қувгансан,
Қарай-қарай сўнг кеттима.

Оқмасин кўздан жалалар,
Ошиқ ўйнаган болалар,
Олдинга болам бордима,
Иссиқ нон узган холалар.

Уч ойлик йўлдир оралар,
Кўрдим қолмади даралар,
Уч ғариб йиғлаганини,
Эшитдингми, айт, жўралар?

Ким кўрса айтсин, оғалар,
Ёшга ҳўл бўлди жоғалар,
Нон деб йиғлаган баччани,
Кўриб қолдингми, тоғалар?

Бари бир кеча-кечалар,
Зўр бедов минган норчалар,
Уч қулон тиланганини,
Ё сен кўрдингми, чечалар?

Кўрқоқ эшигин тамбалар,
Йўққа топилмас кўммалар,
Шу ердан болам ўттима,
Салласи катта аммалар.

Товда ўсади бодомлар,
Хор қилар оғир ситамлар,
Бошпанаси йўқ боламни
Ким кўрди айтинг, одамлар.

Ҳарна боримни берайин,
Сўзимда танги турайин,
Ким хабар берса боламдан,
Нима деса ҳам кўнайин.

Бошга тушганин кўз кўрар,
Чидай олмаган чинқирар,
Кўчалар минан кўчадан,
Аваз боласин қичқирар.

Зар бозорларга боради,
Катта кўчани қаради,
Олдидан чиққан одамдан,
Болам борма, деб сўради.

Карвонсаройлар қолмади,
Биров кўрувдим демади,
Хулқаси тўлди Авазнинг,
Дадил бўлдиям бўлмади.

Дал Гирот жонин сотади,
Кўчадан кўча ўтади,
Ёш бола қолса кўриниб,
Илғаб олдиға етади.

Бир ургандай манглайига,
Ўпка келар танглайига,
Мустар бўб қайтар изига,
Мисрнинг қарар бойига.

Юраги бўшлар жилади,
Термулиб шўрга қаради,
Қарагани топилсин деб,
Олло таолодан тилади.

Бир ғариб келган экан деб,
Саргардон бўлган экан деб,
Бир-бирларидан сўради,
Фарзанд йўқотган экан деб.

Бор экан яхши дунёда,
Қарашди бир хил пиёда,
Бўкириб қарар баковул,
Ёшлар кўринса сояда.

Яхши кўп бўлса муқаррар,
Топилгай ёмони ҳам бор,
Элчилик деб шуни айтар,
Беш қўл бўлолмас баробар.

Бағри тошлар кулишади,
Калака ҳам қилишади,
Қаранг, девона келди деб,
Мен биламан дейишади.

Бир хили кесак отади,
Авазга бориб етади,
Во дариғо, бу дунёнг,
Кулфат, ҳасадман ўтади.

Найласин, Аваз кўнади,
Кўнмай ҳам нима қилади,
Ўзи билан ўзи овора,
Тўхтамай кетиб боради.

Азоб одамга зўр экан,
Қайғунинг куни қор экан,
Хон Аваз йиғлар зору зор,
Дал Ғирот биродар экан.

Булбул ошнодир гул билан,
Чечанлар чечан тил билан,
Ҳар нарсаларга бир нарса,
Ўрдакнинг завқи кўл билан.

Тор кўчаларга қаради,
Тополмай вайрон бўлади,
Не қилсин бугун аждаҳар,
Отнинг устида жилади.

Баланд товларнинг боври қор,
Куйган йиғлайди зору зор,
У кўчаман бу кўчадан,
Болам, деб ўтди аждаҳар.

Кун қиблаларга ботади,
Ҳолсираб лаблар қотади,
Жин кўча-ю тор кўчадан,
Бақириб Аваз ўтади.

Ким билар арзи-додини,
Бўш қўйди Аваз отини,
Бир хил одамлар кўришди,
“Ол ҳа” лаб бекка итини.

Кўзлардан оқар селаб ёш,
Борма Мисрда қариндош,
Шундай савдо бўлармиди,
Чамбилда бўлса эмчакдош.

Танада жонлар омонат,
Кўп бўлар эди қиёмат,
Кўчани искаб қаради,
Якка вафодор дал Ғирот.

Кечани кеча демади,
Бормаган кўча қомади,
Уч кун ўтибди орадан,
Қилган нияти бўмади.

Юраклар қайта бузилди,
Сийнага ёшлар тизилди,
Ҳали умиди бор эди,
Барча умиди узилди.

Айлади фалак айлади,
Тубсиз зиндонга тайлади,
Не қиларин билмай Аваз,
Икки ғариб кўп ўйлади.

Ўлгунча қидирайин деб,
Қайга борса борайин деб,
Агар топмаса Мисрдан,
Ўзга юртда кўрайин деб.

Умид учкуни ёнади,
Юрганда йўллар ўнади,
Сўқир кўзларга ёш келди,
Яна иккови жўнади.

Кетти шаҳарни оралаб,
Неча уйларни қоралаб,
Пойма-пойларни қаради,
Қайтсин, кўнглини яралаб.

Бунда Ғиротга куч келди,
 Душманни кўрса ўч келди,
 Икки юриб ғариблар,
 Катта ҳавузга дуч келди.

Найласин Ғирот сурилди,
 Пастроқ тайлаб бурунди,
 Сар ҳавузга келганда,
 Бир бачча кўзга кўринди.

Ғирот узмасдан кўзини,
 Сермаб отади ўзини,
 Ёш бола қочар қўрққандан,
 Бориб искади юзини.

Алқисса Ғирот Аваз билан оввораю сарсон бўлиб ёта-
 версин, гапни ёш бола кириб кетган уйдан эшитинг.

Бу уй Малла савдогарнинг уйи эди, шу ерда Узумкўз-
 Гулиносор билан Нуралини ҳеч нарсадан кам қилмай вояга
 етказа борди, булар ҳам ҳурматини билдириб, қўлидан
 келган меҳнатни қилиб, Малла савдогардан хизматини
 аямади. Кунлардан бир кун Нурали кеча яримдан ошган-
 да туш кўрди, жойидан эрталаб турди, энасига тушини
 гапириб берди: “Эна, тушимда бир бобо қўйнимга нон
 солди, бир лочин келиб мени ҳам, нонни ҳам олди, бу
 нима бўлди?” – деганда онаси Нуралининг тушини ях-
 шиликка жўраётган жойи.

Қийғир қушлар доим хушлар қияни,
 Ҳеч ким хоҳламайди қора куяни,
 Кўрган тушларингдан ўзим садаға,
 Яхшиликка дерлар тушнинг баёни.

Худо ўнгарибди, болам, ишингни,
 Ундай бўлса дадил кўтар бошингни,
 Ёмонимдан қолган, Нурхон йўлбарсим,
 Кўрсат менга бир силайин тишингни.

Донолардан эди, болам, авлодинг,
 Падарингга келишади келбатинг,
 Бобонг солган бўлса нонни овзинга,
 Эл ичида зиёд бўлар давлатинг.

Сақласин деб тумор тақдим ийнинга,
 Устозинг ҳам қойил қолди зейнинга*,
 Тушларингдан айланайин Нурхонжон,
 Дўстларинг ҳам осилади бўйнинга.

Мард йигитлар доим бўлсин тоғамиз,
 Ўз элини хор қимайди оғамиз,
 Лочин учиб келган бўлса, Нурхонжон,
 Отажонинг келиб қолар, эгамиз.

Чавандозлар отга қамчи чотади,
 Кўнгли бўшга ҳазил гап ҳам ботади,
 Лочин олган бўлса номи ўзингни,
 Отанг келиб болам олиб кетади.

Малҳам бўлар одамзотга ширин сўз,
 Сарғаймайди болам билсанг нурли юз,
 Отанг келиб олиб кетса Чамбилга,
 Ёмонларга сира бўма юзма-юз.

Нурхон тушининг таъбиридан шод, ғамгин дили
 обод бўлди. Айни шу кунларда ҳамма Малла савдогар-
 нинг Боғдоддан келишини кутаётган эди.

“Меҳнат икки кўздан иссиқ”, – деб Узумкўзойим сара-
 ла гилам тўқиб ётиб эди. “Мен ҳам энди ўрганайин”, – деб
 Гулиносор энасининг тўқишини кузатиб ўтирган эди. Бир
 маҳал кўчадан Нурали ранги оқариб, чопиб келиб: “Эна,
 мени бир одам қувди”, – деди. Узумкўз: “Гулиносор қизим,
 мен ўрмакни тўқиб турай, сен бориб кўр-чи, ким экан?
 Балки узоқдан келгандир, отангни танир, кимлигини
 билиб кел”, – деди. Гулиносор чиқиб қараса, бир девона.

“Ким бўлса ҳам отамни бир сўраб кўрайин” деб кўрқиб, олдига боролмай, узоқдан отга тиклаб, эгасига тиклаб: “Ҳой девона, нима излаб юрибсиз, қаерга бораяпсиз, мабодо узоқдан келган бўлсангиз бир нарса сўрайин”, – деб икки оғиз қичқириб турибди.

Бобожон, бир ғариб дейди ўзимни,
Ғаним ёшга тўлдиргандир кўзимни,
Не сабабдан бунда келиб турасиз,
Айтаверай, эшитингда сўзимни.

Ёш боламан, ажал тўлса ўламан,
Озорлансам мунис гулдай сўламан,
Укажоним юрагини ёрибсиз,
Шуни кўриб мен билгани келаман.

Қарайверсам кенг дунёлар тормикан,
Мендай шўрли элатида зормикан,
Не сабабдан от устида жилайсиз,
Биздан бошқа шўрпешона бормикан?

Мен билмайман, қайси элдан келасиз,
Бобожоним, қайси юртдан бўласиз,
Ажаб савдо бошингизга тушгандай,
Гап айтолмай от устида турасиз.

Ёки менинг гапим бошқа бўлдима,
Кўнглингизга бошқа бир гап келдима,
Куйган қулман, гапни гапга улайман,
Ғариб бўлиб, ё инингиз ўлдима?

От устида титирайсиз, қақшайсиз,
Гапиролмай соримойдай бўшайсиз,
Бир тусмолдан гап келади тилима,
Билишимча аждаҳарга ўхшайсиз.

Тугамаскан бу дунёнинг ситаси,
Бўлар экан ҳар банданинг хатоси,
Девона бўб юрган билан, бобожон,
Биз шўрликнинг товдай бўлган отаси.

Йиғлай-йиғлай юрагимни бўшатдим,
Нима қилиб энажоним қақшатдим,
Бобожоним, миниб юрган отингни
Ўз юртимнинг тулпорига ўхшатдим.

Ҳайрон қолдим не савдода турасиз,
Қандай элат, қайси шаҳар юрасиз,
Баён айланг, бобо, юрар жойингиз,
Бу тулпорни нега буён бурасиз?

Ёлғиз укам нима гуноҳ қилганди,
Мен билмайман қандай савдо бўлганди,
Ахир тулпор тулпорлигин қилмайма,
Қандай тулпор ёш баччани қувганди.

Хулқа тўлса хумор кўздан ёш келар,
Бўлар бачча ўн бешида бош бўлар,
Бобожоним, ўз юртингиз сўрайман,
Қулфат тушса бўш одамга тош келар.

Бу табиат қабоғини уйдима,
Ё ғанимлар жойингиздан қувдима,
Не сабабдан гапиролмай турасиз,
Ўтда ёниб юрагингиз куйдима?

Бу гаплардан кейин Аваз бу қизи Гулинор эканлигини билди, ўзини хиёл ушлаб, қизга разм солиб, “Не сабабдан болам, кўнглинг бўшатдинг, бобо деддинг, мен шўрлини қақшатдинг, меҳрингдан айланайин, жон болам, бу тулпорни қайси отга ўхшатдинг?” – деб сўраётган жойи.

Куйган танам қайта бошдан куйдирма,
Тутаяпман, қўзғаб яна ёндирма,
Жойим ҳам йўқ, юртим ҳам йўқ, жон болам,
Девонаман, шўрлигимни билдирма.

Бобо дема, ўтда ёниб бораман,
Ҳайрон қолиб мунча тиклаб тураман,
Юртим йўқдир, девонаман, сўрайсан,
Мени билсанг ўзга юртдан келаман.

Тов ораси бўлиб ўтди маконим,
Танада қолмади заррача жоним,
Вайрон қилиб сўраб нима қиласан,
Ростин айтсам ҳеч қолмади имоним.

Айтаберсам бола деган менда йўқ,
Хол сўргани менда йўқдир кўнгли тўқ,
Шу сабабдан дарбадар бўб юраман,
Ёлғиз эдим, ўлгунимча бўлдим тоқ.

Миср элда биров раҳим қилмади,
Қидирасан, нега келдинг демади,
Камбағални тўйларида қопар ит,
Ўйлаб келган ниятларим бўмади.

Танаси бўлаклар дард билмас экан,
Ким бўлгани билан мард бўлмас экан,
Девонада хона нима қилади,
Ўлса ёмон, номус сарт ўлмас экан.

Сўйла, болам, нега йиғлаб турасан?
Ёш боласан тағин қора норасан,
Мен сўрайин асли сени зотингни,
Қайси юртдан, қайси элдан бўласан?

– Совуқ бўлса кун эритмас қировни,
Ўрини бор томга кўяр тарновни,
Нима учун мен бобожон демайин,
Зор бўлганман бир кўришга бировни.

Тонг саҳарда тонг юлдузга қарадим,
Тушлар кўриб қайта-қайта жўрадим,
Бобожоним, мен айтайин борини,
Турналардан отам жойин сўрадим.

Тошқинларда кенг дунёлар тор эди,
Оиламиз юртимизда нор эди,
Падаримни сўрасангиз, бобожон,
Мисли Рустам аждаҳарим бор эди.

Ғанимларни тиклаганда хор қилган,
Очув билан бир давлатни зор қилган,
Шундай аждар бандасини билардим,
Ажиратиб яна интизор қилган.

Олар эди кенг элатнинг орини,
Қаратганди одамларнинг барини,
Бу дунёнг келар экан алмашиб,
Ким билмайди ўзбек-туркман зўрини.

Ҳали бордир отажоним қалъаси,
Ёмон бўлар, билинг, одам оласи,
Сизни кўриб қочган бола, бобожон,
Шу аждарнинг билинг бўлар боласи.

Зулмат тушса кенг адирлар чопамиз,
Бу дунёда ҳеч кимга йўқ тобамиз,
Асли бошдан сизга айтар арзимни,
Чамбилбелнинг султониدير бобомиз.

Мард йигитлар кечар экан қизил қон,
 Ҳар бандани худо сақласин омон,
 Билолмадим, отажоним айтайин,
 Ор талашиб ўлиб кетган Авазхон.

Узумкўздир, бобожоним, энамиз,
 Чамбилбелда вайрон бўлган хонамиз,
 Мен Гулиноҳ, қочиб кетган Нурхонжон,
 Ҳар на бўлса пешонага кўнамиз.

– Фарзандим, – деб ёш қуйилди кўзидан,
 Эмранади Гулиноҳнинг изидан,
 – Отанг бўлмай мен ўлай, – деб Авазхон,
 Ўт отилиб чиқаверди овзидан.

– Отажоним, гавҳарим, – деб Гулиноҳ,
 Ўзин отиб йиғлайберди зору зор,
 Сўлган гуллар бу чаманда очилди,
 Боласин боврига тортди зўравор.

Гулиноҳнинг товушлари билинди,
 Узумкўзнинг юрак-боври тилинди,
 Нима гап, деб ташқарига чиқбеди,
 Кўз олдида аждаҳари кўринди.

Ана фалак, қайта ҳаёт бошланди,
 Қора қисмат қора ерга ташланди,
 Ҳаёт шундай алғов-далғов куни бор,
 Қувончидан хумор кўзи ёшланди.

Майдон бўлса тўкилади лахта қон,
 Во дариғо, ўлмай айрилган ёмон,
 Отажоним, қувватим ҳам борма деб,
 Қучоқ очиб жўнайберди бек Нурхон.

Изсиз кетган орқа товим борма деб,
 Умр йўлдош, вафодорим борма деб,
 Меҳрин очиб жўнайверди Узумкўз,
 Севгисига содиқ ёрим борма деб.

Тири одам ҳар нарсани кўради,
 Интилиш бор доим ғолиб туради,
 Бахтим бор деб қаранг энди Авазхон,
 Ойувдай* бўб, қулоч очиб юради.

Қаранг, тоғлар, бир-бирига қўшилди,
 Қовматлари ипакдай бўб эшилди,
 Бир-бирига жўнайверди манграшиб,
 Қаранг энди қўй-қўзилар қўшилди.

Қаранг, энди, лола гуллар очилди,
 Турфа гуллар ҳар тарафга сочилди,
 Самарасин берди азоб, интилиш,
 Тўрт инсондан бало-қазо кўчилди.

Қаранг, шерлар кетди энди оралаб,
 Полвон Аваз йиғлайверди болалаб,
 Нурхонжонин олаверди қўлига,
 Топди ахир юрак-бағрин яралаб.

Қор эрийди гаримселнинг ҳоврига,
 Кимлар чидар душманларнинг таврига*,
 Икковини искайверди хон Аваз
 Ва болам, деб тортаверди боврига.

Кўкда булут ҳавас билан қаради,
 Ана қуёш хурсанд бўлиб туради,
 Қучоқлашиб бир-бирини искашиб,
 Ота бўлиб қай кунига яради.

Ўтган ишнинг қараб бўлмас кейнига,
Икки бола осилади ийнига,
Тўражоним, қувватим деб Узумкўз,
Кўл тайлайди йўлбарснинг бўйнига.

Бек қариздор остидаги отидан,
Фарзанд рози эна берган сутидан,
Валламатим, падарим деб кўш бола,
Ялайберди отасининг бетидан.

Ҳаётда рўй берди, дўстлар, адолат,
Ҳали узоқ билинг Чамбил салтанат,
Тўртовининг ялаб боши-кўзидан,
Гир айланиб искайверди дал Ғирот.

Бир-бирининг кўнглига қарашиб,
Ўтган савдо жафоларни сўрашиб,
Ёнди машъал, иноқликдан нишона,
Ёмон кунда бир-бириман ярашиб.

Ана энди, Авазхон икки боласи ва севар ёри билан
топишиб, шоду хуррамлик қилишиб, даврини суришиб,
Малла савдогарникида ётаберди, кунлар ўтаберди. Ора-
дан ўн кун ўтиб Авазхон хаёлга ботиб турганда, Малла
савдогар келиб қолди. Малла савдогар Авазхоннинг кел-
ганини кўриб, хурсанд бўлиб, иззатини жойига қўйиб:

– Авазхон, мана ўғил-қизу хотинингиз, мендан рози
бўласиз, – деди.

– Мингдан-минг розиман, аммо мен сизни қандай
рози қилишимни билмай ўйдаман, – деди Авазхон.

– Йўқ, полвон Аваз, менга тариқча ҳам нарсангиз ке-
рак эмас, мен сиздан мол-мулк оламан деб болаларинг-
изни олганим йўқ. Қарзимдан қутулмоқчи эдим.

– Қандай қарз? – деди Аваз.

– Ўрисиядан катта савдогарчилик қилиб келаёт-
ганимда Ҳовдакнинг кўлида менинг қирқ туямнинг

устидаги мол-мулки билан қароқчилар кўлга олганда,
сиз шикордан келаётиб, бизни кўриб, қароқчилардан
мол-дунёميزни олиб берган эдингиз, шунда мен сизни
таниб қолган эдим. Бозорда Нурхон отам Аваз бормисан
деб йиғлаганда, таниб сотиб олган эдим. Мендан рози
бўлсангиз бас, – деди Малла савдогар.

Яхшилик бир кунмас бир кун қайтар экан дейишиб,
ака-ука киришиб, Авазхон ва Малла савдогар дўстлашиб,
бўрдоқилардан сўйиб, иззатини жойига қўйиб, қадрдон
бўлиб ётаверди. Эртасига Авазхон рухсат сўради, райига
қаради, савдогар учовига уч от бериб, дуо қилиб Миср-
дан чиқариб, хўшлашиб қолаверди. Авазхон кўнгли чоғ
бўлиб, “Биров эдим, тўртов бўлдим”, – деб Чамбилга қа-
раб кетаётган жойи.

Бир ёна гулирухсор,
Ёнбошида кўш кўчқор,
Мисрда акаси бор,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Қиз деганда қизи бор,
Ноз эмас у зулфакдор,
Баҳоси йўқ Гулинор,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Кўнглида йўқдир армон,
Танага кирди дармон,
Ўлса изида Нурхон,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

От ўйнатар изма-из,
Қизил бўлди нурли юз,
Умр йўлдош Узумкўз,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Ғам-алам кетди бутун,
Бағрида йўқдир тутун,
Шодлик қоплади бетин,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Танда жони омонат,
Ўтиб кетди қиёмат,
Остида ўйнар Ғирот,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Ўз юртига жўнади,
Меҳрлардан қонади,
Шодликдан йўл ўнади,
Кўнгил тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Ҳаёт ўзи курашдир,
Гоҳо азоби ғашдир,
Дил дилларга муштоқдир,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Юракда йўқдир ғамлар,
Бугун олчи қадамлар,
Фурсат ғанимат дамлар,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Қирнинг бети жонади,
Жонадан тормашади,
Ўйнаб-кулиб жўнади,
Кўнгли шод бўлди, шод бўлди.

Кенг дунё торлик қилар,
Артофи гулга тўлар,
Аваз отда ирғалар,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Тўртови от қистади,
Йўл юрмоққа устади,
Ҳайхот рўзғор пистади,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Чаманзорлар оралаб,
Баланд-пастни қоралаб,
Тоза гуллар саралаб,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Гапни гапга қўшади,
Қир-адирдан ошади,
Бир хил жойда тушади,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Гоҳ жойларда қувишиб,
От жиловин қўйишиб,
Бир-бирини суйишиб,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Юракда йўқ яраси,
Яқин қолди ораси,
Ҳайла товнинг қораси,
Кўнгли тоғ бўлди, тоғ бўлди.

Алқисса, Авазхон Узумкўзга қараб: “Жонидан, Полапон товида ўлжамиз ҳам бор. Борайлик қани, бормикан, кетмаганмикан?” деб отнинг бошини Полапонга бурди.

Меҳмонлар иккиланиб: “Аваз алдаб кетди”, деб туришган эди. Орадан олти ой ўтиб, Ойтумса канизлари билан бутун туя-туя сепни, олтину зарни Полапон товининг пана жойига тушириб: “Аваз келар, бўлмаса хабар берар, келмаса қиш олди Ширвонга қайтамиз”, – деб қапа тикиб кутиб ётган эди. Бир маҳал катта чошкада Авазхон етиб келди. Ҳаммаси хурсанд бўлиб, Гулинон билан

Нурхонни Ойтумса пари олиб, ўзининг энасидай бўлиб, айланай, ўргилай деб Узумкўзга қараб, сочини тараб: “Кундошим, икки бўлди бошим”, деб миннатдорчилик билдириб тураверди. Икки кун туриб, маслаҳатлашиб, Чамбилга бормаймиз дейишиб, катта карвон Гуржистонга қараб йўл тортиб, Асқар товдан ўтиб кетаётган эди, Чамбил элати кўзга кўриниб, Авазнинг юрак-боври тилиниб: “Ҳой яхшилар, Ғирот отамнинг моли. Бировнинг тулпорини олиб кетиш одобдан эмас, от етарли. Келинг эгасига қайтарайлик”, – деб Ғиротнинг пешонасига бошини қўйиб, “Мендан рози бўл, мен сендан рози, бор эгангга”, – деб Ғиротни ҳайдаётган жойи.

Ғариб бўлганимда мадад бергансан,
Ёмон кунларимда кетмай тургансан,
Чамбилбелга бориш мен учун ўлим,
Нима берганини ўзинг билгансан.

Мен сендан розиман ўла-ўлгунча,
Тупроқлар кўзимга тушиб тўлгунча,
Рози бўл, Ғиротим, бугун ҳайдадим,
Каллама урайин, сени ургунча.

Хон Гўрўғли мендан хафа бўлмасин,
Ғиримни ўғирлаб кетди демасин,
Бор-боравер бугун тулпор Чамбилга,
Кўнглинга ёмон гап сира кемасин.

Чамбилга қандайин қайтиб бораман,
Отам билан қандай тикка юраман,
Мен сендан розиман, кетгин, Ғиротим,
Айтган гапларимга танги тураман.

Майдонда хешингни аяма деган,
Гап билан бировни бўяма деган,
Берган совғасини қайтармоқ лозим,
Қилган илтифоти куяма деган.

Бор, айландим, Ғирот, қошимда турма,
Қилган хунаримни фалакдан кўрма,
Чамбилга боришим ўлимга тенгдир,
Фақат эгангга бор, йўлингни бурма.

Душман душманлигин қилади экан,
Кулиб туриб жонинг олади экан,
Ахир душманларга қандай бораман,
Келгинди барибир келгинди экан.

Дал Ғирот оёғин ерга тиради,
Баччағар термилиб бекка қаради,
Бир кишнаб Авазнинг келди қошига,
Сағана қиблага қараб ётади.

Авазнинг юраги бўшаб боради,
Бадани титираб қақшаб боради,
Ғиротга қарашга бети бўлмайди,
Авазхон, кечир деб бўзлаб туради.

Ғирот гулдираса товлар тешилди,
Авазман товуши тордай эшилди,
Қараган қора кўз чидаш беролмас,
Ҳаммаси бўзлашиб, бунда қўшилди.

Вой аттанг, бу Ғирот, феълим билмади,
Ё бўлмаса мени писанд қилмади,
Не сабаб бўйинини эгар қошимда,
Аваз кетолмас деб кўнгли тўлмади,

Ғирни ўнгаради Чамбил йўлига,
Бир гапни олади Аваз дилига,
Кетгин, бор, эгангга фақат сен керак,
Тошни олар Аваз энди қўлига.

Найлайн, дал Ғирот кўзин ёшлади,
Оёқ билан пешонасин қашлади,
Авазнинг очуви келган эканда,
Аямай тулпорни ҳайдаб тошлади.

Кетолмай айланар Ғирот тўдани,
Ҳеч кимга бермайди тулпор худони,
Термулиб қарайди ҳайвон Авазга,
Етти йил тортгандир назар жудони.

Авазхон ҳарчанд уринмасин, барибир Ғирот кетмади.
“Ҳов беклар, нима қилмоқ керак?” – деб маслаҳат сўради Аваз ҳамроҳларидан. Шунда Нурхон: “Ота, Чамбилга борсак, душманларимиз айтмайдима, уриб ҳайдасак ҳам қайтиб келди. Келинг, Ғиротни ҳам хўрламанг, бизнинг Гуржистонга кетишимизга қаршилик қиляпти, майли ҳайдадик кетмаяпти, ўзи билади, ияриб борса борсин, қолса қолсин”, – деб турганида, бу гапни ҳамма маъқуллайверди. Карвон кўчиб жўнайверди, Ғирот билди, булар кетади. Тўрт оёғини ерга тираб, гулдираб кишнаб, назари тулпор эканини билдириб, карвоннинг олдига ўтиб, думини қирқ газ чўзиб, осмону фалакдан келтириб ерга урди. У томони, бу томони катта учи қуйруғи йўқ жарликка айланди. Ғиркўк: “Энди булар кетолмас, бориб Ғўрўғлини олиб келайин, беҳабар қомасин, болам кетибди демасин” дегандай Чамбилга қараб тайлаб кетаверди.

Эгасидан таёқ еб,
Жўнайверди дал Ғирот,
Армонда қолмасин деб,
Тайлайверди дал Ғирот.

Гоҳ изига қаради,
Ёмон кунда яради,
Сабил қолгур бу Ғирот,
Кетса кетсин демади.

Тезроқ етайин деб,
Эгама айтигин деб,
Хон Ғўрўғли келмаса,
Кейин мен қайтайин деб.

Асл ҳайвон шул экан,
Олди-орти кўл экан,
Борича ҳайдаётир,
Ҳайвон эмас ул экан.

Туба-тубадан ошиб,
Гоҳи сойларга тушиб,
Сермаб ўзин отади,
Лекин қолмайди шошиб.

Кетаётир пириллаб,
Босган жойи дириллаб,
Ўтиб кетса дарадан,
Дара қолар зириллаб.

Неча адир, чўллардан,
Сасиб ётган кўллардан,
Ўтаберди дал Ғирот,
Одам юрмас қирлардан.

Дўстлигини билдириб,
Ёл, думини елдириб,
Қистаб ўтар бесойиб,
Катта сойни тўлдириб.

Тез етишни истайди,
Жон борича қистайди,
Ғўрўғлини кўрсам деб,
Бир пасл ҳам турмайди.

Қора жойлар тилинди,
Тулпорлиги билинди,
Икки кеча юрганда,
Чамбил элат кўринди.

Кўзидан ёш ситилиб,
Юрак-боври сўтилиб,
Кириб борди Чамбилга,
Узангиси отилиб.

Чамбил халқи Ғиротни кўриб, ҳаммасининг эси кетиб, танглайи қотиб, бири у деди, бириси бу деди, чаппа-раста ҳар хил жойдан гапираверди. Ғиротнинг келганлигини Гўрўғли ҳам эшитди. Гўрўғли бўлиб ўтган гапларни Ҳасанхондан эшитиб: “Мени босди фалокат, бу дунёда йўқ экан тоғадайин улуғ зот. Тоғага қилич кўтариб бўлмас, юртдан чиқариб бўлмас”, – деб кўпдан қон ютиб чиллахонада ётиб: “Охири нима бўлар экан? Худо инсоф берса, Ғирим билан Аваз болам келар”, – деб ўйланиб юрган эди. Ғиротнинг келишидан қулоғи чиппа битди, келиб қараса Ғиротнинг бадани қон эмас, тоза келибди. Демак урушдан чиқмабди. “Аваз болам ўзининг мамлакатига жўнаган бўлса, Ғиротни қайтарган”, – деб кўнглига ҳар хил гап келаверди. Шунда Гўрўғли сабр қилиб туролмади, қирқ йигитини ҳам чақирмади, маслаҳат ҳам солмади, қандай қилай деб бировга бир сўз демади. Шундай кийиниб борсам бўлмас деб, қаландар кийимини кийиб, девонасифат бўлиб, Ғирни миниб, тақдирга кўниб, Чамбилдан чиқиб кетди. Шу юришда олти кун юриб охири Авазга рўбарў бўлди. Қаради, Авазхоннинг қобоғи уюлган, кўзига қон қуйилган, икки ийни қирдай, олса олади-ган шердай бўлиб турибди. Икки боласи ҳам юзини тескари қилиб олибди. Хон Гўрўғли қўлига қиличини олиб, отдан тушиб Авазга қараб: “Мендан ўтдима, бошқадан ўтдима, ма, қилични ол, бўйнимга сол, розиман”, – деб хўрлиги келиб бир сўз деяпти.

Аё Аваз, аждаҳарсан, биламан,
Отангман олдинда ғариб тураман,
Мендан ўтган бўлса кечир, жон болам,
Чамбилбелдан умид билан келаман.

Танангдан ўтгандир фарзанд ситами,
Фарзанддир одамнинг билсанг питаси,
Гуноҳимни, Аваз, сендан сўрайман,
Ҳар банданинг бўлар экан хатоси.

Қариган чоғимда ноумид қилмагин,
Минг йилгача яша, болам, ўлмагин,
Розиман бошимни кессанг кесиб ол,
Отангман, фарзандим, ғофил бўлмагин.

Фарзандим йўқлигин Аваз билдирма,
Кетиб Чамбилимдан боврим тилдирма,
Ҳасан билан сенга меҳрим қўйганман,
Жон болам, бепичоқ мени ўлдирма.

Ғанимни кўрганда қобоқ уяман,
Тикилсам девларни бирдан сўяман,
Найлайн, фарзандни аяди Худо,
Фақат бир камим бор, шунга куяман.

Худого қаерда ёзган эканман,
Билмайман фарзанддан безган эканман,
Жон болам бек Аваз, ташлама мени,
Бор меҳримни сенга берган эканман.

Ўлганимда Аваз кўмар деб эдим,
Бор умидим сенда, меҳр бербедим,
Ахир ёлвораман, қайтгин Чамбилга,
Тобутимга эга деб сенга кеб эдим.

Хон Аваз, айландим, гапга қулоқ сол,
Қандайин бурилмай кетдинг бемалол,
Чин кетиш истасанг ота демайин,
Шундай ташлаб кетма, аввал бошим ол.

Авазхон Гўрўғлининг номи оламга кетган, қаҳри тошни эритган, тикласа тоғни чиритган, қайтмас аждаҳарнинг фарзанд деб, тиз чўкиб, титраб туришини кўриб, юраги жиз этиб кетди, лекин билдирмади. “Ота, мени йўлдан қолдирманг, ўзга юртда бек бўлгандан ўз юртингдан подачи бўл деган экан”, – деб изига қайтмай жўнайберди. Гўрўғли ҳам икки қўлини чўзиб, изидан ияриб кетаверсин, энди гапни Чамбилдан эшитмоқ лозим.

Юнус билан Мисқол пари Ғиротнинг келганини, эрининг кетганини, Авазхон ўз юртига кетаётганини аниқ билиб, ичига ғам ютаверди. Авазхон Гўрўғлининг гапни бу сафар олмаслигини, қулоқ солмаслигини ҳам аниқ билди. Икови борган билан ҳам қайтмаслигини сезди, шунда париларнинг кўнглига бир гап келиб, жарчига қўчама-кўча юриб бутун халқни тўплашни буюрди. Мисқол билан Юнус пари тўпланган халқни эргаштириб, Чамбилдан жўнаб йигирма кун деганда Аваз билан Гўрўғлининг устидан чиқиб, эл бўлиб, халқ бўлиб, Авазга орини солиб, ўтин қилинг деб ёлворишиб, халқнинг меҳри Авазхонда эканлигини англатди. Охири Авазхон йўлдан чиқса ҳам элдан чиқолмай ноилож қайтишга рози эканини билдирди.

Шундай қилиб, гапни билиб, бир-бирига кўнгли тўлиб, ўйнаб-кулиб Чамбилга келди. Яна халқни йиғиб, хон Гўрўғли эл-юртга қирқ кеча-кундуз тўй бераверди.

Шундан кейин Гўрўғли: “Тириклигимда юртни Аваз боламга берайин, қолган кунимни худа йўлига солайин”, – деб бекларини йиғди. Аваз отасига қараб: “Очилганда тоза гулар сўлама, ота туриб фарзанд юртни олама”, –

деб, отасини эл бўлиб фикридан қайтарди. Гўрўғли Авазга қараб, “Болам, Аҳмад тоғанни гуноҳидан ўт. Ўз гуноси ўзи билан. Бетига қора чаплади. Шунинг ўзи ҳам катта жазо”, – деб Авазнинг очувини ёзди.

Авазхон Ойтумсани Мисқол билан Юнус парига қўшиб, саройдан жой бериб кўнглини олди. Душманлари қилмишидан уялиб, бети бўлмай, тўйда ҳам туролмай, нима қилишини билмай, чекка-чеккада ғажирдай ер чуқалаб ўтираверди. Дўстлари белини икки жойидан бойлаб, палов қозоннинг остига ўтин тайлаб, хурсандчилик қилаверди.

Чамбил элда тўй бўлди,
Ғажир суяк най бўлди,
Тўда-тўда халқ келар,
Ҳаммаси ҳам бой бўлди.

Катта кийиз тўшалган,
Олов, гулханлар ёнган,
Ошпаз палов дамлайди,
Бири ташишга қўйган.

Самоворлар қайнаган,
Қиз-жувонлар ўйнаган,
Катта давра қурилиб,
Семиз қизлар жайнаган.

Созандалар соз чалар,
Ноз устига ноз бўлар,
Момо билан боболар,
Кексаликда деб қўяр.

Қайнатма гўшт қозонда,
Одам тўла ҳар ёнда,
Бековул қичқиради,
Қолиб кетма армонда.

Тандир кабоб пишгандир,
Баковули шошгандир,
Тўйда бўлар томоша,
Халқ олдига қўйгандир.

Кун қиблага ботади,
Неча кунлар ўтади,
Бахшига келди навбат,
Тўйда жўшиб айтади.

Катта кураш бошланди,
Бир-бирига хушланди,
Чиқиб катта полвонлар,
Кам зўрлари ташланди.

Гўрўғлининг элида,
Тенгсиз Чамбилбелида,
Номи кетган тўй бўлди,
Чамбил султон улида.

Элу халқи парвона,
Шундан Аваз мардона,
Қасд қилганлар паст бўлди,
Бўлиб қолди девона.

Нурхон билан Гулиносор,
Энди қандай ками бор,
Биров изза беролмас,
Иккови ҳам аждаҳар.

Чамбил гуллаб-яшнади,
Ободонлик бошлади,
Жаннат деган шу жойда
Дўзахини ташлади.

Бирлик жойда роҳат бор,
Меҳнат билан иззат бор,
Элу халқ бўлса иноқ,
Демак бунда ҳурмат бор.

Холи ёпди Ғиротга,
Қаранг энди савлатга,
Шундай қилиб, жўралар,
Етди мурод-мақсадга.

Мен барин кўриб келдим,
Тўёна бериб келдим,
Шу дostonни айтай деб,
Халқдан сўз териб келдим.

Тинглаб отам Қодирдан,
Дoston айттим қадрдон,
Уни қайтиб айтишда,
Юрмадим чўл-адирдан.

Отam йўлида жўшдим,
Куйларимга куй кўшдим,
Тинглаганлар соғ бўлинг,
Авазхондан бир жўшдим.

ГҮРҮҒЛИНИНГ САФАРИ

Алқисса, узоқ-узоқ замонда, Туркман деган томонда, эли-халқи омонда, душманлари гумонда, атрофини тўрт тов ўраб турувчи Чамбилбел деган обод бир мамлакат бор эди. Бу музофат дунёнинг барча давлатларига маълум ва машҳур эди, сабаби йигитлари олди қайтмаган, кўрқаман деб айтмаган, ҳаром жойга бормаган, кўрқмас, мард ва шижоатли йигитлари, одоб-ахлоққа бетимсол, шарм-ҳаёли сулув қизлари билан дунёни лол қилган эди. Чамбилбелни кун чиқишдан Асқар ва Полопон тов, кун ботишдан Сундуз ва Қундуз товлар ўраб, юртга зийнат бағишлаб турар эди. Халқи эса бениҳоятда бой, саховатли, бир-бирига меҳр-оқибатли, кайвони одамлар эди. Чамбилбел қандай мамлакат эди, у шундай мамлакат эди, кўрғонда ўн саккизта катта дарвоза бор бўлиб, ҳар бир дарвозага нақш урилиб, ҳар бандига сўм тилладан суғилган эди, ҳар дарвозада юзтадан миршаб, ўнтадан подшолиқнинг вакили кўриқлаб турар эди. Шаҳарнинг ичкарасидаги гумбазли минораларга қуйма олтинлардан эритилиб, нақш берилган эди, ҳар бир хонадонга эса деволларига гул чоктилиб бениҳоятда зийнатланган эди. Шаҳар кўчаларининг четидан икки ариқ икки хилда сувли эди, ўнг томондан оғадиган ариқдан ширин сув, чап томондан оғадиган ариқдан эса шўрроқ сув бутун кўчаларни айланиб оқар эди, шу боис йўлка четлари анвойи гулларга бурканган эди. Чамбилбелнинг атрофини эса Ҳамининг суви етти марта айланиб сувсиз жойларга банд тайланиб, сувли жойларга тўлиқ жайланиб, гўё келинчакдай шайланиб, кўм-кўк зилол сув Ҳазар кўлига қараб эниб, гоҳо ўйноқлаб қўшилар эди.

Лекин Чамбил ҳам Чамбил эди, саксон сардобали Чамбил, тўқсон тўйхонали Чамбил, юзта ибодатхонали Чамбил, мингта хазина соладиган омборли Чамбил, хазинабонлар зўрабор, қирқта айдахар, қирқ ойи сардор, тўрт ярим лак амалдор, яна шунча жиғадор, қанча тўғдор ва бўйни йўғон йигитлар подшолиқнинг бойлигини кўриқлар эди, беш юзта добилбоз эса навбат-навбат кеча-кундуз вақти-вақти билан карнай-сурнайини, добилини чалиб, шаҳарга зеб берар эди. Асқар товга чиғиб бегона киши Чамбил юртига қараса бутун майдонга ёмби олтин тўшалгандай товланиб, кўзни қамаштириб ақлни олар эди, қарай-қарай кўзи толар эди, бойликка ўч одам кетолмай қолар эди. Мабодо биронта меҳмон бахши бу элнинг душғолидан келиб қолса, ҳайратидан ўзини тўхтата олмай Чамбилбелни таърифлаб шундай кўшиқ қилар эди:

Пештоқи кўркам иморат,
Сарой тиллодан иборат.
Одамдан эсли дал Ғирот,
Бой-бадавлат экан Чамбил.

Кўчага тошлар тўшалган,
Бино бинога қўшилган,
Гумбаз келиндай эшилган,
Мисли жаннат экан Чамбил.

Қарасанг кўзинг толади,
Келганлар кетмай қолади,
Ғараз ўйлар йўқолади,
Сеҳрли жоду экан Чамбил.

Ўғри-ғарни кўрмадим-да,
Кўрганда хаёл сурмадим-да,
Ундай жойга бормадим-да,
Чин покиза экан Чамбил.

Ҳар бир кўчаси озода,
 Ҳовли чиннидай тоза-да,
 Бу элда яшаш маза-да,
 Ҳар давлатдан ўктам Чамбил.

Алқисса, келган нотаниш одам оғзи очилиб, кўзидан нур сочилиб, бошидан салласи ечилиб, Чамбилга қарай-қарай ҳаваси кетиб, касали тутиб, қаёққа кетаётганини унутиб, калласи галдираб, желаги пилдираб, бегона жойларга билмасдан улоғиб кетар эди. Ана эндиги гапни Чамбилбекнинг шоҳи-султонидан, боз султони бокарамидан эшитинг. Бу элнинг подшосини Гўрўғли султон дер эди, кўзи ўткир султон эди, бадан териси ултон эди, жамики йўғон томирлари заранг таёқдай чандир эди, кўкрагига қўл солиб бўлмайдиган қизиб ётган тандир эди, кўзи мисоли йўлбарснинг кўзидай ваҳимали эди, узун бўйлик, елкалари кенгиш, буғдойранг салобатли, чўрткесар, аҳди қатъий ҳукмрон эди.

Шикорга чиқса булоқ сувларини излаб юрмас, сув тополмай ҳайрон турмас, тезда тўғри келган заранг дарахтини юлиб олиб, сиқиб-сиқиб сувини ичар эди. Боғи Эрамдан Юнус парини, Қуйи Қофдан Мисқол парини хотинликка олиб, уларга ёққан эди, кўнгли кетса тонг соров берганда пўстагини етти-саккиз марта ўхшатиб қоққан эди. Лекин Гўрўғли султон зўрлигидан таъма қилиб, манмансираб бирор мамлакатга бостириб бормас, тинч халқини қирмас, бор бойлигини талаб олиб, Чамбилга кирмас эди. Агар моновсираб Чамбил элга ким лашкар тортиб келиб тийинса, уни сира қўймас эди. Чет элатлардан олиб келган ўлжаларини мискинларга, бева-бечора, камбағалларга бўлиб берар эди. Гўрўғли султон қирқ уруғдан қирқ забардаст йигитларни тўплаб, мамлакатнинг суянчи, элнинг таянчи қилган эди, қирқига ҳам сап пари қизлардан қонниқ қилган эди. Ваянгандан Ҳасанхонни, Гуржистондан Авазхонни олиб келиб

ўзининг бефарзанд эканлигидан Худони ўртага қўйиб қиёматли фарзанд қилиб олган эди. Гўрўғлининг беҳисоб куч-қудратидан, қирқ йигитнинг ҳамда Ҳасанхон ва Авазхоннинг жасурлигидан Чамбилбел санада йўқ даражада бойиб кетган эди. Бу мамлакатда кўпроқ Така Туркман, ёвмит Туркман ва Қора Қўнғирот ўзбеклар яшар, ошини ошар эди. Султони бокарам Така Туркманлардан эди. Шу сабаб султон нимани кўнгли истаб дал дедима дал эди. Шунинг учун Така Туркманларни далтуркман ҳам дегич эди. Гана-ганада, хилватда Соқибулбул созини қўлига олиб, нор билаги толиб, ҳар номага чалиб, султони бокарамни шундай қўшиқ қилиб куйлар эди:

Кўшиқ айтайин шу топдан,
 Гоҳ ўнгида, гоҳи чапдан,
 Боғ Эрамдан Қуйи Қофдан
 Девни қувған Гўрўғлисан.

Овлоқда қўйин тилни,
 Обод қилиб Чамбилбелни,
 Девлар билан қурдинг элни,
 Қўрғон қурган Гўрўғлисан.

Чамбилни қилдинг бунёд,
 Саховатинг ҳаддан зиёд,
 Элингда йўқ ғам, фарёд,
 Халқни севган Гўрўғлисан.

Қўлдан бермай келдинг орни,
 Душман бўлса букдинг зўрни,
 Тилаб эритдинг муз, қорни,
 Тафти қуёш, Гўрўғлисан.

Калла чайқаб тоғ нуратдинг,
 Тиклаб тошларни чорнатдинг,

Саксон давлатни қаратдинг,
Тенгсиз кучли Гўрўғлисан.

Қўл силтаб сувни музлатдинг,
Қош қоғиб ойни тезлатдинг,
Манман шоҳларни бўзлатдинг,
Қаҳри қаттиқ Гўрўғлисан.

Пари қизлардан кечмадинг,
Адми санамни кучмадинг,
Банд бўлган сувни ичмадинг,
Тоза дидли Гўрўғлисан.

Алқисса, Соқибулбул шу сўзларни айтиб, гоҳа фикридан қайтиб, гоҳ ўйтиб, гоҳ бўйтиб Долғиротга қараб, сайслик қилиб ётар эди. Боиси, Соқибулбул Гўрўғлининг йўлдоши, сафар юрса тири, ўзи созанда сўзга чечан оқини, ростини айтсам, Гирот учун сайс қилиб юборилган қирқ чилтанларнинг яқини эди. Ана қаранг, Гўрўғли султоннинг Гироти бор эди, у тулпор фарзанди, жойи келса сафдоши, йўлдоши эди. Хўш, Долғиротдан эндиги гапни эшитинг. Долғирот қандай тулпор эди, у дунёга келган уч тулпорининг бири эди, бири бўлса ҳам зўри эди, гар юурса шамолнинг тири эди, жангга кирса қонсираган бўри эди. Тулпорнинг каттаси Райҳон арабда бўлса, ўртанчаси Занг мамлакатидаги мойчининг оти эди, кенжаси Гўрўғли султондаги Долғирот эди. Гирот устига уч одамни миндираб эди, бири Гўрўғли султон, иккинчиси Авазхон, учинчиси Ҳасанхон, гана-ганада Авазхонинг ўғли Нуралибекни ҳам завқ билан эркалаб миндираб эди. Гирот одам гапирган ҳамма гапни тушунар, билар шунга қараб иш қилар, душман бўлса тишлаб бошини юлар, агар дона, фозил одамлар келса улар билан ўзича ўйнаб-кулар эди. Гоҳида султони бокарам Гиротни кўргиси келса, от турадиган тоблага борса Соқибулбулни сайсхонадан чақириб “Эй Соқи, сенга керак насядан кўра

нақи, подшонинг хизматини қилмоқ сендай Соқининг ҳақи, қани, созингни олиб менинг дал Гиротимни бир таърифла қани” деб отининг ёнига бориб, унинг какулини силаб, бошини бошига кўйиб, гоҳо забардаст қўллари билан тулпорнинг бир қулоч бўйнини қашилаб айлана бошлади. Шунда Соқибулбул созини олиб, шу нома созига чалиб, қўлқаси тўлиб, султони бокарамнинг бефарзандлигидан шу отга суяниб, фарзандидай кўриб қолганини билиб, кўзига жиққа аччиқ ёшлари келиб, Ҳаққа қулоқ солиб, гоҳ дунёнинг ишидан нолиб, Гиротни шундай деб таърифлай бошлади:

Дал Гиротим, жон Гиротим,
Суяги метин, пўлатим,
Сендан келди, саодатим,
Кел, жолингни бир силайин.

Гўрўғли султон молисан,
Ҳам оғаси, ҳам улисан,
Юрагисан, боз қўлисан,
Кокилингни бир силайин.

Бева бериб қиз олганим,
Чопса, булутдай тўлганим.
Имласа етиб келганим,
Қулоғингни бир силайин.

Таърифингни айтсам достон,
Отнинг тулпорисан ростдан.
Сени кўриб қочди мастон,
Думғўзангни бир силайин.

Чопсанг етдинг учар қушга,
Бир тепкинг тенг мингта муштга,
Чидадинг келган ташвишга,
Туёғингдан бир силайин.

Кўзинг сузик, кўнглинг нозик,
 Ўйнасанг ўйининг қизиқ,
 Кишнаганинг элга озиқ,
 Чўқ кўзингни бир силайин.

Ўмганинг мисли дарадай,
 Қулоқларинг минорадай,
 Ўзинг минг қўйли тўрадай,
 Ийиғингни бир силайин.

Гоҳ эркалайсан кўзидай,
 Ширбозсан, бойнинг қизидай,
 Ойдинсан, тонг юлдузидай,
 Жетим жолингни бир силайин.

Хон Гўрўғли қувойисан,
 Дам олганда работисан,
 Сен Оллоҳнинг ҳимматисан,
 Пешонангдан бир силайин.

Соқибулбул, дейди отим,
 Ҳатам Тойча бор ҳимматим.
 Сени боқиш саодатим,
 Кел, каллангни бир силайин.

Алқисса, Соқибулбул долғиротни то кечки пешинга-ча таърифлади, айтилмаган ҳеч жойи қолмади. Шу палла Гўрўғли султон Ғиротнинг пешонасидан тавоб қилди, от эса қўш оёқлаб букилди, чориллаб ва наъра тортиб бир кишнади, бутун олам эса яшнади. Айни дамда Гўрўғлининг юрагидаги барча дард-аламлар, фарзанд доғи, оғир ситамлар оғзидан ҳил бўлиб, чиқиб кетди. Султони бокарам бу ҳолдан жуда енгиллашиб, руҳи тетиклашиб, қошта изига қарамай тахти адолатга йўл олди, кечки пешин номозини адо этиб, оромхонага ташриф қилди. Эрталаб, барвақт туриб, таҳорат олиб бомдод номозини адо қилмоқ учун жойнамоз устига чиқиб, азон айта бошлади,

чин сидқидилдан тоат-ибодат қилиб, Оллоҳ йўлига кўзини ёшлади ва номоз сўнгида ўнг елкасига қараб салом отганда Маккаи Мунавварани, чап елкасига қараб салом отганда Мадинаи Муҳаррамани кўрди ва ҳайратдан ёқа ушлади, сўнг ният қила бошлади:

“Эй, бор Худоё, мен гуноҳкор банданга шу муқаддас жойларни кўришни, ё насиб, ҳажга боришни насибаи рўз айлагин. Ёшим саксонга етди, белдан қувват кетди, энди сенга суянмасам кимга суянаман”, – деб юзига фотиҳа тортди. Шу палла “Улуғ ният муборак бўлсин” деб саройнинг қирқ бурчидан қирқ овоз чиғиб, султонни улуғ ният билан муборак қилди. Султон кўзини очиб қараса саройда ҳеч ким йўқ, “Булар қирқ чилтанларим экан-да” деб пойидаги ипак жойнамозни буклаб, оромгоҳга ўтди. Гўрўғли султон бомдод номоздан фориг бўлгач, эшони пири Омонхон ҳазратларини салтанатга чорлади ва “Эй, ота пирим, Омонхон, сиз Валихон пиримнинг авлоди, неча йиллаб мен билан узанги йўлдошсиз, тонг соров берганда бир сир кўрдим, шундан баён берайин” деб сўзлаётган жойи:

Ҳар кимни сақласин худойим омон,
 Бандасига Эгам бўлсин меҳрибон.
 Тонг соровда бир сир кўрдим, эшоним,
 Ушбу сирни жўраб беринг, қадрдон.

Баҳорда очилар чаманнинг гули,
 Гулни кўрса маст бўб сайрар булбули.
 Қўш елкамда турар Макка, Мадина,
 Кўзимга кўринди Каъбанинг эли.

Шаҳарларни кўриб бўлдим ҳайрона,
 Шуларда сурсам дедим даврона,
 Ислом нури очди қулфи дилимни,
 Ҳажга бормоқ бўлдимда шулар замона.

Билиб-билмай қилдимда кўп гуноҳни,
Қариллик келганда тортаман оҳни.
Ҳажга бормоқ ният қилдим, Эшоним,
Қабул қилармикан биздан гулоҳни.

Саждага қўйгандим азиз бошимни,
Раҳмдил Эгамга тўқдим ёшимни.
Қирқда овоз пайдо бўлиб ғойибдин,
Муборак айлади менинг ишимни.

От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,
Душманни қўрқитар мартнинг наъраси.
Зам-зам суви бизга ато қилдими,
Ҳажга бормоқ бўлди Чамбил тўраси.

Гўрўғлибек, деб айтади ўзимни,
Пирлар, энди тингланг менинг сўзимни.
Улуғ ният қилдим, беринг маслаҳат,
Ҳар сўзингиз менинг учун лозимди.

Алқисса, эшони-пир Омонхон Гўрўғли султонга қараб, “Ниятингиз муборак бўлсин, айна муддао, қутлуғ бўлсин” деб қўлини кўксига қўйиб эҳтиром айлади. Отликда уч ойлик йўл, оёқда олти ойлик йўл, қимирлаган қир ошар, деган нақл бор элимизда, Оллоҳнинг каломи турса тилимизда, саховат бўлса қўлимизда, неча музофот бор йўлимизда, йигитликнинг қуввати бўлса белимизда, аста-аста қир ошамиз, Эшоним, – деди султон.

– Улуғ ният чарчоқни билдирмайди, аксинча маррага етказди, – деб Омонхон бош эгди-да, яна жангу жадалларга ўрганган ёвқур жаҳонгир дини исломга эътиқод қилиши таҳсинга лойиқ, – деб султонни олқишлади. Гўрўғли:

– Қиличнинг тиғидан, кескир пўлатнинг дамидан минг марта ўткир экан исломнинг нури, эшоним, – деди. Гўрўғли султон эшони пирга жавоб айлаб, белини маҳкам

бойлаб, ўзини йигитлардай шайлаб кечга тобин барча улома вазирларни, амалдор жиғадорларни, мунажжим ва сардорларни Авазхон ва Ҳасанхон фарзандини саройга жамлаб, “Ҳақдан бўлсин адолат, ҳар бир кун ҳам ғанимат, бугун тўпланиб беклар, қилайик бир маслаҳат”, деб сўзлаётган жойи:

Ёшин тушса тоғ иккига бўлинар,
Бефарзанднинг бағри ҳар кун тилинар.
Шу сўзимга қулоқ солинг, бекларим,
Катта ишлар кенгаш билан қилинар.

Кеча-кундуз мен халқимни ўйладим,
Ор-номусга белни маҳкам бойладим.
Яхши ният қувват экан одамга,
Ҳажга бормоқ орзусини ўйладим.

Шамол каби ўтар экан ҳар онлар,
Бир паслда ўзгаради замонлар.
Чамбилимни мен эгалик қилайин,
Ҳар давлатга бошот керак, ёронлар.

Ёмғир ёғса ернинг бети кўпчийди,
Арпа еса чўбир от ҳам сапчийди.
Чамбилимга султон керак йигитлар,
Ана шунда менинг кўнглим тинчийди.

Тарк айладим барча дунё-молимни,
Мен исломга бағишладим ҳолимни.
Чамбил юртга битта султон сайлайин,
Кейин Худо очиқ қилсин йўлимни.

Алқисса, Гўрўғли султон барча мулозимларга, амалдор бекларга ўз ниятини баён айлади. Шунда йиғилганлар “Муборак бўлсин улуғ ниятингиз” деб илтифот айлади.

– Ким қандай маслаҳат беради? – деди султони бокарам йиғилганлар орасида ўзаро шивир-шивир бошланди. “Султон Чамбилнинг ҳукмдорлигини барибир Авазхонга беради, деса, бир хили йўқ, тоға етти отага тенг, берса Аҳмад сардорга, феъли мурдорга беради-да” деганда яна бирови “Ҳасанхонни ҳам унутманг, у ҳам ботир йигит, бекликка арзийди” дейберди. Шунда Тўлак ботир “Ҳасанхон ботир йигит, лекин бир оз менга ўхшаб суви бўш йигит” деб эътироз билдирди.

Гўрўғли сўлтон:

– Нега ҳамма жим, гапиринглар, – деди қатъий оҳангда. Шунда ёши бир жойга бориб қолган чол, ўзи бироз беҳол, калласи парча-парча кал, бир қилиғи мол, баъзи ёмон ишларига эшитган бўлади лол, шунда Аҳмад қари жойидан турди бемалол. Аҳмад қари қандай одам эди. Иягида ўзи бир дона сақоли бор эди, шунга ҳам кўз теймасин деб иримкашлик қилиб, бир сарка бериб эшонидан тумор олиб, шу дона соқолга осиб қўйган эди. Аҳмад қарининг лаби буришган, манглайи тиришган, гапинг нотўғри деган одам билан олтой бўлса ҳам ётиб олиб суришган эди. Ўзи Аҳмад эди, ҳар сўзи тухмат эди, шу ёшга етиб бирор инсонга яхшилиқ қилмаган эди. Шу ёшгача жияни Гўрўғлибекнинг питига тормашиб, оёғига чил бериб келаётган бир эчки соқол, айёр инсон эди. Шунда Аҳмад қари кўпнинг ичида Гўрўғли султонга қараб, соқолини беш-олти бураб оёғини ерга тираб “Хўп десангиз, мен берайин маслаҳат” деб сўзлаётган жойи:

Тоға деган жиян учун сояди(р),
Аҳмоқ подшо бир кун тахтдан тояди(р).
Ўғлинг бўлса қолар эди жойингда,
Худо сендан бир тирноқни аяди.
Ўйлайверсанг юрагинга келар ғам,
Фарзанд билан камол топсин ҳар одам.
Чамбилнингга эга эди фарзандинг,
Хавфли бўлар бефарзандда ҳар қадам.

Сув бўлмаса майн жойлар қақшайди,
Бефарзанднинг мулки бир кун шовшайди.
Шундай кунда тоға ярар кунингга,
Тош бўлса-да, лекин тоға бўшайди.

Гўрўғлибек сенга айтар сўзим бор,
Ўлар бўлсам, лекин менинг изим бор.
Мен турганда термулмагин бекларга,
Бу хизматга жиянжоним ўзим бор.

Ниятингга еткин жиян ҳадоға,
Бўйларингга ўзим бўлай садаға.
Келмасанг ҳам майли, қолгин Маккада,
Ўзим бошман ўзбек-туркман тўдаға.

Така Ёвмит дейди Чамбилбекни,
Ғоза куни занги олмас йўлимни.
Тоға турса бошқаларга нима йўл,
Мен дувога очаяпман қўлимни.

Алқисса, амалдор беклар Аҳмад қарининг бу бепорим сўзига қараб “Гўрўғлибек борида тоғаси шунча тола-туй қилади, агар султон Ҳажга кетса Чамбил вайрон бўлади деб бари ерга сингалаб, ер чизиб қолади. Султони бокарам бу сўзга қуборди, боз устига унинг бефарзандлигини шундай кунда тоға бўлиб юзига солганлигига бир муддат туюқди, лекин улуғ ният олдидан шайтонга ҳай берди. Султоннинг кичрайиб кетганлигига ичи ачиган Тўлак ботир “Ё оби, ё лалми” деб олдинга чиқиб, султоннинг ҳурматиغا илми-амалини қилиб “Қатағондан келган эдим султоним, бир сўз айтай ҳеч қолмасин армоним” деб сўзлаётган жойи:

Тиллодан бўлади бекнинг шотири,
Мен ҳам эдим қатағоннинг ботири.

Бошгинамдан кечиб энди сўзлайман,
Юрт эгаси бек Гўрўғли хотири.

Қонтор овса қозикда қор турмайди,
Ёби отлар сурдав келса юрмайди.
Бу дунёда мен ҳам бир иш қилайин,
Айёр сўзга ҳеч юрагим урмайди.

Ёруғ берар бўлса чироқ пилиги,
Ортиқ бўлар ёмоннинг ҳар қилиғи.
Тулпор отни бошқаради айтайин,
Агар бўлса жуванида сувлиғи.

Қибирдаган одам доим қир ошар,
Бўй қизларни совчи келиб сўрашар.
Бир элатни бошқармоққа куч керар,
Дона одам юрт бошқарса ярашар.

Жийин бўлса соқи қўшиқ айтади,
Гапи қўр жемаган изга қайтади.
Аҳмад тоғам урувчи эл сардори,
Қариганда дамин олса қайтади.

Беклик учун ё бир шартни қўййлик,
Нор қобокни майдон бўлса уяйлик.
Ҳар ким кўрсин майли пешонасидан,
Жуйрукларни эл олдида суяйлик.

Алқисса, қирқ олти гала ботир “Кесақдан олов
чикдима, Тўлак ботир ё бўлмаса ақлдан адашдима, ё
шошдима, шу билан иши пишдима, сари қовиндай ичи
тушдима, бу гаплар калланинг кетиши билан баробар хў,
ё баччағар-ей” дейберди.

Аҳмад қарининг уч ўғли, Бобитхон, Собитхон ва
Забархонлар паҳлавон чавандоз йигитлар эди. Тўлак
ботирнинг бу гапига уч золим паҳлавон шартта кескир

пўлатни ширпиллатиб қинидан суғурди. Шу палла
Авазхон нор қобокни уйиб, бошқа ишни кейин қўйиб,
ақлни бошга жийиб “Подшоликнинг қонун-қоидасига
амал қилинг, ё ҳаёт, ё мамот”, деб уч паҳлавонга тик боқди.
Зўрдан зўр ўтгандан кейин рақибнинг оёғи дириллайди,
юраги пириллайди, бурни чириллайди, деган гап рост
экан, Авазхоннинг бу шижоатига уч паҳлавон ҳам бўри
кўрган қўйдай жимиди-қолди. Шундан сўнг Тўлак ботир
эркин нафас олиб, ўзини ўнглади. Авазхон эса султони
бокарамга эҳтиром айлаб, ихтиёрни Парвардигорга
тайлаб “Гапнинг қоруви келди, айтайин, жим туролмасам
қайтайин, мен ҳам муродга жетайин”, – деб ўз фикрини
баён бераётган жойи:

Чилла кирса шағал бўри маст бўлар,
Айёр одам ҳашар келса кеч келар.
Ўз фикримни баён берай, султоним,
Жанозада аҳмоқ одам тенгсалар.

Кечани нурафшон айлар тўлин ой,
Ғазо бўлса тилга кирар парли ёй.
Ғафлат бўлди бошинг кўтар, отажон,
Ҳар одамнинг қалбин билар бир худой.

Қариганда бобо кияр желакни,
Ҳар қадамда қилар Ҳаққа тилакни.
Яхши сўз ҳам ёмон сўз ҳам оғиздан,
Қўллаб-қувватлайман бугун Тўлакни.

Сайлгоҳим бўлар Чамбил қалъаси,
Ҳаққа етар куйган банда ноласи.
Тўлак ботир бўлар гапни гапирди,
Билишимча ҳеч қолмади чаласи.

Мавж уриб тенгсалар буғдой бошоғи,
Чўпонни чарчатмас қўйнинг қўшоғи.

Боз устига ота сизда ихтиёр,
Сиз бир тена биз буғдойнинг мошоғи.

Алқисса, “Тўяр ошни кўз танийди” деганидай Авазхоннинг бу сўзига султони бокарамнинг гавараси тўлди, қариликда, қувонганидан кўзга жўра ёш келди. Гўрўғли султон барча мулозимларга, амалдорларга келишмоқ учун бир ҳафта жавоб айлади, тоғаси Аҳмад қари “Яна ўйлаб кўр, жиян” деб ўнгирини бир қоқиб, ўғилларини эргаштириб, уйига қайтди.

Оқибат нима бўлади, бунини Худо биледи, султони бокарам сафар олдидан тоғасидан хафа бўлиб, чиллахонага ўтди, шу палла икки пари – Оға Юнус билан Мисқол пари бош эгасининг қўлидан тутди ва сафардан воқиф бўлиб, “Тикан ушланг гул бўлсин, ўзбек-туркман эл бўлсин, нега бизлар беҳабар, саксон давлатнинг эгаси сизга йўл бўлсин” деб сўзлаётган жойи:

Оҳ уриб йиғлайман қолмади тоқат,
Тирикликда ҳар дақиқа ғанимат.
Қандай сирни яширасиз бизлардан,
Қай томонга отландингиз, валлаMAT.

Улуғ ёшга етиб қолди ёшингиз,
Бир ҳафтаки кўздан оқар ёшингиз.
Не сабабдан бетоқатсиз, султоним,
Кирди-чиқди бўлган йўқма хушингиз.

Не иш келар ёлғиз банда қўлидан,
Қасамхўрлар гуноҳ топар тилидан.
Қариганда бундай ташвиш не керак,
Не ёмонлик бўлди Чамбил элидан.

Бир томонда Ҳасанхону Авазхон,
Ўн томонда мадад берар қирқ чилтан.

Кексайганда кимдан хафа бўлдингиз,
Юзи нурли, сўзи қайтмас, эй султон.

Сиз кетсангиз, биз Чамбилда турмаймиз,
Эрли бўлиб бева кунин кўрмаймиз.
Сафарларга жўнамоқ бўбсиз, султоним,
Бундан кейин салтанатга кирмаймиз.

Сиз кетсангиз, Аҳмад қари келмайми?
Бошимизга қиёмат кун солмайми?
Ундан кўра рухсат айланг бизларга,
Никоҳ қиймай биримизни олмайми?

Алқисса, Гўрўғли султон икки меҳрибон, бир-биридан сулув хотинларига қараб “Эй ёрларим, вафодорларим, шунча йил қон ичдим, гуноҳкор ё бегуноҳнинг бошини аямай чапчадай уздим, менга қай қилган шаҳарни буздим, гоҳо бузилган мамлакатни туздим, Ғирот билан осмонда суздим, дунёнинг тенг ярмидан кўпини от билан кездим. Лекин муродим ҳосил бўлмади, Танграм менга биргина ё ўғил, ё қиз фарзанд бермади, неча йилдан берман умидланиб ёшим саксонга етди, белдан қувват кетди. Илоҳа, гуноҳларим менинг тўлиб тошган, энди қолган умримдан фойдаланиб, гуноҳимни ювиш учун Оллоҳнинг фарзини бажарайин, энди бу ёшда фарзанддан умид йўқ, кўзимга нур, белимга қувват бўладиган исломни ушлайин, Оллоҳнинг уйини – Каъбани зиёрат қилиб, руҳимни поклайин, ўзимни оқлайин. Мабодо, ҳажим қабул бўлиб, Маккада қолсам, бир йил кутинглар, келсам Боғ Эрамга каптар бўлиб учиб кетинглар. Қайтиб келсам парилар қаримайди, даври-давронни то ўлгинимча суринглар, деб бир-икки йўл-йўриқ бераётган жойи:

Қора зулфинг эшилгандир толи-тол,
Донасига берса етмас дунё мол.

Икки сулув париларим, йиғлама,
Бир гап айтай, зеҳн билан қулоқ сол.

Остимда юз алвон ўйнайди отим,
Белимда ярқиллар кескир пўлатим.
Тараққос байлайди жўнаса Гирот,
Юлдузни кўзлайди араби зотим.

Менинг учун қайғу-ғамга ботманглар,
Ганада қайғуриб йиғлаб ётманглар.
Ҳажга кетсам юрт эгасиз бўлмайди,
Гар келмасам шунда мени кутманглар.

Гар минсам ирғийди араби тулпор,
Ҳали таслим бўлмас мендаин шунқор.
Йўлбарснинг шобири элни кўрқитар,
Ҳали султон тирик, гул юзли дилбар.

Мусулмонман, ҳажни қилдим ихтиёр,
Бу ишимдан ҳали халқим беҳабар.
Терс гапирмай, очиқ юзли бўлинглар,
Ёлғизнинг йўлдоши Саттору Жаббор.

Шундай бўлди юрагимнинг фармони,
Камаймаган ҳали бекнинг дармони.
Ёлғиз Худо ёлғиз фарзанд бермади,
Кўп эди-да Гўрўғлининг армони.

Қошимга келинлар, эй моҳи анбар,
Юзингиз оламини қилар мунаввар.
Одам қариганда меҳри ортаркан,
Шонанга тақайин баҳосиз гавҳар.

Ой туққандай икки пари қаради,
Кокилини қўли билан таради.

Гўрўғлининг ушлаб икки кўлидан,
Оромгоҳга энди бошлаб боради.

Алқисса, Гўрўғли султон муборак ҳаж сафарига тай-ёрлана берсин, эндиги гапни Ширвон мамлакатининг подшоси Фармон арабдан эшитинг. Фармон арабнинг бобосини Райҳон араб дер эди. У ҳам шу мамлакатга узоқ йиллар шоҳу султон бўлиб, оқибат омонатини топширган, олтин тахтга ўтирган подшо бориб-бориб қора ерга бош урган эди. Кейин унинг ўғли Дўрмон араб подшо бўлди, сўнгра ундан ҳам аркони давлат қолди, бурунги кунда салтанат Райҳон арабнинг набираси Фармон арабга ато қилган эди. Бу сулоланинг Гўрўғли султонда азалий ўчи бор эди, сабаби Райҳон арабнинг қизи Зайдинойни Гўрўғлибек олиб қочиб келиб, чечаси Холжувоннинг ўрнига тоғаси Аҳмад сардорга берган эди. Ҳозирги подшо Фармон араб “Араб қирқ йилда ўчини олибди, Гўрўғлибекни бир кўрмоғим бор, Зайдиной аммамнинг хунини оламан, Чамбилга қиёмат кунни соламан, Гўрўғлибекни нима қилсам билганимдай қиламан”, деб неча йилдан буён тишини қайраб, Чамбилбелнинг қай томондалигини карвонлардан сўраб, кун ўнглаб, йўлини тўталаб юрар эди. Бир куни подшоликда кенгаш бўлди, Фармон араб мунажжимларга қараб “Ер юзида нима янгиликлар бор”, деб сўради. Шунда Эшат мунажжим китобини варақлаб, икки кўзи чарақлаб, дунёнинг хабарини сўроқлаб сўзлайберди:

Ғам билан сарғаяр ойдаин дийдор,
Ҳавони булғайди гар келса ғубор.
Фармон араб, қулоқ солинг сўзима,
Ер юзидан сизга берайин хабар.

Хазон бўлса боғда гуллар сўлади,
Бу дунё шоҳ, гадодан қолади.

Бир воқеа ташланади кўзимга,
Нима бўлса Чамбилбелда бўлади.

Бошимга солмасин қайғу, зулмни,
Ҳатто тоғлар кўтаралмас ўлимни.
Ёлгон демай рост айтайин, султоним,
Шум фалак ростласин менинг йўлимни.

Ёмғир ёғса карвон солар чийирди(р),
Оқар сувни ҳаром деманг тойирди(р).
Чамбилбелдан хабар берай, султоним,
Гўрўғлибек сафарга кун буюрди.

Чин йиғласанг Худо сенга беради,
Дангасани камбағаллик уради,
Оқибатда шундай бўлди қарорим,
Хон Гўрўғли биз томонга юради.

Остида ўйнайди Ғирот тулпори,
Каъбани истайди бекнинг хумори.
Лашкар тортмай озчиликда келади,
Ҳаж бўлмоқни истар туркман шунқори.

Алқисса, бу хабардан кейин Фармон арабнинг кўзи пешонасига битди, ақли кетди, балки ҳисоби житди. Бир оздан сўнг ўзини ўнглаб, энди қасосимни оламан, Гўрўғлининг бошига қиёмат кунни соламан, боз устига дол Ғиротига эгалик қиламан, сўнгра Чамбилга эниб бориб шаҳарни яксон айлайман, бор бойлигини тортиб олиб Ширвонга жўнатаман, сулув-сулув туркман қизларини хотинлиққа оламан, деб қутира берди. Фармон араб мунажжимга қараб “Қайси йўлдан келади, бил”, деди. “Олдига лашкар тайлайман, ушлаб қўлини байлайман, ҳар тўбага шинак* тайлаб йўлини пойлайман”, деб ўқрана берди. Шунда Эшат мунажжим “Қайси йўлдан ке-

лишини билмадим, лекин биз томондан ўтади, Маккага қараб кетади, неча кунда етади, буни Худо бил ади”, деди.

Шунда Фармон араб лашкарбошиларга, тўғдор, жиғадорларга, миршабу чапарларга, байроқдор, ясавулларга қараб, ўз бошича ентигиб, бурни каттариб, кўзи чақчайиб буюраётган жойи:

Олтмиш тўртта товим бор,
Шинак тайланг, бекларим.
Қопталимда юз шаҳар,
Жосус тайланг, бекларим.

Ўн минг лашкарни олиб,
Мисли тоғдай ирғалиб,
Карнай, сурнайни чалиб,
Йўлга тушинг, бекларим.

Олинг мингта полвонни,
Ўзгартирсин замонни.
Тутсин Гўрўғлихонни,
Режа тузинг, бекларим.

Энди олайн ўчни,
Тақинг кескир қилични.
Бандга ташланг ёғочни,
Маҳкам бўлинг, бекларим.

Арна, сойни кузатинг,
Оқар сувни музлатинг.
Ким бош тортса, тузлатинг,
Раҳм қилманг, бекларим.

Тирик керак Гўрўғли,
Қўллари бўлсин боғли.
Аламдан бағрим доғли,
Ўчим олай, бекларим.

Тоғларга бўнг мустаҳкам,
Кузатилсин ҳар одам.
Хабар беринг дам-бадам,
Сиз суянчим, бекларим.

Филларга тақинг тўпни,
Нонга тўлдириг қопни,
Тўнг мойга мойланг сопни,
Йўлга чиқинг, бекларим.

Бобом руҳи шод бўлсин,
Отам ўзига келсин.
Ширвон бойликка тўлсин,
Ғайрат қилиг, бекларим.

Гўрўғли жуда ёмон,
Бўшалса қўймас омон.
Шу куни охир замон,
Эсда сақла, бекларим.

Гўрўғлибек қаримас,
У ҳам одам бўримас.
Шерга йўлбарс доримас,
Ҳисобин қил, бекларим.

Шу кундан киринг ишга,
Ақлни жойланг бошга.
Ким ушласа туркманни,
Қўяман қалам қошга.

Алқисса, Фармон араб бу ёғи селга сойни, қир-адир дала-даштни, бу ёғи кундуз товни жасус тайлаб беркита берди. Ўн минг лашкарни Ширвоннинг ховарига чиғариб, ҳарб лашкарларини бошлатиб юборди. Мингта тўпни судратиб Қонгги даштнинг ховарига жойлаштирди. Икки минг полвонни Чагамнинг душғолига тайлаб,

уларнинг томоғини ҳар куни беш кило думма ёғ билан мойлаб машқ қилдираберди. Ҳамма томонни мустаҳкам қилгандан кейин Фармон араб амалдор бекларни салтанатга чорлаб, бурнидан терлаб, ўзи сарой томон вўрлаб, улар билан дуч бўлгач “Яна нима қилмоғимиз жоиз, нима бўлса-да, биз Гўрўғли ўғрини ушлашимиз шарт”, деди. Шунда Кавкар деган ўнг қўл вазири Фармон арабга қараб, “Тайёргарлик жуда бўлди, қабаҳат, хўп десангиз мен-да бор бир маслаҳат” деб сўзлаётган жойи:

Султон эшитгин додимни,
Тинглаб кўр фариёдимни,
Бир одамга шунча ташвиш,
Кўрсатайин ғайратимни.

Гўрўғли қари чол бўлса,
Суянч тоёғи тол бўлса,
Остида ёби мол бўлса,
Нега кўрқамиз, султоним.

Қуёш шомда ботар эди,
Бу кунлар ҳам ўтар эди,
Гўрўғлибекни ушлашга
Ўнта мостон етар эди.

Энди қулоқ солгин менга,
Бир гап айтай бугун сенга.
Хон Гўрўғли исмгар ҳам,
Ғафлат бўлма қора тунга.

Кечаси ўтар билинмай,
Чотма ипларга илинмай.
Бир зумда ғойиб бўлади,
Найзага кўкси тилинмай.

Айниқа Ғирот исмгар,
Чопса чиқмайди ғубор.
Устига минган соғаяр,
Агар бўлса эски бемор.

Гоҳа кўзга кўринмас у,
Кечалаб чопса сурунмас,
Қир газ учар қаноти бор,
Сен айтган томон бурилмас.

Иккови ҳам ўта сезгир,
Лочин кушлар каби учқир.
Шундан бўлайик эҳтиёт,
Тез жадаллаб яна қочқир.

Алқисса, Фармон араб Кавкар вазирнинг бу маслаҳатига яраша Қундуз товнинг дарасидан махсус жой қилиб, Қарқар мостонни бош қилиб, элликта мостонни Гўрўғлибекнинг йўлига тайлади, хуллас, ҳамма ўтар йўлларни, бандаргоҳларни бойлади. Подшо Фармон араб Қундуз тоғда Гўрўғлибекнинг йўлини пойлаб ётаберсин, эндиги гапни Гўрўғли султондан эшитинг.

Алқисса, Гўрўғли султон қирқ кун чилла сақлаб, мусурмонлигини оқлаб, чиллахонадан чиқиб, таҳорат олиб, икки ракат шукрона намозини ўқимоқ учун ипақдан тўқилган жойнамоз устида азон айтди. Сўнгра намоз амалларининг сўнгида саждага бош қўйган палла “Султони бокарам, ҳаж амалларини бажармоққа уч ой, йўлга тушмоққа етти кун қолди, хаёлингиз фаромуш бўлмасин”, деб ғойибдан садо келгандай бўлди. Шунда Гўрўғли султон саждадан бошни кўтариб, кўзини очса, ўнг томонда қирқта оқ кийимли, париштадай одамлар давра қуриб ўтирганини кўрди, сўнгра улар бирин-бирин кўздан ғойиб бўлди. Султон Гўрўғли намозни тўлиқ адо қилиб, барча мулозим амалдор бекларни, қирқ гала

ботирни саройга чорлаб, икки кўзи тонг юлдузидай порлаб, “Қандай қарорга келдингиз, кимни вақтинча бек билдингиз?” деб сўзлаётган жойи:

Бел байлаган амалдорлар,
Ном кўтарган паҳлавонлар,
Номдор-номдор зўраборлар,
Бугун сиздан сўрарим бор,
Менинг ҳам сўнг қарорим бор.

Элнинг бошот сардорлари,
Ҳам байроқдор тўғдорлари,
Қўй ҳайдаган мулкдорлари,
Бугун сиздан сўрарим бор,
Менинг ҳам сўнг қарорим бор.

Юртимнинг оқсоқоллари,
Оғзида куй мақоллари,
Ҳам кайвани баққоллари,
Бугун сиздан сўрарим бор,
Менинг ҳам сўнг қарорим бор.

Кенгаш билан қилай ишни,
Гаранг қилмай азиз бошни.
Ҳал қилинг бугун ташвишни,
Бекни сиздан сўрарим бор,
Менинг ҳам сўнг қарорим бор.

Мен келгунча сурунг даврон,
Элим бўлсин омон-омон.
Ишқалчига охир замон,
Шуни билинг, сўрарим бор,
Менинг ҳам сўнг қарорим бор.

Ким элимга бўлса душмон,
Ўлгинича кетмас пушмон,

Етти пушти қолмас омон,
Ёдлаб олинг, сўрарим бор,
Менинг ҳам сўнг қарорим бор.

Алқисса, Гўрўғли султондан бу гапни эшитган амалдорлару жиғадорлар бир пас сукут сақлаб, гапирар гапини тахлаб мунг бўлиб турди. Оқибат бир хил амалдор, ўзига тобин одамлар Аҳмад сардорни ёқлади, лекин султон кўзини очмади. Яна бир хил одамлар Ҳасанхонни, сўнг изига Авазхонни маъқуллади, султон кўзини очмагач эса Бердиёр оталиқни ёқлади. Оқибат султони бокарам сукутга ўтди, хаёлига шу гаплар етди, “Агар Аҳмад тоғамга бекликни берсам, мен келгунча юртни вайрон қилади, ёки Авазхонга бекликни берсам, Аҳмад сардор тоғам ундан баттар ғазаб отига миниб, Авазхоннинг оёғига чотма тайлаб, юртни бесаранжом қилади. Мабодо, Ҳасанхон ўғлимга бекликни берсам, у кўнгилчанг, Аҳмад тоғам уни бир ямламай ютиб юборади, кейин мамлакат вайрон бўлади”, деб ғафлатдан бошини кўтариб, юзи нурланиб, дили оҳорланиб, “Эй бекларим, қулоқ солинг сўзимга, мард бўлсанглар тикка қара кўзимга, сизлар айтган беклар менга маъқул эмас, энди мен айтайин бекни”, деб сўзлаётган жойи:

Шовқимга ўйнайди Ғиротдай тулпор,
Сўзимга қулоқ сол, жами амалдор.
Қирқ йигит ҳам олди қайтмас зўрабор,
Ёлғон сўзлаб, ҳеч бўлманглар гуноҳқор,
Вақтинчалик бекни баён айлайин.

Чамбил юртим ҳаммангизга омонат,
Омонатга қилмангизлар хиёнат,
Дили поклар доим бўлар саломат,
Эгалик бўб турсин катта салтанат,
Фикри ойдин бекни баён айлайин.

Чамбилбелда кам давлатли киши йўқ,
Эй бекларим, ҳамманинг ҳам шиши тўқ,
Ғаламиснинг кўзларида бўлар суқ,
Шу суқлардан отилади ёмон ўқ,
Ирим-сиримларни баён айлайин.

Авазхоним, Ҳасанхоним шай бўлсин,
Қирқ йигитим ҳисоби йўқ бой бўлсин.
Бекларимнинг оғзи-бурни мой бўлсин,
Аҳмад тоғам ҳам кайвони, шой бўлсин,
Чамбилбелнинг сардорини айтайин.

Қистасам юлдузга етади фироқ,
Мард одам юртига бўлади чироқ.
Юсуфбек ҳам Чамбилимга кўп керак,
Юсуф ўғлим беклик сизга муборак,
Ҳарбий ишнинг сардорини айтайин.

Қахрланса қиличидан томар қон,
Ҳарба қилса тоғлар бўлади талқон.
Ватан учун кўкси доимо қалқон,
Ҳарбий ишга бош кўмондон Авазхон,
Ҳаммангизни Ҳақ – Худога топширдим.

Алқисса, Гўрўғли султоннинг бу қароридан ҳамма бармоғини тишлаб қолди, бир четда бекликдан умидвор бўлганлар кўзини ёшлаб қолди, Аҳмад қари эса “Бу нима гап, сонсизларга сон тийди”, деб манглайига муштлаб қолди, лекин аҳли донолар “Ҳақ гап” деб Юсуфбекни хушлаб қолди. Шунда Аҳмад қари шартта жойидан туриб “Ўғли борнинг ўзи бор, қизи борнинг изи бор, Гўрўғли ҳам келгиндиларга суяниб юрибди-да”, деб чиқди-да кетди. Султони бокарам бекликни Юсуфбекка топшириб, муҳим маслаҳатларни бериб Боғи оромга ўтди, шундан барча тарқаб кетди.

Эртасига Ёвмитнинг бойи Олчинбой эл адашган тўй бериб, Гўрўғли султонни таклиф қилди. Гўрўғлибек барча амалдорлари билан Олчинбекнинг тўйига “Қулли бўлсин”га борди. Лекин султони бокарамга унча эътибор бўлмади, олдига турли-туман нозу неъмат келмади. Боиси, Олчинбек Аҳмад қарининг қудаси бўлиб чопон-жиртар, аж одам эди. Аҳмад қари Олчинбекни гапга тўйдириб, Гўрўғли султонга қури ошни қўйдириб, кўпнинг ичида изза бера бошлади. Шунда Оллоқул деган оқсоқол “Ҳов кайванилар, юрт эгасига қаранглар”, деб эди, шунда Аҳмад қари “Ҳой Оллоқул, сен айтган юрт эгасининг ўғли борда ўғлидан қайтама, қизи борда қизига тўй бериб қизидан қайтама. Ёши саксонга етиб эли-халққа тўй бермаган одам энди Ҳажга бориб халққа тўй берама, надаим, ноқисдан нима кутасан”, деб кечаги аламини олиб, терс бурилиб нармон қаради. Гўрўғлибекка бу таъна жуда ботди, ҳатто кўзидан ёш чиғиб кетди, буни сезган пири Омонхон тезда дастурхонга фотиҳа тортди, шундан сўнг Гўрўғлибек “Тоға-да, нима ҳам қилайин” деб жойидан туриб кетди ва ўзига тобин одамлар билан аркони давлатга қайтди. Алқисса, Гўрўғли султон эшони пири Омонхон билан сафарга жўнайдиган кунни белгилаб, элу халққа ош тортди, мархумларга бағишлаб, шом ошида Куръон тиловат қилдирди, эртасига жўнайдиган куни Оға Юнус пари, Мисқол пари, Ҳасанхон ва Авазхон отасига сафар либосини кийгизди. “Менга фақирона, ҳажга мос кийимлар маъқул, – деди султони бокарам, – мен жангу жадалга ёки тўй-ҳашамга кетаётганим йўқ, ҳарб қуроқларини ҳам қолдилинг”, – деб йўлга тайёр бўлди. Шунда Авазхон отасига оқ йўл тилаб соқолидан силаб сўзлаётган жойи:

Олмадайн сўлган ота тарзим бор,
Яратгандан намоз-рўза қарзим бор.
Бир майдонга тингланг Аваз қўзингни,
Сизга айтар икки оғиз арзим бор.

Ох урсам нурайди кўрғоннинг тими,
Шаштима қайнайди дарёнинг гуми.
Бирга кетиб кўриқласам бўлмайма,
Бурчимни бажарай, фарзандлик шуми?!

Қахрлансам тош ёрилар қаҳрима,
Дев-парилар қон қусадилар захрима.
Дўсти душман чиқар бўлса тўсатдан,
Сиз отамни олар эдим боврима.

Сизни танимаган элат, миллат йўқ,
Сизни билмайдиган овул, хилқат йўқ.
Добирангиз кетган юрти жаҳонга,
Зарбангиз ўтмаган бирор давлат йўқ.

Шу боисдан душманлар ҳам етарли,
Ҳар шаҳарда ғанимлар бор айтарли.
Икки киши кетаяпсиз қайтмасдан,
Йўлингиз бўлмасин, ота, хатарли.

Алқисса, Гўрўғли султон:

– Эй Авазхон болам, мен жангу жадалга кетаётганим йўқ, эшоним ёнимда, кўнглим тўқ. Мусурмонман, ислом йўлида жон фидо қилсам, Оллоҳнинг истиқболига ёруғ юз билан борсам, яна қандай армоним бор, ўғлим, деб чехраси очилди. Шу палла Соқибулбул дол Ғиротни эгарлаб ҳозир қилди. Султони бокарам, Дол Ғиротга, эшони пир тўри қашқа отга минди. Гўрўғлибек барча сарой аёнлари, мулозимлари ва икки пари ҳам ўғиллари билан хайрлашиб сўзлаётган жойи:

Шундай бўлди менга Ҳақнинг фармони,
Эли-халқим то кўргунча, хўш энди.
Рўёбга чиқмоқда султон армони,
Ҳасанхоним, Авазхоним, хўш энди.

Сахар-сахар кокилингни силадим,
Икковингга Ҳақдан фарзанд тиладим,
Жойи келса кеча-кундуз қўлладим,
Севар ёрим, меҳрибоним, хўш энди.

Мени кўрса думоқлари чоқларим,
Эл меҳридан доим қорни тўқларим,
Элатимга бошот бўлган бекларим,
То кўргунча шунқорларим, хўш энди.

Чамбилимга кўзи-қулоқ бўлинглар,
Душмон келса қаҳрамонлик қилинлар,
Бир-бирингни тинглаб қулоқ солинлар,
То кўргунча меҳрибонлар, хўш энди.

Ё келарман, ё келмасман сафардан,
Кетаяпман, ҳеч кўркмайман хатардан,
Эли-халқни доим сақланг омонда,
Ор талашиб от сурганлар, хўш энди.

Дарахтнинг курти чиқар ўзидан,
Кўрқоқ одам билинади кўзидан,
Лекин кўрқинг Гўрўғлининг тузидан,
Ўйловли, сўйловли беклар, хўш энди.

Қиёматда дуч келармиз эҳтимол,
Ана шунда ерга боқма, қулоқ сол,
Уялмасдан кўришайлик бемалол,
Қалби очик доноларим, хўш энди.

Алқисса, Гўрўғли султон, эшони пир Омонхон барча қариндош-уруғлари, сарой аъёнлари билан хўшлашиб, саройдан чиқди. Қараса, йўлнинг икки четини тумонат одам қоплаган, фақир уфқаролар, элибойлар, оқсоқол-кайванилар Гўрўғли султон ва эшони пир Омон-

хон билан хўшлашиш учун кўчага чиққан. Гўрўғли султон барча кузатувчилар билан хўшлашиб, эшони билан сафарга жўнаб, Чамбилбелдан чиқиб кетди. Ана энди султон эшони билан келаберсин, гапни Ширвон мамлаканинг подшоси Фармон арабдан эшитинг.

Фармон араб подшо Эшат мунажжимга: – Юлдуз ўнглаб китобингга қара қани, Гўрўғлибек Чамбилдан чиқидима? – деди.

Эшат мунажжим:

– Гўрўғлибек, кўлиги билан тўрт қора, ўзлари икки қора бўлиб, бир ой бўлди йўлга тушди, – деб сўзлаётган жойи:

Икки кўзи ўтдай ёниб,
Туркманнинг хони жўнади.
Тақдир пешонага кўниб,
Чамбилнинг жони жўнади.

Чин мусурмон бўлиб ўзи,
Фақат Оллоҳ бўлиб сўзи,
Хуржинида нони-тузи,
Чамбилдан чиғиб жўнади.

Қўлида йўқ кескир пўлат,
Ҳар қадамда айтиб раҳмат,
Остида эса дол Гирот,
Чилбирдан ўтиб жўнади.

Ўқиб шукрона намозни,
Беш вақти айтиб азонни,
Ҳеч писанд қилмай тўзонни,
Чин мусурмон жўнади.

Қолди Чамбилнинг қўриғи,
Авлиясифат шериги,

Мингани отнинг тўриги,
Қўш отли бўлиб жўнади.

Меҳтарасига сув олиб,
Чақмоғига қув олиб,
Қирқ чилтандан дуо олиб,
Садоқат билан жўнади.

Ихлос қилиб ислом динга,
Бош эгиб улуғ Қуръонга,
Ҳадисларни жойлаб жонга,
Фақири жаҳон жўнади.

Қариликни бўйин олиб,
Йигитлик орқада қолиб,
Султон келади ирғалиб,
Маккага қараб жўнади.

Сурув-сурув қўйни тайлаб,
Ҳажга жўнади обойлаб,
Фақат дин-исломдан сўйлаб,
Тойи таратда жўнади.

Асқар товдан ўтди дўниб,
Кун чиғишга борар эниб,
Қайтмас султон динга синиб,
Чин мусурмон жўнади.

Ғирот келади диркиллаб,
Жувон сонлари иркиллаб,
Босган жойлари зиркиллаб,
Ноқари тулпор жўнади.

Бир ойларда келар эниб,
Йўл тортар Асқардан ўтиб,

Қўшша отга қамчи чотиб,
Икки ҳамирай жўнади.

Алқисса, Эшат мунажжим худди кузатиб тургандай,
тоза Худой бергандай Гўрўғлибекнинг келишини дайин-
ма-дайин сўзлайберди. Шунда подшо Фармон, ясовулбо-
шини чақириб, ўз бошича бақириб, гўёки шердай бўки-
риб, минг кўйли бойдай ақириб “Ҳамма хушёр бўлсин,
ўғрини қўлдан чиқарганга ўлим жазоси бор”, деб сўзла-
ётган жойи:

Ўч олмоқнинг вақти етди,
Бекнинг ҳисоби житди.
Ҳар бир фурсат ғаниматди,
От ҳайданг душман устига.

Бориб онгдан босиб олинг,
Ё олдини тўсиб олинг,
Соқолини кесиб олинг,
От ҳайданг душман устига.

Берманг ўғрининг кунини,
Қобизга олинг жонини,
Зайдинойнинг ол хунини,
От ҳайданг душман устига.

Лозим бўлса отинг тўпни,
Билиб юринг ўнги чапни,
Боз синдириб келинг сопни,
От ҳайданг душман устига.

Дол Ғироти ундан ёмон,
Кўриб қолса қўймас омон.
Ширвон элни қилар сомон,
От ҳайданг душман устига.

Гүрүглини қари деманг,
Эҳтиёт бўнг онгда қоманг,
Сиз тулкини бўри деманг,
От ҳайданг душман устига.

Гар йиғласа раҳм қилманг,
Ёлворса ҳам қулоқ солманг,
Тилла берса тағин олманг,
От ҳайданг душман устига.

Агар ўчса ёнмас чироқ,
Қариб қолса чопмас фироқ,
Йўлга тушинглар эртароқ,
От ҳайданг душман устига.

Алқисса, подшо Фармон арабнинг бу буйруғини эшитиб, ясовулбоши Оқбўтабой жадаллаб, саройдан чиғиб барча касб-корларга, лозим бўлган чакарларга “Жўна, Қундузнинг товига, чиқ Гүрүглининг овига” деб хезлатган жойи:

Энди кўчайик ростига,
Қараманг баланд, пастига,
Қон ялаган қассоблар,
Чиқ, аробанинг устига.

Бугун баринг даврон сур-чи,
Отнинг жиловин бур-чи,
Чой дамлайсан самоварчи,
Чиқ, аробанинг устига.

Чочлайсан кейин хирмонни,
Аробага ортгин унни,
Нонвойлар пиширар нонни,
Чиқ аробанинг устига.

Сурувлаб ҳайданг кўзини,
Эсдан чиқарманг тузини,
Қайтармай бекнинг сўзини,
Чиқ аробанинг устига.

Фармон подшонинг фармони,
Тугади туркман замони,
Ушалар султон армони,
Кетдик ўғрининг устига.

Ҳеч ким қолмасин онгда,
Султон келар балки тонгда,
Ухлаб бўлманглар шарманда,
Кетдик Гүрүгли устига.

Фармон тузини оқлайлик,
Пилта милтиқни ўқлайик,
Сўнг думоғимиз чоқлайик,
Кетдик Қундуз тов устига.

Сулув хотинлар морқада,
Ҳаммаси қолсин орқада,
Борса гап қочар ўртада,
Кетдик Чагамнинг устига.

Ғолиб бўлсак мукофот бор,
Тилло, кумуш бизда бисёр,
Бо бўб кетамиз, биродар,
Кетдик Қонггининг устига.

Алқисса, Ширвон мамлакатада сон-саноксиз лаш-карга қарши тайёргарлик кўраётгандай, Фармон бош-лиқ араблар бир Гүрүглига шунча тайёргарлик кўриб ётаберсин, эндиги воқеани Гүрүгли султон ва эшони-пири Омонхондан эшитинг. Гүрүгли султон эшони-пири

Омонхонга қараб: “Ҳазрати бузрук, амри-маъруф қилинг, дона гап чарчоқни олади”, – деди кулимсираб. Омонхон эшон қўлига тоза хурмо мевасининг данагидан бўлган қип-қизил тасбеҳини олиб, уни ўгириб “Ҳазратим, мен нима десам, сиз ҳам шуни қайтариб тураверинг”, деб Оллога иқтидо қилаётган жойи:

Бисмиллоҳу Раҳмони Раҳим,
 Ё Субҳон Оллоҳ, Оллоҳим!
 Сенга етсин қилган оҳим,
 Ё Субҳон Оллоҳ, Оллоҳим!

Сен дунёнинг сарварисан,
 Бутун борлиқ гавҳарисан,
 Тирикликнинг меҳварисан,
 Ё Субҳон Оллоҳ, Оллоҳим!

Ўхшашинг йўқ, яғонасан,
 Баҳоси йўқ дурдонасан,
 Ўз банданга парвонасан,
 Ё Субҳон Оллоҳ, Оллоҳим!

Беҳисоб куч-қудратинг бор,
 Пок инсонга ўзингсан ёр,
 Тор жойда бўлгин мадақкор,
 Ё Субҳон Оллоҳ, Оллоҳим!

Сендан бошқа Оллоҳ йўқдир,
 Мусурмонга қалбинг оқдир.
 Дини Ислом жуда покдир,
 Ё Субҳон Оллоҳ, Оллоҳим!

Йўқ нарсдан бор қиласан,
 Сен хоҳласанг хур қиласан.
 Манманларни хор қиласан,
 Ё Субҳон Оллоҳ, Оллоҳим!

Элчинг Муҳаммад пайғамбар,
 Ҳадиклари олтину зар,
 Ўзинг Ҳақсан, Парвардигор,
 Ё Субҳон Оллоҳ, Оллоҳим!

Алқисса, Султони бокарам, эшони Омонхон Оллоҳга сана айтиб, паст-баланд жойлардан ўтиб, гоҳо-гоҳо таҳорат олиб, икки ракат шукрона намозини ўқиб, сўнг бир оз нозу неъматлардан тотиниб меҳтарадан сув ичиб, яна отланиб, йўл юриб бир маҳал Қундуз товнинг қорасини олди. Шу палла Дол Ғирот таққа тўхтади, қулоғи динг, думи нарра, ёли парра бўлди, туёғи эса кескир, нор кесар пўлатга айланиб, у ёқ-бу ёққа ангишлайберди. Шунда Гўрўғли султон ҳарчанд Ғиротни қистади, жонивор олдинга босмади, эшони Омонхоннинг оти олдинга жадаллаб хеззанглайберди. Гўрўғли султон бу ҳолга ҳайрону лол бўлиб, “Эшон, Ғиротнинг олдин ҳам шундай каркараги бор эди, тонг жойда отга бир таъриф бермасангиз сира айтганингизга юрмас эди. Кел-е, мендан нима кетди, қариганимда Ғиротни бир мақтайин”, деб сўзлаётган жойи:

Жоним Ғирот, молим Ғирот,
 Султон қилар бўлди фарёд,
 Нега олдинга юрмайсан,
 Душғолда борма палакат?

Назари карда фироғим,
 Ўлсам орқамда чироғим,
 Бирон хатар сездингма,
 Сенсан-а менинг юрагим.

Душмандан олгин ўчингни,
 Бугун бир кўрсат кучингни,
 Ора чўлларда қолдирма,
 Кенг тайла қулочингни.

Кулиннигингда боққаним,
Ёлингга тумор тоққаним,
Бир таъриф берай ўзингга,
Учар кийикдан чаққоним.

Йўлбарс сутин ичирдим,
Йўлбарсдай қайтмас бўлсин деб.
Шернинг сутини ичирдим,
Шер каби кучли бўлсин деб.

Кийик сутини ичирдим,
Кийикдай чаққон бўлсин деб.
Қоплон сутини ичирдим,
Қоплондай ўткир бўлсин деб.

Қўйнинг сутини ичирдим,
Қўйдаи ювош бўлсин деб.
Оху сутини ичирдим,
Охудай сезгир бўлсин деб.

Сигир сутини ичирдим,
Сигирдай вазмин бўлсин деб.
Товус сутини ичирдим,
Товусдай хўшрай бўлсин деб.

Лочин сутини ичирдим,
Лочиндай учқир бўлсин деб.
Одам сутини ичирдим,
Одамдай эсли бўлсин деб.

Ҳилол сутини ичирдим,
Ҳилолдаи топқир бўлсин деб.
Ўрдак сутини ичирдим,
Ўрдакдай сувда сузсин деб.

Сути йўқлардан сут олдим,
Сутсиз қушларга сут бердим.
Кулинлигинг эсга тушсин,
Сени кўрган душман шошсин,
Ҳайда Қундуз тов устига,
Бошла душманнинг қасдига.

Алқисса, Гўрўғли султон Ғиротни шунча таърифлади, лекин олдинга бир қадам ҳам босмай, қашқа таёқ бўлиб тураберди. Охири султони бокарам “Эшон, Ғирот бир нарсани сезди, бўлмаса бундай қилиқ қилмас эди. Келинг, улуғ азиз-авлияларга сиғиниб кўрайик”, деб яхшиларни ёдга олиб, “Мадад берар кунинг келди, найлайин”, деб сўзлаётган жойи:

Сиғиниб келаман мен сенга доим,
Осмонда порласин куёшу ойим.
Отингдан айландим Якка Худойим,
Мадад берар кунинг келди, найлайин.

Сафар чиқдим устим қонга ботмасин,
Қалтис кунда ақлу хушим кетмасин.
Дол Ғирот ҳам орқа тортиб ётмасин,
Қувват берар кунинг келди, найлайин.

Нафасингга осмондан кетар ғубор,
Ҳар сўзингда ҳикмат билан маъно бор.
Отингдан айландим қанча пайғамбар,
Қўллайдиган кунинг келди, найлайин.

Одамзотдан ўтар экан давронлар,
Қанча уйма адо бўлар хирмонлар,
Қоботимда йўлдош бўлган чилтанлар,
Мадад берар кунинг келди, найлайин.

Биргаликда гапни гапга қўшайиқ,
Омон-эсон Қундуз товдан ошойиқ,
Марғубдан машриққа ўтган мошойиқ,
Қувват берар кунинг келди, найлайин.

Ҳаж йўлида майли қийналсин жонлар,
Йўлда қолиб бўлмасинда армонлар.
Ота пирим, эна пирим эшонлар,
Сақлайдиган кунинг келди, найлайин.

Алқисса, Гўрўғли султон Ҳаққа илтижо қилиб,
кўзига ёш олиб, яхшиларни ёд этаберди. Лекин Ғирот
олдинга қараб босмади, султоннинг мақтовларига
балки кўнгли ўсмади. Бек ҳайрону лол бўлиб турган
палла ҳов адоқдан оқ эшакли, оқ кийимли бир нуроний
чол тўманнаб келаберди. Шунда Гўрўғлибек бобога
салом бериб “Қандай қилсак, шу Қундуз товдан ошамиз,
кейин нормон қараб тушамиз” деб сўрайберди. Бобо
Гўрўғлибекни таниб, жавоб бераётган жойи:

Оқ кировка, олтин совут киймабсан,
Соҳибқирон, бугун сенга йўл бўлсин?
Ислоннинг йўлида тахтни суймабсан,
Шаҳриёр Гўрўғли, сенга йўл бўлсин?

Отнинг тулпорини сайлаб мингансан,
Устингга энг оддий тўнни кийгансан.
Бор бойликдан кечиб Ҳақни суйгансан,
Султонлар султони, сенга йўл бўлсин?

Дол Ғиротинг от ичида синлидир,
Тўбишқон туёқли, пўлат беллидир,
Юриши жаннати гўзал хиллидир,
Дунё кезган султон, сенга йўл бўлсин?

Тарзингга қарасам сўлгин юзларинг,
Ховатирдан нам тортади кўзларинг,
Аввалгидай ўткир эмас сўзларинг,
Йўлбарсдай дираклим, сенга йўл бўлсин?

Неча йиллаб бермай келдинг орингни,
Нима топсанг элга бердинг борингни,
Йўлдош қипсан Омонхондай пирингни,
Ботирнинг жуйруғи, сенга йўл бўлсин?

Қамбар бобо дейди менинг отимни,
Неча йилки ҳеч ким билмас зотимни,
Дала-даштдан топдим ҳарна юртимни,
Билсамда сўрайман, сенга йўл бўлсин?

Алқисса, Гўрўғли султон Қамбар бобонинг бу сўзини
эшитиб “Эй бобожон, муборак ҳаж сафарига” деди.
Шунда Қамбар бобо:

– Эй султон Гўрўғли, мени сал-пал чимирадингу,
лекин танимадинг. Сен ҳў йигитлигингда Хон Далли би-
лан Арзирум мамлакатада курашга тушганингда бир ён-
бош бўлиб, парининг ҳийласидан йиқилган эдинг. Шун-
да Ғиротни олдириб пиёда кетаётганингда изингдан
“Ойлар ботади неча, ёруғ бўлар қоронғу кеча, Ғиротни
тайлаб қаёққа кетаяпсан, ҳў хотиндан йиқилган бачча”
деган Қамбар бобонг мен бўламан, – деди.

Қаранг, султони бокарам:

– Эй бобожон, танидим. Сиз менинг бир умрлик
йўлдошим, гоҳида сирдошимсиз. Маслаҳат беринг, нега
Ғирот олдинга босмай қолди, – деди. “Қулоқ сол, Гўрўғ-
ли”, деб Қамбар бобонинг сўзлаётган жойи:

– Ширвон деган элат бор,
Бунда араб миллат бор,
Бу элатда зўрабор,
Фармон араб ҳукмдор.

Кўлга тушдинг Гўрўғли,
 Ёруғ қиб таммасини,
 Айтайин ҳаммасини,
 Очбединг кўммасини,
 Зайдиной аммасини,
 Олиб қочдинг Гўрўғли.

Шунда ўн тўрт ёшингда,
 Гап бор эди бошингда,
 Зайдиной ёнбошингда,
 Ўт чакнаб қарашингда,
 Чамбил кетдинг, Гўрўғли.

Шундан алам зиёда,
 Ўч олмоқчи дунёда,
 Йўлинг пойлар ҳиёда,
 Минг мергани сояда,
 Кўлга тушдинг, Гўрўғли.

Кундуз товнинг дараси,
 Ўн минг лашкар сараси,
 Йўлинг пойлар тўраси,
 Ҳеч кўринмас қораси,
 Энди ўлдинг, Гўрўғли.

Араб сени аямас,
 Меҳмон дея суямас,
 Ҳолинг не деб сўрамас,
 Мусурмон деб қарамас,
 Энди кетдинг, Гўрўғли.

От жолини силайсан,
 Ҳажга деб онтолайсан,
 Кимдан шафқат тилайсан,
 Балки, товдай кулайсан,
 Ҳажинг қабул, Гўрўғли.

Алқисса, Қамбар бобо:

– Кундуз тоғда ўн саккиз дара бор, ҳаммаси лаш-
 карга тўла, қия бетларда шинаклар, элликта мостон,
 қанча полвон сени кутиб ётибди, шунинг учун Дол Ғирот
 олдинга босмаяпти, Ҳажинг қабул бўлди, изинга қайта-
 бер, ғариб кўшингни айтабер, Чамбилга қараб қайтабер,
 – деб султони бокарамни ҳам синаб, ҳам динга эътиқоди-
 ни билмоқчи бўлиб, боз устига ростини айтиб “Изинга
 қайтабер”, деди. Шунда Гўрўғли султон Қамбар бобога
 қараб, сақолини кўли билан бир-икки силаб, меҳр билан
 тараб “Исломдай пок динга жон бермоқ, хайрлидир”, деб
 сўзлаётган жойи:

Қиз белли тулпор минганман,
 Бобо тақдирга кўнганман.
 Дини исломнинг нурига,
 Олов, чўқ бўлиб ёнганман,
 Бобо, изимга қайтарма.

Ёш саксонга бориб қолди,
 Ғирот секин юриб қолди,
 Фарзанд доғидан бек толди,
 Бойликнинг ҳирси йўқолди,
 Бобо, изимга қайтарма.

Шу йўлда бераман жонни,
 Тайладим барча давронни,
 Йўлда совурма армонни,
 Ҳамро қилсин иймонни,
 Бобо, изимга қайтарма.

Бир алоғидам Ғиротим,
 Шу тулпор менинг давлатим.
 Устига минсам савлатим,
 Ҳақ учундир омонатим,
 Бобо, изимга қайтарма.

Мард йигит қайтмас сўздан,
Йўлбарс қайтама изидан,
Бир тотай Каъба туздан,
Кечдим дунёнинг ўздан,
Бобо, изимга қайтарма.

Изимда йиғлар болам йўқ,
Тирноқдан бошқа алам йўқ,
Ҳажга бормоқ ният қилдим,
Мосува қилма нолам йўқ,
Ўлсам – ўламан, қайтмайман.

Алқисса, Қамбар бобо султони бокарамдан қатъий бир сўзини эшитиб, “Бекорга бу одамга Худо синмаганда”, деб эътиқодига тасанно айтиб:

– Эй султон, мен сени Қундуз товдан ўтказаман, икковинг ҳам отларингни пиёда етаклайсан, кўзларингни юмиб, отларнинг шобирига қараб, изма-из келаберасизлар, то Қундуз товдан ошгунча Қуръони Каримни ичларингда овдариб кетаберасизлар, кўзингни оч дейман, очасизлар. Лекин қайтишда қандай ўтиш ўзларингга ҳавола. Мен Гўрўғли султоннинг исломга эътиқодига, пири Омонхоннинг илму заковатига шу марта ёрдам бераман, – деб изма-из жўнайберди, Қамбар бобо оят ва суралардан зикр қилиб бораверди:

Авваласи Парвардигор,
Сенга сиғиндим, сиғиндим.
Қундуз товда қилма абгор,
Сенга сиғиндим, сиғиндим,
Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, Оллоҳ,

Осмонингда ёруғ юлдуз,
Йўл тортайин кеча-кундуз,
Лашкарларнинг кўзин байла,
Очиқ бўлсин тови Қундуз,
Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, Оллоҳ,

Тоғларда ўсар заранги,
Даста бўлади таранги,
Ҳамма лашкар тошдай қотсин,
У кеча бўлсин қаранғи,
Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, Оллоҳ,

Равон бўлсин юрар йўллар,
Кишанланиб қолсин кўллар,
Турмоқчи бўлса полвонлар,
Зирқираб оғрисин беллар,
Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, Оллоҳ,

Ғафлатнинг эшигин очгин,
Ширин уйқулардан сочгин,
Лашкарлар қолсин донг қотиб,
Қонхўр кимсалардан қочгин,
Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, Оллоҳ,

Сенга интилар шу банда,
Ислом нури кезар танда,
Тағин бўлмасин шарманда,
Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, Оллоҳ,

Алқисса, Қамбар бобо Оллоҳнинг каромати, боз устига марҳамати билан Гўрўғли султон ва Эшони Омонхонни етти кунда Қундуз товдан олиб ўтди ва бирпасда ғойиб бўлиб, кўзга кўринмай кетди, йўлда ҳориган боболар бу сирни тушуниб анча вақт чўзилиб ётди, куёш эса қиблага ботди. Боболар ётаберсин, эндиги гапни Ширвон ҳукмдори Фармон арабдан эшитинг.

Орадан бир ой ўтдики, Гўрўғлибекнинг хабари бўлмагач, Эшат мунажжимни чақириб, байловсиз буқадай бўкириб “Гўрўғли қани?” деди. Улар ҳайрон бўлиб, Қундуз тоғнинг етагига бориб, ясовулбоши Оқбўтабойдан “Нима хабар бор?” деди. Ясовулбоши кечаги сирни айтиб сўзлаётган жойи:

Найза тийса оқ бадандан қон оқар,
Худо берса мард йигитга бахт боқар.
Кеча-кундуз хушёр эдик, султоним,
Кўринмасдан ўтдимекан энағар.

Устима кийганим қирмизи парча,
Кимлигини билмай юрар бир неча,
Ё келдима, келмадима, баччағар,
Хийла узоқ бўлди билсам шу кеча.

Ер қимирлаб, денгиз суви чайқалди,
Тиниқ сувнинг банд жойида лойқалди.
Бошқа нарса билолмадим, султоним,
Неча кундир тиклай-тиклай кўз толди.

Лочин қушлар ўлтиради қиёда,
Иссиқ куни жон сақлайди сояда.
Бошқа белги билинмади, хукмдор,
От етаклаб ўтдимекан пиёда.

От юрганда бўлар эди шобири,
Тош кўчгандай бўлди чўлнинг кабири.
Нима қилай, бошқа нарса сезмадим,
Иш бермади мостонларнинг таъбири.

Алқисса, ғазабланган Фармон араб, ясувулбоши
Оқбўтабойга қараб, қилични бўғзига тираб, “Гўрўгли-
нинг ўтганини ким билади?” деди. Ясувулбоши билса
“Қарқар мостон билади”, деди.

– Тезда топ Қарқарни, – деди подшо. Бир зумда
Қарқар мостонни топди, қаҳри келган Фармон араб ав-
вал Қарқарни ўхшатиб бир-икки тепди.

– Шу ердан Ғирот ўтганма, аниқла, – деди хукмдор
Фармон араб.

Шунда Кўрқар мостон у ер-бу ерни кузата берди, кў-
лини у ёқ-бу ёққа узатаберди, игна йўқотган момодай

ерга синчиклаб қарайберди. Сўнгра топдим, деб қичқи-
раберди.

– Сўйла, – деди Фармон араб. Қарқар мостон от
туёғи босган жойни кўрсатиб, сўзлаётган жойи:

Агар Ғирот жўнар бўлса,
Тоғларнинг боши ўйилар.
Туёғи тийган полвон тош,
Сариқ мой каби суйилар,
Ҳайла, тулпорнинг туёғи.

Кундуз тов хийла букилган,
Арча бўтаси сўтилган,
Эътибор қилинг, султоним,
Ой ҳам шу кеча тутилган,
Ҳайла, тулпорнинг туёғи.

Арча ётибди пириллаб,
Тошлар овнаган гириллаб.
Туёғи теккан манов жой,
Ҳайла, ётибди дириллаб,
Мана, тулпорнинг туёғи.

Чилсимот билан ўтганма,
Ҳийла нонини тотганма,
Ғиротнинг топдим изини,
Сира билдирмай кетганма,
Қаранг тулпорнинг туёғи.

Қарқар деб айтар ўзимни,
Султон эшитинг сўзимни,
Ғирот ўтибди бу ердан,
Ёш қопламаса кўзимни,
Мана, тулпорнинг туёғи.

Алқисса, Фармон араб Қарқар мостоннинг сўзига кўзи пешонасига питиб, каловланиб, чақчайиб қолди.

– Қандай билдинг, бадбахт мостон, – деди подшо Фармон араб.

– Эй ҳукмдор, Ғиротни мен аввал ҳам бир кўрганман, ёнига борганман, томоша қилиб турганман. Ғирот ўтиб кетганда туёғи тийган жой уч кунгача дириллаб, зилзила тортиб тургич эди. Мана, қаранг, – деб Ғирот ўтган жойни кўрсатди. Ростдан ҳам, туёқнинг изи дириллаб, қибирдаб турибди.

– Ҳа, нонхўрак беклар, тузимни оқлай олмабсан, тоза хушёр бўлмабсан, Гўрўғли икки кун аввал ўтиб кетибди. Энди қайтишини пойланглар, яна беш минг мерганни тайланглар. Агар бу сафар ҳам ўтса, барингни қиличдан ўтказаман, – деб мамлакатга очув билан қайтди.

Фармон араб саройга келаберсин, эндиги гапни Гўрўғли султон ва эшони пири Омонхондан эшитинг. Гўрўғлибек “Эшоним, мана ўн кун бўлди, ётиб дам олдик, энди отларни эгарлаб, йўлга тушайлик”, деб Ғиротнинг ёнига бориб, қулоқларини қошилаб, жолларини қўли билан тараб отни эгарлаётган жойи:

Мусофир одамлар тортар хўрликни,
Майдон бўлса, мард қилади эрликни,
Бисмилло, деб от белига тайлади,
Кимхоби ипақдан бўлган терликни.

Усталар мойлади ҳаргиз чархини,
Ким билади тулпор отнинг нархини,
Ё Али, деб солди отнинг белига,
Туя жундан хўп тўқилган чиргини.

Қаттиқ одам сира олмас пулликни,
От устига боз тайлади белликни,
Гўрўғлибек от белига тайлади,
Зеб берилган тоза жаҳалдирикни.

Яхши одам айтар яхши хабарди,
Усталар сақлайди теша-табарди,
Ёрқиллатиб от устига кўндирди,
Тилло карсон куйма кумуш эгарди.

Мард ишига қаранг ҳамма қойилди,
Дехқонлар ўтказар қовун сайилди,
Силкиб-силкиб тортаберди Гўрўғли,
Сирти ипак, ичи майин айилди.

Тулпор отлар ўсар йўрға юришдан,
Агар чопса ўтар осмонда қушдан,
Тўға келиб, бу тўғага қарс этди,
Шу палла тортилди нуқра пуштан.

Хон Гўрўғли душманини шоширди,
Тиклаб туриб дарё сувин тоширди.
Сўм тилладан эди икки узанги,
Икки ёққа ёрқиллатиб туширди.

Отни кўриб султон яна қувонди,
Қўли билан силаб қўяди сонни,
Бисмилло, деб от бошига кийгизди,
Зумрад билан зийнатлаган жуванни.

Алқисса, Гўрўғли султон ва эшони-пир Омонхон отларни эгарлаб, хуржунни отларга ортиб “Ё Худо-ё, йўлимиз ойдин бўлсин, муродимиз ҳосил бўлсин”, деб йўлга тушди. Гўрўғлибек:

– Эшони пир Омонхон, отларни бир тер қўйиб олайик, йўл унсин”, – деб серновлаб дўннга қараб, отларни “Жездам келди” жўрғасига солиб қичаётган жойи:

– Иним Ғирот, оғам Ғирот,
Сен билан юриш саодат.

Еминг кишмиш, тўрванг бонат,
Бир майдон жўна, жонивор,
Юрагимдан кетсин ғубор.

Остинг соя бўлсин деб-а,
Мажнунтоллар эктирдим-а,
Эркакнинг қўли қаттиқ деб,
Санам қизларга боқтирдим.

Кўнгли ўсиб юрсин деб-а,
Бари қизларга ўптирдим.
Ётганда салқин бўлсин деб,
Остингга сувлар септирдим.
Бир майдон жўна, жонивор,
Шамол билан баробар-а.

Қирқ чилтанинг тўбичоғи,
Устингда туркман ғуччоғи.
Қолиб кетди Қундуз тоғи,
Бир майдон жўна, жонивор,
Юрагимдан кетсин ғубор.

Сен ҳайвонзот, мен одамзот,
Доим йўлдошмиз ботма-бот.
Бу кун ҳам билсанг ғанимат,
Жўна, Чамбилнинг чироғи,
Ёлғиз султоннинг фироғи.

Жемини кўриб есин деб,
Шам чироқлар ёқтирдим.
Кўз билан суқлар ёмон деб,
Қушноч момога қоқтирдим.
Дик-дикаси товлансин деб,
Зумрад-кумуш суҳтирдим,
Ўмганини сақлайин деб,

Шер терисидан тиктирдим,
Тойнинг қилиғини қила,
Мана, сенга ойдин йўла.

Муродимизга етайик,
Ислом тутқасин тутайик.
Бу йўлда жонни сотайик,
Сернавлаб тайла, жонивор,
Шамолга бўлгин баробар.

Алқисса, Гўрўғли султон Эшони Омонхон билан отларни шу ҳайдашда етти кеча-кундуз тинимсиз ҳайдади. Олди жозивот келган отлар калла чайқаб, думғўзани ўйнатиб, гоҳ қулундай диркиллаб, жувон сони иркиллаб, тилла жувон жорқиллаб ўйнаб тайлаётган жойи:

Олди текис келганда,
Тикка тайлаб боради.
Икки тулпор қилиқсиб,
Йўлда ўйнаб боради.

Одам юрмас жойлардан
Ўтиб-кетиб боради.
Устидаги эгаси
Қувнаб кетиб боради.

Чўпонларга дуч келиб,
Йўлни сўраб боради.
Қорни катта бойлардан
Айрон сўраб боради.

Куби пишган келиндан
Чакки сўраб боради.
Дирка-дирка тайлайди,
Калла чайқаб боради.

Отлар эса ариллаб,
Босган жойи дириллаб.
Отларнинг шамолига
Тош учади гириллаб.

Кишнар бўлса Дол Ғирот,
Тўба учар пириллаб.
Икки тулпор йўл тартар
Айдаҳардай чориллаб.

Тикка борса устидан,
Айиқ қочар зириллаб.
Омонхоннинг салласи
Бораётир пириллаб.

Кўриб қолса йўлбарслар
Ўқдай учар чириллаб.
Тўда шернинг ичидан
Ўтаётир шариллаб.

Олди тикка келганда,
Ўқдай учар Дол Ғирот,
Жона жойдан жоналаб,
Ўр келганда ўмганлаб
Ўтиб кетиб боради.
От жолига икки чол
Жотиб кетиб боради.

Сувли-сувли жойлардан
Сувга қониб боради.
Икки тулпорнинг кўзи,
Қаранг, ёниб боради.

Дирка-дирка тайлаши
Сутга тўйган кўзидай.
Кўзининг олайиши
Пора жеган қозидай.

Гоҳ эшилиб бориши
Қодир бахши созидай.
Гоҳо юрмай қолиши
Эрка улнинг ўзидай.

Кокил тайлаб бориши
Жўгининг сулув қизидай.
Туёғидан чўғ сочар
Осмоннинг юлдузидай.

Бўйин чўзиб боради
Дарёнинг кундузидай.
Дўмғўза шовиллайди
Мулла айтган азондай.

Ўмганига қарасанг,
Қирқ кулоқли қозондай.
Ҳар дона киприги
Бугуз билан сўзандай.

Путининг орасидан
Жукли карвон ўтгидай.
Қўш кулоқ орасидан
Мерган кийик отгудай.

Учасига бемалол
Чоли-кампир ётгудай.
Оғзин очса дол Ғирот
Кўкда ойни ютгудай.

Чиниман қамаб қувса,
Учар қушдан ўтгидай.
Гўшт кўтарган жувон сон,
Момоннинг бўқчасидай.

Ийиғига разм сол,
Чечамнинг такчасидай.
Бадандаги кемтик хол
Бобомнинг оқчасидай.

Кўш қулоғи майнадай,
Икки кўзи ойнадай,
Жолининг қолинлиғи
Келин тиккан кўрпадай.

Манглайининг кенглиги,
Ун элаган сурпадай.
Такча-такча ўмгани
Зийнатлаган супадай.

Баданидан томган тер
Буғдой билан арпадай.
Чуйдасига қарасанг,
Чўпон жотган қападай.

Лекин эшоннинг оти,
Дол Фиротдан хафадай.
Шундай қилиб йўл тортиб,
Йўл тартса ҳам, мўл тортиб,
Бориб қолди Маккага,
Икки чол қўл қабортиб.

Алқисса, Гўрўғли султон Эшони Омонхон билан муборак Каъбага омон-эсон етиб бордилар. Шулар оқшом икки ракаат шукрона номозидан фориг бўлиб, кўнгли қувончларга тўлиб, муқаддас жойнинг жаннат шамоли каби уфуриб турган ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдилар. Шаҳар беҳад гўзал, кўчалар оппоқ ойдин, шаҳарларнинг ичи-ташқариси ниҳоятда тоза ва озода. Эрталаб султони бокарам мискинларга, муслим ва муслималарга, бева-бечораларга бир хўржин тиллонинг

бир кўзини тарқатиб, эҳсон қилди. Хўржиннинг бу кўзидаги тиллоларни муборак Каъбанинг янада ободлиги ва ободонлиги учун масъулларга ҳадя қилди. Гўрўғли султон ва эшон Ҳаж амалларининг барини аъло даражада бажариб, Яратганга, унинг куч-қудратига такрор-такрор ҳамду сано ўқидилар. Ўзлари Ҳаж либосида бир йил қолиб, Оллоҳга иқтидо қилиб, тоат-ибодат билан табаррук зам-зам сувидан ичиб, қишни ўтказиб, эрта баҳорда “Қайдасан, Чамбил юртим, қадрдон Ватаним, элу халқим” деб изига омон-эсон қайтдилар. Ана энди, Гўрўғли ҳожи билан эшони Чамбилга қайтаберсин, энди-ги гапни Қундуз товдан ўтиб, Чамбил юртига кетаётган савдогарлардан эшитинг.

Савдогарлар Қундуз товдан ўтаётса ҳар дарада ётган беҳисоб лашкарни кўриб “Бу не ҳол?” деб сўради. Шунда шинак ташлаб ётган пистирмачилардан бирови “Ҳа, Гўрўғли ўғри деган туркман Маккага ўтган, Қундуз товдан ошиб кетган, энди Гўрўғли изига қайтади, шуни беш минг милтиқ билан кўклуб тайлаймиз, ушласак қўлини байлаймиз”, деди. Ана шунда карвонлар бу гапни эшитиб уч ой деганда Чамбилбелга эниб борди. Чамбил ҳукмдори Юсуфбек савдогарлардан “Оламда нима гап” деб сўраганда, карвонбоши Тўлимбек йўлда эшитган воқеасини сўзлаётган жойи:

Ёмғир ёғса хонқоб ерлар лойлансин,
Бедов олсанг от-абзали шойлансин.
Қундуз товдан сенга хабар берайин,
Юсуфбекжон, номард марддан айлансин.

Бу жаҳонни сайр қилиб келаман,
Ҳар давлатнинг мен ўрнини биламан,
Қундуз товда зўр воқеа бўлибди,
Одамзотга гаҳо ҳайрон қоламан.
Вақти келса тоғнинг қори эрисин,

Душманларнинг тани ерда чирисин.
Кундуз товда Гўрўғлини ушлабди,
Ҳай аттанга ёлғизлиги қурисин.

Кўзларидан мунчоқ ёши тизилган,
Башараси иморатдай бузилган,
Фармон араб Гўрўғлини отибди,
Дол Ғиротга юзта арқон ёзилган.

Юсуфбек, йиғлама, кўнглим бузилар,
Кундуз товда ишни бузган бозингар.
Ўн минг лашкар пойлаб ётган йўлини,
Ғор ичида кутган элликта айёр.

Қайта баҳор келса, очилар гуллар,
Гул ишқида завқ қиб сайрар булбуллар.
Гўрўғлининг қўлин тортиб бойлабди,
Фармон бошлиқ Ширвон деган бу эллар.

Гўрўғлини излаб бормоқ бекорди,
Нима қилса қилган Ғирдай тулпорни.
Фақат энди иси-чироқ қилинглар,
Эслаб-эслаб турунгизлар шунқорни.

Алқисса, Юсуфбек сардор карвонбоши Тўлимбекдан бу совуқ шому хабарни эшитиб, анграйиб, бурни танграйиб, юзи бўзариб, бурни қизариб, ўзи гезариб қолди. Карвонбоши ҳам Аҳмад қаридан айёрликда, қасамиликда ва таъна-дашномда ўтса ўтар эдики, сира кам эмас эди. Тўлибибек Гўрўғли султондан хабар бераётганда, Аҳмад қарига қараб, сен учун деб, кўзини бир қисиб қўйган, ёлғондан қобоғини уйган, юракка ёмонликни туйган, ростини айтсам, Тўлимбек ҳам роса уйи куйган савдогар эди. Бу совуқ хабардан хурсанд бўлган Аҳмад қари “Жиян ўлса, тоға орувлайди” деган халқда гап бор. Гўрўғли қилмишига яраша жазосини олибди, тоғага тийиниб

жасати Ширвонда қолибди. Энди Чамбилбелга ҳукмронлик қилмоқ менинг байим”, деб жойидан шартта туриб, жувон сонига шапалоғи билан бир-икки шаппаллатиб уриб, “Хабар келди узоқ Ширвон элидан. Гап эшитинг Аҳмад султон тилидан”, деб сўзлаётган жойи:

Эшитинглар Чамбил деган элимдан,
Аччиқлансам заҳар томар тилимдан,
Ҳар сўзимни қонун билинг, сардорлар,
Кескир пўлат айрилмайди қўлимдан.

Чамбилбелда мен ҳам бекман, тўраман,
Жиян ўлди тағдиримдан кўраман.
Юсуфбекни бугун олдим тахтидан,
Ўлгинимча энди даврон сураман.

Аҳмад қари бугун юртга ҳукмдор,
Шижоати Гўрўғлига баробар.
Ҳар сўзимни фармон билинг, бекларим,
Учта ўғлим уч ўрага амалдор.

Илон тилли кескир пўлат қўлимда,
Гўрўғлини ўлди денглар элимда.
Бош кўтарган одам тирик қолмайди,
Икки пари тайёр турсин йўлимда.

Савдогарга жавоб бердим, кетишди,
Карвонсарой маконига етишди.
Айши-ишрат қилмоқ бўлар ниятим,
Тақдиримга икки пари питишди.

Давлатимдан шоли-шолдан ўрайман,
Бугундан-кай, Чамбил юртни сўрайман.
Юсуфбекжон, тезда бўшат жойимни,
Султон бўлиб мен юзингга қарайман.
Алқисса, Юсуфбек сардор Аҳмад қаридан бу гаплар-

ни эшитиб, алами зиёда бўлди, душмани қиёда бўлди, от миниб юрган одам бугун пиёда бўлди.

Юсуфбек ҳам юз йигитга тенг келадиган йигитнинг зўрида, Алининг бирида, қаҳри келиб, йўлбарсдай тўлғо-ниб, икки кўзи ёниб, нор кесар пўлатни қинидан шарт-та суғириб олди, қиличнинг қини шаштига тутаб кетди, ҳамма бир сесканиб, ваҳимага ботди.

Аҳмад қари эса ранги оғариб учиб тушди. Юсуфбек “Ҳали ҳам бекнинг тоғасисан, бўлмаса каллангни Ҳавдак кўлда кўрар эдинг, тоға ҳам сендай бўлама, Гирот билан кетган одам ўлама, сен бир тўхмати тоға-да”, деди очув-ланиб. “Ҳей, Юсуфбек, мен Чамбилнинг тошиман, сен келгинди бир десийёрсан-да, кет саройдан”, деди Аҳмад.

Шу палла Ҳасанхон келиб қолди-да тоғасига қараб “Кўр кўрни қаронғуда топади, деган гап бор, карвонбо-ши Тўлимбек ҳам сизга ўхшаган бир бузмакар-да, ёлғон-ёшиқ айтди-да. Бу гапнинг аниғини сўраб-суриштириб биламиз ёки Ширвонга борамиз, Фармон арабни кўра-миз, балки шу гап рост бўлса таъзирини берамиз, агар рост бўлса кейин бекликни кўрамиз”, деб Аҳмад қарига қараб, “Ҳар санамнинг оғаси бор, тилла жуваннинг тўға-си бор, ҳар ишни қиламан, дема тоға, Чамбилнинг эгаси бор”, деб сўзлаётган жойи:

Тангри нима қилса, банда кўнади(р),
Ёв келганда мардлар элга понади(р).
Кўнгилга келганин қилмайсиз, тоға,
Бекман, деманг, сиздан эл-юрт тонади (р).

Совчига борганнинг йўқдир айиби,
Хотин бўлар эркагининг ноиби.
Бу гапингиз кўр жемади, тоғажон,
Ҳозирги кун Юсуф элнинг сойиби.

Ойдаи юзинг ғам тушганда сарғаяр,
Нодон одам ўлимидан беҳабар.

Чамбилбелнинг чин эгаси Гүрүғли,
Насиб бўлса етиб келади шунқор.

Тулки, шағал тоға кулар ҳолингга,
Қирқта бўри оралайди молингга.
Ундан кўра рўзғорга қил эгалик,
Жавоб берар кун келади тилингга.

Кумуш бўлар қарчиғайнинг чегаси,
Олтиндандир кировканинг ёқаси,
Юрт эгаси келиб берар баҳонгни,
Яқин кунда келар Чамбил эгаси.

Асқар тоғнинг бошин чалар тумона,
Ўлган қулга шу кун охир замона.
Келинингни олмоқчисан иймонсиз,
Қаёқ кетди сенда тоза иймона.

Ҳаволаниб учган суқсур шайланар,
Ғанимнинг ичига қайғу жойланар,
Жадаллаб тур, тоға, бугун жойингдан,
Гар турмасанг, икки кўлинг бойланар.

Алқисса, Аҳмад қари Ҳасанхондан бу гапларни эши-тиб, саросимага тушди ва тезда ўзини ўнглаб олиб, “Ҳали кўрамиз, кимнинг қўли бойланар” деб илон башара бў-либ, кўзи қонга тўлиб, тезоблаб кўрғонига кетди.

Ҳасанбек Юсуфбекка қараб “Йигит одам кўлдан бер-мас орини, доно одам камситмайди ёрини, сену мендан иш питмайди, Юсуфжон, Аваз қилар Аҳмад тоға корини”, деб сўзлаётган жойи:

Бек Юсуфжон ёмон кунни дам дема,
Соғ-омонсан давлатингни кам дема,
Авазхон бор, тоғамиздан ғам ема,
Хабар беринг, тезда келсин зўрабор.

Кўп кўргансан Авазхоннинг ишини,
Лак-лаклаб кесади ғаним бошини.
Қизғалдоқдай қилар чўлнинг дашини,
Тезда келсин Авазхондай зўрабор.

Неча зўрлар бўлолмаган баробар,
Оғамизга мадаккор тўрт чориёр.
Аҳмад тоға тинч қўймайди бу элни,
Хабарга жўнасин чопар Дониёр.

Авазхондан Аҳмад тоға ҳоймиғар,
Дуч келганда ерга боқиб мунғаяр,
Бир тикласа алп одам сарғаяр,
Авазхонга хабар беринг, Юсуфбек.

Болхувонга кетган эди бек бўлиб,
Бузғунчининг бари қочган йўқ бўлиб.
Тартиб берган уйқулари соқ бўлиб,
Авазхонга хабар бермоқ лозимди.

Алқисса, Юсуфбек Ҳасанхоннинг бу сўзини маъқул топиб “Авазхон ҳам Болхувон шаҳридаги нотинчликни тинчитмоқ учун кетган, кетганига ҳам мана бир йил ўтган, Болхувон шаҳри ҳам ўзимизга қарайди, элни сўраб ётган”, – деди. Ҳасанхон:

Авазхон донога доно, золимга эса ўта золим, унинг феъли ҳаммага малим, Аҳмад қари эса энди бизни қўймайди, элни нотинч қилади, кўшни мамлакатлардан балки ёрдам сўрайди, пичоғини бизга қайрайди. Кўзни чиқмасдан кўрийик, – дейберди. Шунда Юсуфбек амалдор ўзининг ишонган чопари Дониёрни чақириб, кеча яримдан ошганда ҳамма хабарни айтиб, Болхувонга жўнатди. Дониёр чопар юлдуз ўнглаб йўлга чиқди, отига қамчи чотди, бир паслда Маликнинг даштидан ўтди, тонг соров берганда Асқар товга ўрлаб кетди. Нормон қараб, нишаблаб кетаётган жойи:

Қарамай баланд пастига,
От қўйди тоғнинг устига.
Эҳтиёт шарт деб Дониёр,
Олмос ушлаган дастига.

Мамиз беради отига,
Қаранг-да сиёсатига.
Талаб изарлаб боради,
Болхувон деган юртига.

Кийгани гулгун қирмизи,
Чирамитиб борар кўзи.
Дониёрнинг минган оти
Мисоли осмон юлдузи.

Обод бўлар борган шаҳар,
Орқада қолди чанг-ғубор.
Болхувон қараб йўл тортди,
Дониёрбекдай биродар.

Қўрқиш нелигин билмайди,
Қайтиш хаёлга келмайди.
Жумийиб борар Дониёр,
Ҳеч кимга қулоқ солмайди.

Узоқ қолди мамлакати,
Уйда қолди паризоти.
Сира терга тушмас, қаранг,
Дониёрнинг минган оти,
Шунқор бўлиб тушди йўлга.

Олтин камар байлаб белга,
Етсам, дейди чопар оға,
Болхувондай гўзал элга.
Неча тоғлар ошиб ўтди,
Кечалари йўлда ётди.

Яна йўлга тушиб шунқор,
Тулпорига қамчи чотди.
Чўлда ўсади саксовул,
Ҳар ким ҳам бўлмас бековул.
Дониёржон ўтган жойлар
Олтой бўлиб ётди довул.

Дониёр йигит сараси,
Ўзи чапарлар тўраси,
Қирқ кун деганда кўринди
Болхувон элнинг қораси.

Алқисса, дарвозабонлар Эшмат билан Тошмат Дониёр чопарни Чамбилдан эканлигини эшитиб, шаҳарга киргизди. Авазхон Дониёр чопардан “Ҳар бир гапни, Дониёржон, ўйлагин, Чамбилдан келишинг сабабини сўйлагин”, деди. Шунда Дониёр чопар Чамбилдан хабар бераётган жойи:

Майдон бўлса мард одамлар берар жон,
Лозим экан қиличидан тўкар қон.
Бек Юсуфдан хабар келди, найлайн,
Бу гапларга қулоқ солинг, Авазхон.

Хон Гўрўғли Ширвон элда қолибди,
Карвон айтар, қўлга тушиб ўлибди.
Шундан бери мотам тутар Чамбил эл,
Нима бўлса Дол Ғирот ҳам бўлибди.

Хазон бўлса боғда гуллар сўлади,
Обло менинг ақлу хушим олади.
Ҳасан ботир отам, дейди, йиғлайди,
Аҳмад қари қарсак уриб кулади.

Аҳмад тоға тоёғини тирайди,
Ҳар нафасда қўш парини сўрайди.
Юсуфбекни ҳайдамоқчи саройдан,
Ўшқирганда тоғлар боши нурайди.

Чамбил элнинг бермай ётир кунини,
Тўксам, дейди Юсуф оға қонини.
Икки пари қочиб кетди хилватга,
Чиқармоқчи Ҳасанхоннинг жонини.

Минган оти ўн икки ой боқилган,
Туёғига абжўш наҳал қоқилган.
Аҳмад тоға Чамбилбелни айланар,
Ҳарбасига хуччи тоғлар йиқилган.

Дониёр деб айтар менинг ўзимни,
Аваз оға, эшитдингиз сўзимни.
Олдингизга маслаҳатга келдим-да,
Шундай кунда нима қилмоқ лозимди.

Алқисса, чопардан бу гапни эшитган Авазхон ох, деб бир наъра тортди, наъраси ойнинг бетини йиртди, зарбасига осмондаги беш-олти юлдуз хотнаб сўтилиб кетди, яна бир оҳ тортбеди, сўтилган юлдузлар ҳар томонга туймадай отилиб кетди. Шунда Дониёр чопар:

– Эй юрт эгаси, сизга нима бўлди? – деди.

Авазхон қахрланиб:

– Отам Гўрўғли султоннинг ишончини оқлай олмадик. Ит итлигини қилиб бу ёғи Болхувонни, бу ёғи Чамбилни Аҳмад тоғам қўрғалаб тайлади. Болхувон тинчиди, энди Чамбилбелга бормоғим керак, – деди.

– Нима қилайин мен, эй ҳукмдор, – деди Дониёр чопар.

Авазхон:

– Сен ҳафта дам олиб жўнайсан, мен эса саҳардан йўлга тушаман, – деди зўрабор. Шу кеча Авазхон ётди,

эрталаб тонг отди, Шеран сайисига қараб, Шеран, деди зил тортди, Шеран лаббайлаб етди, келиб Авазга таъзим этди, сўнг кела солиб этагидан етти марта ўпди, “Эй хукмдор, бизга нима хизмат бор?” дебеди.

Авазхон:

– Таблахонага борасан, Мажнункўк отимни эгарлаб келасан, у ёғини ўзинг биласан, вақтида эгарлаб келманг балога қоласан.

Омбирлаб гўшингни юламан, устихонингни якка миққа иламан, бошингга қайғу соламан, – деди. Шеран сайис “Хўп” деб етти букилиб, жони ҳалқумга тиқилиб, изига қараб отди, ўзини тўхтата олмай сайисхонадан уч чақирим ўтиб кетди. Қайта солиб сайисхонага етди. Ҳашпаш дегунча, Мажнункўкни эгар-абзаллаб, Авазхонга тутди. Шунда Авазхон Болхувоннинг ихтиёрини Алимбекка бериб, мамлакатдан тезда чиқиб, Аҳмад қарининг ишига қаҳрланиб шу сўзларни айтиб келаётган жойи:

Бошимда ярқиллар жиға, давлатим,
Ғанимга ўт солар шону шавкатим,
Менга ишонганди ул валламатим,
Бирон иш питмаган куруқ сўз билан,
Кутиб ололмасам ёруғ юз билан.

Жондан кўрққан ор-номусга талашмас,
Эркак учун, билинг, пастлик ярашмас.
Урувли эл номардларни сўрашмас,
Номард бўлиб қолмайинда, Худойим,
Ой юзимни ёруғ қилгин, илойим.

Отажоним келса ерга боқмайин,
Уялгандан оққан терга оқмайин.
Таъсирланиб кўзимдан ёш тўкмайин,
Эл ичида беор қилма, Худойим,
Ой юзимни ойдин қилгин, илойим.

Қаҳрлансам кўкдан ойни жуламан,
Юлдузларни боз тергилаб оламан.
Асқар товни қарс иккига бўламан,
Ёмон кунга шерик қилма, Худойим,
Отажоним омон келсин, илойим.

Ораласам арчаларни пиритдим,
Чўнг темирни тиклаб туриб чиритдим.
Душман келса, битта кўймай қуритдим,
У кунлар ҳам ўтиб кетди, Худойим,
Ёмон кунни қайтармагин, илойим.

Аҳмад қари қиш айлабди баҳорни,
Нотинч қипди Чамбилбелдай шаҳарни.
Овзига соламан бориб заҳарни,
Тўхмати тоғани қайтар, худойим,
Қўлим қонга ботмасинда, илойим.

Алқисса, Авазхон шу сўзларни айтиб, кеча-кундуз шабгир тартиб, меҳнати бошидан ортиб, Чамбилга қараб келаберсин, эндиги гапни жанжалкаш Аҳмад қаридан эшитинг. Аҳмад қари, Гўрўғли менга бекликни бермади, тоға ўрнида кўрмади, тоғаси давр сурмади, деб ғазаб отига минган эди. Бу ёғи Болхувон шаҳрига бориб, у ерни нотинч қилган эди. Энди Чамбилбелга Ёвмитлардан икки юз каллакесар, одамхўр полвонлардан олиб, бунинг устига ўзининг беш юз мергани билан Юсуфбекни нишонга олган эди. Шунда Аҳмад қари ёвузлик йўлига ўтиб, мерганларга қараб, “Аямайсан ҳар бирини, берасан Чамбилнинг шўрини, ўлдирасан Ҳасанхондай зўрини, тезда менга олиб келиб берасан икки парини”, деб сўзлаётган жойи:

Аё беклар, паҳлавонлар,
Тайла Чамбилнинг қастига.

Олди қайдмаган полвонлар,
Тайла Юсуфнинг устига.

Аҳмадлигим билдирайин,
Мансур дорга илдирайин.
Юсуфбекни ўлдирайин,
Ҳайда Юсуфнинг устига.

Бугун майдонга тушарман,
Ширин жонимдан кечарман.
Касалаб қонлар ичарман
Гўрўғлибекнинг қасдига.

Ўзини манман деганлар,
Бекнинг нонини еганлар,
Бугун майдонга келганлар,
Қайтмай тайланг якка-якка.

Отни майдонга солганлар,
Шоҳликдан инъом олганлар,
Кўзи қизарган полвонлар,
Зўрлар, тайланг якка-якка.

Урушга қайтмай кирганлар,
Аямай ғаним қирганлар,
Бехато урган мерганлар,
Тайланг Чамбилнинг устига.

Тоғ бошини чалди туман,
Ким ўлиб, ким яшар гумон,
Агар енгсак омон-омон,
Тайланг Ҳасаннинг устига.

Бугун майдонда тураман,
Шер мисоли бўкираман,

Қўш парини чақираман,
Гапни айтайин ростига.

Алқисса, Аҳмад қари жаллодлар билан Чамбилнинг саройга борадиган сўм тилладан суқилган асосий дарвозасига борди. Юсуфбек ҳам “Итнинг қилиғи эгасига малум” дегандай олдиндан Чамбилнинг ўн саккиз дарвозасини маҳкамлатган эди. Гўрўғлининг қирқ гала ботири бўридай бўлиб, жангга ҳозирлик кўриб турган эди. Аҳмад қари жаллодлар билан тезда келиб, Чамбилнинг асосий дарвозасини камонда найзага тутаберди, гуноҳкор ва гуноҳсизни аямай ушлаб олиб, қўл-оёғини бойлайберди. Ҳасанхон бошлиқ қирқ гала ботир охири чидаб туролмади, рухсатсиз олдинга юролмади, бир қадам ҳам олдинга бориб отларни суролмади. Оқибат Ҳасанхон қирқ гала ботирга “Энди орқага қайтиш йўқ, қўрқаман, деб айтиш йўқ, тайла ғанимнинг устига” деб рухсат берди. Ана шунда қирқ гала ботирнинг Аҳмад қари лашкарларига тайлаётган жойи:

Совут, қалқон кийишади,
Олҳа, олҳа дейишади,
Қирқ йигит ҳам қайтмас полвон,
Сира қайтмай туйишади.

Бўлди майдоннинг ўйини,
Чиқди отларнинг қуйини,
Узангилар шақирлашди,
От босди Чамбил сойини.

Барча от чангга кўмилди,
Гўё ёмғирга чўмилди,
Қилич, найза шақирлашар,
Қирқ йигит жангга комилди.

Камонни кўлга ушлади,
Тентак қилиқни бошлади,
Тўғри келган ботирни,
Ҳасанхон санчиб ташлади.

Ҳасанхон қилди урушди,
Тоға гўр билан суришди,
Қиличи чақмоқ ўтидай,
Олов бўб майдонга тушди.

Полвонлар келар ақириб,
Кўксида қалқон қалтираб,
Ҳасанхон қилич сермаса,
Учган юлдуздай ялтираб.

Манман дегани йиқилди,
Катта кетганлар букилди,
Сап бир йигитнинг овзига
Ботмонлаб кумлар тиқилди.

Туманлар кўчгандай бўлди,
Булутлар учгандай бўлди,
Қирқ йигитнинг зарбига
Ой, қуёш қочгандай бўлди.

Полвонлар жон талашади,
Қирқинлар беҳад ошади,
Отлар ўликка суриниб,
Эгасин тайлаб қочади.

Ана энди, Аҳмад қари,
Юзидан қочиб нури,
Нима қиларин билмайди,
Юракда қолмади, кўри.

Шинакка ўзин тайлади,
Бошқа фирибни ўйлади,
Хилватдаги беш юз мерган
Белги бермоқни ўйлади.

Беш юз мерган отса ўқни,
Шуни билан Чамбил йўқди,
Фирибман турди жойидан,
Беш юз мерганга қош қоқди.

Алқисса, Аҳмад қари ва унинг уллари тўплаган лашкар ва беш юз мерган Ҳасанхон бошлиқ қирқ гала ботир билан жанг қилаберсин, эндиги гапни Авазхондан эшитинг. Авазхон ҳам Мажнункўкни миниб, шердай дўниб, қаҳри келгандан икки кўзи ёниб, ўз бошига тутоқиб, оғзидан чиққан дамига хасли жойларга ўт ёқиб, гўё шамолдай оқиб, Чамбил қараб келаберди. Ана энди, Авазхоннинг Мажнункўкни тиндирмай ҳайдаб келаётган жойи:

Авазхон келар оқириб,
Мисоли шердай бўкириб.
Қарамай олди-кейнига,
Тинчликни олган бўйнига.

Тезроқ Чамбил борсам, деб,
Душмонимни қирсам, деб,
Аҳмад қарини ушласам,
Пана жойига муштласам,
Ўхшатиб тепсам кийнига,
Тош осиб қўйсам бўйнига.

Қувсам лашкарни пиритиб,
Тенасин кўмсам чиритиб.
Қилган одамга қил, деган,
Ўч олмоқни ҳам бил, деган,

Отам Гүрүғли шаънига,
Қурбон бўлайин жонига.

Обод қилай Чамбилбелни,
Тинчлантирай шунча элни,
Деб Авазхон йўл тортди,
Кунма-кун чарчоғи ортди.

Дам бермаяпти отига,
Қарангда сиёсатига.
Кеча-кундуз тортар йўлни,
Босиб ўтар неча чўлни.

Авазхон ўзи шер эди,
Рустамдан ҳам зўр эди.
Жойи келганда айдахар,
Тиласа кўчади ғубор.

Тикласа тоғни чорнатар,
Қувса душмонни қийратар.
Агар минса Ғиротни,
Тобе қилади давлатни.

Жойи келса аямайди
Камбағалларга ҳимматни.
Ҳар сўзига садоқатли,
Жуда ҳам ўзи ҳимматли.

Йиғлаганни юпатади,
Болаларни ўйнатади.
Жангда мисоли айдахор,
Ҳаддан зиёда зўрабор.
Қаҳри келса қиличидан,
Олмас пўлатнинг учидан.
Чакиллаб томор қизил қон,
Душмонини қўймас омон.

Дунё Аваздай зўрни,
Ҳар бир ийни тоғдай қирни.
Қаҳри йўлбарсга ўхшаган,
Заҳрига шерлар қақшаган.

Ўткир кўзли шер билакни,
Боз титратган бу фалакни.
Душманни буғдойдай ўрган,
Якка ўзи мингга борган.

Полвонни сира кўрмаган,
Аваздай якка турмаган,
Бундай зўрлар кам келади,
Яккам-дуккам бир бўлади.

Пайдо бўлгач бу дунё,
Оламга таратиб зиё,
Авазхонни бир кўрди-да,
Зўрни ҳам Худо берди-да.

Кўзида ўткир нур эди,
Қирқ чилтанларга тир эди.
Гүрүғлибек Авазхондан,
Ном кўтарган бу полвондан,
Юз марта ортиқ зўр эди.

Мисли қутурган шер эди,
Шундан эди ота-бола.
Икковига Чамбил қалъа,
Манзил ила макон эди.
Ҳар бир куни даврон эди,
Аваздай Чамбил тўраси,
Ўзи йигитнинг сираси,
Ёш келди қаранг кўзига,
Сира қайтмайди изига.

Кўринди Чамбил шаҳари,
Кўнгилдан кетди ғубори.

Алқисса, Авазхон Чамбилнинг қорасини олабер-
син, берман қараб келаберсин, эндиги гапни иягидан
гўши қочган, манглайдан пес очган, овозидан гапир-
ганда тупик сочган, устидан бориб қолса жўгилар кўчи-
ни ташлаб қочган Аҳмад қаридан эшитинг. Аҳмад қари
панада ётган беш мерганни онгдан жангнинг устига
кўтара тайлади. Беш юзи бирданига беш юз найзани
камондан жўнатгандан кейин қирқ гала ботир сора-
симага тушиб, пана-панадан устакорлик билан жанг
қилаберди. Лекин беш юз мерган устаси фаранг, камо-
ни таранг, найзаси заранг мерганлар эди. Ўн куннинг
ичида қирқ йигитни ҳам ярадор қилди. Улар ёппасига
асосий дарвозага от қўйди, дарвозабонлар оча берма-
гач, дарвозага ўт қўйди. Ичкаридаги Юсуфбекка тобин
йигитлар беш ботмон келадиган мешларда сув ташиб
дарвозанинг остидан қуяберди. Қаранг, шу палла Аваз-
хон ҳам одоқдан шердай етиб келди-да, жангга орала-
шиб кетди.

Қаранг Аваз бекзотни,
Бедовига қамчи чотди.
Келиб урушнинг устидан,
Уруш майдонига ўтди.

Қилай деб бугун ўйинни,
Пиритайин деб жийинни,
Душмон устига қуйилди,
Кўкка вўрлатиб қуйинни.

Қинидан тортди қилични,
Билагига тўплаб кучни.
Душманга кетди оралаб,
Олайн деб борар ўчни.

Ўнг қўл чап қўлдан сермайди,
Ғанимга навбат бермайди.
Авазни кўриб қочади,
Аҳмад майдонга кирмайди.

Шерга ўхшайди ҳайбати,
Мисоли девдай симбати,
Дамба-дамдан келаётир,
Шунқор Авазнинг ғайрати.

Нимталади ғаним танин,
Майдонга оқизди қонин.
Шунқор Аваз ғайратига
Бормаи чиқди душман жони.

Қирқ йигитга ўзи сардор,
Дамга тортар мисли аждар.
Чарчаш нелигин билмайди,
Авазхондайин зўрабор.

Бир паслда яксон қилди,
Қирқ бешини тўқсон қилди.
Қочиб кетибди Аҳмадбой,
Шунча элни вайрон қилди.

Аваз чарчадим демади,
Беш юзни ғорга қамади.
Қолган мерганлар ўликни
Орқалаб кетиб кўмади.

Ҳамма жойни қилди тоза,
Беш юзта мерган бемаза.
Сув сепиб қонларни ювди,
Авазхондан тортди изза.

Алқисса, Авазхон уруш майдонини якунлаб, ҳамма жойни тоза-озода қилдириб, ярадор қирқ йигитни кулдириб, зўрлигини билдириб беш юз мерганга “Одамга найза отмайсан”, деб жавоб айлади. Шаҳарда олтойдан берман қамалиб ётганларга озодлик берилди, панада ётган икки пари “Султон ўлса, Ғирот қочиб келар эди, султон тирик”, деб қайтадан тос тараниб керилди. Чамбилбелда шодиёна бўлаберсин, эндиги сўзни Ширвон мамлакатининг подшоси Фармон арабдан эшитинг.

Шунда Фармон араб яна Эшат мунажжимни ҳузурига чорлаб, “Бу сафар адашма, ёлғонни қўшма, гапираётганда шошма, Гўрўғлибекдан гапир, у ҳозир қаерда?” деди. Шунда Эшат мунажжим китобини варақлаб, Гўрўғлидан хабар бераётган жойи:

Хулкар бориб тоғ бошига таянди,
Иш кўрганлар бир Худога суянди.
Берман қараб қайтди Гўрўғлибек-ей,
Зарбасига тоғу тошлар уйғонди.

Тоғ бошини туман чалса қор келар,
Найза текса нор йигитлар букилар.
Ҳафта ўтмай етар Қундуз товига,
От шаштига тоғнинг боши йиқилар.

От чопганда чангга тўлар далалар,
Эга кетса вайрон бўлар қалъалар.
Қаботида шериги бор султоннинг,
Келишига таъзим қилар лолалар.

Дили покнинг кўрган тиши ўнг чиқар,
Аҳмоқ хотин эр чақирса сўнг чиқар.
Қундуз тови қаранг ётар ғуборсиб,
Яқинлашса ҳар селгадан чанг чиқар.

Офтоб бўлса нуқра гуллар сўлади,
Яшин тийса ҳар қандай мард ўлади.

Икки киши келаяпти отланиб,
Қаватида қирқта бобо келади.

Гўрўғлибек қирқ бобони кўрмайди,
Қирқта бобо Гўрўғлини қўймайди.
Бу қандайин сир бўлдики, ҳукмдор,
Бир-бирига гап тайлашиб юрмайди.

Хут кирганда ғуборсиздир даралар,
Бир-бирига яқин борар оралар.
Қирқта бобо Гўрўғлига ҳамирай,
Қундуз товга келиб қолди қоралар.

Алқисса, Фармон араб мунажжимдан бу хабарни эшитиб, ҳар томонга қайта-қайта буйруқ бераберди, ўзи ҳам Қундуз товнинг ўнғай бетига кўчиб борди. Шунда барча алп-баҳодирларни тўплаб “Бу сафар ўтказмайлик, ўтказиб Гўрўғлига ютказмайлик. Шунинг учун нима қилмоқ лозим”, – деди амалдорларга. Шу палла Ёқуб ва-зир менга бир маслаҳат бор, деб сўзлаётган жойи:

От чопилар даладан,
Тоғ гўзал гули лоладан.
Шу марта кутилайлик,
Гўрўғли деган боладан.

Қор ёғар унинг қаҳридан,
Ерлар музлайди заҳридан.
Шу марта, беклар, ўтайлик
Гўрўғлининг баҳридан.

Чотма тайланг ўтар йўлга,
Қора милтиқ олинг қўлга.
Гўрўғлини ушлаб олинг,
Боролмасин Чамбилбелга.

Ҳар арчага шинак тайланг,
Ўтар йўлни тезда лойланг.
Шунда шобири билинар,
Ушлаб олиб қўлин байланг.

Чол бўлса-да йигитдан зўр,
Писанд эмас ўр билан қир.
Олтой чопса-да Ғиротнинг
Баданидан чиқмайди тер.

Ўқланиб турсин милтиқлар,
Говжираб қизисин чўғлар.
Келгандан отинг мерганлар,
Ким урса тузини оқлар.

Қўлларда жела шай турсин,
Идишда иссиқ мой турсин.
Келгандан ташланг устига,
Қочиб иссиқ мойга урсин.

Алқисса, бу маслаҳатни Фармон араб эшитиб урти қопдай бўлди, мурти шопдай бўлди, бурни қиличнинг қинидай, оғзи дўлтанинг инидай бўлди. “Ана шундай қиласилар, бу гапни қонун биласилар, бу сафар ҳам Гўрўғлини ўткариб юборсанг, баринг тайин ўласизлар”, деб чўччанглайберди. Шунда ёнига Оқбўта лашкарбошини чақириб, хўкиздай бўлиб бўкириб “Ҳей бек, Гўрўғлибек ҳаж бўлиб қайтди, кўрамиз, унинг ҳажлиги билан исломи зўрма, бизнинг ўн саккиз дарани байлаб ётган полвону лашкарларимиз, қанча мастонларимиз, найза-ю, сонсиз қора милтиқларимиз зўрма?” деб ясулбошиларга ҳукм қилаётган жойи:

Тирсакни ерга ташлайсан,
Милтиқни маҳкам ушлайсан.

Қирқ бобони ҳам лошлайсан,
Ундан кейин ёнбошлайсан.

Сен у ёндан, мен бу ёндан,
Пилта милтиқни ўқлайсан.
Келабергандан чўқлайсан,
Яқинлашиб келган маҳал,
Гўрўғлибекни кўклайсан.

Гангиб қолмасин бошинг-а,
Бегона бўлмасин хушинг-а,
Тошга тиралиб турсин-а,
Силжиб кетмасин тўшинг-а.

Тоғлар боши бурам-бурам,
Жилғалари тарам-тарам.
Хушёр бўлинг, бекларим,
Тагин бўлманглар хотиржам.

Кўп тортасан жабру жафо,
Лекин мендан бўлма хафо.
Гўрўғлибекни ушлайик,
Сўнг бўлади кайфу сафо.

Ҳар бирингга бўй қизлардан,
Осмондаги юлдузлардан,
Қўйниғанангга соламан,
Сувда сузган кундузлардан.

Ўмирлар ўтар чиқар жон,
Тоғлар қорли йўл туман.
Ушлар бўлсак Гўрўғлини,
Тўкин бўлади дастурхон.

Ҳаволар аёз осмон кўк,
Белга байланглар тирдон, ўқ.

Ҳар бирингга сарпо бор-да,
Беклар, ушласак армон йўқ.

Алқисса, Фармон араб буйруқни бераётир, носни капалаб ураётир, ўзича давр сураётир, қоп-қоп ваъдани бераётир, ўзи ҳам тинмай у ёқ-бу ёққа юраётир, шинак жойларга бораётир. Ана энди, Фармон араб кеча-кундуз ҳаракатда бўлиб, йўлни пойлаб ётаберсин, эндиги гапни Гўрўғли ҳожи билан Омонхон ҳожидан эшитинг. Ҳожилар Кундуз товга етиб келди, чуқур сойлардан ўтиб келди, шунда эшони пир Омонхон ҳожи Гўрўғли ҳожига қараб, “Эй султони бокарам, қопқон жойга ҳам етиб келдик, энди қандай ўтамиз, маслаҳат беринг”, деб сўзлаётган жойи:

Кўп жойлардан ўтиб келдик,
Кундуз товга етиб келдик.
Қандай ўтамиз қопқондан,
Оллоҳ нурин тотиб келдик,
Маслаҳат беринг, султоним.

Тоғлардан молхўрни терган,
Куш гўшти еб давр сурган,
Кундуз тоғда қанча мерган,
Пешонадан чоқлаб урган,
Қандай ўтамиз шулардан.

Ҳаммаси қайтмас доғабоз,
Уруш истаган добилбоз,
Одамнинг қонига ташна,
Шакаман мерган милтиқдўз,
Қандай ўтамиз шулардан.

Бир хили пойи-пиёда,
Бир хили пойлар қиёда,

Султоним, беринг маслаҳат,
Чама-чўтимдан зиёда,
Қандай ўтамиз шулардан.

Бепилик ёнмайди чироқ,
Ҳар бир кунга бўлар сўроқ.
Қопқон жойга келиб қолдик,
Маслаҳат беринг эртароқ,
Қандай ўтамиз шулардан?

Алқисса, эшони пир Омонхон ҳожининг бир оз кўркув аралаш бу сўзидан султони бокарам Гўрўғли ҳожи “Ҳар кимнинг феълига яраша Оллоҳ беради, феълни кенг қилинг, қонсираб ётган лашкардан, иншооллоҳ, эсон-омон ўтгаймиз. Магар ўтмасак ҳам биз ниятимизга етгаймиз, хотиржам бўлинг, ҳожи. Энди армонимиз йўқ, ислом йўлида ёшимиз бир жойга борганда жон берсак берибмиз-да. Чиқмаган жондан умид, яна ҳам тангримга бир илтижо қилиб кўраимиз”, деб Яратганга “Аро йўлда, ғанимнинг кўлида, бесоҳиб қолдирма”, деб сўзлаётган жойи:

Офтоб юзли, боз меҳрли,
Карамли султоним менинг.
Раҳм айла, эй Парвардигор,
Оромли султоним менинг.

Ғарб бандага раҳбар бўлган,
Иймонлига йўлдош бўлган.
Сағирларга сирдош бўлган,
Меҳрибон султоним менинг.

Камбағалга бош понасан,
Ўзинг гавҳар, дурдонасан.
Боз ёкутдек ёнасан-а,
Бебаҳо султоним менинг.

Ёлғизлик сенга ярашур,
Сени ёд этган қир ошур.
Ишқингда ёнди ҳақ Башир,
Қадрдоним султоним менинг.

Ўхшаши йўқ яғонасан,
Боз бандангга парвонасан.
Яратган нурдан қонасан,
Иймонли султоним менинг.

Тилаганга давлат бердинг,
Беморнинг ёнида турдинг.
Бой, камбағал бирдай кўрдинг,
Меҳрлисан, султоним менинг.

Тош қилсангда қўлингдадир,
Мингта султон йўлингдадир.
Иймонлилар дилингдадир,
Соҳиби султоним менинг.

Бедавлатга давлат бердинг,
Сўраганга омад бердинг.
Фарзандсизга фарзанд бердинг,
Хайрлисан, султоним менинг.

Кучу қудрат эғасисан,
Мискинларнинг оғасисан.
Олам, одам тоғасисан,
Танҳосан, султоним менинг.

Ёмон жойга келиб қолдик,
Душмонлигин билиб қолдик.
Илож топмай ўйлаб толдик,
Йўл бер-а, султоним менинг.

Сендан бошқа соябон йўқ,
Сендан бошқа меҳрибон йўқ.
Ўтар йўллар бўлсин-да оқ,
Бағрикенг, султоним менинг.

Сенсан оламнинг султони,
Жумла жаҳон меҳрибони,
Муҳаммаднинг қадрдони,
Суюкли султоним менинг.

Алқисса, Гўрўғли ҳожи бу сўзларни айтгандан кейин Омонхон ҳожининг кўзларига жимиллаб, киприги қимиллаб жўра ёш келди.

Шунда Омонхон ҳожи тўлқинланиб:

– Ўн саккиз минг оламини бир ҳафтада яратган Парвардигорим олдида, агар у хоҳласа, додимизни эшитса йўл бериш ҳеч гап эмас, – деди. Гўрўғли ҳожи:

– Эшони пир Омонхон ҳожи, Оллоҳимнинг қудрати беҳисоб, ўзи сарвар, ўзи раҳбар, боз мададкор бандаларига. Келинг, сафар олдидан оҳарланиб, таҳорат олиб, икки ракат шукрона намозини ўқиб, пати таҳоратда йўлга тушайлик, – деди.

Улар намоз ўқийберди, қирқ бобо ҳам ҳожиларнинг кўзига кўринмай, намознинг фарз ва суннатларини бажариб, фориғ бўлдилар. Ҳожилар, боз Ғиротга ишониб “Кечаси юрсак душман ғофил бўлади, кундузи юрсак ғанимлар кучга тўлади”, деб кун ботишини пойлади. Кун ботгач ҳожилар “Бисмиллоҳу раҳмони раҳим” деб Қундуз тоғга ўрлаб жўнади. Икки томондан қирқ бобо Гўрўғли ҳажига йўлдош бўлиб, балки белдош бўлиб, бир-бирига тилдош бўлиб, кўзга кўринмай бораверди. Оллоҳнинг қудратини қарангки, қирқ бобо қирқ чилтанлар эди, Эгамнинг бандаларига меҳрибонлиги билан қирқ чилтанни ҳожиларга йўлдош қилди. Бандаси ўта гуноҳкор

бўлса ҳам у чин меҳр билан Оллоҳимга товба-тазарру қилса, гуноҳини кечиб, унга меҳрибонлигини кўрсатар экан. Қаранг, икки ҳожи ўртада, қирқ бобо атрофида, улар юрган йўлни Ислом нури ёритиб бормоқда, ўн саккиз дарани банд қилиб ётган лашкарлар сеҳрланиб, донг қотган, мерган милтиғини ўқлаб ғафлатга кетган, палвонлар тошга суялиб ўйқига ўтган, Мостонлар ерни чизиб, тош қотган. Айниқса, кўзига нос пуркаб ухламай ётган Фармон араб оғзи очилиб, пули сочилиб, чолқарамон бўлиб, беҳуш ҳолда тек қотган, жамики ҳаммани ғавлат босган. Ана энди, Гўрўғли ҳожи ҳамрайи эшони билан қундуз тоғ селгаларидан келаётган жойи:

Оллоҳнинг қудрати билан,
Эгамнинг ҳиммати билан,
Расулнинг савбати билан,
Тангрининг рухсати билан,
Гўрўғли ҳожи жўнади.

Қирқ чилтанлар йўлдош бўлиб,
Саҳобалар бунда келиб,
Ҳожилардан хабар олиб,
Суҳбатига қулоқ солиб,
Гўрўғли ҳожи жўнади.

Кечибди-да гуноҳини,
Эшитибди-да оҳини,
Очиб йўлларнинг роҳини,
Кенгайтган дунё тоқини,
Гўрўғли ҳожи жўнади.

Тавбасини қабул айлаб,
Ислом нури белин бойлаб,
Гуноҳини олиб тайлаб,
Келади султон обойлаб,
Гўрўғли ҳожи жўнади.

Гала мерганлар ухлаган,
Ухлаб бадани яхлаган,
Лекин милтиқни чоқлаган,
Милтиқлар ерга миқланган,
Гўрўғли ҳожи жўнади.

Ўн саккиз дара сеҳрли,
Ҳаммаси қонхўр, қаҳрли,
Бари тош қотган деярли,
Лекин Оллоҳим меҳрли,
Гўрўғли ҳожи жўнади.

Ғирот келади ҳимиллаб,
Икки қулоғи қимиллаб,
Гоҳи думғўза динглаб,
Бир кишнамайди, онгиллаб
Гўрўғли ҳожи жўнади.

Барча сирдан у беҳабар,
Фақат Ғиротга жиловдар.
Қуръон қайтарар зўрабор,
Оллоҳим бўлиб мадақкор,
Гўрўғли ҳожи жўнади.

Эшон бўлади эҳтиёт,
Кўрғони бўлиб самавот.
Банда эканда одамзот,
Тилда айланар кўп оят,
Кўзини юмиб жўнади.

Ерни муаллақ ушлаган,
Тўрт океанни ташлаган,
Улкан тоғлар ёнбошлаган,
Оллоҳ кучидан яшнаган,
Бош эгиб султон жўнади.

Оллоҳим бўлиб мададкор,
Қирқ чилтан бўлиб жиловдор,
Ҳожи бўлиб қайтди номдор,
Дарадан чиқди зўрабор,
Ана дала-дашт, ана майдон.

Кўзларида севинч ёши,
Оғзида исломнинг оши,
Панд бермади тоғнинг тоши,
Қошида Омон йўлдоши,
Ана дала-дашт, ана майдон.

Тонг соров берган паллада,
Қўркув қолмади каллада,
Савлат кўринар саллада,
Икки ҳожи ҳам мўллада,
Ана дала-дашт, мана майдон.

Қирқ бобо ҳам кетди кўчиб,
Балки кетди кўкка учиб,
Яхшиликдан уруғ сочиб,
Ишни бажарди қучоқ очиб,
Икки ҳожи қолди даштда.

Алқисса, Гўрўғли ҳожи билан Омонхон ҳожи омон-эсон Кундуз товдан ўтиб, тасбеҳ ўгириб, бироз нафас ростлаб, сўнгра жўнайберди пастлаб. Ҳожилар кетаберсин, эндиги гапни яна Фармон арабдан эшитинг. Фармон араб шундай кўзини очса тонг ёришиб кетган, полвонлар донг қотиб, хуриллаб, қулоғи дириллаб, ўпкаси ширллаб ухлаб ётибди. Тезда Қарқар мостонни чорлаб, “Қара, Гўрўғли ўтдима” деди. Қарқар мостон уйқули кўзини очиб, овзидан кўпик сочиб, у ер-бу ерни кузатаёт-беди, бир жойга бориб, кўзи чакчайиб қолди.

– Ҳа, ўтдима, – деди Фармон араб.

Қарқар мостон:

– Мана, Ғиротнинг туёғи тийган жой дириллаб турибди, бизни Худо урибди, Гўрўғлибек тонг юлдуз тувган паллада ўтиб кетибди, балки Ширинбулоққа етибди, – деди.

Қаҳрланган Фармон араб, Оқбўта ясовулбошини, Давлатбой лашкарбошини топтириб: “Сенларни ажал кутмоқда, Гўрўғли эса кетмоқда, балки Ширинбулоқдан ўтмоқда. Фурсат ғанимат, иккови ҳол чол, отни қистаб ҳайдай олмайди. Қундуз тоғнинг дарасидан ётган гала нонхўрни олиб Гўрўғлининг изидан қувасан, яна ўн минг лашкар қўшасан, етмасанг Чамбилгача бориб, юртини вайрон қилиб, чаккисини айрон қилиб, бор бойлигини талаб, олиб келасан”, деб буйруқ берди. Ана энди, ўн саккиз дарада ётган нонхўр лашкарлар, сап қарағай мерганлару мостонлар, баҳодир паҳлавонлар Гўрўғлининг изидан қувиб, пастга қараб кўчиб жўнаётган жойи:

Ҳай-ҳайлашиб ҳайлашиб,
Чапараста сўйлашиб,
Жўнаётир лашкарлар,
Текинтомоқ, ошхўрлар.

Уйқусираб, галдираб,
Бир хиллари гилдираб,
Пастга тайлаб боради,
Худо кимга беради.

Бир от минган Давлатбой,
Ўзи қуруқ савлатбой,
Қамаб қувасан, дейди,
Етсанг, сўясан дейди.

Ясовул байроқдорлар,
От минган амалдорлар,
Мирғазабу миршаблар,
Ул жиғадор, сардорлар.

Чангга ботиб жўнади,
Тақдирига кўнади.
Мерганлар милтиқ отиб,
Кўрқоқлар ерга ётиб.

Кўнгли бўши жилашиб,
Йўл тортади қир ошиб.
Давлат раҳм қилмайди,
Инсоф нима билмайди.

Тўхтамай жўна, дейди,
Гўрўғли пана дейди.
Етмасанг кетар бошинг,
Ховорда қолар лошинг.

Қарама ҳеч орқага,
Кўмак берма морқага,
Фақат ўзингни билгил,
Айтган буйруқни қилгил,
Деб қичқирар Давлатбой,
Лашкар билан пойма-пой,
Йўлда кетиб боради,
Гоҳа ўтиб боради.

Остидаги торлонга,
Қибирдаган бу жонга,
Қамчи чотиб боради,
Алам ўтиб боради.

Лунгги салла каллада,
Жалтир-жултир саллада.
Пириб кетиб боради,
Қуриб кетиб боради.

Камдармонлар йиқилиб,
Қадди ёйдай букилиб.

Бир хиллари отилиб,
Чангалзорда тутилиб,
Бир хиллари бўкириб,
Чидай олмай бақириб,
Отилади дустамон,
Ерга уради, ёмон.

Қий-чув бўлиб қирилиб,
Бир-бирига урилиб,
Шуйтиб борар тўпирдаб,
Гоҳ йиқилар топирдаб.

Бир хил қочар овлоққа,
Кўринмай писар тоққа.
Тоза ҳамили куйди,
Чарчаб муштини туйди.

Етди Ширинбулоққа,
Отлар тўхтади таққа.
Бирор одам кўринмас,
Тураман деб уринмас.
Ҳамма ёқ тинч, осуда,
Боз алам қилди жуда.

Алқисса, Давлат лашкарбоши ҳаммага дам бериб, ўзи у ёқ-бу ёққа юриб тошлар остини кўриб, ўзбошича қараниб, сақолини тараниб, Гўрўғлини қарайберди. Шунда Оқбўта ясовулбоши:

– Ҳов, Давлат амалдор, Гўрўғли куш эди-да, тошнинг соясида поналаб ётама, у номи оламини хайратга солган Дол Фиротни миниб кетаяпти, у ҳам жони бор, қибирдаганда, манов қирдан ошганда, – деди.

Давлатбой лашкарбоши:

– Унда бундай қиламиз, пиёдалар ўз майлига бо-раберади, икки минг отлиқ лашкарни, минг отлиқ ёйон-доз мерганларни олиб, ҳозир отларга бир оз дам бериб,

мен Гўрўглининг изидан қуваман. Сен пиёдаларни олиб,
карнай, сурнайни чалиб, терскай бетдан бораберасан,
Оқбўта, – деди.

– Хўп, – деди Оқбўта ясовулбоши. Ана энди, Давлат-
бой лашкарбоши, отлиқларни олиб, ўзи бош бўлиб, ту-
ман кўчгандай, бургут учгандай, айиқ қочгандай, илон
овзини очгандай, аждар захрини сочгандай, тентак ша-
роб ичгандай бўлиб нармон қараб урра-урралаб тайлаб
кетаётган жойи:

Дубулғани бошга кийиб,
От устида қабоқ уйиб,
Давлат жўнади қобиниб,
Ўз майлига ўзи куйиб.

Ҳар бир урти қопдай бўлиб,
Мўйловлари шопдай бўлиб,
Овзидан чиққан ҳар бир сўз
Пилталанган тўпдай бўлиб.
Қичайди остида отни,
Ҳар бир фурсат ғаниматди.
Шамолдай учиб жўнади,
Ўтказмайин деб фурсатни.

Чанг тутди осмон фалакни,
Ким эшитар фариёдни.
Лекин Давлат тўхтамайди,
Ташлаб келди зурриёдни.

Энаберди баланд товдан,
Отлар сакрайди зовдан.
Кўрқмай тайлаб кетади,
Ҳоймиқмай ботир ёвдан.

Ҳайда, дейди лашкарбоши,
Қаватида мингдан киши.

Сурдаб сурилиб жўнади,
Шақирдайди товлар тоши.

От солар чўли, тоққа,
Мана қаранг Давлатбекка.
Кенг осмон тўлиб боради
Ҳар хил рангдаги байроққа.

Мерганлар бойлаган тирдан,
Милтиқни ўқлаган бирдан.
Гўрўғлини қораётир,
Ҳаялламай ўри, қирдан.

Алқисса, Давлатбой бошлиқ от минган суворийлар
Гўрўғлибекни уч кеча-кундуз қувди, отларга кун тувди,
лекин тополмади. Оқибат Пистали деган ўрага келиб
отларга дам бериб, ёйондозлар таппа-таппа отдан
ташлаб, булоқбошига ёнбошлайберди. Ана энди, Давлат
бошлиқ лашкарлар селга-селгага кўна берсин, энди
гапни Гўрўғли султондан эшитинг.

Гўрўғли ҳожи Пистали ўрасининг қуёш чиқиш
томонида Омонҳожи билан арчанинг остида, булоқнинг
бўйида, хузур-ҳаловат қилиб, дам олиб, беш вақти
номозини қанда қилмай ўқиб ётган палла Дол Ғирот чаён
чаққандай, йўлбарс тепгандай, ғаним найза суққандай
тибирчилаб, ҳавликага тушиб, учқалоқлай берди. Шунда
Гўрўғли султон “Нега Ғиротга жазаба тийди, бир хавфни
сездима”, деб чор тарафга алазарак бўлиб қарайберса
шу палла Давлатбой бошлиқ уч минг отлиқ суворий
билан Пистали ўрасининг адоғига худди Гўрўғлибекни
билгандай, биров хабар бергандай Гўрўғлибек ўтадиган
йўлни бандарга қилиб, беркитиб кўшин ташлади.
Ҳожилар ҳеч томонга кўзғала олмай, қўлга тушгандай
бўлиб, улкан арчанинг остидан чиқмай, “Жонимиз
Оллоҳга, лекин Ғиротни сақлайик”, деб писиб ётаберди.

Ана энди лашкарлар бу ёқда, ҳожилар қибирдай олмай у ёқда ётаберсин, эндиги гапни Аҳмад сардордан эшитинг.

Аҳмад сардор Авазхон етиб келгандан кейин майдондан қочиб кетиб, очув устида Арзирум мамлакати-нинг подшоси Хонкелди подшодан ёрдам сўраб олди-га борди. Подшо Хонкелдибек: “Сўзла, Аҳмад оға”, – деди. “Менга ёрдам керак, эвазига нима десанг бераман”, – деб сўзлаётган жойи:

Тулпор миниб майдон аро елишим,
Бу ерларда йўқдир ошна-билишим.
Мадад истаб келдим, султон, ўзингга,
Ёрдам сўраб биринчи бор келишим.

Аҳмад отим, келдим Чамбилбелидан,
Така-ёвмит, Туркман деган элидан.
Гўрўғлибек дейди элнинг султони,
Мени кўрса заҳар сочди тилидан.

Мен ҳам эдим Така-ёвмит сардори,
Кулар бўлсам кетди кўкнинг ғубори.
Қаридинг, деб кун бермайди баччағар,
Хор бўлди-да туркманларнинг шунқори.

От ҳайдаб кенгиш арпа чўлидан,
Ошиб келдим улкан тоғлар белидан.
Бир ғарибнинг бошин сила, султоним,
Сўз эшитгин Аҳмад қари тилидан.

Чўл оралаб толиб қолди-да отим,
Олисларда қолиб кетди элатим.
Қора тортиб келдим, султон, ўзингни,
Зўрабор-а, сенга бордир арз-хатим.

Гана-гана муритимни бурайман,
Оёғимни узангига тирайман.

Ёрдам берсанг менга бугун, султон,
Майли десанг, ўн минг лашкар сўрайман.

Агар олсам, султон, Чамбилбелини,
Топшираман сенга олтин, молини.
Боз устига сенга совға қиламан,
Юлдуз мисол Юнус, Мисқол гулини.

Минг туяга байлаб ортай зарини,
Сенга топширайин кирдикорини.
Менга қолса бўлди Чамбил беклиги,
Карвон қилиб жўнатаман борини.

Алқисса, Хонкелди подшо Аҳмад қаридан бу гаплар-ни эшитиб, думоғи чоқ бўлди, насияси оқ бўлди, Аҳмад айёрдан кўнгли тўқ бўлди, уйқуси соқ, йўли оқ бўлди. Жувон сонига хохолаб туриб, шаппати билан бир урди.

– Ана бойлик, ана шойлик, – деди Хонкелди подшо – тўғриси айтсам, Гўрўғлибекда тишимнинг суви бор, ичимда азалий муз бор. Бир вақтда Қаландар кийимида келиб, қизим Хон Далли билан олишиб, ҳам қизимни, ҳам боримни етмишта нортуяга ортиб, Чамбилга олиб кетган эди. Сенга ёрдам бераман, оға, – деди.

– Эй подшои олам, ёрдам берсанг сенга ҳам, менга ҳам яхши бўлади, – деди Аҳмад қари.

Хонкелди подшо:

– Аҳмад оға, қочирмай айтинг, Гўрўғлибек ҳозир қаерда, қанча лашкари бор, – деди.

Аҳмад қари:

– Гўрўғлибек ҳозир тарки дунё қилиб, Чамбилнинг беклигини Юсуфбекка бериб, эшони Омонхонни олиб, ҳажга кетган. Лекин яқинда келган савдогарлар Гўрўғлибек ҳаждан қайтишда Ширвон мамлакатада қўлга тушиб, нобуд бўлди, деди.

– Айни муддао, – деб Хонкелди подшо лашкарбошиларни, қўрбошиларни саройга жамлаб, “Нима қилмоқ керак”, деб сўзлаётган жойи:

Гумбирлар тоғнинг дараси,
Билинар бекнинг қораси.
Кепти Чамбилнинг тўраси,
Нима қиламиз, беклар-а?

От чопган товнинг тошига,
Сувсар телпаги бошига.
Эгилиб келган кўшнига,
Нима қиламиз, беклар-а?

Гул очилади, баҳорда,
Булбул сайрайди саҳарда.
Етиб кепти Аҳмад оға,
Отни желдириб наҳарда.

Султон Гўрўғли йўқ, дейди,
Шундан думоғим чоқ, дейди.
Барча йўл сизга оқ, дейди,
Нима қиламиз, беклар-а?

Хазинадаги борини,
Боз иккита парини,
Ол, дейди қизнинг зўрини,
Нима қиламиз, беклар-а?

Шодиёна пўлат добилған,
Отлар бойловга боғилған.
Туркмани телпак қобилған,
Нима қиламиз, беклар-а?

Тоғларнинг боши ўринди,
Тошлоқда отлар суринди,
Кўзимга пари кўринди,
Нима қиламиз, беклар-а?

Аҳмоқ одам бошлар ғовға,
Мардлар минади бедовга.
Туркманга борсакма овга,
Нима қиламиз, беклар-а?

От чопса пойи чўзилар,
Оёғи ердан узилар.
Сап сулув қизлар сузилар,
Нима қиламиз, беклар-а?

Кўкда парвоз айлар торчи,
Илон билан ўйнар морчи.
Чамбилдан келди хабарчи,
Нима қиламиз, беклар-а?

Алқисса, подшо Хонкелдидан бу гапни эшитган беклар, амалдорлар, тўғдору сардорлар Гўрўғлини эшитиб, илон тўсатдан чаққандай бир-бир учиб тушди. “Ё Раббим, бу кўргилик ҳам бормиди, кўр ҳам ҳассасини бир марта олдиради. Халқимиз “Илоннинг ўлигидан кўрк”, дейди. Гўрўғлига тийиниб бўлама, у чўқ, у олов-ку. Хон Даллини олиб кетаётганда, Қора тоғдаги ўн икки минг лашкарлик Ҳиламон полвонни уч кунда худди қизғалдоқдай жайратиб тайлабеди”, – дейберди амалдорлар.

Подшо Хонкелди “Нима қиламиз?” деб яна сўрагандан кейин охири чидай олмаган Алмат вазир “Менда бир маслаҳат бор”, деб сўзлаётган жойи:

Тоғлар боши дўлаб-дўлаб,
Сувлар оқар ерни ялаб,
Хонкелдибек, рухсат беринг,
Бир гапирайин онталаб.

Куз келмаса қиш бўлмайди,
Хизмат қилмасак ош бўлмайди.

Қурондозлар қўр ташласин,
Таваккалдан иш бўлмайди.

Ўрик ўсса, бодам эмас,
Чил оёқда қадам эмас.
Биз тегинсак Гўрўғлига,
У эрмаки одам эмас.

Қариса ҳам пиритади,
Гар тикласа қуритади.
Очув устида итарса,
Қора тоғни нуратади.

Чамбил эгасиз қолган бўлса,
Бу гап ростдан бўлган бўлса,
Ундан кейин борсак бўлар,
Хон Гўрўғли ўлган бўлса.

Мунажжимлар китоб кўрсин,
Ҳар давлатга зеҳни борсин.
Ана шунда билинади,
Ширвон элда кўпроқ турсин.

Алқисса, Хонкелди подшога Алмат вазирнинг мас-
лаҳати ёқди, “Мунажжимни чорланг”, деди ҳукмдор. Му-
нажжимни тезда топди. “Ер юзига қура тайланг, айниқса,
Ширвон мамлакатига диққат қилинг, боз устига Гўрўғ-
лини ангишланг, қани, оламда нима гаплар”, – деди ҳукм-
дор. Шунда мунажжим ўзининг урпи-расимини қилиб,
қўлига тасбеҳни олиб, дунёга разм солиб, гоҳ тўлғониб,
гоҳида қарсак чолиб, башорат қила бошлади. Бу мунаж-
жим ҳам ўта жуйрук эди, еган овқати қуйруқ эди, ҳукм-
дорнинг ҳурматини қозонган эди. Оқибат мунажжим ба-
шорат қилаётган жойи:

Диққат қилай Ҳиндистонга,
Ундан берман Покистонга,

Сўнг бораман Доғистонга,
Бу ўрталарда султон йўқ.

Чин Мочинга борар бўлдим,
Мўғилларни кўрар бўлдим.
Боғдод элдан сўрар бўлдим,
Бу ўрталарда султон йўқ.

Чин Мочиндан ўтиб кетдим,
Ҳинсила элга бориб етдим.
Истамбулга ўзим отдим,
Бу ўрталарда султон йўқ.

Болхувонни бориб кўрдим,
Боғ Эрамда бугун юрдим.
Қуйи Қофда бироз турдим,
Бу ўрталарда султон йўқ.

Гулшанбоққа етдим мана,
Ёкутистон келдим, ана.
Қандай элат қолди, яна,
Бу ўрталарда султон йўқ.

Таркистонни ораладим,
Қандаҳарни сараладим.
Жалайирни мўраладим,
Бу ўрталарда султон йўқ.

Айтилди Шаҳарнинг бори,
Ширвон ҳам элатнинг зўри.
Шунда бор бекнинг хабари,
Шу ерда экан Гўрўғли.

Гулдираб кишнайди Ғирот,
Ана савлат, ана қомат.
Устида султон валломат,
Чамбил қайтмоқчи Гўрўғли.

Алқисса, мунажжимдан бу хабарни эшитган Хонкелдибек:

– Ҳой, нобакор Аҳмад қари, нега ёлғон гапирдинг? – деди.

Аҳмад қари: – Ҳукмдор, мунажжим сомирдай беради-да, ўлган одам ҳам тирилама? – деди.

– Исботла сўзингни, мунажжим, – деди подшо.

“Хўп” деб мунажжим ерга тузаннаб, қулоғини ерга тутди, “Ё алҳазар, ё алҳазар, Ғирот безовта”, деди.

– Қандай билдинг? – деди подшо.

– Мана исботи, ер ларзага келиб турибди, Ширвон билан Арзирли мамлакатиниғ оралиғи отни қистаб ҳайдаса, бир ойлик йўл. Мана, бир ойлик йўлдан Ғиротнинг дупири билинапти, сизлар ҳам ерга қулоқ солинг, – деди мунажжим ҳушёр бўлиб.

Амалдорлар қатори подшо ҳам, Аҳмад қари ҳам ен-кайиб, қулоғини ерга тутиб, алазарак бўлаберди. Шунда ернинг остидан “Гурс, гурс” деган отнинг дупири келаберди, ер зилзила тартиб, иззаланаберди. Шунда Хонкелди подшо:

– Жаллод! Келасан, айтганимни қиласан. Аҳмад қарини Арзирумдан чиғариб, қичуви қонгунча туйиб-туйиб, ўласи бўлгандан кейин Чамбилга жўнатасан. Аҳмад айёрлик қилиб, бизни жар томон олиб борибди, – деб зарба қилди.

Икки жаллод Аҳмад қарини судраб, отини еталаб, мамлакатдан чиқариб, роса дўппослаб изига қайтарди. Аҳмад қари қилган ишига минг карра пушаймон бўлиб, қўлқаси тўлиб, кўзига мунчоқ-мунчоқ ёш келиб, бир аҳвалда Чамбилбелга қайтиб, дардини айтиб, бўтадай бўзлаб келаётган жойи:

Хут кирганда тоғни туман чалади,
Қазо тўлса шоҳи султон ўлади.
Ўз бошимни жийди бир кун қилиғим,
Охир бориб ишим нима бўлади?

Ёмонлиқдан ҳеч ким топмас саодат,
Ғам кўпайса эгасига қиёмат.
Бориб-бориб шатал берса қайтаман,
Қариганда таёқ едим дод-у дод.

Қариганда от ёлига суялдим,
Тутолмасдан мен қамчига суялдим.
Ёмонлиғим бир кун қайтар ўзима,
Арзирумда одам бўлиб уялдим.

Кексайганда юзим қора айладим,
Ўз йўлимни қаранг ўзим бойладим.
Чашма сувдай тиниқ бўлсам бўлмайма,
Беклик сўраб, мен сувимни лойладим.

Гўрўғлига энди қандай қарайман,
Тоға бўлиб не кунига ярайман?
Бойлик истаб мен шарманда бўлдим-да,
Начор бўлсам бекдан қандай сўрайман.

Ўйламасдан қилинган иш қурисин,
Олиб кетармедим ўлсам барисин.
Юрт олдида юзим шувут айладим,
Аваласи менга найза дорисин.

Бу бошимдан ўтди турли аломат,
Ўлгунимча кетмайди бу маломат.
Қариганда одоқ-бошим қон бўлди,
Чамбилбелга етарманма саломат?

Алқисса, қари усти-боши қонга беланиб, ҳавликага тушганидан Худога эланиб, қилган ишидан пушаймон бўлиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ сиқтаб йўлда келаберди. Ана энди, Аҳмад қари келаберсин, Писталида ётган Гўрўғли султон ва лашкарлардан эшитинг.

Ҳожилар улкан арчанинг остида нафас ололмайдиган вақтда Ғирот ҳавликага тушиб, тепсина берди. Шунда Ғўрўғли “Душмонлар шобиримизни эшитиб қолмасин”, деб Ғиротнинг қулоғини қошилаб, “Ёмон кунда қувват бўлган бедовсан”, деб сўзлаётган жойи:

Қамчи урсам ўтдинг осмонда қушдан,
Ҳеч камлигинг йўқдир йўрға юришдан,
Тоғлардан ҳам баланд тикка туришдан,
Марол белли, сап келишган бедовсан.

Қуйи Қофдан олдинг Мисқол парини,
Боғ Эрамдан олдик Юнус парини.
Тергиладинг сулув қизнинг барини,
Гўзал қизга чирой очган бедовсан.

Ҳар жолинга беш юз тулпор байланган,
Туёғинга минглаб девлар айланган.
Сени кўрса деву пари ўйланган,
Дев-парининг додин берган бедовсан.

Зангар элдан олдим Орзигул ёрни,
Арзирумдан олдик Далли Хуморни.
Таркистонда тақдим ёрга туморни,
Маликани олиб берган бедовсан.

Чамбилбелда қолди шону шавкатим,
Йигитликда кетди қанча ғайратим.
Толпосага тушдинг, йўқдир тоқатим,
Хавф-хатарни англаб етган бедовсан.

Душман кўрсам ёв-ёрағим шайладим,
Кескир пўлатимни белга бойладим.
Кексаликка келиб энди найладим,
Толош кунда суянч бўлган бедовсан.

Бошингда кўрганман Чилтан чироғин,
Яқин қилдинг мен ёлғизнинг йироғин.
Фарзандимдай қувват бўлдинг, фироғим,
Чилтанлардан дуо олган бедовсан.

Какулингни Шаҳимардон силаган,
Жамолинг кўрмоққа ой ҳам йиғлаган.
Машайиқлар сенга умр тилаган,
Ҳазрат Хизир қўли тийган бедовсан.

Жим турмасанг куним бўлар қабоҳат,
Ёлғиз жоним билгин сенга омонат.
Чамбилбелга мени етказ саломат,
Кўнглимдаги сўзни билган бедовсан.

Фарзандим йўқ мени олиб кетмоққа,
Бемор бўлсам овзима сув тутмоққа,
Ҳайла душман, тайёр мени ютмоққа,
Бу сўзларни англаб етган бедовсан.

Тош урганда тулпор туёқ оқсайди,
Тўхтатмасанг юра-юра қақшайди.
Олов ёқсанг, чўнг темирлар бўшайди,
Тор жойларда қувват бўлган бедовсан.

Алқисса, Ғирот Ғўрўғли ҳожининг нидосини тушунди, қулоғи шалпайиб, нормон бориб чўзилиб ётди, жалпайиб. Шу палла Ширинбулоқда қолган сонсиз лашкар ҳам етиб келиб, Писталини батамом ўради, Худо энди кимга беради, кимни уради, ўзи билади. Шундай қилиб, лашкарбоши Давлатбой ёнига Оқбўта ясовулбошини чақириб:

– Оқбўта сардор, мана Пистали ўрасида анча ором олдик, Ғўрўғлибекдан эса нишон йўқ. Қайтиб борсак Фармон араб калламизни олади, Чамбилга борсак олди

қиш келяпти, лашкарнинг бари ўлади, нима қиламиз, – деди. Оқбўта ясовулбоши:

– Давлат амалдор, менимча Гўрўғли кетди, аввали Чамбилга етди. Эл маъқулласа хон туясини сўйибди, деган гап бор. Ўтар дунёга юз мерганни бир овлаб келиш учун товга юборсак. Каклик, товушқон ёки кийик гўштлиридан бир тотайлик, кейин Чамбилга жўнаймиз. Подшо амри – вожиб, орқага йўл йўқ, фақат олдинга юрамиз, – деди.

Икки амалдор келишиб, юз мерганни ажратиб, овга жўнатди. Ўзи ҳам мерганлар Гўрўғли ҳожи ва Омонхон ҳожи ётган улкан арчанинг устидан тайлаб жўнади. Буни кўрган икки ҳожи жадаллаб отланди ва “Тавакали Худо” деб тўманнайберди. Мерганлар икки ҳожини кўрган заҳоти милтиқлардан ўқ ўзиб, лашкарларга хабар бераберди. Шу палла отли, пиёда лашкар кўзғалиб, икки ҳожини ўртага қисиб жўнади, чапараста милтиқлардан ўқ узиб қува-қув бошланди. Давлат лашкарбоши “Кўйма Гўрўғлини” деб фармон бераётир, урра-ур бўлаётир, лашкар молоқдай бостириб келаётир, икки ҳожи: “Биз ўлсак ҳам розимиз, лекин Ғирот ўлмасин, хабаримизни Чамбилга етказди”, деб каловланиб қолаётир. Лашкарнинг бостириб келаётган жойи:

Бир нечалар карнай тортди,
Бир хиллари сурнай тортди.
Сонсиз лашкар саф-саф бўлиб,
Меҳнати бошидан ортди.

Қарамай-баланд пастига,
Гўрўғлининг пайвастига,
Очирқаниб тайлар лашкар
Икки ҳожининг устига.

Сонсиз лашкар босиб келар,
Писталини ўраб олар.

“Аттанг” дейди икки ҳожи,
“Оқбатим нима бўлар”.

Кўрганларнинг ақли шошиб,
Бир хил йўлидан адашиб,
Кўрқоқнинг юраги тошиб,
Жўнади майдон ичинда.

Бедовда ипак айиллар,
Борсанг ярашар сайиллар,
Пилта, милтиқ жазойиллар,
Отилар майдон ичинда.

Тоғ бетини чалди туман,
Ҳожиларга бўлди ёмон.
Қолармикан жангда омон,
Қочади майдон ичинда.

Бир-бирига тиклаб қараб,
Қувиб жўнади кўп араб,
Олтин коса, гулгун шароб,
Ичилди майдон ичинда.

Неча мардлар жондан кечиб,
Сув ўрнига қонлар ичиб.
Кўрқоқлари писиб қочиб,
Суринди майдон ичинда.

Адашганлар энди тобил,
Бири Ҳасан, бири Қобил,
Сирти пўлат катта добил,
Чалинди майдон ичинда.

Ҳайла, Гўрўғли кетди деб,
Катта жилғадан ўтди деб,
Майдонда жонни сотди деб,
Қувади майдон ичинда.

Ғирот ташлаб кетолмайди,
Бир отидан ўтолмайди,
Майдонда жон сотолмайди,
Ўйлайди эшон отини.

Алқисса, Давлатбой лашкарбоши бу ёндан, Оқбўта ясовулбоши у ёндан Ғўрўғли ҳожини эшони билан қамаб қувиб бораберди. Лекин Ғирот эшоннинг отини ўйлаб, орани ўзиб кетолмади, аҳвол жуда танг бўлди, ҳалокат жуда яқинлаша бошлади, Ғўрўғли ва эшони Оллоҳнинг омонатини топширишга яқин келган палла Ғўрўғли Ғиротига қараб, “Эшонни ташлаб кетмайик, унинг отидан ўтмайик, қариганда қўлни қонга ботирмайлик, лозим бўлса Оллоҳнинг омонатини топширайик. Сен жонивор мени ташлаб, кўзингни ёшлаб, Чамбилга қараб кетабер”, деб отдан таппа ерга тушди. Эшони пир ҳам отдан тушди, душмон эса оч бўридай яқинлашиб кела бошлади. Шу палла Ғирот олдинга чиқиб, думғўзани осмонга кўтариб, нарра қилди, бир-икки булғаб-булғаб сермади, думғўза ўн икки чақиримга чўзилиб кетди, балки Ширинбулоққа етди, кейин берман қаратиб тортди, ўртада одам юролмайдиган, қуш учиб ўтолмайдиган беҳад катта, учи-қуйруғи йўқ жарлик пайдо бўлди. Ғирот яна думини булғаб бу томонга отди, бу томонда ҳам одамнинг ақлу хуши кўрса учадиган катта жарлик пайдо бўлди. Лашкарлар эса икки катта жарликнинг ўртасида қолиб кетди, ҳеч томонга ўтадиган йўл йўқ, фақат орқага Ширвонга қараб юрса бўладиган йўл қолди. Давлат билан Оқбўта ўзи билан ўзи авораи сарсон бўлиб, бир хил лашкар жарга қулаб йиқилиб, калавасини йўқотган момодай бўлиб қолаберди. Ғўрўғли ҳожи билан эшони-пири Омонхон ҳожи катта хавфдан, ўлимдан Ғирот сабаб қутилиб қолди. Ғирот эса ўйноқлаб келиб, Ғўрўғлининг кўзидан оқаётган қувонч ёшларни ялаб, жоли билан елкасидан силаб, юзига гард кўнса пуфлаб, қоботида

айланаберди. Ғўрўғли ҳожи Ғиротининг самовий кучига қойил қолиб, жасоратини кўриб пешонасидан тавоф айлади. Икки ҳожи қайтадан таҳорат олиб, икки ракат шукрона номозини ўқиб, “Қайдасан, Чамбилбелим”, деб берман қараб жўнади, отларнинг кўзи ёнади, юртига омон-эсон етса икки ҳожининг меҳри қонади. Шунда Ғўрўғли:

Фармон арабдан қутилдик,
Ҳайданг, эшоним, ҳайданг.
Ширвонда бир оз тутилдик,
Ҳайданг, эшоним, ҳайданг.

Оллоҳдан бўлиб каромат,
Бизларга қилди иноят.
Иш кўрсатди Дол Ғирот,
Ҳайданг, эшоним, ҳайданг.

Қари одамда тил қолди,
Кўрган-кечирган мўл қолди.
Чамбилга яқин йўл қолди,
Ҳайданг, эшоним, ҳайданг.

Насиб энди Чамбил бориб,
Чоллар билан давра куриб,
Қарилик гаштини суриб,
Юрайлик энди, Омонхон,
Ҳайданг, эшоним, ҳайданг.

Алқисса, Ғўрўғли ҳожи эшони билан кеча-кундуз йўл тортиб, Асқар тоғнинг устига чиқди. Шунда кўзига Чамбил элати ойнадай ёрқиллаб кўринди, икки ҳожи чуқур-чуқур нафас олди, юрт шамолига гавараси кенгишди, кўзларидан қувонч ёшлари жимиллаб тўкилди. Икки ҳожи келаберсин, эндиги гапни Авазхондан эшитинг.

Авазхон шу кеча тушида Ғиротнинг ўлганини кўрди, шунда жойидан чориллаб туриб кетди-да, “Ҳа, эркак-

нинг туши чаппа келади, отам келибди-да”, деб Юсуфбекка етди. Ҳожиларга тарадду бошланиб кетди. Гўрўғли Ҳожининг келиши бир паслда юртга овоза бўлди. Шунда Юсуфбек сардор сарой амалдорларига фармон бераётган жойи:

Қаранглар ўнги сўлингга,
Калима жойла тилингга.
Яхши хабар келаётир,
Гургума Чамбил элингга.

Чори қўйлар-а сўйилсин,
Ширбоз гўшtlари уйилсин,
Қалама-патир қўйилсин,
Ҳушёр бўлинг-а, бекларим.

Кўчага сувлар сепилсин,
Қойқалоқ жойлар тепилсин,
Тандирга гўшtlар тиқилсин,
Ҳушёр бўлинг-а, бекларим.

Камбағалларга қарашинг,
Ночорнинг ҳолин сўрашинг,
Даврага гулдай ярашинг,
Ҳушёр бўлинг-а, бекларим.

Мен ҳам тураин сўзимда,
Қатор бўб тулинг изимда,
Эли юрт бўлсин таъзимда,
Ҳушёр бўлинг-а, бекларим.

Гўрўғли Ҳожи келмоқда,
Қайтадан Чамбил тўлмоқда.
Яхши бир хабар бўлмоқда,
Ҳушёр бўлинг-а, бекларим.

Алқисса, Чамбилбелда Юсуфбек ва Авазхон бошлиқ Ҳожиларни кутиб олмоққа тайёргарлик кўраберсин, гапни Гўрўғли Ҳожи ва эшони-пир Омонхондан эшитинг.

Чамбилни кўрган Дол Ғирот гулдираб-гулдираб, чўзиб-чўзиб, калла чайқаб икки марта кишнади. Ғиротнинг гулдираган довуши бутун Чамбил юрти бўйлаб, кўнғировдай жаранглади. Ғиротнинг кишнаётганини эшитган Чамбил юрти аҳолиси Ғиротнинг овозини таниб, жоппа-жовлик Гўрўғли Ҳожини кутиб олишга шошилаберди, кўча-кўчага одам тўлди, Чамбил кўрғонининг атрофларини одам босиб кетди. Ана шунда Гўрўғли Ҳожи ва Омонхон Ҳожи Асқартоғдан берман қараб, нишаблайберди. Чамбил кўрғонига яқинлашган Гўрўғли Ҳожи тумонат одамни кўриб, қувончдан юраги ёниб, кўзига жўра ёш келиб, Омонхон Ҳожига қараб шундай деди:

– Эй пирим, одамларни қаранг, қанча-қанча мамлакатларни олдим, неча марталаб сулув қизларни, париларни Чамбилга келтирдим, карвон-карвон олтин кумушларни четдан олиб келиб, ҳазинага тўктирдим, эли-юртимга олтин тангаларни сочдим. Неча марта зафар кучиб, ғолиб бўлиб келганимда ҳам амалдорларимдан бошқа биронта одам олдимга чиқиб “Зафар муборак” демаган эди. Омонхон, исломнинг кучини қаранг, мусурмончиликни қаранг, ҳамма қутловга кўчиб чиққан, бошим ер узра таъзимда, – дейберди.

Шунда эшони пир Омонхон:

– Тақсир, исломнинг нури ўткир қиличнинг дамидан ҳам ўткир, ҳам чароғон экан-да, – деди.

– Худди шундай, пирим, шунча дунё тўпладим, бойлигимнинг ҳисоб-китоби йўқ, саксондан ортиқ шаҳарни қўлга киритдим, қиз ўрнига пари кучдим, лекин ҳаммаси фарзандимнинг тирноғининг ўрнини босолмади. Дунёда шунча бойлик билан бефарзанд бўлиб, фарзанд доғида куйдим, – деди Гўрўғли Ҳожининг қўлқаси тўлиб.

Гурас-гурас эл-эломон чиқиб, ҳожиларни қутлади,
 ҳожилар отдан тушиб пиёда келаберди, халқ уларнинг
 оёғининг остига то Чамбил саройигача паёндоз тўшади,
 кела-келгунча чачала сочиб келаберди, икки ёнда кар-
 най-сурнайлар чалиниб, Чамбилни қувонч нури қоплади,
 бу элда қирқ кеча-кундуз тўй бўлди. Лекин тўйга Аҳмад
 қари келмади. Гўрўғли султон кўпнинг ичида Чамбил
 мамлакатининг подшоҳлигини Авазхонга топширди.
 Тўйнинг бир четида ўтирган савлатли бахши Гўрўғли ҳо-
 жининг Ҳожи тўйини шундай қуйлаб, мурод-мақсадига
 етказиётган жойи:

Эй ёронлар, биродарлар,
 Тарих кўрмаган иш бўлди.
 Ном кўтарган зўраборлар,
 Элатнинг кўнгли хуш бўлди.

Гўрўғли султон ҳаж бўлиб,
 Қариганда кўнгли тўлиб,
 Жойномоз олди қўлига,
 Бош имом бўлиб элига,
 Қарилик гаштини сурди.
 Ҳар бир кунда хушёр турди,
 Бу кунлар ҳам, дўстлар, ўтди,
 Нечов келиб, нечов кетди.

Соқи ушлади Ғиротди,
 Гўрўғли топди муродни.
 Гўрўғли шундай ўтади,
 Мурод-мақсадга етади.

Валихон пирнинг авлоди,
 Ибодуллахон фарзанди,
 Омонхон етди муродга,
 Яшаб келади ҳаётда.

Фольклоршунос оғам Жаббор,
 Менга деди: – Ака, гап бор.
 Дўмбирани ушласангиз,
 Эринишни ташласангиз,
 Келажакни ўйласангиз,
 Яхши дoston сўйласангиз.
 Ёзиб олиб кетай кентга,
 Мен етказайин Тошкентга”.

Жаббор ака шундай деди,
 Маслаҳатимиз бир бўлди.
 Шундан ёзилди бу дoston,
 Маслаҳат чиқади дўстдан.

Жаббор Эшонқул бор бўлсин,
 Худойим унга ёр бўлсин.
 Ўқиганлар юзга кирсин,
 Набаралар даврин сурсин.

Юртимиз яна гулласин,
 Худо барака мўлласин.
 Юртбошимиз омон бўлсин,
 Минг йил шундай замон бўлсин.

Тўра Мирза кўп яшасин,
 Юзлардан нормон ошасин.
 Бахшига берди эътибор,
 Юраклардан кетди ғубор.

Жабборжон, ўтинг рухсатга,
 Доим етайлик мақсадга.
 Катта тоғларда қор бўлсин,
 Ҳаммага Худо ёр бўлсин.

Алқисса, шундай қилиб дoston тугади.

ЛУҒАТ

Адми – одми, оддий.
 Адоқ – паст, пастлик жой.
 Айдахар – аждарҳо.
 Аждаҳор – аждарҳо.
 Ангишлайбермоқ – аланглаш маъносида.
 Ақириб – айқириб, ўзбошича тенгсалиб маъносида.
 Бад амал – ёмон қилиқ.
 Байим – Байим – ҳаққим, навбатим.
 Бепорим – ножўя фаросатсизларга айтилган.
 Бойнаги – бояги, яқинда кўрган.
 Бош эга – хўжайин, эр, бошлиқ.
 Бошот бўлмоқ – бош бўлмоқ, эга бўлмоқ.
 Буганда – бўлганда.
 Бузмакор – ишни бузувчи.
 Бўмаса – бўлмаса.
 Бўған – бўлган.
 Гавжираб – қип-қизил чўғ бўлиб деган маънода.
 Ганада – гоҳи-гоҳида.
 Гўшак (вушак) – ёлғон.
 Дайинма-дайин – дақиқама-дақиқа.
 Дал – айтилдима, бажарилиши шарт.
 Добир – 1. Довруқ, донғи, овоза, шону шавкат. 2. Оёқ товуши.
 Душғолда – олдимизда, ёнимизда деган маънода.
 Дўнади – ёпирилмоқ.
 Десиёр – дастёр, хизматкор.
 Жайланиб – ёйилиб, эмин-эркин оқиб.
 Жала – ёмғир.
 Жазаба – бадани дирилламоқ.

Жездам келди – отнинг секин, майин йўрғалиб чопишига берилган ном.
 Жела – одамга ёки қушга ташланадиган ипдан тўқилган тўр.
 Жийдириб – йиғиб, тўплаб.
 Жозивот – текислик ёки кенг майдон.
 Жоврин, жовурн – елка.
 Жонага – тепага, қияликка, юқорига.
 Жоғалаб – ёқалаб.
 Жуйруғи – англовчи, башоратчи ва тез топувчи.
 Жумалаб – юмалаб.
 Заранг – дарахт.
 Зийни – зехни, ақли, фаҳму фаросати.
 Меҳтар – теридан қилинган сув идиш.
 Монгини – семизини, этлисини.
 Моновсираб – 1. Гандираклаб, ўзини билмаганга олиб. 2. Манмансираб.
 Морқалар – 1. Мард, ботир. 2. Бой. 3. Пишиб етилган, роҳатижон.
 Моташтириб – бир-бирига қўшиб.
 Мурут – мўйлов.
 Каркараги – эски қилиғи ёки касали.
 Калаба – калава, урчуқда игирилган, юмалоқ ип.
 Касрига – гуноҳига.
 Кўклаб – отиб ташламоқ.
 Ийиқ – ияк, тумшук.
 Иноқ – яқин, қалин, дўст бўлиш.
 Исмгар – ўта сезгир, кашмири.
 Ияриб – эргашиб.
 Лунгги салла – катта қилиб ўралган салла.
 Лошланди – тамом бўлди, ниҳоясига етди.
 Норжоқ – нариги ёқ, нариги томон.

Обло – Оллоҳ маъносида.
 Обойлаб – эҳтиёт бўлиб.
 Овдариб – Овдариб – ағдариб, ўқиб, тиловат қилиб.
 Овуб – оғиб, қийшайиб кетиш.
 Одми – оддий, содда, ҳаммага таниш.
 Олағда бўлмоқ – хавотир олмоқ.
 Онгдан – Онг – қўққисдан, тўсатдан.
 Онтолайсан – ҳолсирайсан.
 Онталаб – очирқаниб, аланглаб, емраниб.
 Онгиллаб – довшининг борича кишнамоқ.
 Орувлайди – тозалайди деган маънода.
 Очув – аччиқ, жаҳли чиқмоқ.
 Оювдай – айикдай.
 Паном – паноҳим, эгам, қаровчим маъносида.
 Равшанлар – кўзлар.
 Саб – сара, танланган.
 Сан билига – сен биларсанга, ўзи биларга.
 Сап – сара.
 Сатта – гала, сара.
 Сонглар – солинглар, эшитинглар. Қулоқ сонглар.
 Сомбирдамоқ – асосиз гапирмоқ, чала-чулпа гапирмоқ.
 Тайлоқ – той улоқ, кўпкарида ўртага ташланган улоқ.
 Тағи – яна.
 Тоба қилади – миннат қилади.
 Такакидан – чармдан, мол терисидан.
 Тири – шериги, тенг келадигани, йўлдоши.
 Тобин – яқин, тегишли, қарашли.
 Толпоса – ҳар томонга ўзини урмоқ.
 Тонади – тан олмайди, гапидан қайтади.
 Топирдаб – чапараста оёқ босиб.

Туғилмоқ – пайдо бўлмоқ.
 Туба – баландлик, тепалик.
 Туби орқаси – охири, бош-адоғи.
 Туркаб – жойидан туриб.
 Тусмол – ўхшатиш, чамалаб, гумонсираб айтиш.
 Тутоқди – важоҳатга келди.
 Тўманнаб – юқорилаб маъносида.
 Тўпирдаб – йиқилиб, оғанаб ёки қирилиб.
 Тўрлиқ – бошга ташлаб, қўлга туширадиган, асир оладиган тўр.
 Тўталаб – йўлни ростлаб, йўлни ўнглаб.
 Улоғиб – улоқиб, адашиб кетмоқ.
 Ушоқлар – болалар маъносида.
 Уқатиб – уқалаб тушириб.
 Учқалоқлаб – довдираб, оёғини яхши босолмай.
 Хеззанглаш – тезлашиш.
 Шинак – писиб ётадиган жой.
 Шиши тўқ – назари тўқ маъносида.
 Шобир – товуш, овоз, сас.
 Шобири – бу ерда от ва одамнинг оёқ, туёқ товуши маъносида.
 Чачала – ширинлик сочмоқ.
 Чийир – арқонни кирмов қилиб, қаттиқ қилиб боғлаш.
 Чагам – жой номи.
 Чакар – хизматкор.
 Чилбир – туркманнинг чўли.
 Чопонжиртар – ўта аж одам.
 Чотма – ипдан тўқилган буюм, тўр.
 Чўччанглаш – учадиган қушдай ўзини ҳар ёққа урмоқ.
 Чочлайсан – тозалайсан.
 Энмоқ – тушмоқ, бориб қўйилмоқ.
 Эти собин – ҳисоб-китобин.

Ҳамирай – ҳамроҳ, шерик, йўлдош.
 Ҳавлика – безовта бўлмоқ.
 Ҳавор – текислик, кенглик.
 Ҳаворда – текис жойда, далада.
 Ҳилол – каклик тури.
 Ҳоймиғар – ҳайиқади, қўрқади.
 Ҳулқаш – кўнгли.
 Қаботида – ёнида, ёнбошида.
 Қабартиб – қўллар жуванни қаттиқ ушлаганидан қизариб қолгандаги ҳолат.
 Қалтис – хавфли.
 Қобталимда – ёнимда, ёнбошимда.
 Қобизға олмоқ – қисувга олмоқ.
 Қоруви – гапнинг хонаси, ўроли.
 Қонгги – жой номи.
 Қотайганда – каттарганда, ақлини, эсини таниганда.
 Қойқалоқ жой – сувланмай қотиб қолган жой.
 Қулли – муборак, қуллуқ бўлсин.
 Қуборди – юзи тундлашди.
 Қуршашиб – қуршаб, ўртага олиб.
 Қўриқ – селга, ажриқли жой.
 Қўр жемади – амалга ошмади.
 Қўзғалоқ – қўзи-улоқ.
 Қўри – чўғ, чўқ маъносида.
 Қўри келмади – гапи маъқул бўлмади, омади чопмади.
 Қўширди – қувширмоқ, ёпмоқ, қўлларини кишанламоқ.
 Ғози – уруш, жанг.
 Ўтилиб – ўтиб, шамолдай ўтмоқ.

МУНДАРИЖА

Жаббор Эшонқулов, Абдиолим Эргашев
Янгиланаётган азалий анъаналар.....3

Малла савдогар.....15
 Гўрўғлининг сафари.....216
 Луғат.....322

Адабий-бадиий нашр

ГҶРЎҒЛИНИНГ САҒАРИ

Достонлар

Айтувчи: Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор Раҳимов

Ёзиб олувчи, нашрга тайёрловчи,
сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Ж.Эшонқулов, А.Эргашев

Муҳаррир Дилрабо Мингбоева
Бадиий муҳаррир Беҳзод Зуфаров
Мусаҳҳиҳ Иқбола Исамуҳамедова
Саҳифаловчи Азамат Қажумов

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
“ADABIYOT NASHRIYOTI” МЧЖ

Нашриёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

☎ (+98) 127-30-04. e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2022 йил 10 октябрда рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.
Шартли босма табоғи 12,44. Нашриёт босма табоғи 11,0.
Адади 1000 нусха.

“AZMIR NASHR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.



"ADABIYOT"



ISBN 978-9943-7658-3-2



9 789943 765832